

0-76  
Қ.С.Содиков

# Ұқувчилар физиологияси ва гигиенаси



Қ. С. СОДИҚОВ



# ЎҚУВЧИЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ ВА ГИГИЕНАСИ

Ўзбекистон республикаси Ҳалқ таълими  
жарлиги педагогика олий билимгоҳлари  
тадабори учун ўқув қўйлганма сифати-  
да тавсия этган

ТОШКЕНТ  
«ЎҚИТУВЧИ»  
1992

*На узбекском языке*

КАБИЛ САДЫКОВИЧ САДЫКОВ

**ФИЗИОЛОГИЯ И ГИГИЕНА УЧАЩИХСЯ**

*Учебное пособие для студентов  
педагогических институтов*

*Ташкент «Ўқитувчи» 1992*

Муҳаррир *Н. Иноятова*

Бадиий муҳаррир *Н. Е. Митирёв*

Техмұхаррир *С. С. Турсынова*

Мусахиды *Махсудова М., Эргашева Х.*

ИБ 5427

Теринига берилди 09.05.90. Босишга рухсат этилди 30.12.91. Формати  $84 \times 108/12$ . Тип. қогози № 2. Кегли 10, шпопсиа. Литературнаға гарнитураси. Ўқори босча усулида босилди. Шартлар б. л. 10.08. Шартлар кр.-отт. 10.34. Нашр. л. 10.3. Тиражи 6000. Зак. № 117. Баҳоси 2 с.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. Навоий 19—302—90.

Шартнома

Ҳабекистон республикаси Матбуот даиқлат комитетининг Янгийўл китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1991.

Ингиольская книжная фабрика Госкомпечати Республики Узбекистан, г. Ингиль, ул. Самаркандинская, 44.

C 75

Содиқов К. С.

Ўқувчилар физиологияси ва гигиенаси. Пед. олий билимгоҳлари талабалари учун ўқув қўлл., Т., «Ўқитувчи», 1992. 192 б.

Садыков К. С. Физиология и гигиена человека.

ББК 57.31 + 74.200.54

C  $\frac{4105010000-213}{353 (04) 92}$  101—92

(C) «Ўқитувчи» нашриёти, 1992 й.

ISBN 5—645—01200—3

## **ЕШ ФИЗИОЛОГИЯСИННИГ ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ**

Физиология биологиянинг бир тармоғи бўлиб, органлар, органлар системасини ва организм функцияларини ҳамда ҳаёт жараёнларини ўргацади.

Ёш физиологияси турли ёшдаги организмларнинг ривожланиши жараёнида органлар системаси ва бутун организмда содир бўладиган ўзгаришларни ўргацади. Бола организми фақат катта одаминг ёш қолипи бўлмай, балки ҳажми, физиологик хусусиятлари ва ташқи муҳитга мослашиши билан фарқ қиласди. Бинобарий, педагоглар таълим-тарбия ишларини ёш физиологияси маълумотларига асосланган ҳолда олиб боришлари муҳим аҳамиятга эга. Мактабда жисмоний тарбия, меҳнат дарсларида, ижтимоий-фойдали меҳнатда, соғломлаштириш ишларида болалар ва ўсмирларнинг анатомик-физиологик хусусиятларини албатта ҳисобга олиш керак. Ёш физиологияси бола психологиясининг ёшга хос хусусиятларини тушунишда муҳим аҳамиятга эга.

## **МАКТАБ ГИГИЕНАСИННИГ ПРЕДМЕТИ ВА АҲАМИЯТИ**

Гигиена ташқи муҳит шароитининг одам соғлиғига таъсирини ўрганадиган фапдир. Гигиена фани мактаб гигиенаси, коммунал гигиена, овқатланиш гигиенаси, меҳнат гигиенаси, эпидемиология ҳамда гигиенага оид бошқа фанларни ўз ичига олади. Мактаб гигиенаси болалар ва ўсмирлар организми билан ташқи муҳит ўртасидаги қонуниятларни ўргацади, уларнинг эсон-омон тўғри ўсиши, ривожланиши учун зарур гигиена асосларини ишлаб чиқади. Мактаб гигиенасининг асосий мақсади бола меҳнат қобилиятининг функционал имкониятлари ортиб бориши, умумий иммунологик реактивлиги, турли шароитта мослашиши ва бошқа хусусиятларга таъсир этиш ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, болалар муассасаларининг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, мактабларни тўғри қуриш, ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнининг гигиеник асослари ва шунга ўхшаш бошқа масала-

лар билан шугулланади. «Умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларини ислоҳ қилиш ҳақида»ги қарорда мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбиясини яхшилаш, дарсларни енгиллаштириш, саломатликни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилади, мактабга болалар б ёшдан қабул қилина бошланди, бироқ ҳозирги кунда бу масала қайта кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, аста-секин синф ўқувчилари сонини 1 — 9-синфларда 30, 9 — 11-синфларда 25 тага тушириш мўлжалланмоқда. Ислоҳотда меҳнат таълимига алоҳида эътибор берилган.

Санитария одам саломатлигини таъминлайдиган гигиена талабларини ҳётга татбиқ этади. Санитария сўзи гигиеник маълумотларни амалиётга татбиқ қилиш маъносини билдиради. Гигиенада табиий эксперимент усули асосий усул бўлиб, у организмга ташки мұҳитнинг ҳар томонлама таъсирини ўрганади.

Физиологик, гигиеник тадқиқотлардан олинган маълумотлар математик усулда қайта ишланиб, далиллар янада ойдинлаштирилади. Табиий гигиеник эксперимент усулида бола учун табиий яшаш шароитида (дарс соатлари, жисмоний машқлар, спорт ва оддий ўйинлар ва бошқаларда) организм билан атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, табиий омилларининг бола организмига таъсирини кузатиб, шу ёшдаги болаларга анатомик-физиологик имкониятларига қараб тегишли нормалар белгиланади.

1958 йилда Прагада бўлиб ўтган гигиенистлар II халқаро съездиде мактаб гигиенаси болалар ва ўсмирлар гигиенаси деб аталди.

1970 йилдан бошлаб саломатлик ҳақидаги қонун кодекси—соғлиқни сақлаш ҳақидаги асосий қонун кучга кирган. Бу қонунинг 41-моддасига биноан, болалар муассасаларида тарбиялашетган ва мактабларда ўқиётган болалар соғлигини мустаҳкамлаш ҳамда уларга гигиеник тарбия беришга қаратилган барча шароитни яратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Бу қонунда ҳар бир одам ўз саломатлигини асраб-авайлаши уқтирилган. Гражданларнинг ўз соғлиғига муносабати уларнинг шахсий иши эмас, балки давлат, жамоатчилик иши эканлиги, одамларни санитария маданияти ва зарурий гигиеник одатларга ўргатишини тарбиялаш муҳимлиги кўрсатилган. Санитария-эпидемиология идораларининг фаоллиги туфайли заводлар, фабрикаларда иш жойла-

ри, мактабларда эса синфлар озода, яхши шамоллатилган ва ёруғ бўлиши керак. Одамлар тўғри овқатланиши, кун тартиби ҳақида доимо ғамхўрлик қилиши шарт.

Гигиенанинг муҳим бўлимларидан бири шахсий гигиенадир. Ёшлидан бошлаб, то умрининг охиригача одам тўғри гигиеник тавсияларга риоя қилса, ҳамиша сиҳат-саломат бўлиб юради ва узоқ умр кўради. Соғлом ота-онадан соғлом бола туғилиши азалдан маълум.

Гигиенанинг асосий вазифаси одамнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсиши ва ривожланиши, жисмонан ва руҳан етук бўлиши, ҳормай-толмай узоқ йиллар давомида ишлаб юриши, фаровон ҳаёт кечириши учун қулай шароит яратиб беришдан иборат. «Тани сиҳатлик — туман бойлик», «Соғлигинг кетди — бойлигинг кетди», «Соғ танда — соғ ақл», «Пулингни йўқотганинг, ҳеч нарса йўқотмаганинг, вақтингни йўқотганинг, кўп нарса йўқотганинг, соғлигингни йўқотганинг, ҳамма нарсани йўқотганинг» деган халқ мақоллари бежиз айтилмаган.

1985—86 йилдан бошлаб 8-синф ўқувчиларига 17 соатлик «Гигиена ва саломатлик дарслари» киритилган. Янги ўқув программасида 8-синфда ўтиладиган «Гигиена ва саломатлик» курси дарсликнинг айрим бўлимларига киритилган. Ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида 9—10-синфларда «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» курси ўқитилади.

Ушбу ўқув кўлланима педагогика олий билимгоҳларининг талабалари учун мўлжалланган бўлиб, улар болалар ва ўсмирлар физиологияси ҳамда гигиенаси ҳақидаги билимларни эгаллаб, етук педагог бўлиб этишишида муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар ота-оналар, болалар ва ўсмирлар физиологияси ҳамда гигиенаси масалаларидан қашчалик хабардор бўлсалар ва бу билимларни ҳаётда татбиқ этсалар, келажак ёш авлод шуунча зуваласи пишиқ, ақли тиниқ, сиҳат-саломат, баркамол шахс бўлиб ётишади.

# **БОЛАЛАР ВА ҰСМИРЛАР ҰСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИННИГ ҮМУМИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

## **ХУЖАЙРАНИНГ ТУЗИЛИШИ**

Ұсимлик ва ҳайвонлар организмидаги ядро ва цитоплазмадан ташкил топған түзилма ҳужайра деб номлады. Электрон микроскоп кашф этилиши билан ҳужайраннинг таркиби ва ҳужайрадаги моддалар алмашинуви ўрганила бошланды. Ҳужайралар шакли, ташқи, ички түзилиши ва бажарадиган функциясига кўра бир-бираидан фарқ қиласди. Ҳужайралар шарсимон, дуксимон, призмасимон, кубсимон ва бошқа шаклларда бўлади. Одам ҳужайрасининг ўртача вазни  $10^{-7}$  дан  $10^{-5}$  г гача бўлади.

Ҳар бир ҳужайра цитоплазматик мембрана, цитоплазма, ядро, ҳужайра органоидларидан ташкил топған. Ҳужайра мембранны 3 қават түзилишга эга, ҳар бири тахминан 25 А қалинликда бўлади. Ҳужайра мембранны ҳужайраннинг ташқи ва ички муҳити орасидаги моддалар алмашинувини бошқаради ҳамда турли ионларни танлаб ўтказиш хусусиятига эга.

Ҳужайра органоидларига маҳсус түзилишга эга бўлган ва маълум функция бажарадиган түзилмалар киради. Улар эндоплазматик тўр, рибосомалар, Гольжи комплекси, митохондриялар, лизосомалар ва центросомалар, яъни ҳужайра маркази ва ҳоказолар.

Эндоплазматик тўр жуда кўп пайча, пуфакча-вакуолалар, гранулаларни ҳосил қилган мембранныдан иборат. Эндоплазматик мембрана ҳам турли моддаларни танлаб ўтказиш хусусиятига эга.

Рибосомалар оқсиллар синтезида иштирок этувчи ҳужайра органоидларидан бири ҳисобланади. Улар ҳужайралар таркибида бўлади. Вояга етгани эритроцитларда рибосомалар бўлмайди.

Гольжи комплекси қўш қават мембрана билан қопланган йирик вакуолалардан ва майдага пуфакчалардан иборат. У қандай функция бажариши тўлиқ аниқлашмаган.

Митохондрияларнинг таёқчасимон, донадор, ипсисимон шаклдагилари бўлиб, диаметри 0,5 мкм, узунлиги 7 мкм гача. Улар ферментлар ва витаминаларга бой бўлиб, сони 50—500 тагача етади, икки қават мембрана билан қоп-

ланган. Митохондриялар ҳужайрани энергия билан таъминиловчи кўпгина химиявий реакцияларда иштирок этади.

Лизосомалар мембранага эга бўлган ва диаметри 0,2—0,8 мкм келадиган тузилмалардир. Лизосомаларда озиқ моддаларни парчалайдиган ҳар хил ферментлар сақланади.

Ядро атрофида жойлашган органоид ҳужайра маркази деб номланади. У ҳужайра бўлишишида муҳим роль ўйнайди. Ядро цитоплазмадан мембрана орқали ажраблиб туради. Ядронинг шакли, ўлчами кўпроқ ҳужайраларининг шакли ва ўлчамига боғлиқ бўлади. Ядро мембраннынг тешниклари бўлиб, цитоплазмадаги оқсиллар шу тешниклар орқали ядрога, ядронинг моддалари эса цитоплазмага ўтади.

Мембранинг остида ядронинг ярим суюқ моддаси—ядро шираси бор. Унда хромосомалар ва ядрочалар жойлашади. Ядро таркибида хромосомалар мавжуд. Улар организмнинг ўзига хос бўлган барча биологик белгиларини ирсий йўл билан наслдан-наслга ўтказади. Ҳужайра бўлинишидан олдин хромосомалар яхши кўринади. Хромосома ипчалари таркибига дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) киради. ДНК нуклеотидлардан ташкил топган. Ҳар бир нуклеотид нитрат кислота асослари (пурин ёки пиримидин), углерод компонентлари (рибоза ёки дезоксирибоза)дан ва фосфат кислотадан иборат. Ҳозирги вақтда ДНК орқали ҳужайрадан-ҳужайрага ва организмдан-организмга ирсий ахборот ўтказилиши исботланган.

Ҳужайрада ДНК дан ташқари, рибонуклеин кислота ҳам бўлиб, унинг информацион ёки матрица (*и*-РНК ёки *m*-РНК); рибосома (*p*-РНК); транспорт (*t*-РНК) турлари фарқ қилинади. РНК да ДНК даги барча азот асослари сақланади, фақат тимин ўрнини урацил эгаллади.

*p*-РНК асосан ядрочаларда ҳосил бўлиб, у рибосома шаклланишида иштирок этади. *p*-РНК асосан ядрочаларда ҳосил бўлади. ДНК да РНК пинг юқори полимерли комплементар молекулалари *и*-РНК ни синтезлаш ва цитоплазмага ўтказиш йўли билан амалга оширилади, *и*-РНК молекуласи 500 тадан ортиқ, *t*-РНК молекуласи эса 80 та нуклеотид сақлади. 150 та аминокислотадан оқсил молекуласининг синтезланиши 1,5 минут давом этади. Оқсил синтезида эса 20 та аминокислота иштирок этади. Ҳужайранинг асосий функцияси моддалар алма-

шинуви, ҳаракатланиш, таъсиrlаниш ва кўпайишидан иборат.

Ҳар бир ҳужайрадаги моддалар алмашинувисиз организм ҳаёт кечира олмайди. Ташқи муҳитдан моддалар кириши, уларниңг оддийроқ моддаларга парчаланиши, ўзлаштирилиши ва чиқинди моддаларнинг чиқариб юборилиши ҳар бир тирик организмга хос хусусиятдир. Ўзлаштиришнинг бу хусусияти, яъни янги моддалар ҳосил қилиниши *ассимиляция* деб юритилади, моддаларнинг парчаланиш жараёни эса *диссимиляция* дейилади. Организмга кирган оқсиллар, ёғлар ва углеводлар аввал парчаланиб, оддий моддаларга айланади, сўнгра ҳужайралар томонидан турли мақсадлар: овқатланиш ва бошқалар учун фойдаланилади, бунда организм учун керак бўлмаган чиқинди моддалар ҳосил бўлади. Ҳужайрадаги ассимиляция ва диссимиляция жараёплари доимо бир хилда кечавермайди. Бу жараёни организмга кирган моддаларнинг миқдори ва сифатига боғлиқ бўлади.

Барча ҳужайралар, тўқималар, организмлар кўпайиш хусусиятига эга. Тирик организмлар кўпайиш орқали ўзига ўхшаш организмларни ҳосил қиласди. Ҳужайра икки хил: оддий ва мураккаб бўлинниш йўли билан кўпаяди.

Оддий бўлинниш, яъни амитоз ипсимон тузилмасиз бўлиннишdir, бунда аввал ядрочалар чўзилади, сўнг протоплазма ва ядрочалар иккига бўлиннишидан иккита қиз ҳужайра ҳосил бўлади. Мураккаб бўлинниш—митоз, яъни кариокииз бўлинниш 4 босқичда амалга ошади.

Ҳозирги замон биологияси ва медицинанинг асосий муаммоларидан бири ирсият масаласидир. Ҳужайра ва генетик аппаратни ўрганиш соҳасида кейинги 20 йилда кўпгина кашфиётлар қилинди. Чех олимни Грегор Мендель бундан 100 йил аввал ўсимликлар устида турли тажрибалар ўтказиб, ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганди. Афсуски, унинг илмий тадқиқоти ўз замондошлари томонидан етарли баҳоланимади. Голланд олими Де Фриз Г Мендель тажрибаларини қайта таҳлил қилиб, унинг тадқиқотларини тўла-тўқис тасдиқлади. Шундай қилиб, Г Мендель тадқиқоти олимлар томонидан тан олниди ва генетика фанига асос солди.

Ирсият ўсимлик ва ҳайвон организмлар эволюцион ривожланишининг асосий, ажратиб бўлмайдиган хусусияти ҳисобланади. Организм ирсиятини ўрганмай туриб, наслдан-наслга ўтадиган касалликларнинг табиатини

билиш, уларнинг олдини олиш ва даволаш мумкин эмас. «Ирсият ота-онага хос биологик хусусиятларнинг наследдан-наслега ўтишини таъминлашдаи ташқари, ҳар бир алоҳида организм учун маълум муҳит шароитида қатъий тартиб билан шаклланиб борадиган ўзига хос белги ва сифатларнинг ривожланиши, шунингдек, моддалар алмашинувининг ўзига хос кечишини ҳам таъминлайди»<sup>1</sup>.

Ирсий белгилар ташқи муҳит таъсирига жуда чидами бўлади. Организм яшайтган муҳит шароитига қараб, ирсий белгиларнинг сифати ўзгариши мумкин. Ирсий белгиларнинг бу хилда ўзгариши мутация деб аталади. Ирсий белгиларнинг наследдан-наслега ўтишида ядро таркибидаги хромосомалар катта роль ўйнайди.

Ядро бўлиниши жараёнида ҳужайрада таёқчасимон ташачалар — хромосомалар вужудга келади. Одамнинг жинсий ҳужайраларида хромосомалар сони 23 та бўлади. Хромосомалар оқсиллар ва нуклеин кислоталарнинг йирик молекулаларидан ташкил топган. Ирсий белгилар информасиясининг кодлари оддийроқ бирикмалар — дезоксирибонуклеин кислоталарда сақланади. Хромосомаларнинг сони турли ўсимлик, ҳайвонлар ҳужайраларида турлича бўлади.

ДНК нинг молекуляр структурасида тур ва индивидуумнинг барча белгилари шифрлаб қўйилган. Хромосомаларда генлар тизма шаклида жойлашган бўлиб, унинг айрим қисмини ташкил этади. Шундай қилиб, ҳужайра ядросида сақланган хромосомалар ва ДНК ота-онадаги асосий белги ва хусусиятларни наследдан-наслега ўтказувчи асосий тузилма ҳисобланади.

1871 йили студент Гамм ва олим Левенгук эркак жинсий суюқлигига жинсий ҳужайралар — сперматозоидларни топдилар. Сперматозоид сўзи уруғлик, жоли-вор деган маънени англатади. Сперматозоидлар жинсий безларда (уруғдонда) етилади.

Ургочи жинсий ҳужайраларнинг (тухум ҳужайралар) тараққиёти овогоний дейилади. Тухум ҳужайралар кўпинча юмaloқ шаклда бўлади ва уларда моддалар алмашинуви бошқа ҳужайралардагига қараганда тез бора чи. Тухум ҳужайралар кўпайиб, охирида ривожлана бошлиди. Кўпайишдан тўхтаган ёш тухум ҳужайралар биринчи тартиб овоцитлар деб аталади. Тухум ҳужайра

<sup>1</sup> Тўракулов Е.Х. Ҳозирги замон биологияси ва ирсият масалалари. «Фан» нашриёти, Т., 1969.

цитоплазма, ўзак ва пўстдан иборат. Цитоплазмада марказий танача, органондлар ва киритмалар бор. Тухум ҳужайрадаги сариқ модда эмбриошинг ривожланиши учун зарур озуқ маңбаи ҳисобланади.

**Тухум ҳужайранинг уруғланиши.** Эркак ва ургочи жинсий ҳужайраларининг ўзаро қўшилиши *уругланиши* дейилади. Уруғланиши натижасида зигота ҳосил бўлади, зиготадан эса эмбрион вужудга келади. Бир турдаги ҳайвонлар чатиштирилса, уларнинг насли заиф ёки ўлик туғилади. Аксинча, жинсий ҳужайралар бир-биридан қанча узоқ бўлса, бир-бирига қон-қариндош бўлмаса, зиготада ички қарама-қаршилик юз беради, натижада зигота ривожланади. Насл белгилари турлича бўлган жинсий ҳужайралар қўшилса, пайдо бўлган янги организм насл белгиларига бой бўлади ва янги шароитга тез мослашади.

Барча организмлар ташқи муҳит шароитига мослашади. Муҳитнинг ўзгариши организмнинг ўзини ҳис этиши ва фаолиятини ўзгартиради. И. М. Сечевовнинг фикрича, организм ташқи муҳитениз яшай олмайди. Организм дейилганда, унга ташқи муҳит тушучаси ҳам киради. Шу билан бирга организм ташқи муҳитга актив таъсир этиб, уни ўзгартира олади ва ўзига хизмат қилдиради.

Табиийки, боланинг ўсиши ва ривожланиши ташқи муҳит шароитига боғлиқ. Масалан, нимжон бола бекаму кўст ҳаёт шароитида яхши ўсади, ўқишига улгуради. Соғлом бола ёмон ҳаёт шароитида ўсса, ўқишидан орқада қолади, касалликларга чалиниб туради, жисмоний ривожланишдан орқада қолади. Боланинг ривожланишига ирсий омиллар таъсир этади. Ичкликтоз, муҳтожликда яшайдига, организмга заарарли ноқулай муҳит шароитида меҳнат қилгаш ота-оналардан тугилган болалар ақлий ва жисмоний жиҳатдан заиф бўлиб ривожланади. Бола хоҳ уйила, хоҳ мактабда ноқулай шароитда тарбияланса, саломатлиги ёмонлашиб бораверади.

## ТҮҚИМАЛАР

Тузилиши, келиб чиқиши ва функцияси бир-бирига ўхшаш бўлган ҳужайралар тўплами *тўқима* деб аталади. Организмдаги ҳамма тўқималар 4 груплага: эпителий (қопловчи), бируктирувчи (таянч-трофик), мускул (мушак) ва нерв тўқималарига бўлинади.

**Эпителий тўқимаси.** Эпителий тўқимаси бир қаватли ва кўп қаватли бўлади. Бир қаватли эпителий тўқимаси бир қаватдан тузилган юпқа пластинка шаклидаги ҳужайралардан ташкил топган. Бу тўқима ҳужайралари шаклига кўра ясси, кубсимон ва цилиндрсимон эпителийга бўлинади; эпителий тўқималари функциясига кўра, тебранувчи (киприкли), безли, тери ва ичак эпителийсига бўлинади.

*Кўп қаватли эпителий тўқимасида ҳужайралар бир неча қават жойлашган бўлиб, уларнинг шакли ҳам ҳар хил.*

**Таянч-трофик, яъни бириктирувчи тўқима.** Бу тўқима асосан организмнинг ички қисмини ташкил этиб, мезенхима куртагидан ҳосил бўлади. Бириктирувчи тўқима уч группага: қон ва лимфа тўқимаси, тоғай ва суяқ тўқимаси (зич бириктирувчи тўқима), силлиқ мускул тўқимасига бўлинади.

*Қон ва лимфа тўқимаси* эмбрионал ривожланишда томирлар билан бирга бир вақтда пайдо бўлади. Қон суюқ бириктирувчи тўқима бўлиб, қон плазмаси суюқ қисм ва шаклли элементлардан ташкил топган. Қон плазмаси рангиз тиниқ, бир оз ёпишқоқ суюқлик, таркибида оқсиллар, углеводлар, ёғлар, минерал тузлар ва бошқа моддалар бор. Қон плазмаси қон шаклли элементларининг ички муҳити ҳисобланади. Қонда уч хил элемент: қизил қон танаачалари (эритроцитлар), оқ қон танаачалари (лейкоцитлар) ва қон пластинкалари (тромбоцитлар) бўлади. *Эритроцитлар* икки томони ботиқ диск шаклидаги ҳужайралар бўлиб, таркибида гемоглобин тутади. Гемоглобин кислород билан бирикиб, мустаҳкам бўлмаган оксигемоглобин ҳосил қиласи. Илика яратилаётган ўш эритроцитларда ядро бўлади. Қон томирларга тушган эритроцитларда ядро бўлмайди. Эритроцитлар ҳужайралари кислородни бириктириб олиб, организмдаги барча ҳужайраларга етказиб беради, карбонат ангирид гази ҳам қисман гемоглобин ёрдамида ўпка орқали ташқарига чиқарилади. Ўрта ўшдаги эрекларнинг  $1 \text{ mm}^3$  қонида ўрта ҳисобда 5 млн, аёлларда эса 4,5 млн дона эритроцит бўлади.

*Лейкоцитлар* ҳар хил шаклдаги рангиз ҳужайралар бўлиб,  $1 \text{ mm}^3$  қонда 6—8 минг дона бўлади. Лейкоцитлар иккига бўлинади: донадор ва донасиз. Донадор лейкоцитлар цитоплазмасида маҳсус доналар бўлади. Улар бўялишига қараб, нейтрофил, эозинофил ва базофил лейкоцитларга бўлинади.

Донасиз лейкоцитларга лимфоцитлар билан моноцитлар киради. Лейкоцитлар турли микроб ва ёт моддаларни ютиши (фагоцитоз) хусусиятига эга. Бу хусусият организмни турли касалликлардан ҳимоя қилишида, яъни иммунитет пайдо бўлишида катта аҳамиятга эга.

**Тромбоцитлар** юмалоқ, овал, потўғри кўпбурчак шаклдаги қон пластинкалари бўлиб, эритроцитларга қараганда 3—4 марта майда. Улар бир-бирига ёпишиш хусусиятига эга бўлиб, асосан қон ивишида иштирок этади.

**Лимфа** плазма ва шаклли элементлардан иборат. Унда эритроцитлар бўлмайди. Лимфа организмда моддалар алмашинуви жараёнида иштирок этади. Лимфа суюқлиги лимфа томирлари системасида ҳаракатланади.

**Зичлашмаган бириктирувчи тўқима.** Бу тўқиманинг ҳужайраларо эластик коллаген моддаси толалардан ва шу толаларни қамраб олуви аморф моддадан ташкил топган. Асосий моддада фақат фибробластлар жойлашади. Фибробластлардан ташқари, анча-мунча гистооцитлар ҳам бўлади. Зичлашмаган бириктирувчи тўқима орган тўқималари билан қон ўртасидаги звено бўлиб, органларниң озиқланишига таъсири этади. Бу тўқимада эластик коллаген толалар бўлганидан улар таянч вазифасини ўтайди.

**Ретикуляр тўқима** талоқ, лимфа тугуллари, кўмиканинг асосини ташкил этади. Бошқа ҳужайралари ҳам бўлади. Бу тўқима ҳужайралари юлдузсимон шаклда. Қон томирлари деворида ҳам ретикуляр тўқима учрайди.

**Ёғ тўқимаси** ҳужайралари юмалоқ бўлиб, ичиди ёғ томчиси бор. Бу тўқима органлар орасидаги бўшлиқларни тўлдириб, уларни силкинишдан сақлайди, эластик бўлиб, иссиқликни ёмон ўтказади. Ёғ тўқимаси организм учун запас озиқ ҳисобланади.

**Пигментли тўқима** протоплазмасида пигмент доначалари бўлади. Бу тўқима ёргоқ терисида, сут безлари сўрғичида, кўзнинг рангдор пардасида ва рангдор томирли пардаларида учрайди.

**Зич бириктирувчи тўқима** ҳужайра элементларига қараганда кўпроқ толали тўзилиши ва зич жойлашиши билан бошқа тўқималардан фарқ қиласи. Бу тўқима иккига: **шаклланмаган зич бириктирувчи тўқима ва шаклланган зич бириктирувчи тўқимага** бўлинади. Шаклланмаган зич бириктирувчи тўқима терида таянч

вазифасини ўтайди. Шаклланган зич бириктирувчи тўқимада коллаген толалар маълум бир тартибда жойлашган, бу тўқимага пайлар мисол бўлади.

*Тоғай тўқимаси* тоғай тўқимаси ҳужайралари билан асосий моддадан тузилган. Асосий модданинг тузилишига кўра, гиалин тоғай ва эластик тоғайлар фарқ қилинади. Гиалин тоғай бошқа тоғайларга қараганда кўпроқ учрайди. Нафас йўлларишинг тоғайлари, кўпчилик бўғин тоғайлари, бурун учи, қовурғаларнинг олдинги томони гиалин тоғайдан тузилган. Умуртқалараро тоғайлар, бўғин ичидаги минсклар толали тоғайдан тузилган. Қулоқ супраси, ҳиқилдоқ тоғайларининг бир қисми эластик тоғайдан тузилган.

*Суяк тўқимаси.* Суяк тўқимасининг асосий моддасига оҳак тузлари шимилганидан у анча қаттиқ бўлади. Бу тўқимада органик моддалар кўп, шунинг учун у жуда қаттиқ. Суяк тўқимаси пластинкалардан ва ингичка коллаген толачалардан тузилган. Суяк тўқимасидаги остеон каналлар концентрик шаклда жойлашган суяк пластинкаларида тузилган.

Суяк ҳужайралари *остеоцитлар* деб номланиб, уларнинг юлдузсимон шаклдаги жуда кўп ўсиқлари бўлади. Суякдаги остеон пайчалардан қоп томирлар ва нервлар ўтади.


*Мускул тўқимаси.* Бу тўқима толалари протоплазмасида қисқариш ҳусусиятига эга бўлган табақаланинг махсус ингичка толалар (миофибриллар) бўлади, ана шу билан у бошқа тўқималардан фарқ қиласиди. Организмда *силлиқ* ва *кўндаланг йўлли* мускул тўқималари бор; силлиқ мускул тўқимаси ички органлар, томирлар системасида бўлади, кўндаланг йўлли мускул тўқимаси скелетдаги суюкларни қоплаб туради. Мускул тўқимаси мезенхимадан ривожланади. Силлиқ мускул тўқимасининг ҳужайралари дук шаклида, ҳужайралари цитоплазмасида овал шаклдаги ядро бор. Миофибрил толалари бир-бирига параллел жойлашган бўлиб, қисқариш ҳусусиятига эга.

Кўндаланг йўлли мускул тўқимаси ички органлардан баъзилари (ҳалқум, қизилўнгач, тил, ҳиқилдоқ) доворида учрайди. Бу тўқиманинг узунилиги бир неча сантиметрга етади. Кўндаланг йўлли мускул толалари қисқарувчи моддаси мускул толаларининг миофибрилларида изотроп ва анизотроп заррачалар жойлашганидан микроскопда кўндаланг йўлли бўлиб кўринади.

Бу заррачалар шурин турлича синдиради. Юракнинг мускул тўқимаси ҳам кўндаланг йўлни мускул тўқимасига ўхшайди.

**Нерв тўқимаси.** Нерв тўқимаси ташқи муҳит таъсирида ички органларда рўй берадиган таъсиротни, яъни қўзғалиш, турли сезгилар, нерв импульсларини ўтказиш функциясини бажаради. Нерв тўқимаси нейрон ва ёрдамчи структура-нейроглиядан тузилган. Нейроглия кўп ўсиқли ҳужайралардан иборат. Нейроглия ҳужайралари орасида нерв ҳужайралари жойлашган. Нейроглия ҳужайралари нейроціларга писбатан таянч-трофик функцияни ўтайди. Нейрон бир нечта ўсиги бўлган нерв ўсимталари ва нерв ҳужайраси танаасидан иборат. Узуни ўснклар *нейритлар*, калта ўсиқлар *дендритлар* деб аталади.

Нерв ҳужайралари турли шаклда (юлдузсимон, юмалоқ, овал ва поксимон) бўлади. Улар нерв системасининг турли қисмида жойлашган. Нерв ҳужайрасидан чиққан нейритининг узунлиги ҳар хил, баъзилари бир метр ва ундан узун бўлади. Калта толалари кўп тармоқли, бир нечта бўлади. Нерв толасини ёғсимон моддадан тузилган миётини парда, устини эса Швани пардаси—неврилемма ўраб туради. Миелин парда нерв толасининг баъзи қисмида бир оз торайиб, Раивье боғламларини



1-расм. Нерв ҳужайрасининг турлари.

(бўғимларини) ҳосил қиласди. Бу пардалар нерв толалини бир-биридан ажратиб туради ва ҳимоя вазифасини бажаради.

**Тўқималарнинг ҳосил бўлиши.** Ёш организм ривожланар экан, ундаги ҳужайралар сони кўпаяди ва табақаланади. Ҳайвонлар ва одам ташқи муҳитга мослаша бориши билан организмдаги тўқима ва ҳужайралар ҳам ўзгарамади.

Эмбрион қаватлари — эктодерма, эндодерма ва мезодермадан ҳосил бўлиб, тўқима ва органларга табақаланади. Эктодермадан нерв тўқимаси, терининг эпителий қавати ҳосил бўлади. Эндодермадан овқат ҳазм қилиш органларининг шиллиқ қавати, нафас йўли ва сийдик пулфагининг шиллиқ қаватларини қопловчи эпителий, овқат ҳазм қилиш органларининг шиллиқ қаватларидағи безлар, сўлак безлари, жигар, меъда ости бези ҳосил бўлади. Мезодермадан қонининг шаклли элементлари, спиллиқ мускуллар ва қон томирлари пайдо бўлади.

### ЖИНСИЙ ҲУЖАЙРАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Етилган эркак жинсий ҳужайраларининг ривожланиши сперматогенез дейилади. Бу жараён жинсий балогатга етишдан бошлаб, организмининг жинсий активлиги сақлашгунча давом этади. Сперматозоидлар эркак жинсий безларининг бурама пайчаларида ҳосил бўлади. Сперматозоид ўзининг ҳаракатланиш ва қўшилиш қобилиятини 5 кунгача сақлайди.

Аёлларда бир жуфт тухумдан бўлиб, у бачадоннинг ҳар икки томонида жойлашган. Тухумдонининг катталиги 3—4 см, қалилиги 2 см. Унда тухум ҳужайра етилиб чиқади. Тухум ҳужайра ядро ва протоплазмадан ташкил топган. Қиз бола тухумдонида 40000 дан 50000 тагача бирламчи фолликулалар бўлади.

Қиз бола балогатга етган вақтидан бошлаб турмушга чиқиб, то туғишдан қолгунга қадар ҳар ойда тухумдонида 450—500 та фолликула етилади, булардан эса тухум ҳужайралар етилиб чиқади. Тухум ҳужайралар фолликуляр суюқлик билан бирга қорин бўшлиғига тушади ва бачадон пайига томон йўл олади. Жинсий алоқа вақтида найшининг воронка қисмида тухум ҳужайра 1 ёки 2 та, баъзан 3 та сперматозоид билан уругланади.

**Ҳомиланинг ривожланиши.** Ҳомиладорликнинг биринчи ҳафталарида эмбрион қобиги ривожланади, биринчи ойнинг охирига бориб, эмбрионнинг катталиги 10

мм га етади, иккинчи ойнинг охирида 3 марта, 4-ойнинг охирида 30 марта катталашади, 9-ойнинг охирида 470 мм бўлади. Ҳомила вазни тез орта боради. З ойликда 20 г, 6 ойликда 600—700 г, 9 ойликда 2400—2500 г бўлади.

**Онтогенез назарияси.** Бу назария ҳужайра, тўқима, организмнинг қариши, онтогенетик етилишими ўрганиади. Қариш организмдаги бир-бирига боғлиқ бўлган ёшга алоқадор узлуксиз ўзгаришлар натижасидир. Бундай ўзгаришлар жуда эрта бошланади. Ҳозирги кунда онтогенез ҳақида 150 дан ортиқ назария мавжуд. Баъзи олимлар фикрича, онтогенезда оқсиллар ўзгариши, бошқа назарияга кўра, моддалар алмашинуви натижасида заҳарли моддаларнинг тўпланиб қолиши муҳим роль йўнайди ва ҳоказо.

ОНТОГЕНЕЗДАГИ МУҲИМ ФАКТОРЛАРДАН БИРИ МОЛЕКУЛАДА БЎЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАРДИР. З ёшдан 40 ёшгача перв ҳужайраларида РНҚ молекулаларининг сони ортиб боради, 55—60 ёшгача ўзгармай туради, сўнг камая боради. Ёш ортиши билан организм ҳужайраларида РНҚ, ДНҚ молекулаларида ўзгариш содир бўлади, эндоплазматик тўрнинг структураси ўзгаради. Ҳужайралар цитоплазмасида полирибосомалар сони ўзгариб боради: илк ёшлик даврида полирибосомалар барча рибосомаларнинг 83% ни ташкил этса, қариликда эса 72% ни ташкил этади. Митохондрияларнинг ўрни алмашинади. Ўсишнинг интенсив даврида митохондрияларнинг янгиланиши жараёни боради. Организм кексайган сари митохондриялар алоҳида комплексга бирикиб, ядродан ажрала бошлайди.

Организм ҳужайраларининг баъзилари бир неча минут ёки соат, бошқа ҳужайралар узоқроқ янайди. Организмнинг баъзи, масалац, жигар, буйрак ҳужайралари қайта тикланиш, асли ҳолига қайтиш хусусиятига эга.

## БОЛАНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Ўсиш ва ривожланиш барча организмлар, жумладан, одам организмни учун ҳам хос хусусиятдир. И. М. Сеченов «Организм тушуичасига ташқи муҳит тушуучаси ҳам киради» деган эди. Чунки организм ташқи муҳитсиз яшай олмайди.

Ўсиш деганда, тана ҳужайраларининг кўпайиши натижасида тирик организм ҳажмининг, моддалар масса-

сининг ортиши тушунилади. Умумий ўсиш тана скелетининг ўсиши ва ривожланишига боғлиқ.

Организм бир-бирига боғлиқ бўлган қонуният асосида ўсади ва ривожланади. Шунга қарамасдан, бола баъзан тез ўсиши ёки ривожланишдан орқада қолиши мумкин. Тухум ҳужайра уруғлангандан бошлаб одам ривожлана бошлайди, бу жараён то умрининг охиригача давом этади.

Эмбрионнинг ривожланишини *эмбриология*, турли ёш даврларини эса *герантология* фани ўрганади. Боланинг ривожланиши деганда, эмбрионнинг етук организма айланиши тушунилади.

### Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари

Жисмоний ривожланиш кўрсаткичларига бўйнинг ўсиши, вазн, бош айланаси, кўкрак қафаси айланаси киради.

**Тана вазнининг ёшга қараб ўзгариши.** Янги туғилган қиз болаларнинг ўртача вазни 3,3 кг, ўғил болаларники эса 3,4 кг бўлади. Боланинг вазни туғилгандан кейинги биринчи ойда 600 г, иккинчи ойда 800 г ортади. Бир яшар боланинг вазни 6—7 кг бўлади. 2 ёшда бола вазнига 2,5—3,5 кг қўшилади. 4, 5, 6 ёшларда бола вазнига ҳар йили 1,5—2 кг қўшилиб боради. 7 ёшдан бошлаб унинг вазни тез ортиб боради. Айниқса жинсий балоғат ёшида ўсмири вазнига ҳар йили 6—7 кг дан қўшилиб боради.

**Болаларда ёшга қараб бўйининг ўзгариши.** Янги туғилган боланинг бўйи 48—50 см бўлади. Бир йилда боланинг бўйи 25 см га узаяди. 2, 3 ёшида бўйи ҳар йили 8 см дан чўзилади, 4 дан 6 ёшгача ҳар йили 5—7 см ортади. Жинсий балоғат ёшида ҳар йили ўсмирнинг бўйи 7—8 см га ортади.

**Бош мия ва кўкрак қафаси ўлчамларининг ёшга қараб ўзгариши.** Янги туғилган бола бошининг айланаси кўкрак қафасининг айланасидан катта бўлади. Янги туғилган чақалоқ бошининг айланаси 34 см, кўкрак қафаси айланаси 33 см бўлади. Бола ҳаётининг биринчи йилида бошининг айланаси 12 см бўлади, кейин ҳар йили 2 см дан ортиб боради, 6 ёшда бола бошининг айланаси 51 см, 10 ёшда 52 см, 15—16 ёшда 53 см бўлади.

**Тана пропорцияларининг ўзгариши.** Янги туғилган бола бошининг узунлиги тана умумий узунлиги-


нинг 1/4 қисмини, 2 ёшда 1/5 қисмини, 6 ёшда 1/6 қисми ташкил этади. Янги туғилған бола құлларининг узунлиги оёқлар узунлигига тенг бўлади.

Бошқа органларга қараганды бош мия тезроқ ўсади. Янги туғилған болада катта одамникига нисбатан бош миянинг вазни 25%, 6 ойлигидаги 50%, 2,5 ёшда 75%, 5 ёшда 90%, 10 ёшда 95% ни ташкил этади.

Бутун ривожлапиш даврида оёқлар узунлиги 5 марта, құлларники 4 марта, гавда эса 3 марта ортади.

Бола бир ёшгача жуда тез ўсади. Айниқса балоғат ёшида ўсмирининг бўйи, вазни, кўкрак қафасининг айланаси жадал ўсади. 10—13 ёшда қизларининг вазни тез ортади, ўғил болаларда 12 ёшдан 15 ёшгача масса ошиши тезлашади. Қизларда бўйнинг ўсиши 17—18 ёшда, ўғил болаларда 19 ёшда тўхтайди. 11 ёшгача қиз болаларнинг ўсиши ўғил болалар билан бир хилда боради, бироқ 11 ёшдан бошлаб қизлар ўсишда ўғил болалардан ўзиб кетади. 15—16 ёшдан эса ўғил болалар қизларга нисбатан тез ўса бошлайди. Болаларниң жисмоний ва ақлий жиҳатдан ўсиши ва ривожлапишида, юқорида айтиб ўтилганидек, турмуш шаронти, мактабдаги меҳнат фаолияти, жисмоний машқлар, касалликлар билан оғргани муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, об-ҳаво шаронти, иқлим шаронти, қуёш радиацияси ҳам уларининг ўсиши ва ривожига таъ-



2-расм. Ёшга қараб тана пропорцияларининг ўзгариши.

сир кўрсатади. Болалар ёз фаслида (июль—август) ойларида хусусан тез ўсади. Агар бола ёшлигидаи мунтазам равишда жисмоний машқлар, спорт билан шугулланса, сиҳат-саломат бўлиб яхши ўсади. Табиийки, бола организми, унинг органлари уйғун ривожланиади. Масалан, бола нафас олиш органларининг такомилланувин юрак-қон томирлар системасининг ривожланишига, перв системаси функцияларининг шаклланиши, ҳаракат органлари фаолиятига ижобий таъсири қиласди ва аксендча мускуллар системасининг ривожланиши перв системасининг такомиллашувига олиб келади. Ўсини ва ривожланиш организмда кечадиган ассимиляция ва диссимилияция жараёнлари асосида содир бўлади. Катта одам организмидаги ассимиляция ва диссимилияция жараёнлари маълум даражада мутапосиб равишда боради. Ўсаётган организмда эса ассимиляция жараёнлари диссимилияция жараёнларига нисбатан жадал кечади.

Одамниң жисмоний ривожланиши ва танаси ҳажмининг ортиб бориши масаласи билан педагог, врач, антрополог ва социологлар шугулланади. Бу «жисмоний ривожланишдаги силжиш» деган атама билан аталади ёки «акселерация» (тезлашиш) дейилади. Акселерация ёш авлодниң руҳан ва жисмонан тез ўсишидир. Олимлар 6—14 яшар болалар ривожланишда 100 йил илгари яшаган тенгдошларидан ўзиб кетаётганлигини айтадилар. Сўнгги 100 йил ичидаги янги туғилган чақалоқларининг бўйи 5—6 см га, кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларниң бўйи 10—15 м га, вазни эса 8—10 кг га ортди.

Хозирги вақтда акселерация кенг маънода «ескулурный тренд» дейиладиган бўлди. Бу кенг маънодаги тушунча бўлиб, у катта одамлар тана ўлчамларининг ортишини, одам умрининг узайишини, ҳайз кечроқ тугашини, руҳий функциялар ва одам ривожланишидаги бошқа ўзгаришларни ўз ичига олади.

Баъзи олимлар ультрабинафша нурларниң кучли таъсири болаларниң тез ўсишига сабаб бўлмоқда, десалар, бошқалари эса магнит тўлқинларининг ички секреция безларига таъсирини айтадилар. Яна бирлари буни космик нурларга боғлайдилар. Оқсиллар, ёғлар, минерал тузлар ва витаминларга бўлган эҳтиёжининг ортиши, генетик омиларни ҳам мисол қилиб келтирадилар.

Акселерация жараёнининг ижобий ва салбий томонларини бор. Одам умрининг узайиши, руҳан баркамол

бўлиши фойдали, албатта. Бироқ она қорнида ҳомилашинг катта бўлиб кетиши, ўлик бола туғилиши, нафас органлари касалликлари, сурункали тоизиллит, ревматизм, турли аллергик касалликларниң кўп учраши ёмои. Бу ёш авлод соғлигини мухофаза қилишини, таълим-тарбия ишларини, жинсий тарбия ва бошқа масалаларни тўғри йўлга қўйишни тақозо этади.

### ТУРЛИ ЁШ ДАВРЛАРИНИНГ ТАЪРИФИ

Богча ёшидаги болалар нозик уйғуланишга ҳаракатларни бажара олмайди. Қичик мактаб ёшида болаларниң мускул ҳаракатлари аниқ, нозик ва уйғун бўла боради. 6—7 ёшида нерв системасининг юрак ишига тормозловчи таъсири камая бошлайди. 15—16 ёшида суттишлар ўрнига доимий тишлар чиқиб бўлади. Ўрта мактаб ёшида бош миядаги ҳаракат зоналари ҳам ривожланиб бўлади. Нафас олиш сони, пульс сийраклашади, моддалар алмашинуви энди анча сустлашади.

Ўсмирлик даврига ўтиш бўйининг ўсиши, мускуллар вазинининг ортиши, мускул толаларишинг кўпайиши, улар кучининг ортиши билан характерланади ва ҳоказо. Бу даврда орқа мия билан бош миянинг вазни катталар бош ва орқа миясининг вазнига тенглашади. Болаларниң ўсиши ва ривожланишига турли касалликлар билан оғрини ва ташки муҳит таъсири этади. Масалан, ҳаракат первларининг шамоллаши скелст мускулларининг, кўкрак қафасининг, ҳатто ички органларниң ривожланишдан орқада қолинига сабаб бўлади.

Мускул ҳаракати чекланган болаларда нафас олиш ва юракининг қисқариши худди ёш болалардагидек тез бўлади.

Турли ёшдаги болалардаги морфологик, физиологик ўзгаришларни ўлчаш *антропометрия* дейилади. Боланинг бўйи, вазни, кўкрак қафасининг айланаси, елкасининг кенглиги, ўпканинг тириклик сигими ва мускулларининг кучи асосий антропометрик кўрсаткичлардир. Катта ёшли одамининг вазни яши туғилган боланинг вазнига нисбатан тахминан 20 марта оғир бўлади. Катта ёшли одамда янги туғилган боладагига нисбатан юракининг вазни 15, мускуллар вазни эса 35—40 марта ортиқ, миянинг ўрғача вазни 390 г бўлса, катта одамларда 1480 г бўлади.

Баъзи органларининг вазни то умринг охиригача ўз-

гармайды. Эшитиш органидаги сүякчалар ва ярим айла-на каналчалар шунга киради.

Мактаб ёшидаги болаларнинг ақлий қобилияти турли ёнда ҳар хил бўлади. Баъзи болалар кичик мактаб ёшида ҳам жуда қобилиятли бўлади.

**Ёшлик даврлари.** Педиатрияда ёшлик даврлари қу-йндагича (А. П. Гундобин бўйича) фарқ қилинади:

1. Она қорнида ривожланиш даври. Бу даврда ҳомиланинг озиқланиши, нафас олиши, тана ҳа-порати ва бошқалар бевосита она организмига боғлиқ бўлади.

2. Гўдаклик даври (2—3 ҳафта). Бу даврда бола янги муҳит шаронтига мослашади. Илк бор мус-тақиқил равишда ўзи нафас ола бошлайди. Упкаси орқали қон айланади, овқат моддаларини ҳазм қиласди. Бола ту-филиши биланоқ кўриш, эшитиш, таъм билиш, тери сез-гиси ва бошқа анализаторлар актив ишлай бошлайди.

3. Эмизикили давр (1 ёшгача), Бу даврда боланинг бўйи 1,5 марта, вазни 3 марта ортади. Қалқонси-мон, айрисимон, гипофиз безларининг функцияси кучая-ди, биринчи нутқ реакциялари пайдо бўлиб, у айрим сўзларни талаффуз қила бошлайди.

4. Боғча ёшига бўлган давр (1 ёшдан 3 ёшгача). Бу даврда боланинг атроф мухиг билан муноп-сабати орта боради, у юради. Органлари, перв системаси такомиллашади.

5. Боғча ёши (3 ёшдан 7 ёшгача). Бу даврда боланинг атрофидаги нарса ва ҳодисаларни идрок этиш қоби-лияти ортади, мия пўстлогида жуда кўп янги шартли боғланишлар вужудга кела бошлайди. Суяқ, мускул сис-темаси, юрак-қон томир системаси такомиллашади.

6. Кичик мактаб ёши (7 ёшдан 12 ёшгача ёки 6 ёшдан 11 ёшгача). Бу даврда скелетнинг суюкланиши давом этади, тана пропорцияси ўзгаради, жигар, буйрак-лар, ўпка, юрак ва бошқа органларнинг тузилиши ва функцияси мураккаблашиб боради. Боланинг перв сис-темаси, айниқса олий перв системасининг фаолияти та-комиллашади.

7. Урта мактаб ёши (12 ёшдан 15 ёшгача). Бу давр бола бўйи тез чўзилиши, вазни ортиши, жинсий без-лари жадал ишлани билан характерланади.

8. Катта мактаб ва балоғат ёши (13—14 ёшдан 18—19 ёшгача қизлар, 15—16 ёшдан 19—20 ёшга-ча ўғил болалар). Бу даврда иккиламчи жинсий белги-

лар тез пайдо бўлади. Боланинг бўйи чўзилади, вазни ортади. Нерв системасида перв жараёнлари такомиллашади ва ҳоказо.

1965 йили Москвада РСФСР Педагогика фаплари академиясининг ёш физиологияси ва жисмоний тарбия институтида ёш даврларига бағишлиланган симпозиум ўтказилиб, унда барча ўқув, даволаш, илмий муассасаларда қўйидаги ёш даврлари схемасидан фойдаланиш тавсия этилган:

1. Янги туғилган давр	1—10 кун
2. Эмизикли давр	10—1 ёшгача
3. Гўдаклик даври	1—3 ёш
4. Биринчи болалик даври	4—7 ёш
5. Иккинчи болалик даври (ўғил болалар)	8—12 ёш
6. Иккинчи болалик даври (қиз болалар)	8—11 ёш
7. Ўсмирлик даври (ўғил болалар)	13—16 ёш
8. Ўсмирлик даври (қиз болалар)	12—15 ёш
9. Навқиронлик даври (қиз болалар)	16—20 ёш
10. Навқиронлик даври (ўғил болалар)	17—21 ёш
11. Етуклик I даври (эркаклар)	22—35 ёш
12. Етуклик I даври (аёллар)	21—35 ёш
13. Етуклик (тўлишган ёш) II даври (эркаклар)	36—60 ёш
14. Етуклик (тўлишган ёш) II даври (аёллар)	35—55 ёш
15. Кексалик ёши (эркаклар)	61—74 ёш
16. Кексалик ёши (аёллар)	56—74 ёш
17. Қариллик ёши (аёллар ва эркаклар)	75—90 ёш
18. Узоқ умр кўрувчилар	90 ёш ва ундан ортиқ

## НЕРВ СИСТЕМАСИ

### НЕРВ СИСТЕМАСИННИГ АҲАМИЯТИ

Нерв системаси асосан ташқи муҳитдан, ички органлардан келадиган турли ахборотларни қабул қиласди ва уларни марказий нерв системасига етказиб беради. Нерв системаси организмдаги барча органларни бир-бири билан боғлаб, организмнинг бир бутунилигини таъминлайди. Организмни ташқи муҳит билан боғлайди ҳамда уни ташқи муҳитга мослаштиради. Нерв системаси ёрдамида атроф муҳитдан турли сигналлар қабул қилинади, улар анализ ва синтез қилиниб, турли реакциялар билан жавоб қайтарилади. Нерв системаси ички секреция без-

ларида ишлаб чиқариладиган турли гормонларнинг қон орқали организмга кўрсатадиган таъсирини, моддалар алмашинувини бошқариб турди, ўсиш, ривожланишга таъсир этади. Бундан ташқари, нерв системасининг олий бўлимларида руҳий функциялар амалга оширилади. Йдрок этиши, фикрлаш, шутқ ва ҳоказолар олий нерв фаолияти билан бошқариб турилади.

Нерв системаси марказий (бош ва орқа мия), периферик (четда жойлашган) нервлар, уларнинг охирги аппаратларидан ташкил топган қисмларга бўлинади. Марказий нерв системасида нерв ҳужайралари (шайрон таналарининг) марказлари бор. Нерв системасининг периферик қисми асосан нервлардан, яъни толалар боғламидаи иборат бўлиб, бу толаларнинг ташаси (нерв ҳужайраси) нерв системасининг марказий қисмida жойлашган.

Нерв системаси шартли равишда иккига; соматик ва вегетатив нерв системасига бўлинади. Скелет мускулларини ва баъзи ички органларни (тил, ҳиқилдоқ, ҳалқум ва ҳоказоларни) таъминлаб турдиган нервлар *соматик нервлар* деб номланади. Соматик нерв системаси, асосан, организмни ташки муҳит билан боғлайди ва скелет мускуллари ҳаракатини бошқаради.

Вегетатив нерв системаси ички органларни (меъда, ичаклар, пафас олиш, сийдик-таносил органларини, ички секреция безлари, тери, юрак ва қон томирларини) нерв билан таъминлайди.

### **Қўзғалиш, қўзғалувчанлик, таъсиrlаниш тушунчалари**

Қўзғалувчанлик барча тўқималарга хос хусусиятдир. Тўқимани қўзғатиш учун маълум таъсиrlовчи бўлиши шарт, шундагина тўқимада моддалар алмашинуви содир бўлиб, тирик организм таъсирга қўзғалиш билан жавоб беради.

Мускул тўқимаси қўзғалгандага қисқаради, без тўқимаси қўзғалса, секрет ёки шира ажралади. Тўқимани қўзғатувчи таъсиrlовчилар физик, химиявий, механик, электрик, биологик ва бошқа турларга бўлинади.

Таъсиrlовчи келиб чиқшиига, орган ёки тўқимага таъсирига кўра адекват ва ноадекват таъсиrlовчиларга бўлинади. Муайян тўқима, ҳужайра, орган учун хос бўлган таъсиrlовчи *адекват таъсиrlовчи* деб аталади. Масалан, кўзниинг адекват таъсиrlовчиси ёруглик, мускулники нерв толасидан келадиган импульс ҳисобланади. Муайян орган, тўқима учун хос бўлмаган таъсиrlовчи-

лар ноадекват таъсирловчи деб аталади. Масалан, мускул тўқимаси нерв толасидан келаётган импульсдан ташқари, электр токи, туз, кислота таъсирида ҳам қисқариши мумкин. Булар ноадекват таъсирловчилардир.

## Нерв толаларининг тузилиши ва хусусиятлари

Парда билан қопланган нерв ҳужайралари ўсимтаси **нерв толаси** дейилади. Нерв ҳужайраси ўсимтасининг марказий қисми ўқ цилиндр дейилади. Нерв толалари миелинили ва миелинсиз бўлади. Миелинсиз нерв толалари фақат Шванин қават билан қопланган.

Нерв толасининг асосий хусусияти ўта қўзғалувчалик ва лабиллилик, моддалар алмашинувининг секин борини, нисбатан чарчамаслик ҳисобланади. Нерв толаларининг лабиллиги турлича бўлади. Баъзи нерв толалари ҳар лаҳзада бир неча ўнта импульс ўтказса, бошқалари 500 тагача импульс ўтказади. Қалин миелин қават билан қопланган нерв толалари ўта лабиллик хусусиятига эга.

Нерв толалари қўзғалганда, мускуллар қўзғалшиига нисбатан анча кам энергия ажралади. Ингичка нерв толалари йўғон толаларга нисбатан тезроқ чарчайди. Қейинги текширишларда нерв толасининг чарчаши исботланган. Нерв толаси чарчаганда биотокларнинг кучи ўзгаради. Қўзғалиш импульсининг тарқалиши 2—3 марта сусаяди. Нерв толаси маълум вақт оралигига келган импульсга нисбатан камроқ импульс ўтказиб, ўзининг чарчамаслигини таъминлайди.

Нерв толасидан чиқсан қўзғалиш тўлқинларининг ўтказилиши первнинг кейинги келадиган ҳар бир қисмидан юқори вольтли потенциаллар билан таъсиrlанишига боғлиқ. Қўзғалиш потенциаллари юмшоқ қаватли нерв толаларидан узлуксиз эмас, балки ўқтин-ўқтин тарқалади. Қўзғалиш тўлқинининг нерв толасидан ўтказилиши ўзидан олдинги ҳаракатланаётган юқори вольти потенциалларнинг ҳосил бўлишига боғлиқдир. Нерв толасидан таъсир ўтиши учун у физиологик нормал ҳолатда бўлиши шарт.

Нерв толаси қаттиқ совитилса ёки ўткир захарланса, нерв импульс ўтказмайди. Арадаш нервлар таркибидаги ҳаракатлантirувчи сезувчи нервлар эса импульсни бўлиб-бўлиб ўтказади. Импульсларни бу хилда ажралган ҳолда ўтказилиши первнинг миелин қават билан қопланишига сабаб бўлади.

электр органининг нервида исботлаган. Агар нерв толаси балиқ тапасидан ажратиб қўйилса, у 2—3 кундан кейин иобуд бўла бошлайди. Нерв толаси қирқилганда эса нерв ҳужайраси танаси томонидан ўса бошлайди. Нерв толасининг қайта тикланиши билан импульс ўтиши ҳам қайта тикланади. Марказий нерв системасининг нейроилари нерв толасидан импульсларни бир томонлама сезувчи рецептордан ишчи органга ўтказади. Бу нерв импульсининг сипапелар орқали ўтказилишига боғлиқ.

Қўзгалиш импульси қўзгалган тўқиманинг ҳамма қисмига бир текис тўла тарқалади. Бунига декерментеиз ўтказилиши дейилади. Нерв толаси қанча йўғон бўлса, қўзгалиши шунча тез ўтади. Нерв толалари йўғонлигига кўра, А, В, С группаларга бўлинади. А группага мислини қавати қалироқ, диаметри 12—22 мкм бўлган нерв толалари киради, улар орқали таъсиrot бир секундда 70—120 м/сек тезликда ўтади. Бу группа нерв толалари ўта электрик активликка эга. В группага вегстатив нерв системасининг миелинлашган баъзи толалари киради. Буларниң диаметри 1—3 мкм бўлиб, иссиқонли ҳайвонларда таъсири 3—14 м/сек тезликда ўтказади. С группа нерв толалари юмашоқ қаватсиз бўлиб, диаметри жуда кичик, буларга асосан симпатик нерв толалари киради.

**Нерв толаларининг миелинлашуви.** Аввал периферик нервлар, сўнгра орқа мия нервлари, кейинроқ бош мия сопинининг нерв толалари, ундан сўнг бош мия катта яримшарларининг толалари миелинлашади. Мислини қават ривожлангани сари нерв толасининг қўзгалувчанлиги орта боради. Она қорнида эмбрион 4 ойлик бўлгандан бошлаб, орқа ва бош миядаги нервлар миелинлаша бошлиди. Биринчи галда ҳаракат нервлари, сўнгра аралаш нервлар, ундан кейин орқа миянинг марказга интилувчи нервлари миелинлашади. Бола туғилганида ҳаракат нервлари миелин қават билан қисман ўралган бўлади.

Бола 1,5—2 яшар бўлганда бош миясидаги кўпгина нервлар, 2 ёшида эшитиш органи нервлари миелинлашиб бўлади. Кўриш ва тил-томуқ нервлари яни туғилган болаларда миелинлашмаган бўлади, 3—4 ёшда тўлиқ миелинлашади. Юз нервиининг тармоқлари ҳомилада она қорнидаётк миелинлаша бошлаб, бола туғилиши вақтига келганида тўлиқ тугайди. Уч ёшда бош миянинг нерв толалари миелинлашиб, функциялари мураккаблаша боради.

## ТИРИК ТҮҚИМАЛАРДАГИ БИОЭЛЕКТРИК ҲОДИСАЛАР

Түқима ҳужайраларидаги қўзғалиш вақтида қўзгалган соҳа билан нисбатан тинч соҳа ўртасида потенциаллар айрмаси содир бўлади. Қўзғалиш вақтида тирик түқималарда содир бўладиган электрик ўзгаришлар *биоэлектрик ҳодисалар*, яъни *биоэлектрик токлар* деб аталади. Биотоклар қуввати вақтнинг мингдан, ҳатто миллиондан бир бўлгаги билан ўлчанади. Бақанинг бирорта мускулини жароҳатлаб, шу жойга ҳамда соғ жойга гальванометр электродлари қўйилса, гальванометр мили бир томонга, яъни машифий заряд томонга ҳаракатланади. Мускулиниң жароҳатланган қисмида (+), жароҳатлашмаган қисмида (-) зарядлар ҳосил бўлади. Соғ қисм билан жароҳатланган қисм орасида ҳосил бўлган потенциаллар айрмаси *тинчлик токи* дейилади. Бу потенциаллар айрмаси кўп ўтмай йўқолиб кетади. Мускулда ҳосил бўлган тинчлик токи 1—2 мв, нервдагиси эса 30 мв бўлиши, мускулдаги тинчлик токи нервдагига нисбатан бир оз узоқроқ сақланиши мумкин. Биотокларни ўрганиш турли касалликларни аниқлашда ёрдам беради.

Юрак мускулларининг ҳаракат токлари электрокардиограф ёрдамида ёзиб олинади. Бу ёзув *электрокардиограмма* деб аталади. Меъдада ҳосил бўладиган ҳаракат токларини электрогастрографда ёзиб олинади, у *электрогастрограмма* дейилади. Бош миядаги ҳаракат токлари эса *электроэнцефалографда* ёзиб олинади.

### 3. РЕФЛЕКС — НЕРВ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ШАКЛИ

Нерв системасининг фаолияти рефлекстор тарзда амалга ошиди. Ички ва ташқи муҳит таъсиirlарига марказий нерв системаси орқали қайтариладиган жавоб реакцияси *рефлекс* деб аталади. Ташқи таъсиirlар энг аввало ўта сезгир периферик нерв учлари—рецепторлар орқали қабул қилинади. Нерв системаси ташқи таъсиir патижасида актив ҳолатга келиб, қўзғалишини жавоб қайтарувчи органга ўtkазади. Рефлекс терминини физиология фанига чех олимни Прохаски киритган. Рефлекс ёй, рецептор, марказга интилувчи нерв, яъни афферент нерв, нерв маркази (орқа ва бош мия), марказдан қо-

чувчи нерв, яъни эфферент нерв ва иш бажарувчи орган ёки эффектор органдан ташкил топган. Рецепторлар жойлашишига қараб ташқи — экстерорецепторлар ва ички — интерорецепторларга бўлинади.

*Экстерорецепторларга* тери, кўз, қулоқ, ҳид билиш, таъм билиш органларида жойлашган рецепторлар кирди, улар турли хилдаги ташқи таъсири қабул қиласди.

*Интерорецепторлар* эса ички органларда жойлашган, улар организмнинг ўзида ҳосил бўладиган таъсири қабул қиласди. *Проприорецепторлар* мускуллар, пайлар ва бўғимларда жойлашган рецепторлардир.

**Рефлекснинг турлари.** Жавоб реакцияси табиатига қараб рефлекслар: ҳаракат, секретор ва тропик рефлексларга бўлинади.

Ҳаракат рефлекслари организмдаги рефлексларнинг асосий массасини ташкил этади. Секретор рефлекслар, безлардан шира ишланиб чиқишини бошқаради.

Шартсиз ва шартли рефлекслар фарқ қилинади.

*Шартсиз рефлекслар* — туғма рефлекслар бўлиб, бола туғилганда намоён бўлади. Бу рефлекслар бола ҳаётида муҳим биологик аҳамиятга эга.

*Шартли рефлекслар* бола ҳаёти давомида шартсиз рефлекслар асосида ҳосил бўлади. Бу рефлекслар бола организмининг ташқи муҳитга мослашувида муҳим аҳамиятга эга.

## МАРКАЗИЙ НЕРВ СИСТЕМАСИННИГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нерв системаси нерв толаларидан келадиган турли хилдаги ташқи, ички таъсири қабул қиласди. Рефлексларнинг нерв марказлари нерв системасининг турли жойларида ўриашган. Битта нейрон бир нечта рефлексда иштирок этиб, турли нерв марказларида қатнашиши мумкин. Масалан, тил мускулларини таъминловчи нейронлар чайнаш, ютиш ва путқ органларининг рефлектор ҳаракатларида иштирок этади. Баъзи рефлексларнинг юзага келишида нерв системасининг турли бўлакларида иштирок этади. Масалан, нафас олиш ва нафас чиқариш рефлексларида узунчоқ миядаги нейронлар билан бирга, орқа мия, катта мия ярим шарларидаги нейронлар ҳам иштирок этади.

Нерв марказлари қўзғалиш, тормозланиш, йиғилиш, трансформация, майинлик, кислород таңқислигига чи-

дамсизлик, доминанта ва бошқа физиологик хусусиятларга эга. Нерв ҳужайралари бошқа тирик ҳужайралар каби ташқи ва ички мұхит омиллари, яғни таъсирилорчылар таъсирида типчлик ҳолатидан актив ҳолатга ўтиш хусусиятига эга. Нерв импульсы нейроннинг табиии таъсирилорчысы ҳисобланади. Нерв ҳужайраларининг мұхим хусусиятлардан бири құзғалишdir. Құзғалиш туфайли таъсирга тезда жавоб реакциясы пайдо бўлади. Құзғалиш вақтида тўқимада функционал, физик-химиявий ҳодисалар содир бўлади.

Нерв марказида маълум рефлекс амалга ошишида ёки бирор функция бажарилишида бир группа нейронлар иштирок этади. Бир группа нейронларнинг функционал бирикмаси *нерв маркази* деб аталади.

Нутқ функцияси, лаблар, ҳиқилдоқ ҳаракат мускуларининг нерв марказлари узунчоқ мия, ўрта ва бош мия катта ярим шарлари пўстлоғида жойлашган. Сўзлар маъноси тушуниладиган нерв маркази бош мия катта ярим шарларининг чакка қисмидә жойлашган. Бу марказ шикастлангандан одам сўзлар маъносини тушуниш қобилиятини йўқотади. Пешона қисм шикастлангандан одам нутқни тушунади-ю, лекин гапира олмайди.

Шуни айтиш керакки, янги тугилган чақалоқ нерв системасининг қўзғалувчалиги суст бўлади. 12 күнлик чақалоқ нерв марказларининг қўзғалувчалиги катта одамикига нисбатан кучлироқ бўлади. Лабилликининг ортишини ва хронаксиянинг камайини қўзғалувчалик ортишини кўрсатади. Бола нерв системасида моддалар алмашинуви жадал кечиши туфайли кислород таңқислигига жуда сезгир бўлади.

**Қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг бирлиги.** Нерв системасининг ҳар бир соҳаси, ҳар бир тирик ҳужайра ташқаридан бўлган таъсирга қўзғалиш ёки тормозланиш билан жавоб қайтаради. Марказий нерв системасидаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёnlари ўзаро ва маконда таъсир этади, яғни марказий нерв системасидаги турли марказлар ўзаро боғланади. Нерв системасида қўзғалиш жараёни тормозланиш жараёни билан алмашиниб, қўзғалиш тормозланишга, тормозланиш қўзғалишга ўтиб туради. Қўзғалишнинг нерв системаси марказларида тарқалиши иррадиация дейилади.

**Нерв жараёнларининг уйғунлиги.** Марказий нерв системасида бир гурӯҳ нейронлар ёки айrim нерв мар-

казлари қўзғалганда, иккинчи нерв марказлари тормозланган ҳолатда бўлади. Бир гуруҳ мускулларнинг нерв марказлари қўзғалиб, шу мускулларни қисқартиrsa, айни вақтда иккинчи гуруҳ мускулларнинг нерв марказлари тормозланади. Масалан, қўл панжасини мушт қилганда елка олдининг олдинги мускуллари қисқаради, айни вақтда елка олдининг орқа томонидаги мускуллар бўшашади, яъни букувчи мускулларнинг нерв марказлари қўзғалиб, ёзувчи мускулларнинг нерв марказлари тормозланади. Нерв системасидаги қўзғалиш ва тормозланиши жараёнларининг бу хилдаги ўзаро таъсири *үйғунлик* дейилади. Чап оёқни буқканда ўнг оёқнинг тизза бўгими ёзилади ва аксина.

**Доминанта.** Нерв марказларидаги доминанта хусусиятини 1923 йилда А. А. Ухтомский исботлаган.

Бир бутун рефлекс аппарати бир хил шаронтда ишлаб турганда кучли таъсир натижасида импульсларнинг нерв марказларida вақтинчалик тўпланиб, устунлик қилиши *доминанта* дейилади.

Оптимал куч ва оптимал ритмдаги қўзғалиш импульслари нерв марказларida юқори қўзғалиш ўчигини келтириб чиқаради. Нерв марказлари гуморал таъсир натижасида ҳам қўзғалади. Ўта қўзғалиши нерв марказида етилади. Шундай қилиб, устунлик қиласидиган қўзғалиш ўчиги пайдо бўлади.

Доминантада ўта қўзғалган нерв маркази бошқа нерв марказларидан устунлик қиласиди. Масалан, агар тизза рефлекси текширилаётган одамда тизза рефлекси яхши чиқмаётган бўлса, унга ўнг қўли панжасини чап қўли билан тортиш буюрилади, шу вақтда тизза рефлекси яхши натижа беради. Доминанта маркази марказий нерв системасининг барча бўлимлари фаолиятига таъсир этади. Қўзғалувчаник қанча кучли бўлса, доминанта маркази ҳам шунча тургун бўлади ҳамда шу нерв марказига келган импульслар шунчалик кўп тўпланиади. Нерв марказлари активлиги доимо бир хилда бўлмайди, рефлектор реакциянинг үйгун бўлишида бир гуруҳ нерв марказларига қараганди бошқа нерв марказлари актив бўлади. Доминантанинг асосий хусусияти қўзғалувчаник нерв марказларida юқори бўлиши, қўзғалиш тургунилиги, четки таъсирининг тўпланиши ва доминантанинг бефарқ бўлишидир. Доминантанинг вужудга келишидаги муҳим шартлардан бири нерв ҳужайраларининг ўта қўзға-

лувчанлиги ҳисобланади. Доминанта узоқ муддат сақланиб туриши мумкин. Лекин ҳамма марказлар ҳам доминанта ҳолатига келавермайди.

Доминанта битта нерв марказида эмас, балки нерв системасининг турли соҳаларида бир вақтда пайдо бўлиши мумкин. Масалан, мускул ишини бажаришдаги доминанта бунга мисол бўла олади. Мускул иши доминантасида мия пўстлоғининг турли қисмларида, пўстлоқ ости қисмларида кучли қўзғалиш вужудга келади. Доминанта олий нерв фаолиятига, одамининг руҳиятига боғлиқ бўлади, албатта.

Доминанта марказидан ташқаридаги рефлексларни вужудга келтирувчи бошқа таъсирловчилар доминанта га халақит бермайди, аксинча шу доминанта марказининг қўзғалувчанигини янада оширади, бинобарин, рефлекс ҳалқаларида тормозланиши кучайтиради. Нерв марказлари доминантаси педагогика ва психологияда жуда катта аҳамиятга эга. Ўқитувчилар ўқувчиларга таълим-тарбия беришда буни ҳисобга олини керак.

### **Иrradiация, индукция, қўзғалиш, тормозланиш, доминантанинг ёшга хос хусусиятлари**

Бола туғилгандан кейин марказий нерв системаси ташқи муҳит таъсири ва хулқ-атвор, нутқ туфайли ривожланиб боради. Янги туғилган ва кичик боғча ёшлидаги болаларнинг нерв системасида қўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнидан устун туради. Ҳаракат марказлари орқа ва бош мияда тез қўзғалиш хусусиятига эга, шу сабабли бу ёшдаги болалар серҳаракат ва ҳис-ҳаяжонга тўла бўлади.


Болаларда шартли рефлекс ҳосил бўлаётган даврда қўзғалиш шу шартли рефлексни ҳосил қилувчи анализатор марказига ҳамда қўшни анализатор марказларига тарқалади. Шартли рефлекснинг ҳосил бўлиши ва мустаҳкамланиши билан шартли таъсирловчига тааллуқли марказларга қўзғалиш ёйилади, қўшни нерв марказларига тарқалмайди. Масалан, болада бирорта товушга шартли рефлекс пайдо бўлса, шу товушга яқин товушлар ҳам шартли таъсирловчи каби таъсир этиб, шартли рефлекс ҳосил қиласди. Шартли рефлекс қанча мустаҳкам бўлса, қўзғалиш шунча кам тарқалади.

Гўдакларда қўзғалиш боғча ёшидаги болалардагига тисбатан анча кенг тарқалади. Боғча ёшидаги болаларда қўзғалиш марказлари тез алмашиниб туради. Шунинг учун бу ёшдаги болаларнинг ҳаракати ва диққати беқарор бўлади, узоқ давом этмайди. Боланинг ёши орта борар экан, доминанта марказларида вужудга келган қўзғалиш барқарор бўлиб, узоқ вақт қўзғалиб туради ҳамда таъсирлар йифиниди ортиб боради. Янги туғилган болада овқатга доминанта пайдо бўлади. Аста-секин айрим таъсирга доминанта марказлари вужудга кела бошлийди. Доминанта марказлари турғун бўлмайди ва доминанта узоқ давом этмайди.

## **НЕРВ СИСТЕМАСИ ТУРЛИ БУЛИМЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

**Орқа мия.** Орқа мия умуртқа каналида биринчи бўйин умуртқаси билан II бел умуртқаси оралиғида жойлашган бўлиб, катта одамда вазни 30—40 г, узунлиги 45 см га тенг. Янги туғилган болада 6—10 кг, узунлиги 13—15 см. Нерв ҳужайралари орқа миянинг кулраинг, перв толалари эса оқ моддасини ҳосил қиласиди. Орқа миянинг кўпдалаинг кесигида кулраинг модда капалак шаклида жойлашади, атрофида оқ модда бўлади. Кулраинг модданинг олдинги, орқа ва ён шохлари бор. Олдинги шохда ҳаракат нейронлари жойлашган, бу ердан ҳаракат нервлари чиқади. Орқадаги шохда сезувчи нейроилар бўлади, уларга сезувчи, яъни марказга итилувчи первлар киради. Орқа мияда бўйин, кўкрак, бел, думғаза сегментлари жойлашган. Орқа миянинг ҳар бир сегментидан бир жуфтдан ҳаммаси бўлиб 31 жуфт нерв толаси чиқади. Орқа мия З қават парда билан қопланган. Орқа миядан чиққан 31 жуфт нервлар гавда, қўл, оёқ мускуллари ва терини нервлар билан таъминлайди.

**Орқа миянинг функциялари.** Орқа мия қўзғалишини бош мия бўлакларига ўтказувчи марказий орган ҳисобланади. Орқа мия рефлектор ва ўтказувчи функциясини бажаради. Орқа мия скелет мускулларининг ҳаракат рефлексини амалга оширади. Орқа миянинг баъзи ҳаракат рефлексларига: тирсак, тизза, болдири, панжа рефлекслари мисол бўлади ва ҳоказо. Орқа мия ички органлар, юрак-қон томир, овқат ҳазм қилиш, айриш ва бошиқа системалар ишини ўзгартириб, вегетатив рефлексларни ҳам амалга оширади.



3-расм. Орқа миянинг кўндаланг кесими (чала схема)

1 — узунасига кетган олдинги тирқиши; 2 — орқа мия артерияси; 3 — орқа мия оқ моддае пинг олдинги устуни; 4 — орқа миянинг олдинги шохи; 5 — орқа мия кулранг моддасинири олдинги илдизи; 6 — орқа мия кулранг моддасининг ён шохи; 7 — оқ модданинг ён устуни; 8 — кулранг модданинг орқа шохи; 9 — орқа илдизи; 10 — орқа устуни; 11 — узунасига кетган орқа эгат; 12 — орқа милининг юмшоқ пардаси.

Орқа миянинг яна бир функцияси ўтказувчанликдир. Орқа мияда асосий кўтирилувчи ва тушувчи ўтказувчи йўллар бор.

Одамда бош мия жуда яхши ривожланганидан мускул ҳаракатларининг кўпи бош мия катта ярим шарлари нўстлоги иштирокида амалга оширилади.

Орқа миядаги баъзи рефлектор функциялар ҳомила она қорнида ривожланётганида юзага келади. Ҳомил, 2—3 ойлик бўлганида ҳаракатлана бошлайди. Янги туғилган бола оёқ панжасининг таги таъсирланса 2—3 минутдан сўнг оёқ панжасида букиш рефлекси ҳосил бўлади. Бу рефлекс бола туғилганидан сўнг 6 ой ўтгач, йўқолиб кетади.

Бола 9—10 ойлигидаги юра бошлайди. Орқа миядаги ҳаракат марказлари иши ортади, нервлар миелинлашиши 3 ёшгача давом этади.

## БОШ МИЯ

Янги туғилган бола бош миясининг вазни 340—400 г бўлиб, танаси вазнининг 1/8—1/9 қисмини (кatta одамда эса 1/40 қисмини) ташкил этади. Боланинг бош мияси 7 ёшгача тез ўсади. Бош миянинг ўсиши 20—30 ёшларга бориб тўхтаиди. 1—2 ёшда бош мия орқа мияга нисбатан анча тез ўсади, сўнг орқа миянинг ўсиши тезлашади.

Бош мия ҳам орқа мия каби оқ ва кулранг моддалардан ташкил топган. Бош миянинг кулранг моддаси турли хил нейронлардан иборат. Бош мияда 14 млрд. нерв ҳужайраси бор. Бундан ташқари, бош миянинг 60—90 % ни нейроглия ҳужайралари ташкил этади. Нейроглия ҳужайралари ҳимоя қилувчи ва тутиб турувчи таянч тўки

## Ёшта қараб бош мия вазининг ўзгариши

Н	Ёш	Бош миянинг вазни (г)
	Янги түғилган бола	400
1	ёни	800
3	ёш	1170
7	ёни	1250
13	ёши	1300
15	ёш	1350
18	ёни	1380
	Қатта одам	1400

ма ҳисобланади. Нейроглияда гормонлар ва гормонсимион моддалар ҳосил бўлади. Бош мия узунчоқ мия, Варолий кўприги, мияча, ўрта мия, оралиқ миядан иборат бўлиб, бу қисмлар бош мия сопи деб аталади. Уларни бош мия катта ярим шарлари ўраб туради.

**Узунчоқ мия.** Узунчоқ мия орқа миянинг давоми бўлиб, узунлиги 3—3,5 см. Узунчоқ мия ва Варолий кўприги рефлектор ҳамда ўтказиш функциясини амалга оширади.

Узунчоқ миянинг рефлектор ишида бош миядан чиққан 5—12 та нерв ядролари иштирок этади. Узунчоқ миядан чиққан учламчи нерв юз териси, кўз, бурун, қисман тилни нерв билан таъминлайди ва тишлардан сезувчи импульсларни ўтказади. Бундан ташқари, узунчоқ мияда нафас олиш, қон томирлари девори ҳаракатининг нерв маркази, қусиши, ютиши, тер ажратиши, сўлак ажратиши, кўз ёни ажратиши, қовоқларни юмиши, акса уриши, йўталиши нерв марказлари бор. Бош миянинг юқори бўйлимлари узунчоқ миянинг рефлектор функциясини бошқариб туради.

Ҳомила 16—17 ҳафтаглик бўлганда узунчоқ мияда нафас олиш нерв маркази шаклланади, 21—22 ҳафтадарда нафасни чиқариш нерв марказлари шаклланади тугайди. Янги түғилган болада нафас, ҳимоя рефлекслари (акса уриш, йўтал ва бошқалар) ривожланган бўлади. Унда сўриш, ютиш каби овқатланишга бўлган шартсиз рефлекслар яхшигина ривожланади ва ҳоказо.

**Миячанинг функциялари.** Мияча болаларда бироз юқори жойлашган бўлиб, бош мия қутисининг эпса қис-

мии түлдириб туради. Миячада иккита яримшар бўлиб, улар бир-бiri билан чувалчангсимон қисм орқали бирекади. Мияча мускулларнинг уйғун қисқаришида ва ҳаракатларида, бир группа мускулларнинг тегишлича таранг туришини сақлашда иштирок этади ва ҳоказо. Миячанинг фаолияти издан чиқса, одам уйғун ҳаракатлар қила олмай қолади. Тез ҷарчаб, оёқларини катта кериб, гандираклаб ва қалтираб юради. Бир печа ойдан сўнг ҳаракатлар яхшиланади. Мия яримшарлари мияча орқали скелет мускулларнинг тонусини ва уйгунилигини рефлектор йўл билан бошиқаради. Ўнг яримшарлар миячанинг чап яримшарлари функциясини, чап яримшарлар эса ўнг яримшарлари функциясини бошиқаради. Мия яримшарлари мияча орқали вегетатив функциялар—юрак, қон томирлар фаолиятини, овқат ҳазм қилиш ва бошиқа функцияларни бошиқаради.

Янги туғилган бола миячасининг вазни 20,5—23 г, 6 ойликда эса 62—65 г бўлади. Болада миячанинг оқ моддаси кулранг моддасига нисбатан тез ривожланиб, 7—8 ёшида тугалланади. Миячадаги рефлектор функцияларнинг шаклланини узунчоқ мия, ўрта ва оралиқ миянинг шаклланинишига бўлглиқ.

**Ўрта мия.** Ўрта мия 4 тепалик пластинкаси за мия оёқчаларида ташкил топган. Бундан таниқари, қизил ядро, қора модда ва бош миядан чиқадиган, кўз соққасини ҳаракатга келтирувчи 3—4 жуфт ва 4 жуфт ғалтаксимон первининг ядролари бор.

Ўрта мия ядролари фаолиятига кўра сезувчи ва ҳаракат ядроларига бўлишади. Ҳаракат ядролари организмда мускуллар тонусига бевосита таъсир этади. Сезувчи ядролар эшитиш ва кўришда иштирок этади. Ўрта мияси шикастланган одамда мускуллар тонуси сақланиб қолгани ҳолда тўғриловчи рефлекслар бузилади. Чунки бош мия мускуллар тонусини бошиқарib туради. Ўрта мияда яна катта яримшарларга борадиган ўтказувчи йўллар жойлашган. Ўрта мия иштирокида ҳосил бўладиган рефлекслар она қоршида ҳомилада шаклланада бошлайди. Янги туғилган болада кўз қорачиги рефлекси яхши ривожланган бўлади. Товуш ва тери таъсирига жавобан кўз қорачигининг кенгайини бола 10 ҳафталик бўлгандаёқ сезилади. 2—3 ойликдан бошлаб лабиринт рефлекси тўла намоён бўлади. Болзанинг ёни ортиши билан танини маконда тутиб туриш рефлекси ҳам яхши ривожланади.

Янги туғилған болада ўрта миянинг вазни 2,5 г. Қизил ядро яхши ривожланған бўлади.

**Оралиқ мия.** Оралиқ мия ўрта миянинг юқорисида жойлашган. Оралиқ мияга—кўриш, бўртиклири, бўртик ости қисми ва тиззасимон тана киради. Оралиқ миянинг бўртик ости қисми турли ёшда ривожланади. Бола 7 ёшга қиргунча табақалашади. Жинсий балогатга етиш даврида бўртик ости қисми бош миянинг турли бўлаклари билан бевосита алоқадор бўлиб қолади. Организмдаги марказга интиливчи барча нерв толалари кўриш бўртиклирига келиб туташади. Кўриш бўртиклири шикастланганда кўз бутунлай ёки қисман кўрмайди, бош оғрийди, фалажлик юз беради, уйқу бузилади. Бўртик ости қисм функционал жиҳатдан оқсиш, ёғ, туз ва сув алмашинуви бошқарилишига боғлиқ. Бундан ташқари, у ёрдаги нерв марказлари тер ажралиши, иссиқликни бошқариши ва углеводлар алмашинувига таъсир этади.

Янги туғилған болада таъм билиш, ҳид, ҳарорат ва оғриқ таъсиротларига, аччиқ, нордон, шўр, ширинликка реакциялар вужудга келади.


Богча ёни даврининг охирига бориб, пўстлоқ ва пўстлоқ ости ҳаракат нерв марказлари механизми маълум даражада мутаносиблашади. Бола ҳаракатлари анча уйғун бўла боради. 13 ёшда эса ўлчамлари катталарини-кидек бўлади.

### ВЕГЕТАТИВ НЕРВ СИСТЕМАСИ

Вегетатив нерв системаси ички органлар, қон томирлари, юрак мускули, терининг силлиқ мускуллари ва безларни нерв билан таъминлайди. Бу нерв системаси симпатик ва парасимпатик қисмларга бўлинади.

Симпатик ва парасимпатик нерв системаси органлар функцияларига қарама-қарши таъсир этади. Масалан, симпатик нерв системаси таъсиранганда юракнинг қискаришлари сони ва кучи ортади, қон томирлари тораяди, меъда-ичак йўлиниң ҳаракат функциялари сусаяди, кўз қорачинги кенгаяди, моддалар алмашинуви тезлашади. Парасимпатик нерв системаси таъсиранганда эса юракнинг фаолияти сусаяди, баъзи қон томирлари кенгаяди, меъда-ичак йўлиниң ҳаракат функциялари ортади, кўз қорачинги тораяди.

Вегетатив нерв системасининг ишини бош миянинг турли соҳалари ва бош мия катта яримшарлари пўстлоги бошқаради. Вегетатив нерв системаси ҳам ўз навбатида



сийдик ажралишига, қон босими ортишига сабаб бўлади ва ҳоказо. Экстремал (фавқулодда) шароитда вегетатив нерв системаси ташки таъсиirlарга жавоб бериб, айниқса, турли эмоционал реакцияларда қон айланиши, нафас олиш, ҳазм қилиш, айриш, ички секреция органларининг функционал ҳолатини ўзгартириш хусусиятига эга. Бунда юрак ритми, нафас олиш тезлашади, тер ажралиши, алмашинув жараёнлари ва шу кабилар кучяди.

Вегетатив нерв системасининг организм ички муҳити турғунлигини сақлашдаги роли айниқса муҳим. Масалан, ҳавонинг исиши, тер ажралишининг кучайиши, периферик қон томирлар системасининг кенгайиши иссиқлик ажралиши билан кечади. Буларниң ҳаммаси тана ҳароратини бир хил даражада тутиб туришга имкон беради ва организмнинг исиб кетишига йўл қўймайди.

Симпатик нерв системаси марказлари орқа мияниңг қўкрак ва бел бўлимларида, парасимпатик нерв системасининг марказлари эса ўрта мияда, бош мияниңг узунчоқ бўлимларида ва орқа мияниңг думгаза бўлимида бўлади.

Вегетатив нерв системасини орқа мияниңг гипоталамуси, қўнгир тана ва мия ўзагининг тўрсимон тузилмасида жойлашган марказлар идора қилиб туради. Гипоталамус катта яримшарлар пўстлоғига тобе бўлган вегетатив марказ ҳисобланади.

**Лимб системаси.** Лимб системаси тузилмасига катта яримшарларининг медиал юзасида жойлашган гипокамп, бел пуштаси, гипоталамусининг мамилляр танаси, тўсиги, бодомсимон ядролар киради ва ҳоказо.

Турли ҳис-ҳаяжон (қўрқиш, хурсандлик, очлик, тўқлик, ғазаб ва бошқалар) фақат лимб системасига эмас, балки бош мия катта яримшарлари пўстлоғи тузилмалирига ҳам боғлиқ. Лимб системасининг функциялари жуда мураккаб ва турли-туман бўлиб, одамниң ташки муҳитининг доимо ўзгариб турадиган шароитига мослашувини таъминлашда, хулқ-атвор, ҳис-ҳаяжон хотираининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди, овқат ейиш, суюқлик ичиш, авлодни давом эттириш, ўз-ўзини ҳимоя қилиш сингари ҳаётий муҳим эҳтиёжларни қондиришига хос майл-истаклар шаклланади. Бола ўсгани ва ривожлангани сайин ҳис-ҳаяжони, хулқ-атвори тобора кўпроқ онгга бўйсунади. Лимб системаси ўқитиш жараёнида бевосита иштирок этади, чунки у идрок қилишини,

Диққат ва хотирани таъминтайди. Бу даставвал гиппоками ваз бодомчасимон танага тааллуқли, улар ахборотнинг виқтинича омбори ҳисобланади.

Лимб системаси одам хулқ-автор хусусиятларини ва унинг реактивлигини, яъни бирор хилдаги жавоб реакцияларини белгилайди. Бу системада ўзгаришлар содир бўлганда, одамнинг хатти-ҳаракати пойма-пой бўлиб қолади, овқатга нисбатан муносабати ҳам ўзгаради.

Лимб системаси фаолиятини бош мия пўстлоғи, асосан пешона бўлимининг янги пўстлоғи идора қилиб туради. Айни вақтда пўстлоқ ости тузилмалари катта яримшарлар пўстлоғи тонусини оширади, ҳис-ҳаяжонга замин яратади, идрок қилиш, тафакқур рағбатланади, ишчаплик ортади.

### **РЕТИКУЛЯР ФОРМАЦИЯ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**

Ретикуляр формация йирик нерв ҳужайралари чигали ва тўридан иборат бўлиб, жуда кўп синапсларга эга бўлган ҳужайралардир. Ретикуляр формация ҳужайралари орқа мия бўйин қисмийнинг ён ва орқа шохлари орасидан бошланиб, узунчоқ мия ва Варолий кўпригига кўпаяди. Ретикуляр формацияга оралиқ миячага хос бўлмаган ядролар ҳам киради.

Ретикуляр формация унча қўзгалувчан эмас. Ҳужайралари мия сопида тўр шаклида жойлашган, катта яримшарлар пўстлоғи, пўстлоқ ости қисмлар оралиқ мия, мияча, орқа мияга мосланувчан трофик таъсир этади. Ретикуляр формация ухлашда, уйғониша ва бошқа ҳис-ҳаяжонли жараёнларда иштирок этади. Ретикуляр формация ҳаётий зарур нерв марказлари: нафас олиш, юракқон томирлар системаси, овқат ҳазм қилиш, йўтал, акса уриш, вестибуляр ва эшитиш нерв марказлари бўлиб, бутун ички органлар ишини бошқариб туради. Масалан, ҳайвонларда ретикуляр формация ҳужайралари қўзғатилса, ухлаган ҳайвон уйғонади, агар улар олиб ташланса, ҳайвон уйқуга кетади ва ҳоказо.

### **Бош мия катта яримшарлари**

Бош мия катта яримшарлари иккита яримшардан иборат бўлиб, бош миянинг энг ривожланган қисмидир. Иккита яримшар бир-бири билан горизонтал пластиника, қадоқсимон тана ёрдамида бирикади. Ҳар бир яримшарда мия қопқоғи, ҳид билиш мияси, асосий марказий бўлаклар ва иккита ён қоринча бўлади. Яримшарлар бир-биридан узунасига кетган ёриқ билан ажалиб

туради. Яримшарларнинг устки юзасида жуда кўп пушталар ва эгатчалар бор. Ҳар бир яримшарларнинг ташқи, ички ва пастки юзаси бўлади.

Мия яримшарлари катта эгатчаларининг: пешона, тепа, энса, чакка ва оролча каби бўлаклари бор.

Сильвиев эгатчаси мия яримшарларининг асосидан бошланиб, орқага ва бир оз юқорига кўтарилади, яримшарларнинг чакка бўлагини бошқалардан ажратади.


Роланд, яъни марказий эгатча мия яримшарларининг юқори четидан бошланиб, ўртада Сильвиев эгати тўмои пастга йўналади, катта яримшарларнинг пешона бўлимини тепа бўлагидан ажратиб туради. Шунингдек, энса-тепа эгатчаси катта яримшарларининг орқа томонида кўндалангига йўналган бўлиб, энса бўлагини тепа бўлагидан ажратади. Ҳар қайси бўлагидаги майдада эгатчалар пушталар ёрдамида бир-биридан ажралаади. Катта яримшарларнинг оролча бўлаги Сильвиев ёригининг чуқурлигига ётади, пешона, тепа, чакка бўлаклар билан ўралиб туради.

Пешона бўлимида тўртта: олдинги марказий, юқориги, ўрта ва пастки пушта бўлади. Олдинги марказий пушта Роланд эгатининг олдида, қолган учтаси кўндаланг жойлашган. Тепа бўлағида учта: орқа марказий ва иккита кўндаланг пушта бор. Чакка бўлагининг ён юзасида учта, пастки юзасида эса иккита пушта, энса бўлағида учта кичикроқ пушта бўлади.

Мия катта яримшарларининг ички юзасида ҳам бир нечта эгатчалар бор.

*5-расм.* Мия ярим шарлари ички юзасининг эгат ва пушталари:

1—пешанининг юқориги пуштаси; 2—шаффоф түсик; 3—гумбаз; 4—белборг пуштаси; 5—қадоқсимон тана эгати; 6—қадоқсимон тана; 7 ва 25—белборг эгати; 8—марказий эгат; 9—марказ атрофи паллачаси; 10—пона олии пуштаси; 11—энса билан мии ўртасидаги эгат; 12—мии ости эгати; 13—понасимон пушта; 14—пинх эгати; 15—ти:ча пуштаси; 16—чувалчангсимон қисм (кесилган); 17—миячанинг ўн яримшари; 18—кўпик; 19—тўрт тепалик; 20—гурурасимон без; 21—кўзни ҳаракатлантирувчи нерв; 22—сўргичсимон тана; 23—воронка; 24—кўриш нервалари кесишган жой.



## ОНТОГЕНЕЗДА БОШ МИЯ ҚАТТА ЯРИМШАРЛАРИНИНГ РИВОЖЛANIШИ

Мия яримшарларида кўриш, эшиши, тери, проприоцептив, сезиш, ҳид ва таъм билиш, нутқни эшиши, нутқ ҳаракати ҳамда нутқ-кўриш анализаторларининг охирги нерв марказлари, марказга итилувчи ҳаракат нервлари марказлари жойлашган.

Мия яримшарлари пўстлоғида пирамидасимон ҳаракат нерв ҳужайралари бўлади. Бу ҳужайраларнинг узун ўсимталари мускулларга нерв импульслари ўтказади. Пирамидасимон майдага ҳужайралар 2 ва б-қаватларда жойлашган. Юлдузсимон, яъни сезувчи ҳужайралар сезги органларидан импульсни қабул қиласди.

Бош миянинг эгат ва бурмалари бир вақтда ривожланмайди. Бола туғилгандан кейин яримшарларнинг эгат ва бурмалари катталарникига ўхшашлигига қарамасдан, эгатлар унча чуқур бўлмайди ва мия бўлакларининг нисбати ўзгаради. Болаларнинг илк ёшлигига мия яримшарларининг энса қисми катталарникидан каттароқ бўлади. Бола туғилгандан сўнг пешона бўлаги катталашади. Боланинг ҳаёти давомида мия яримшарларининг массаси ва сатҳи бош мияга нисбатан ўзгариб боради.

Мия пўстлоғида аввал чуқур, сўнг юза қаватлар ривожланади. Миянинг яримшарлар пўстлоғидаги ҳаракат обласгининг табақаланиши 12 ёшда туғайди, айrim пирамидасимон ҳужайралар ривожланиши 18 ёшгача давом этади. Ҳаракат анализаторининг ривожланиши боланинг мускул фаолиятига боғлиқ. Ҳаракат анализаторининг ривожланишида бола туғилгандан сўнг биринчи ҳафталик, 4 ёшлик, 7 ёшлик ва 12 ёшлик босқичлари мавжуд. Тери анализаторининг мия пўстлоғидаги нерв марказлари боланинг 2 ёшида катталарникидек бўлади. Боланинг ҳаёти давомида мия яримшарлари турли қисмларининг тузилиши ва функцияси ривожланиб боради. Бунда функция асосий роль ўйнайди. Шу билан бирга организм ривожланиши жараёнида нерв толалари мислинлашади. Аввал ҳаракат нервлари, аралаш нерв толалари, сўнгра марказга итилувчи нерв толалари миелинлашади. Орқа мия нервларининг мислинлашуви 3 ёшда, бош нервлариники эса 1—1,5 ёшда туғайди.

## **Бош мия яримшарлари пўстлоги функциясини текшириш усуллари**

Бош мия яримшарлари пўстлогининг функциялари қўйидаги усулларда текширилади:

1) шартли рефлекслар усули; 2) бош мия биотоклари ёзиб олиш усули; 3) бош мияда қон айланиши ва моддалар алмашинувини текшириш усули; 4) бош мияни бевосита кучсиз электр токи ёки химиявий моддалар билан таъсирилаш усули.

Бу усуллардан ташқари, бош миянинг турли қисмлари жарроҳлик йўли билан олиб ташланиб, организмда кечадиган физиологик ўзгаришлар кузатилади. Шартли рефлекслар усулида бош миянинг функциялари соғлом ҳайвон ёки болада, катта одамда ўрганилади. Текширилувчи одамга шартли таъсирловчи (тovуш ёки ёруғлик) берилиб, сўнг шартсиз таъсирловчи (овқат ёки кучсиз электр токи, ёки терисига оғриқни ҳосил қилувчи бирорта нарса билан) таъсирилди. Организмга шартли таъсирловчи билан шартсиз таъсирловчи бир неча марта таъсири эттирилса, шу одамнинг бош миясида иккита марказ ўртасида вақтинчалик нерв боғланиши вужудга келади. Бош мия биотокларини ёзиб олиш усулида текширилувчи бош миясига электроэнцефалограф билан туташтирилган электродлар ўриатилади, бош мия биотоклари ниҳоятда кучсиз—200 мкв гача. Ўртacha 40—50 мкв келадиган биотоклар бўлгани учун махсус асбобларда улар 100 000, баъзида 10 мли марта орттириб ёзиб олиниади. Биотокларни ёзиб олишда текширилувчи турли товуш, ташқи таъсири ўтмайдиган махсус камерага ётқизилади. Олингана электроэнцефалограмма махсус электрон асбоб — анализатор ҳисоблаш машиналарида анализ қилинади.

Бош миядаги биотокларни ёзиб олиш мумкин. Булар альфа, бета, гамма, дельта, тетат ритмлар деб номланади.

## ШАРТСИЗ ВА ШАРТЛИ РЕФЛЕКСЛАР

### Шартли рефлексларнинг шартсиз рефлекслардан фарқи

Шартсиз рефлекслар тугма бўлиб, эволюция жараёнида шаклланган ва наслдан-наслга ўтади. Улар ҳар бир индивидга хос бўлиб, ҳаёт давомида ҳам орттирилади ва ҳаётий муҳим ҳисобланади.

Шартли рефлекслар ҳосил бўлиши учун маълум шароит бўлиши шарт. Шартсиз рефлекслар бош мия катта яримшарлари иштирокисиз ҳам ҳосил бўлиши мумкин, лекин шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши учун орқа мия ва бош миянинг сон қисми билан бирга кўпроқ бош мия катта яримшарлари иштирок этади. Шартсиз рефлекслар организмнинг ташқи муҳитга мослашимида муҳим аҳамиятга эга, шартли рефлекслар эса ҳаёт мобайнида тормозланиб, янгилари ҳосил бўлиб туради.

### Шартли рефлексларнинг биологик аҳамияти

Бола туғилгаңдаёқ унда маълум шартсиз рефлекслар бўлади. Масалан, сўрини, ютиш, сўлак ажralиши, ҳимоя рефлекслари (иссиқ нарсадан қўлни тортиб олиш, йўталиш, акса урниш ва ҳоказо), жинсинй рефлекслар, юрак-қон томирлари ва ҳоказо мавжуд бўлади.

Шартли рефлекслар организмни ташқи муҳит шароитига анча мураккаб мослаштиради. Одам овқатни ҳидидан топади, вақтни чамалайди ва ҳоказо. Овқатнинг ҳидига сўлак, меъда шираси ажрала бошлайди. Шартли таъсирловчилар сигналларни бош мия катта яримшарлари пўстлоғида анализ ва синтез қилиб, таъсиротга жавоб беришга тайёргарлик кўради.

**Шартли рефлекс ҳосил бўлишидаги шарт-шароит.** Шартли рефлекслар ҳосил бўлиши учун қуйидагилар зарур:

- 1) бефарқ (индифферент) таъсир, бу таъсир шартли таъсир деб юритилади;

- 2) шартли таъсир шартсиз таъсирдан олдин келиши ва шартсиз таъсир қила бошлагандан кейин ҳам бирмунча вақт таъсир кўрсатиб туриши керак;

- 3) шартли ва шартсиз таъсирлар шу тариқа бирга қўлланилиши керак.

Шартли таъсир шартсиз таъсир билан қувватлаб турилмаса, шартли рефлекс ҳосил бўлмаслиги мумкин.


Ҳаёт мобайнида баъзи шартли рефлекслар сўниб, янгилари пайдо бўлиб туради. Масалан, бола туғилгандан кейин маълум вақтларда онасини 7—8 марта эмса, 1,5—2 яшар бўлганида бир суткада 5—6 марта эмади, катта бўлганида эса 3—4 маҳал овқатланади. Шартли рефлекснинг ҳосил бўлиш тезлиги одамнинг ҳаёт тарзига, ёшига, нерв системасининг функционал ҳолатига, таъсирловчиларнинг табиатига боғлиқ бўлади. Болаларда турли ранг, шакл ва ўйинчоқларга сўлак ажратиш ёки ҳимоя ва бошқа шартли рефлекслар ҳосил бўлиши мумкин.

### **Шартли рефлекслар ҳосил бўлиши**

Шартли рефлекс бош мия катта яримшарлари пўстлоғининг бефарқ (индифферент) таъсирини қабул қиувчи муайян соҳасида кучсиз қўзғалиш вужудга келиши натижасида ҳосил бўлади.

Шартсиз таъсирловчиининг бир неча марта такрорланиши натижасида мия пўстлоғида кучли қўзғалиш ўчоги вужудга келади. Шартли ва шартсиз таъсири бир неча марта такрорланганда иккита қўзғалиш ўчори ўртасида муваққат нерв боғланиши пайдо бўлади. Бу иккала соҳага таъсирини бир неча марта такрорлаш билан шартли рефлекс жуда тез намоён бўлади. Шартли рефлекслар мия пўстлоғи иштирокида ҳосил бўлиши билан шартсиз рефлекслардан фарқ қиласиди. Шартли рефлекс ҳосил бўлишида мия пўстлоғида иккита нерв марказида қўзғалиш вужудга келиши билан бирга бош миянинг кўп бошқа фаолиятини ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Шартли рефлекс ҳосил қилиш учун секретор, кўзни юмиш ёки нутқ билан мустаҳкамланадиган ҳаракат усулидан фойдаланилади. Масалан, болага овқат берилгандан, оғиз бўшлиғидаги рецепторлар қўзғалиб, импульс узунчоқ мияга етиб боради-да, сўлак ажратиш марказини қўзғатади. Айни вақтда қўзғалиш бош мия сопининг ўтказувчи йўллари бўйлаб мия пўстлоғининг овқатланиши марказига боради. Шартсиз рефлекс йўли билан сўлак ажралishiда узунчоқ миядаги перв марказлари ҳамда катта яримшарлар пўстлоғининг овқатланиши маркази қўзғалади. Электр лампочкасининг ёниши кўзнинг тўр қаватидаги рецепторларни қўзғатади. Ёруғлик билан таъсири этиш овқатланиши билан бир вақтга тўғри келган-



6-расм. Шартли рефлекс ҳосил бўлиш механизми. Асратаи бўйича шартли рефлекс ҳосил бўлиш ёйи:

1—пўстлоқнинг кулраиг моддаси орқали шартли боғланиш; 2—мия пўстогииниг ассоциатив йўллар орқали боғланиши; 3—пўстлоқ ости марказлар орқали вактичалик боғланиш.

да мия пўстлоғида ҳам овқатланиш маркази, ҳам кўриш зонасининг маълум қисми бир вақтда қўзғалади.

Шартли рефлекс ҳосил бўлишида нерв системасининг кўп тузилмалари иштирок этади. Шунинг учун ҳар бир шартли рефлекс мия пўстлоғидаги ва бош миянинг пўстлоқ ости қисмларидаги мураккаб комплекс реакция ҳисобланади.

### Шартли боғланишлар ҳосил бўлишида пўстлоқ ости тузилмаларининг роли

Шартли боғланишларниң жойини аниқлаш учун бош миянинг айрим қисмларини олиб ташлаган ҳолда шартли рефлекслар усулидан фойдаланилади. Бундай тажрибалар ҳар хил ҳайвонларда ўтказилган.

Тажрибалардан маълум бўлишича, бош мия катта яримшарлари пўстлоғи бўлмаган ҳайвонлarda ҳам жуда оддий шартли рефлекслар ҳосил қилиш мумкин экан, лекин бу рефлекслар жуда қийинлик билан ҳосил бўлади. Бош мия пўстоғи олиб ташланган ит тажриба олиб бораётган лаборантни анчагача танимаган, мустақил равишда овқат ея олмаган, овқат себ бўлиб, чуқур уйқуга кетган, бутунлай қимирлай олмай қолган ва ҳоказо.

### Чамалаш рефлексининг аҳамияти

Шартли рефлекс ҳосил қилишда чамалаш (ориентирлаш) рефлексининг аҳамияти жуда катта, бу рефлексни И. П. Павлов «Нима деган?» деб атаган.

Чамалаш рефлекси турлича намоён бўлади. Ташқи муҳитнинг бир оз ўзгариши бош кўз, қулоқ, бутун гавданни таъсир берилган томонга қараб айлантирувчи мускул ҳаракатини пайдо қиласди. Айни вақтда кўз қорачиги кенгаяди, юрак-қон томир системаси, нафас олиш систе-

масида ўзгариш юзага келади, электрик активлик ўзгарди. Терининг қаршилик кўрсатиши камаяди ва ҳоказо.

Чамалаш рефлекси мураккаб реакция ҳисобланади, у компонентларни ягона бир системага бирлаштирувчи омилдир.

### **Шартли рефлекс ҳосил бўлишида мия пўстлоғи ва пўстлоқ ости тузилмалари функционал ҳолатининг ўзгариши**

Шартли рефлекс ҳосил қилинганда мия пўстлоғи ҳужайраларининг қўзғалувчанилиги ортади. Электроэнцефалограмма (ЭЭГ) ўзгарили, доминанта вужудга келади.

Шартли рефлекс ҳосил қилинганда дастлабки даврда мия пўстлоғи ҳужайраларида биоэлектрик активлик ортади, нейронлар активлашади. Шартли рефлекс ҳосил бўлиши жараёнида таъсирловчиларга жавоб табиати ўзгарили.

**Эсада сақлаш механизми.** Эсада сақлаш икки хил: қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлади. Маълумки, ҳаётдаги кўпгина воқеа ва ҳодисалар эсимизда қолади. Карра жадвал, кўпгина номлар, маңзиллар, болаликдаги турли воқеалар бир умрга эсада қолади. Қисқа муддатли, тасодифий ҳодисалар бўлиб турадики, булар кўп ўтмай эсадан чиқиб кетади.

Организм доимо ташқи ва ички муҳит ўзгариши таъсирида бўлади. Шулардаги озгини ўзгариши ҳам мия пўстлоғидаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнига таъсир қиласи.

**Юқори тартиб шартли рефлекслар.** Шартли таъсирловчини шартсиз таъсирловчи билан мустаҳкамлаб ҳосил қилинган шартли рефлекс биринчи тартиб шартли рефлекс дейилади. Ана шу шартли рефлекс асосида янги шартли рефлекс ҳосил қилиш мумкин. Бу ҳосил қилинган шартли рефлекс иккинчи тартиб шартли рефлекс дейилади. Масалан, итда лампочкани ёқиб, сўлак ажралишига шартли рефлекс ҳосил қилинса, унга қўшимча равишда кўнфироқ чалиб, янги шартли рефлекс ҳосил қилиш мумкин.

**Вақтга алоқадор шартли рефлекслар.** Муайян вақт оралигига ҳам шартли таъсир пайдо бўлиб қолини мумкин. Бола ҳар 3—4 соатда овқатлантириб турилса, бир неча марта овқатланганидан сўнг унда шу вақтда овқатланиш шартли рефлекси пайдо бўлади. Кун тарти-

би хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Дарс тугашига 1—2 минут қолганида қўнгириқ чалингандага ўқувчиларнинг диққат-эътибори бир оз сусаяди, бунга вақтга алоқадор шартли рефлекс вужудга келиши сабаб бўлади.

Кўпгина физиологик жараёплар вақтга алоқадор шартли рефлекслар ҳосил бўлиши билан кечади. Масалан, нафас олиш ҳаракатлари, юракнинг бир меъёрда қисқариши, тана ҳароратининг сутка давомида бир оз ўзгариши, меъда-ичакнинг иши ва бошқалар шулар жумласидан. Вақтга алоқадор шартли рефлекслар мия пўстлогидаги муайян соҳаларнинг тегишлича қўзғалиши асосида вужудга келади.

### Шартли рефлексларнинг тормозланиши

**Ташқи тормозланиш.** Шартли рефлекс ҳосил бўлаётган даврда ташқи муҳит шароитининг бирдан ўзгариши мия пўстлогида янги қўзғалини ўчогини ҳосил қиласиди ва шартли рефлекс марказини тормозлайди. Бинобарин, рефлекс ҳосил бўлиши тормозланади. Бундай ташқи таъсирловчиларга турли товушлар, хонадаги ёруғликнинг ўзгариши, шамол ва бошқалар киради. Ҳосил қўзғалинганди шартли рефлекс мустаҳкамланмаса, кўп ўтмай тормозланади. Ташқи тормозланишини ҳосил қиласидиган таъсирловчилар *шартсиз таъсирловчи* деб номланади. Масалан, дарс вақтида кўчадан автомобиль овози эшистилганда бир нечта ўқувчининг диққати чалғиб, товуш келган томонга қарайди. Мия пўстлогида иккиламчи қўзғалиш маркази вужудга келмаса ҳам тормозланиши пайдо бўлиши мумкин. Бундай тормозланиши шартли таъсирловчи кучли бўлганда вужудга келади.

Таъсир ҳаддан ташқари кучли бўлганда нерв ҳужайралари емирилиб, побуд бўлиши мумкин, мия пўстлогининг тормозланиши эса бу хавфни бартараф қиласиди.

**Шартли тормозланиш.** Шартли, бошқача айтганда ички, тормозланиш марказий нерв системасининг юқори бўйимларига ҳос бўлиб, шартли таъсирловчи шартсиз таъсирловчи билан мустаҳкамланмаганди, иккита қўзғалиш ўчоги вақтининг бир-бирига зид келиши натижасида ҳосил бўлади. Шартли тормозланиш ҳаёт давомида аста-секин юзага келади. Шартли тормозланиш сўнувчи, қиёсий ва кечикувчи турларга бўлинади. Сўнувчи тормозланиш шартли таъсирот такрорланиб тургани билан, шартсиз таъсир орқали мустаҳкамланмаганди ҳосил

бўлади. Масалац, бир неча марта қўнғироқ чалишиб, болага овқат берилмаса, унда овқатланишга бўлган ҳаракат рефлекси сўна бошлайди.

**Сўнувчи тормозланиш.** Шартли рефлексининг сўниши шартли таъсирловчи тақрорлаш сонига, нерв системасининг типига, олдин ҳосил қилинган шартли рефлекснинг мустаҳкамлилигига ва шартли таъсир кучига боғлиқ бўлади. Сўнувчи шартли рефлекс қайтадан тикланиши мумкин. Бу нерв системасининг типига, сўниш даражасига ва боланинг ёшига боғлиқ бўлади. Сўнувчи тормозланиш муҳим биологик аҳамиятга эга.

**Қиёсий тормозланиш.** Маълумки, организм рецепторлар воситасида атроф-муҳитдаги хилма-хил таъсирини қабул қиласди.

Мия яримшарлари пўстогида шартли рефлекс фақат шартли таъсирга нисбатан ҳосил бўлмасдан, балки шу таъсирга яқин таъсирловчиларга нисбатан ҳам боғлиқ бўлади. Шартли таъсирловчининг ранги, шакли ёки товуш баландлиги бир оз ўзгартирилгудек бўлса, ҳосил қилинган шартли рефлекс тормозланади. Масалац, болада сўлак ажралшига шартли рефлекс ҳосил қилишда шартли таъсир минутига 10 марта тақрорланса-ю, шартсиз таъсирловчи билан мустаҳкамланмаса, ҳосил қилинган шартли рефлекс тормозланади. Шундай қилиб, мия яримшарлари пўстлоги шартли таъсирловчига яқин бўлгац таъсирловчиларни табақалаштиради.

**Шартли рефлекснинг кечиши** шартли таъсирловчи билан шартсиз таъсирловчи орасидаги вақтни аста-секин узайтириб бориш натижасида вужудга келтирилади. Агар шартсиз таъсирловчи кечиктирилиб таъсир қилинса, шартли рефлекс аввалгидек таъсир берилиши билан оқ эмас, балки бир оз кечроқ ҳосил бўлади. Кечикувчи шартли рефлекслар боғча, кичик мактаб ёнидаги болаларда жуда қийинлик билан ҳосил бўлади. Бу эса болалар олий нерв фаолиятининг типига боғлиқ.

**Динамик стереотип.** Одатдаги ҳёт шаронтида одам ва ҳайвон организмига турли-туман таъсирловчи таъсир этиб туради. Мия яримшарлар пўстлоғининг шартли рефлекслар аналитик-синтетик фаолияти туфайли организм шу хилдаги мураккаб таъсирловчиларга мослашади. Мия яримшарлари пўстлоғининг шартли рефлекслар аналитик-синтетик фаолияти ёрдамида барча мураккаб таъсирловчилар организмининг мураккаб шартли реф-

лектор фаолиятига мисол қилиб, ксмплекс шартли рефлексларни олиш мүмкін. Бу мия яримшарлари пўстлогининг янада мураккаб фаолияти бўлиб, шартли рефлектор фаолияти ёки динамик стереотип ҳисобланади.

Динамик стереотип деб, маълум бир вақтда шартли рефлекснинг узлуксиз равишда тартиб билан келиши ва нерв системасида шу таъсирга жавоб қайтарилишига айтилади. Бошқача айтганда, у бир исчо йиллар давомида шартли рефлексларнинг изчилик билан келиб, мия пўстлогида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари ҳосил қилишидир. Динамик стереотип ҳар бир одам учун ўзиға хос бўлади.

Мактаб ёшидаги болалар бош мия яримшарлари пўстлогида динамик стереотип ҳосил бўлишининг динамик жараёнларини текшириш фақат назарий эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, дарсларни физиологик асосда ташкил этиш, кун тартибини тузиш, овқатланиш, меҳнат ва дам олиш ва ҳоказолар ўқувчилар нерв системасида динамик стереотипни вужудга келтириш йўли билан амалга оширилади.

**Олий нерв фаолиятининг типлари.** И. П. Павлов олий нерв фаолиятининг тўртта типини баён этади:

1. Кучли, мувозанатлашмаган тип. Бунда қўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнидан устун туради.

2. Кучли, мувозанатлашган ҳаракатчан тип. Бу тип нерв жараёнларининг жуда ҳаракатчанлиги билан ифодаланади.

3. Кучли, мувозанатлашган кам ҳаракатчан тип. Бунда нерв жараёнлари камроқ ҳаракатчанлик билан ифодаланади.

4. Кучсиз тип. Бунда қўзғалиш жараёнлари, айниқса, тормозланиш жараёнлари жуда суст кечади.

Павловнинг бу тўртта типи тўртта темпераментга, яъни мижозга тахминан мос келади.

Гиппократ одамлардаги тўртта — холерик, меланхолик, сангвиник ва флегматик темпераментларни фарқ қилган. Қўзғалувчан тип — холерик, тормозланувчан тип — меланхолик, кам ҳаракат тип — флегматик, ҳаракатчан тип — сангвиник темпераментга мос келади. Олий нерв фаолияти мазкур типларининг бир ўзи камдан-кам учрайди. Кўпинча битта индивидуумда ҳар хил типларга хос белги ва хусусиятлар бўлади.

Нерв системасининг типлари бола тугилган кундан бошлаб, атроф-муҳит ва ижтимоий шароит таъсирида

шакллана боради ва ҳаёт мобайнида ўзгариб туради. Табиийки, бола хулқ-автори тугма бўлади ва ижтимоий шароит таъсирида ҳам шаклланади. Шунинг учун ҳам боғча, кичик мактаб ёшидаги болани тўғри тарбиялаш кўп жиҳатдан нервининг типига ва ҳулқ-авторининг шаклланишига боғлиқ бўлади. Бола улғаяр экан, мия пўстлогидаги қўзғалиш, тормозланиш жараёнлари, нерв жараёнларининг кучи ва ҳаракатчалиги ҳамда бошқа хусусиятлари ўзгариб боради.

И. И. Красногорский ҳам олий нерв фаолиятини қуидаги тўртта типга ажратган.

1. Кучли, мувозанатлашган, оптималь қўзғалувчан, тез тип. Бу тип шартли рефлексларнинг тез ҳосил бўлиши, уларнинг мустаҳкам бўлиши билан характерланади. Бундай типга хос болалар нозик табақалаш хусусиятига эга. Уларнинг нутқи равон, сўз бойлиги кўп, ҳиссиети тез уйғонувчан бўлади. Улар бошқаларга кўп хайриҳоҳлик изҳор этади, тезда дўст бўлиб кетади, одамларга ишонувчан, очиқ, ширинсўз, раҳмдил, улфатчиликни ёқтирадиган бўлади.

2. Кучли, мувозанатлашган, кам ҳаракатчан тип. Бу типга хос болаларда шартли рефлекслар секинроқ ҳосил бўлади. Бундай болалар ишда ҳис-ҳаяжонли бўлмайди, улар нутқа тез ўрганиди, мураккаб вазифаларни яхши бажаради, тез юради, тез фикрлайди, аммо босиқ бўлади. Улар бирор қарорга тез келмайди, кўп ўйлайди, сабртоқатли бўлади, бошқаларнинг азоб-уқубатларига парво қилмайди.

3. Кучли мувозанатлашмаган, қўзғалувчан тип. Бундай типга хос болаларда тормозланиш жараёнлари қўзғалиш жараёнларига қараганда устун туради, айниқса мия пўстлоги остидаги нерв марказларининг қўзғалувчалиги юқори бўлади, бу жараённи мия пўстлоги ҳамма вақт ҳам назорат қилмайди. Бундай болаларда шартли рефлекслар тез сўнади. Бу темпераментдаги болалар ўта ҳис-ҳаяжонли, гайратли, эҳтиросли бўлади. Улар тез гапиради, уича ўйламай, тез иш қилади. Ҳамма вақт ўзи ни ҳақли деб билади, хатосини бўйнига олиши қийин бўлади.

4. Кучсиз тип. Бундай болаларда тормозланиш жараёнлари қўзғалишга ишбатан устун туради, шартли рефлекслар секин ҳосил бўлади, барқарор бўлмайди, улар секин гапиради, тез тормозланиш хусусиятига эга. Уларда ички тормозланиш кучли бўлиб. Янги ша-

роити ва унинг ўзгаришига тезда мослаша олмайди, тез чарчайди, кучли давомли таъсиротга чидаш беролмайди. Бундай мижозли болалар ғам-ғуссага бериувчан, раҳмдил, журъатсиз, ўзига ишонмайдиган бўлади.

### УЙҚУ, ТУШ ҚУРИШ ВА ГИПНОЗ

Уйқу организм учун зарур физиологик жараён ҳисобланади, у нерв системаси ва бутун организмнинг нормал фаолиятини таъминлайди. Бундан ташқари, уйқу ақлий фаолият учун ҳам жуда зарур. Ҳозирги вақтда бош миянинг соп қисмида ухлаш ва бедорликка таъсир этувчи тузилмалар борлиги исботланған. Бедорликни сақлаш ретикуляр формация ҳужайраларининг ишига bogлиқ.

Уйқу ҳосил бўлиши олдинги миянинг баъзал қисми, таламус, ретикуляр формация тузилмаларига боғлиқ, булар уйқу марказлари деб ҳам юритилади. Уйқу марказлари шикастланса, одам чуқур уйқуга кетади.

Одам ўрта ҳисобда бир суткада 8 соат ухлайди. 4—5 кун ухламасдан юриши мумкин, лекин кейинчалик у толиқиб, ҳатто юриб кетаётганида ҳам ухлаб қолади. Бир неча кун ухламаслик баъзан нерв, руҳий қасалликларни келтириб чиқариши мумкин. Уйқу вақтида миянинг шартли рефлекслари фаолияти тормозланади, юрак қисқаришлари ва нафас олиш сийраклашади, қон босими ошади ёки тушади, сийдик ҳосил бўлиши сусаяди, тана ҳарорати бир оз пасаяди. Мускуллар бўшаниб, қовоқларни юмадиган мускуллар, кўз қорачиги, тўғри ичак мускуллари тонуси ортади.

Чақалоқлар 16—18 соат, кичик боғча ёшидаги болалар 13—14 соат, 7 яшар болалар 11,5—12 соат, 12 яшар болалар 10 соат, 13 яшар болалар 9,5 соат ва 17—18 ёшли ўсмирлар 8—8,5 соат ухлаши керак. Одам бир маҳомдаги алла, соатнинг чиқиллаши, сувининг томчилаши ва шивирлаб ёгаётган ёмғир таъсирида мудраб, сўнгра уйқуга кетади.

Уйқуни тўлиқ тормозланиш деб бўлмайди, зеро одам ухлаётгандага нафас олиши, юрак қисқаришлари ва бошқа органларининг нерв марказлари ишлаб туради. Мия пўстлогида ҳам барча марказлар тормозланмайди. Бу нерв марказларини Павлов «қоровул» марказлар деб номлайди. Ухлаб ётгай она бирорта товушдан уйгонмаслиги мумкин, лекин боласи бир оз безовталангандага дарров уйғонади. Демак, «қоровул» нерв марказлари қўзгалишин ўзига хос хусусиятга эга.

**Туш күриш.** Туш күриш чуқур уйқуга кетишдан ёки уйғонишдан аввал содир бўлади. Уйқу тенглашиш, парадоксал ва ультрапарадоксал фазаларга бўлинади. Кўпинча одам ультрапарадоксал босқичда туш кўради. Туш кўриши бош мия яримшарлари пўстлогига аввал бўлиб ўтган турли таъсир ёки ички рецепторларнинг қўзгалишиб, мия пўстлогига таъсир этиши натижасида пайдо бўлади. Масалан, боланинг бирор жойи оғриётган бўлса ёки ётишдан аввал тўйиб овқатланган бўлса, у ҳар хил тушлар кўриши мумкин. Баъзан одам ухлаб ётганида ташқи рецепторларга таъсир бўлганда туш кўради. Масалан, оёқнинг очилиб қолиб, совқотини ёки исиб кетишин туш кўришга сабаб бўлади.

В. Я. Даниловский, В. М. Бехтерев ва И. П. Павлов гипноз ҳодисасини илмий асосда ўрганишган. Гипноз бир маромдаги кучсиз таъсирловчилар билан мия пўстлоги айрим нерв марказларининг тормозланишига асосланган. Гипнозчининг бир маромда ишонтириб тавсия қилиши ёки турли ялтироқ нарсалар ёки бир текислаги ҳаракатлари таъсирловчилар бўлиб хизмат қиласди. Гипнотик уйқуда тормозланиш мия яримшарларнинг ҳамма соҳасига тарқалмайди. Айрим марказлардаги тормозланиш бир вақтдаги индукция туфайли кучаяди. Бу марказ бошига марказлардан ажралган ҳолда бўлади. Тормозланиш марказига қараб, гипноз қилинган одам турли субъектив сезгилар ва ҳидларни ҳис этади.

5 ёшгача бўлган болалар гипнозга берилмайди. Гипнознинг кучи гипноз қилувчига, бола нервининг типига ва нерв системасидаги қўзгалиш, тормозланиш жараёнларининг хусусиятларига боғлиқ бўлади.

**Уйқу гигиенаси.** Болалар ва ўсмирлар уйқусини гигиеник жиҳатдан тўғри уюштириш улар иш қобилиятининг юқори бўлишини таъминловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Боланинг ўрини қулай бўлиши, хона сокин бўлиши, маълум бир вақтда ухлашига ётишга ўрганиши муҳим аҳамиятга эга. Ухлашдан аввал хонани шамоллатиш, тоза ҳавода сайд қилиш, тишни ювиш, ювинини, оёқларни илиқ сувда ювиш тавсия этилади. Бола кечқурни ухлашига ётишидан 1,5—2 соат олдин овқатланиши, хона ҳарорати 20°С атрофида бўлиши керак.

Боланинг ўрини жуда юмишоқ ёки жуда қаттиқ ҳам бўймаслиги керак, чунки ўрини жуда юмишоқ бўлса, исиб кетади, қаттиқ ўрини эса эзилган жойларда қон айланни-

шини қийинлаштиради. Натижада бола ҳадеб ағдарила-веради ва алоқ-чалоқ тушлар кўради.

Бола мириқиб ухламаса, нерв системасининг иш қобилияти пасаяди, куни билан ланж, паришонхотир бўлиб юради. Чуқур уйқуда боланинг нерв системаси яхши дам олади. Вақтида ишлаб, вақтида дам олиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, кун тартибига риоҳ қилиш, бола саломатлигини яхшилайди, у мириқиб ухлагандан кейин бардам бўлиб юради.

## БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ СИГНАЛ СИСТЕМАСИ

Одамда биринчи ва иккинчи сигнал системаси, ҳайвонларда эса фақат биринчи сигнал системаси бўлади.

Одам олий нерв фаолияти ҳам, ҳайвонлар олий нерв фаолияти каби, рефлектор табиатга эга. Ташқи дунёдаги конкрет сигналларни анализ ва синтез қилиш одам ва ҳайвонларга хос умумий хусусият ҳисобланади. Одамнинг олий нерв фаолияти ўзига хос сифат белгиларига эга, бу унинг барча жонзотлардан юқори погонада туришини кўрсатади.

Фақат одам юқори даражада англаш, абстракт фикрлаш, сўзлаш қобилиятига эга. Одам олий нерв фаолиятининг тараққиёти натижасида воқеликнинг иккинчи сигнал системаси вужудга келган. Иккинчи сигнал системаси сўзлардан иборат бўлиб, ниҳоятда ривожланган нутқ сигналлари фақат бевосита сигналлар ўринини босмасдан, балки предметларнинг айrim белгиларини фарқ қилиш ва уларни умумлаштириш, улар ўргасидаги боғланишларни вужудга келтириш хусусиятига эга.

Одам сўз ёрдамида табиатнинг объектив қонуниятларини, инсоннинг тарихини ва жамият тажрибасини акс эттиради. Сўзлар ёрдамида тушунчалар, қонунлар бошқа кишиларга етказилади. Тушунча ва қонунлар жамиятнинг меҳнат фаолияти жараёнида тараққий этади. Сўз ёрдамида болалар ва катталар фикрларини, ҳис-туйғуларини ифодалайди. Сўз одамга сигнал сифатида таъсир этиб, турли реакцияларни келтириб чиқарини мумкин. Иккинчи сигнал системасининг рўёбга чиқишида нерв системасининг сўзларни қабул қилувчи марказлари билан реал таъсирловчиларни қабул қилувчи марказлари ўргасида вақтинча шартли боғланиш ҳосил бўлади.

Иккинчи сигнал системаси асосида вужудга келадиган вақтинча боғланишлар биринчи сигнал системаси асосида вужудга келадиган вақтинча боғланишларга

нисбатан мураккаброқ бўлади. Иккинчи сигнал системаси физиологик табиати жиҳатидан юқори тартиб ва изқолдирувчи шартли рефлекслардан иборат. Иккинчи сигнал системаси бирничи сигнал системаси асосида вужудга келади. Катта одамларда ва болаларда шартли рефлексларни фақат бевосита таъсир этадиган предмет ва ҳодисалар воситасида эмас, балки бевосита таъсирловчилар, яъни сўзлар орқали ҳам ҳосил қилиш мумкин.

Бола атрофидаги нарсалар ва ҳодисалар билан астасекин танишиб борар экан, айни вақтда уларнинг номини ҳам ўзлаштириб боради. Бунинг натижасида бош мияда конкрет нарсаларнинг образини ифодаловчи сўзлар, яъни нарсаларни ўзи билан, уларнинг номлари ўртасида боғланиш вужудга келади. Кейинчалик сўзлар ҳам одамга худди реал нарсалар сингари таъсир этадиган кучга эга бўлиб қолади. Масалан, қорин очганде бирорта овқатнинг номини айтилса, бу сўз худди овқат каби таъсир қилиб, сўлак ажралишини кучайтиради. Ҳар қандай сўз фақат якка нарсани ифодалаб қолмай, балки умумлаш хусусиятига боғлиқ бўлади. Масалан, ҳайвон деганда, фақат от, сигир, қўй каби ҳайвонларни тушуниб қолмай, балки кўп жониворлар тушунилади. Маълумки, одам ҳамма нарсани бевосита сезиш, идрок этиш имконостига эга эмас.

Одам кўп нарсаларни ва ҳодисаларни (эшитган, ўқинган) сўз орқали акс эттириб, ўзлаштиради. Шунинг учун иккинчи сигнал системаси орқали ифодаланган реал нарсани ёки ҳодисани яққол тасаввур эта олиши керак.

Айтилган ёки эшитилган сўз орқали одам ҳеч нарсани тасаввур эта олмаса, бундай сўзининг таъсир кучи бўлмайди. Бинобарин, сўз нарсалар образи билан мустаҳкамланган тақдирдагина ўз вазифасини бажара олади.

**Болалар олий нерв фаолиятининг ёшга хос хусусиятлари.** Болаларда шартли рефлексларни текшириш усули. Янги туғилган чақалоқда овқатланиш, ҳимоя, акса уриш, йўталиш ва бошқа шартсиз (туғма) рефлекслар мавжуд бўлади. Бу рефлекслар боланинг ҳаётида муҳим биологик аҳамиятга эга бўлиб, шулар асосида шартли рефлекслар шаклланади.

Н. И. Касаткин узунлиги 118 см, баландлиги 75 см ли максус камерада бир ойлик болаларда шартли рефлекс

ҳосил бўлишини ўрганишган. Бунда қўлланишган шартли таъсирловчи болага ҳеч қандай зарарсиз бўлган. Камерага каравотча қўйилган бўлиб, бола ётадиган тўшакчага ушиг ҳаракатларини ёзиб оладиган сезгир асбоблар жойлаштирилган. Тажрибанинг бориши ва боланинг ҳолати кабина «кўзи»дан кузатиб борилади. Эрталабки ва куидузги соатлар тажриба ўтказиш учун қулай вақт хисобланади. Бунда тажриба 10 марта қайтаришганни ҳолда ҳар галгиси 19 минутдан ошмаслиги керак.

Овқат билан ўтказиладиган тажрибада қўл ҳаракатларини кўрмаслик учун боланинг кўзи боғланади ёки юзининг юқориги қисми оқ экран билан тўсиб қўйилади. Овқатланиш шартсиз рефлексида шартли таъсирловчи сифатида боланинг эмиш ҳаракатлари олиниади. Уни мустаҳкамлаш учун сут ёки сутли аралашма берилади. Ҳинмоя рефлексини ҳосил қилишида бола кўзига ҳаво пуркалганда қовоқларини юмиш реакцияси эътиборга олиниади.

Болаларда сўлак безлари секретор функциясига шартли рефлекслар ҳосил қилишида А. А. Йошенко ва Красногорскийлар (1907) томонидан ишланган сўлак йиғувчи аппаратдан фойдаланиллади. 1916 йилда американлик физиолог К. С. Лешли қулоқ ости сўлак безларидан сўлак йиғиб олиш усулини ишлаб чиқкан.

Болалар мия пўстлоғи фаолиятининг динамикасини ўрганишида ва айниқса уларнинг типологик хусусиятларини аниқлашда Иванов-Смоленскийнинг сўз билан мустаҳкамлаш усули алоҳида аҳамиятга эга.

### **Болаларда шартли рефлекс ҳосил бўлиш тезлиги ва турғунилиги**

Болаларда овқатланишга нисбатан шартли рефлексларининг тез ҳосил бўлиши иштаҳага, перв системасидаги овқатланиш марказининг қўзгалувчанилигига боғлиқ бўлади. Масалан, болага овқатланишдан олдин қанд ёки бошқа ширинлик берилса, ушиг иштаҳаси пасаяди, яъни овқатланишга рефлектор реакция сусаяди.

Болаларда товушга, сўзга ва бошқаларга шартли рефлекслар аинча тез ҳосил бўлади. Шартли ва шартсиз таъсирловчи 5—30 секунд давомида 2—10 марта такрорлаб ва мустаҳкамланиб турилганда гина шартли рефлекс ҳосил бўлади. Шартли рефлекслар ҳосил бўлиши ва

тормозланиң олий перв фаяолиятииң типларига ва ми-  
жозга боғлиқ.

Болаларда сұлак ажралишига ҳосил қилингандар шарт-  
ли рефлекснинг яшириң даври тахминан 3 секундни, ҳа-  
ракатланишга шартли рефлекснинг яшириң даври эса  
6,5 секундни ташкил этады. Бола ўсіб катталашған сары  
яшириң даврнинг давомийлиги қисқариб боради.

Болалар жинсий балоғатта етган даврда шартли реф-  
лексларнинг ҳосил бўлиши бир қадар секунлашади. Ёпи  
кatta бўлғани сары ташқи муҳит таъсировчиларига пай-  
до бўлған ҳаракат шартли рефлекслари шунчалик мус-  
таҳкам бўлади.

### **Болада овқатланишга ҳаракат шарти рефлексини ҳосил қилиш**

Янги туғилган бола ҳаётининг дастлабки купидан  
овқатланишга ҳаракат шартли рефлекслари ҳосил бўла  
бошлайди. 10—14 кунлик болани кўтариб турилса, унда  
овқатланишга нисбатан реакция ҳосил бўлади. У боши-  
ни буради, оғзиши очади, сўнг сўрини ҳаракатларини ба-  
жаради. Бу она болани эмизиш вақти билан боғлиқ  
бўлған шартли рефлекс ҳисобланади.

Бола туғилган кундан бошлаб табиий шартли ва  
шартсиз рефлекслар ҳосил бўла бошлайди. 4 ойлигидан  
бошлаб овқатланишга салбий шартли рефлексларни  
ружудга келтириш мумкин. 7—9 ҳафтагидан бошлаб  
ёргулек ёки товушга нисбатан овқатланишга ҳаракат  
шартли рефлексини ҳосил қилиш мумкин. Чақалоқшининг  
перв системасида қўзғалиш катта одамлагига нисбатан  
тез тарқалади. Бола она сутини эма бошлаши билан ун-  
да ўйғун ҳаракатлар пайдо бўлади. Янги туғилган болаларда  
қўл мускуллари тоник рефлекси, умуртқа пого-  
насининг эгилиш рефлекси, қорачиқ рефлекси пайдо бў-  
лади. Булар шартсиз рефлекслар ҳисобланади.

Боланинг ёши ортиши билан ҳаракат рефлекслари (юриш, ісгуриш ва бошқалар), оғзаки, ёзма, шутқ реф-  
лекслари шакллана боради ва ҳоказо.

Болада энг аввало эшитишга, кўришга, аста-секин сезги, таъм билишга шартли рефлекслар ҳосил бўлади.  
Иккى ойлик бола товуш келган томонга бошини буради  
ва озигина вақт бошини кўтариб тура олади. 2—3 ойлик  
болада ёзувчи мускулларга нисбатан букувчи мускуллар  
топуси ортиқ бўлади. Бола иккى ойлигидан бошлаб бо-  
шини бемалол тутиб тура олади. 4—5 ойлигидан бошлаб

Эса кўзи тушган нарсаларни ушлаш учун уйғун ҳаракатлар қила бошлайди. 5 ойлик бола нарсани қўлида ушлаб, оғзига олиб боради. 5—6 ойлигидан бошлаб ўтира бошлайди ва туришга ҳаракат қиласди. 7 ойлик бўлганда ўзи ўтиради, катталар ёрдамида ўрнидан туриб олади. 8 ойлигидан нарсаларга суюниб туради, нарсаларни ушлаб юришга ҳаракат қиласди. 9 ойлик бўлганда ўзи туради, бир қўлидан ушлаганда юради, аста-секин ўзи юришга ҳаракат қиласди.

Мактаб ўқувчиларида янги ҳаракат кўникмаларининг ҳосил бўлиши уларнинг онги, мақсадли ҳаракати, фикрлаши, оддий, ҳаракат кўникмаларини эсда олиб қолиши ва бу хусусиятлариниг нерв системасида қайта ишланишини натижасида амалга ошиади. Мехнат, спорт ва бошقا ҳаракат кўникмалариниг шаклланиши фақат физиологик жараён билан эмас, балки руҳий жараён билан ҳам белгиланади. Ҳосил қилинган шартли рефлекслар шартсиз таъсирловчи билан мустаҳкамланиб турилмаса, бора-бора сўнади ва йўқолиб кетади.

Болаларда ҳаракат кўникмаларининг ҳосил бўлиш тезлиги аввало одамнинг онгига, мақсадни қанчалик тушиунишига, шу кўникмаларга муносабатига, қизиқишига ва ихтиёрий ҳаракатларниг қанчалик тўғри—аниқ бажарилишига боғлиқ бўлади.

Мактаб ёшидаги болаларда ҳаракат кўникмаларини тез ҳосил қилишида ва мустаҳкамлашда ҳамда шу кўникмаларни шаклланитиришида болаларга «тўғри» деган сўзни такрорлаб туриш ижобий натижка беради. Тўғри ҳаракат кўникмаларининг ҳосил бўлиши боланинг ёшига, нерв системасининг қанчалик ривожланиганига, жисмоний ривожланишига ҳам боғлиқ бўлади.

### **Болаларда вақтга ҳосил қилинадиган шартли рефлекслар**

Янги туғилган болада ҳаётининг 7—8-кунидан бошлиб, эмиш вақтига шартли рефлекс ҳосил бўла бошлайди. Бола сутканинг маълум вақтларида оиласининг эмизишидан олдин уйғониб, эмиш ва бошقا ҳаракатларни қиласди. Вақтга нисбатан шартли рефлекс ички органлардан, тўқималардан ёки ташқи рецепторлардан нерв системасига борадиган импульсларининг сўз таъсиротлари билан боғланиши туфайли вужудга келади. Бундай рефлексларга мактаб ёшидаги боланинг маълум вақтда ух-

лаши, уйғониши, белгиланган вақтда дарс тайёрлаши, овқатланиши ва бошқалар мисол бўлади.

Бу рефлексларнинг барқарорлиги нерв системасининг типига, қўзғалувчанлигига, диққатни тўплай олишига ва машқ қилишга боғлиқ бўлади ва узоқ вақт давомида аста-секин такомиллашиб боради.

### Из қолдирувчи шартли рефлекслар

Нақд шартли рефлескс шартли таъсирловчи таъсири этгандаги ҳосил бўладиган рефлексдир. Из қолдирувчи шартли рефлекслар шартли таъсирловчилардан сўнг мия яримшарлари пўстлогига ҳужайраларида қолган из ҳисобига вужудга келади. Ўқувчига маълум вазифа берилинши, у вазифани маълум вақтдан сўнг бажариб, ўқитувчи айтган муддатда олиб келиб топшириши мазкур рефлексга мисолдир.

Из қолдирувчи шартли рефлекслар мия яримшарлари пўстлогидаги дастлабки қўзғалиш ўчоги билан шартсиз рефлекснинг қўзғалиши ўчоги ўртасидаги вақтича нерв боғланиши натижасида келиб чиқади. Болаларда из қолдирувчи шартли рефлекслар катталардагига қараганда тез ҳосил бўлиши, жуда мустаҳкам ва аниқ бўлиши билан фарқ қиласиди. Бу рефлекслар бола иккни ярим яшар бўлгандан кейин ҳосил бўла бошлайди.

### ҚЎЗҒАЛИШ ВА ТОРМОЗЛАНИШ ЖАРАЕНЛАРИНИНГ УЗАРО ТАЪСИРИ

Бош мия яримшарлари пўстлогига шартли тормозловчи таъсири этгандаги даставвал шу анализатор маркази тормозланади, сўнгра тормозланиши қўшини нейронларга тарқалади. Тормозланиш жараёни болаларнинг кундаклик ҳаётидаги муҳим аҳамиятга эга. Бош мия нейронларининг кетма-кет уйғун фаолияти қўзғалиши ва тормозланиши жараёниларнинг алмашинини натижасида амалга ошиади.

Болаларда тозмозланиши рефлекслари аста-секин ҳосил бўлиши билан бирга жараёни машқ қилинина боради, бинобарин, нерв жараёнилари уйғун кечади.

Чақалоқларнинг мия яримшарлари пўстлогидаги боғча ёшидаги болалардагига иисбатан тормозланиши тез ва кенг ёйлади. Шунинг учун ҳам чақалоқлар кундузи ҳам ухлайди, 4–6 ёндан бошлаб ички шартли тормозланиши ривожлана бошлайди. Бу ёшида катта мия яримшарлари

пўстлоғининг аналитик-синтетик фаолияти мураккаблашади.

### **Болаларда шартли рефлексларнинг тормозланиши**

Болаларда шартсиз индукцион тормозланиш теваракатрофдаги таъсиrot ва ички органлардан келадиган нерв импульслари таъсирида вужудга келади. Масалан, қовуқнинг тўлиши юзага келтирилган шартли рефлексни тормозлайди. Ташқи тормозланиш четки таъсирловчнинг кучига, юзага келтирилган шартли рефлекснинг мустаҳкамлигига ва боланинг ёшига (бола қанча ёш бўлса, шартли рефлекс шунча тез тормозланади) боғлиқ бўлади.

Ўта тормозланиш 10—12 яшар болаларда 7—10 яшар болалардагига нисбатан секин ривожланади. Шартли рефлекснинг сўниш тезлиги боланинг ёшига, соглигига, олий нерв фаолиятининг типи ҳамда ҳосил бўлган шартли рефлекснинг тури ҳамда мустаҳкамлигига боғлиқ. 11—12 яшар болалардаги шартли рефлекслар 8—10 яшарли болаларда юзага келтирилган шартли рефлексларга қараганда тез сўнади. Овқатланишга нисбатан ҳосил бўлган шартли рефлексни сўндириш қорни оч болаларда қорни тўқ болалардагига нисбатан қийинроқ бўлади.

Соғлом болаларда шартли тормозланиш ўзига ҳосил хусусиятга эга бўлиб, дифференциялашган, шартли рефлекс 2—6 мартараб мустаҳкамланганда вужудга келади. Сўнган шартли тормозланиш вақт ўтиши билан яна асли ҳолига келади. Шартли тормозланишдан сўнг кетма-кет тормозланиш ривожланади. Баъзи ҳолларда шартли тормозланишининг таъсири тугагандан сўнг, индукция асосида қўзғалиш ривожланади.

Болаларда бефарқ таъсирловчи бир неча марта бирламчи, иккиламчи, учламчи ва бундан юқори тартибдаги шартли тормозланиши ҳосил қилиши мумкин. Улар ҳам узоқ сақланиши ва сўниши, асли ҳолига келиши мумкин. Шартли тормозланиш ўқитишда, одоб-ахлоқли ва интизомли қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

### **Боғча ёшидаги болаларда олий нерв фаолиятининг ривожланиши**

1, 4 ойлик, 2 яшар болаларда якка таъсирловчиларга ҳаракат шартли рефлекслари тез ҳосил бўлади ва мус-

таҳкамланади. Иккита индефферент таъсирловчига боғланиш анча барвақт пайдо бўлади. Бола 2,5 яшар бўлганда олий нерв фаолияти анча такомиллашади. Осон ва мураккаб шартли рефлекслар мустаҳкамланиб турилмаса, тез орада сўниши мумкин. Богча ёшидаги болаларда шартли рефлексларнинг ҳосил бўлишида ўзига хос фарқ бўлиб, бу фарқ боланинг нерв системасининг физиологик, психик ривожланишига боғлиқ бўлади. 3—5 яшар болалар олий нерв фаолиятининг ривожланиши тубдан фарқ қиласди. Бу ёшида мўлжаллаш реакцияларининг табиати ўзгаради. Бола «бу нима?» деган савол билан турли нарсалар ва ҳодисаларни билишга ҳаракат қиласди.

2—3 яшар бола нарсаларга қараб, уларни ушлаб кўриб шаклини аниқлайди. Оддин ҳосил бўлган кўриш-кинесстетик боғланишдан фойдаланади, уларнинг шаклини чамалаб билади. Богча ёшидаги боланинг бош мия яримшарлари пўстлоғида қўзғалиш, тормозланиш, иррадиация, генерализация каби нерв жараёнлари кучлироқ бўлади. 5 яшар бола ташқи ва ички тормозланишининг табиати ўзгаради. Бу ёшда бош мия яримшарлари пўстлоғида кечикувчи, из қолдирувчи шартли рефлекслар қийинлик билан ҳосил бўлади, нерв жараёнларининг қучи ва ҳаракатчанлиги ортади, бу болада динамик стереотипни бир қадар снгиллик билан ўзгартириш имконини беради. Чамалаш рефлекси кучлироқ бўлиб, тобора мустаҳкамланиб боради.

### **Болаларда биринчи ва иккинчи сигнал системасининг ўзаро таъсири**

Биринчи сигнал системасининг асосий қонутиятлари иккичи сигнал системасида ҳам рўёбга чиқади. Биринчи ва иккичи сигнал системалари бош миядаги перв жараёнларининг шакллари ҳисобланади ва турли дараҷада мураккаблиги билан фарқ қиласди. Оданинг ҳаёт шароити яхши бўлганда иккичи сигнал системаси маълум даражада биринчи сигнал системасини ва ҳис-туйгу фаолиятини бошқариб туради. Ҳаёт давомида биринчи ва иккичи сигнал системаси ривожланиб боради.

Богча ёшидаги болаларда кечикувчи шартли рефлекслар бошқа рефлексларга нисбатан жуда қийинлик билан секин ҳосил қилинади. Кечикувчи шартли рефлексларни тез-тез ҳосил қилиш мудраш, үйқучапликка, баъ-

зан физиологик уйқуга сабаб бўлади. Улар тез-тез ва кучли ҳосил қилиб турилса, бунинг натижасида айрим ҳолларда болалар нерв системасида вақтинача ўзгаришлар пайдо бўлади. Шартли рефлексининг кечикини фақат шартли таъсирловчилар табиати билан эмас, балки бола нерв системасининг типи, ҳолати билан ҳам белгиланади. Болаларда таъсирловчилар аста-секин нозик табақаланади.

Болаларда қиёсий тормозланиш қийинлик билан вужудга келтирилади, аста-секин машқ қилиб туриш билан у такомиллаша боради. Масалан, болада қизил коптокка ҳаракат шартли рефлекси ҳосил қилинган бўлса, коптокнинг ранги ёки ҳажми бир оз ўзгартирилганда қиёсий тормозланиш ҳосил бўлади. Бундай тормозланиш организм ташқи муҳит таъсирларига мосланшинига имкон беради. Ўқитувчи дарс беришда таққослаш, солиштириш ва бошқа усууллардан фойдаланиади. У қўшишни айриш билан, ўлик ва тирик табиатдаги ҳодисаларни ўзаро солишлириб кўриш усуулларидан фойдаланади.

Машқ қилини ўюли билан қиёсий тормозланиш ортиб, иккичи сигнал системаси биринчи сигнал системаси асосида шакллана боради. А. Г. Иванов-Смоленский (1929) болаларда биринчи ва иккичи сигнал системаларин орасидаги ўзаро боғланишининг ривожланишини схема равишда қўйидаги босқичларга бўллади:

1. Биринчи сигнал системасининг бевосита шартли рефлекслари. Бунда ташқи бевосита таъсирловчилар (кўриш, эшитиш, сезги, ҳидлаш, таъм билиши) органларга таъсир қилиб, бола организмида ҳаракат ёки вегетатив реакцияларни пайдо қиласди. Иккичи сигнал системаси шаклланмаганидан шартли рефлексларда сўз иштирок этмайди. Бундай шартли рефлекслар бола ҳаётининг биринчи ойларида ҳосил қилинади.

2. Сўз таъсирида бевосита шартли рефлекслар ҳосил қилиши. Масалан, боланинг тили чиқинидан анча олдин атрофидаги одамларининг сўзларига вегетатив шартли рефлекслар ёрдамида жавоб қайтаради. Бундай шартли рефлекслар бола 6 ойлик бўлганда, айниқса ёнига тўлганда ҳосил бўлади.

3. Бевосита сўзга шартли рефлекслар ҳосил бўлиши. Бундай шартли рефлекслар киницлар ва нарсаларининг номларини ва ҳодисаларни бола маълум сўзлар билан боғлашга юрганиши натижасида вужудга келади. Бола

юқорида айтиб ўтилган икки гурух шартли рефлексларга учинчи гурух шартли рефлексларни боғлайди.

## БОЛАЛАРДА НУТҚИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Бола катта кишилар ва тенгдошлари билан бевосита мулоқатда бўлиб турар экан, турли сўзларни эшишиб, нутққа ўргана бошлайди. У 6—7 ойлигидан бошлаб эшитган сўзларидан бўғин ажратади. Булар таъсир кучига эга бўлади ва ташқи таъсирловчилар билан боғланади. Сўзлар аввал шартсиз таъсирловчиларнинг сигналлари, сўнгра шартсиз рефлексларнинг сигналлари сифатида таъсир этади, улар аста-секни шартли ва шартсиз таъсирловчиларнинг ўрнини босиб кетади.

5 ойлик бола сўзларга тушунади. Сўз оҳанги ва имо-ишораларга ҳаракат шартли рефлекслари ҳосил бўлади. Бир яшарлик бола 5—10 та сўзни айта олади. 1,5 ёшдан бошлаб болада сўз бойлиги орта боради. З яшар бола 500 дан ортиқ сўзни билади. Боланинг сўз бойлиги машқ қилишга, ўзига хос хусусиятларига, тарбияга ва нерв системасининг хусусиятига боғлиқ.

## Бола олий нерв фаолияти типларининг хусусиятлари ва уларни тарбиялаш

Бола тугилганидан кейин бир неча куни ўтгач, нерв системасида ўзгаришлар рўй беради. Масалан, холерик темпераментдаги бола тез-тез ўйгонади ва қаттиқ йиғлайди. Меланхолик темпераментдаги бола эса узоқ ухлайди, кам йиғлайди, тинч бўлади.

Ташқи мұхитдаги ҳодиса ёки предметлар билан уларнинг сўзда ифода этилиши боланинг иккинчи сигнал системасини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Масалан, бир яшар болага «бурнингни кўрсат» деб ўргатилса ва бу 12—15 марта такрорланса, бола бурнини кўрсатади. Кейин «кўзингни кўрсат», «қўлингни кўрсат» ва ҳоказо сўзларга жавоб реакциясини олиш учун кўзини кўрсатилса ва сўзларни бир неча марта такрорланса кифоя бўлади.

5 яшар бола аста-секни умумлашган сўзларни такрорлай бошлайди. Масалан, ўйинчоқ, дараҳт, ҳайвон ва бошқалар. Болада бу ёшида конкрет предметларга иисбатан нутқ ҳосил бўлади. 3—5 яшар бола айрим исъяларни ҳаракатлар билан ёдлайди. 5—6 ёшида ташқи дунё-

шынг күпгина ҳодисалариниң сүз билан умумлаштириши қобилияты ортади.

И. К. Красногорский (1948) ва М. М. Колыкова (1958) турли ёшдаги болаларда тажрибалар олиб бориб, унда сүз интеграцияси турли босқичда бўлишини кўрсатгандар.

Турли босқичларда сүз интеграцияси ривожланишинг изчилиги билан аниқ мисолда қисқача тапишамиз.

1. Интеграция даражасида сүз бола сезадиган маълум предметлариниң образи ҳисобланади, яъни сүз сезилган предмет образиниң эквиваленти бўлади.

2. Интеграция даражасида сүз бир турдаги предметлардан бир неча сезиглар образи вазифасини бажаради. Масалан, қўғирчоқ сўзининг сигнал аҳамияти якка сезиладиган образга нисбатан кенгроқ, лекин жуда ҳам аниқ эмас.

3. Интеграция даражасида сүз турли хил предметлардан ҳосил бўладиган бир неча предметларни сезадиган образларни ифодалайди, масалан, ўйинчоқ сўзи (контакча, кубиклар, автомобиль ва бошқалар). Бундай сўзининг сигнал аҳамияти ниҳоятда кенг, конкрет образлардан узоқлашган бўлади.

4. Интеграция даражасида сўз олдинги даражаларда ги интеграцияларни умумлаштиради. Масалан, нарса сўзи: ўйинчоқ, идиш, мебель ва бошқа сўзларни умумлаштиради. Бундай сўзининг сигнал аҳамияти кенг маънода бўлади. Биринчи тартиб интеграция боланинг 2 ёшида ҳосил бўлади, иккинчи тартиб сўз интеграцияси бола ҳаётининг 2-йили охирида, учинчи тартиб сўз интеграцияси 2—3 ёшда, тўртинчи тартиб интеграция эса 5 ёшда намоён бўлади. 5 ёшдан 7 ёшгacha бўлган даврда сўз орқали фикрлаш қобилияти ортади. Бу ёшда ички шутқуртаклари ҳосил бўла бошлилайди. Мактаб ёшида ги болаларда шутқунинг аҳамияти янада ортади. Сўз бойлиги кўпая борган сари абстракт фикрлаши ҳам орта боради.

7—9 яшар болаларда катта яримшарлар пўстлогининг нерв ҳужайралари таъсиrotларга чидамли бўлади. Боғча, бошлиғич мактаб ёшидаги болалар нерв системасида қўзғалиш жараёнлари устун туради. 10—12 ёшдан бошлаб, нерв системасидаги қўзғалиш, тормозланиш жараёнлари мувозанатлаша боради. 7—10 ёшда қўзғалиш жараёни устун бўлганидан нерв жараёнларининг ҳаракатчалиги 11—13 яшар болалардагига нисбатан

суст бўлади. Шунинг учун ҳам кичик мактаб ёшидаги болаларда ижобий шартли рефлексни салбий шартли рефлексга айлантириш бирмунча қийин бўлади.

Нерв системасида тормозланишга нисбатан қўзғалиш жараёни устун бўладиган болаларда шартли рефлекслар тез ҳосил бўлади, лекин юзага келган шартли рефлекслар билан мия пўстлоғида ёйилган қўзғалишини ҳосил қиласди. Нерв системаси қўзғалиши кучли бўлган холерик темпераментдаги болалар ҳаракатчали бўлади. Турли ўйниларга тез қизиқади, бироқ бу қизиқиш тез сўнади. Холерик темпераментдаги болалар турли ўйниларни узоқ ўйнамайди.

Бу типдаги болалар камҳаракат, сусткаш бўлиб, ёлгиз юришини яхши кўради, унча яхши ўқимайди.

### **Нерв системаси гигиенаси**

Ўқувчи организмининг функционал фаолияти бузилишига йўл қўймаслик учун ўқитувчилар билан врачлар биргаликда иш куни, ҳафтаси ва ўқув йили чоракларида ёслий ва жисмоний фаолиятининг алманиниб туришини ўгри йўлга қўйинилари керак. Бир турли фаолият бошқа фаолият билан алмаштириб турилганда, ишлаётган ҳужайралар дам олади. Ақлий меҳнат қилганда ўйни ва газда мускуллари, хат ёзганда эса юқориги камар ва қўл мускуллари тараангланишиади.

Ўқитувчининг ўқувчига берадиган нагрузка нормаси унинг ёшига, соғлиғи ҳолатига, идрок қилиш қобилиятига, перв типига ва ўқитиш шароитига қараб аниқланади. Нагрузка нормасини аста-секки ошира бориши ва ўқувчиларни актив ақлий меҳнатга жалб қилиш керак. Ўқувчига ортиқча нагрузка берилса, унинг мияси чарчаб қолади, тез ёки секин чарчаши боланинг ёшига, ақлий меҳнат турига ва қизиқишига боғлиқ. Бола қанча ёш бўлса, шунча тез чарчайди.

Дарс вақтида мускул ҳаракатларининг узоқ тўхталиб туриши боланинг ақлий меҳнат қобилиятини сусайтиради. Бинобарин, боланинг диққати чалгийди, мускуллари бўшаша бошлиайди. Боғча ёшидаги болалар чарчаганда мудроқ босади. Ҳадеб бир хил турдаги ақлий фаолият билан шугулланганда боланинг қизиқиши камаяди ва ухлаб қолади.

Кичик мактаб ёшидаги болаларни ўқитишда дарс ўртасида уларни жисмоний тарбия билан шугулланти-

рпш ақлий қобиلىятининг ошишига ёрдам беради. Толиқиб қолинининг олдин олишида турли хилдаги меҳнат билан шуғулланиб туриш, актив ва пассив дам олиш мұхим аҳамиятта әга. Бола зерикарлы иш билан шуғулланишдан, бир ерда қимирламай узоқ ўтиришдан чарчайди. Бундай вақтда у етарли дам олмаса, организми жуда чарчаб қолади, боиқача айтганда, толиқади.

Хаддаң ортиқ чарчаң ёки толиқин иштақанинг пасайшига, биш оғригига, лоқайдликка, хотира ва диққатининг сусайшига олиб келади. Одам қаттық чарчаганды нерв системасининг функционал ҳолати ўзгаради ва тормозланиши вүжудға келади. Актив дам олишда толиққан нерв ұжайраларининг қобиلىяті тезда асли ҳолига келиб қолади.

Ақлий меҳнат гигиенасида күн тартибини түгри ташкил этиш алоҳида аҳамиятта әга. Күн тартиби түгри тузылмаганда ўқувчи асабига ортиқча зёр келади, ҳатто невроз пайдо бўлиши мумкни. Шунинг учун ҳам ақлий меҳнатдан сўнг жисмоний, машқлар билан шуғулланиш керак. Афсуски, ҳозирги кунда ўсмиirlар актив дам олиш ўринига пассив дам оладиган, яъни кўп дарс тайёрлайдиган, телекўрсатувларни кўп кўрадиган, бир ерда ҳаратасиз ўтирадиган ёки ётиб дам оладиган бўлиб қолган. Ўқувчилар ақлий жиҳатдан толиқиб қолмаслиги учун ақлий ва жисмоний меҳнат билан меъёрида шуғулланиши, оиласа, мактабла сиқилмаслиги, тўғри овқатланиши шарт, бундан ташқари, күн тартибига риоя қилиши, қизиқиб ишлаши, актив дам олиши, кўпроқ соғҳавода бўлиши мұхимдир.

### **ЧЕКИШНИНГ ВА СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР ИЧИШНИНГ НЕРВ СИСТЕМАСИГА ТАЪСИРИ**

Одам бир исчада марта папирос чекиши ёки спиртли ичимлик ичини билан уларга ўрганиб қолади. Бора-бора чекмасдан ёки ичкилик ичмасдан туролмайди, бу энди ушининг асосий эҳтиёжига айланниб қолади. Ўқитувчи ўқувчиларга никотин ва алкоголининг кўпгиниз органларга, айниқса нерв системасига жуда зарарли таъсир қилинини далиллар билан атрофлича гапириб бериши керак. Одам биринчи марта папирос чекканда ёки ичкилик ичганда организмида ҳимоя реакциялари содир бўлади. Шунинг учун ҳам одамниң кўнгли айнаб, қусади, биш айланади. Одам чекиб ва ичкилик ичиб турганда бу ҳимоя реак-

циялари аста-секин сусайиб боради ва бора-бора бутунлай йўқолади.

Мунтазам чекиш ёки спиртли ичимликларни ичиш натижасида саломатлик ёмонлашади, меҳнат қобилияти пасайиб кетади, хулқ-атвор ўзгаради. Ичкилик ичган одамнинг идроки, ақлий қобилияти сусаяди, одам ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилолмай қолади, оқибатда ахлоққа зид ҳаракатлар қилади. Алкоголнинг заҳарли таъсирида жинсий безларда аслига қайтмайдиган ўзгаришлар юз беради, жинсий гормонларнинг ишлаб чиқарилиши камаяди, одам барваҳт қариб қолади. Хусусан жинсий ҳужайраларга салбий таъсир кўрсатади.

Ичкиликбоз ота-онадан туғилган болалар жисмоний ривожланишдан орқала қолади, ногирон, ақли заиф, кичкина бўлади ва ҳоказо.

### ҲАЯЖОННИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ҳаяжон ташқи муҳитдаги турли таъсирловчилар анализаторларнинг миядаги қисмига рецепторлар орқали таъсир этиши натижасида вужудга келади. Ҳаяжон ҳам рефлекслар асосида, вегетатив нерв системаси марказлари, лимб системаси, ретикуляр формациянинг мия яримшарларига таъсири туфайли ҳосил бўлади, деб тушунирилади. Бу соҳаларнинг қўзғалиши ўз павбатида ички органлар фаолиятини ўзгартиради, скелет мускулларига трофиқ таъсир этади. Шунингдек, ҳаяжон оралиқ мия (айниқса ўрта миядаги махсус ядролар, ретикуляр формация, бўртик ости ядроларни), лимб бўлаклари, бодомчасимон ядролар орқали бошқариб турилади.

Буйрак устки безларининг пўстлоқ қисмида гормонлар кўп ишланиб, симпатик нерв системасига таъсир этиб, унинг қўзғалувчалигини оширади. Одам газаблангандага ёки оғриқ пайдо бўлганда, қўрқсанда буйракда адреналин гормони кўп ишлаб чиқарилади. Бўртик ости қисми иштирокидаги ҳаяжонда гипофизнинг ички секрецияси ўзгаради. Симпатик ва парасимпатик нерв системаларининг бир вақтда қўзғалиши натижасида жинсий акт юз беради. Қўрқни ва газабланишда симпатик нерв системаси, ёқимли түйғуларда парасимпатик нерв система устуноқ бўлади. Лекин кўз ёш безлари функциясининг кучайиб кетиши парасимпатик нерв системаси қўзғалувчалиги ортишининг натижаси ҳисобланади. Бўртик ости қисмининг қўзғалишини фақатгина вегетатив реакцияларни эмас, балки ҳаракат реакциялари-

ни ҳам келтириб чиқаради. Ҳаракат аппаратидан про-  
проинцептив импульсларининг кўп келиши бўртик остига  
ва мия яримшарларига рефлектор таъсир этади. Ҳая-  
жонланишда мия яримшарларининг пешона қисми асо-  
сий роль ўйнайди. Мия яримшарларидаги ҳаракат мар-  
казларининг қўзғалиши фақат мускул ҳаракатларини  
эмас, балки вегетатив реакцияларни ҳам келтириб чиқа-  
ради.

Руҳий жараёнлар ҳам вегетатив, ҳам ҳаракат реак-  
цияларини келтириб чиқаради. Масалан, қўлларни бу-  
киш ҳақида ўйлаш гарчи қўл букилмаса ҳам қўл мускул-  
лари қоп томирларининг кенгайишига олиб келади. Ҳис-  
хаяжонда лимб системасининг роли муҳимдир. Унинг  
айрим тузилмаларишининг қўзғалиши одамларда ёқимли  
сезгини вужудга келтирса, бошқа тузилмаларишининг қўз-  
ғалиши ёқимсиз сезгини вужудга келтиради. Симпатик  
нерв системаси қўзғалганда ҳаракат активлиги ортади,  
парасимпатик нерв системаси қўзғалганда эса аксепча  
пасаяди.

Одам ҳаяжонланганда баъзан имо-ишора мускулла-  
ри, тана ва қўл-оёқлар мускуллари ўзига хос равишда  
қисқаради. Симпатик нерв системасининг қўзғалиши  
мускулларга трофик таъсир этиб, қоп босими ортиши  
ҳисобига мускуллар кучи ва чидамлилигини ошириб  
юборади. Айрим ҳолларда мускуллар бўшашини ҳам  
мумкин.

## ЎҚИТИШНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Барча психик жараёнлар бош мия катта яримшарла-  
ридаги нерв жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда  
кечади, зеро ҳар бир психик жараён асосида нерв жара-  
ёнлари: қўзғалиш, тормозланиш, тарқалиш, жамланиш,  
доминанта ва бошқалар ётади. Бундан ташқари, психик  
жараёнлар нутқ асосида ҳам ҳосил бўлади.

Болалар ва ўсмирларга таълим-тарбия беришда ички  
тормозланишининг барча турларини ҳосил қилиш ва  
машқ қилдириш педагоглар учун зарур. Шуни унутмас-  
лик керакки, солиштириш ва қарама-қарши қўйниш усуслари  
қўлланилгандагина ўқув жараёни самарали бўла-  
ди. Ўқитиш жараёнида раигли, ялтироқ кўргазмали  
қуролларни кўрсатиш, болаларни ҳаяжонлантирадиган,  
қувонтирадиган даражада таъсир этиш билан мия пўст-  
логида доминанта ўчогини вужудга келтириш, диққатни

яхшилаш, ўқув материалининг қизиқарлилигини ошириш мумкин. Аксинча, бир хил таъсир, бир хил шароит, бир хил оҳангда сўзлаш болалар мудрашига, қизиқишининг камайишига сабаб бўлади.

Таълим-тарбия беришда I ва ІІ сигнал системасининг шаклланиши ва уйғун ишлаши муҳим аҳамиятга эга.

## СЕЗГИ ОРГАНЛАРИ — АНАЛИЗАТОРЛАР

Ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш анализаторлар, яъни сезги органлари орқали амалга оширади. Ташқи оламдаги таъсир нерв сигналлари ҳолида бош миядаги нерв марказларига етказилади. Бу сигналлар бош миянинг турли бўлимларида қайта ишланиб, унинг олий бўлимида сезни, тасаввур қилиш, аиглаш билан якуланади.

И. П. Павлов ҳар бир анализатор бир-бирига боғлиқ бўлган учта периферик, ўтказувчи ва марказий қисмдан иборат эканини биринчи бўлиб исботлаган. Рецепторлар анализаторнинг периферик қисми ҳисобланади, булар маълум таъсирга жавоб берувчи нерв учлари билан тугайди. Рецепторлар тузилиши, жойланиши, функциясига кўра турли хил бўлади. Қўзгалишини рецептордан бош мия катта яримшарларига ўтказувчи марказга интилевучи нейронлар анализаторнинг ўтказувчи қисмини ташкил этади. Бош мия катта яримшарларининг маълум рецепторлардан таъсирни қабул қилувчи қисмлари анализаторнинг марказий қисмини ташкил этади. Анализаторнинг барча қисмлари бир бутун ҳолда ишлайди. Қандайдир анализаторнинг бир қисми шикастланса, унинг функцияси бузилади.

Одаминиг меҳнат фаолиятида анализаторларнинг роли жуда муҳим. Лагар боланинг турли органларидац, турли сезги органларидан таъсир кам борса, бош мия ривожланишдан орқада қолади. Ташқи оламдаги турли хил таъсир аввал рецепторларда, сўнгра бош мия бўлимларида анализ қилинади. Таъсирнинг ҳар томонлама нозик анализи бош мия катта яримшарларида амалга ошади.

Сезги органларига тананинг барча соҳасида жойланган рецепторлар ва мускуллар, қоп томирлар деворидаги рецепторлар ва бошқалар киради. Анализаторларнинг мия пўстлоғидаги қисми шикастланса ёки олиб ташланса, таъсир мураккаб анализ ва синтез қилинмайди. Ма-

салан, мия пўстлоғидаги эшитиш анализаторлари жойлашган чекка қисми олиб ташланса, таъсирнинг позик табақаланиши йўқолади.

### **Таъм билиш анализатори**

Нерв системасининг фаолияти учун таъсир доимо бутун организмга таъсир қилиб туриши керак. Кўнгина сезги органларининг шикастланиши натижасида таъсирнинг улар орқали бош мияга етарли келмаслиги туфайли одам актив фаолиятини йўқотади, доимо ухлайди, бундай одамини сақланиб қолган сезги органларига таъсир этиши билангина ўйготиш мумкин. Текниришлардан мэълум бўлишича, сенсор таъсиротининг йўқолини диққатни тўплаш, мантиқий фикрлаш, ақлий меҳнат қилиш хусусиятларига салбий таъсир этади. Сезги органлари орқали таъсирни ташқи муҳитдаи, ички органлардан рецепторлар бўйлаб қабул қилиниши туфайли организминг ташқи ва ички муҳити ҳақидағи маълумотлар бош мияга етиб боради.

Ахборотнинг рецепторлардан бош мияга бориши натижасида организм ўз-ўзини бошқаради. Масалаи, қоннинг таркиби ўзгарса, шунга яраша қоп томирлар деворида қўзғалиш, тормозланиш вужудга келади.

Организминг сенсор системалари ёки анализаторларига кўриш, эшитиш, вестибуляр, таъм билиш, ҳидлаш, тери ва ички органларда содир бўладиган ўзгаришларни қабул қиласидиган интерорецепторлар ёки висцерал сенсор системалар киради.

### **Таъм билиш анализатори**

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг эпителийсида юмaloқ ёки овал шаклдаги таъм билиш пиёзчалари жойлашган. Ҳар бир пиёзчада 2—6 та таъм билиш ҳужайралари бўлади. Катта одамда пиёзчаларнинг умумий сони 9 мингтагача этади. Улар тилининг шиллиқ қаватидаги сўрғичларда жойлашган. Тилининг учидаги 150—200 та замбуруғсимон таъм билиши пиёзчалари, асосида эса баргсимон пиёзчалар бор. Бундан ташқари, таъм билиш пиёзчалари юмшоқ танглай юзасида, ютқиннинг орқа деворида ва ҳиқилдоқ устида жуда сийрак жойлашган. Ҳар бир таъм билиш пиёзчаларида 2—3 та нерв толаларидан марказга интилевчи импульслар ўтади.

Тилда ширин, аччиқ, нордон ва шўрни сезувчи таъм билиш рецепторлари жойлашган. Ширинга тилнинг учи, ачиққа асоси, нордонга икки ён қисми, шўрга эса тилнинг учи ва асоси сезгир бўлади. Моддаларнинг таъми улар сувда ёки сўлакда эриган ҳолда қабул қилинганда яхши сезилади. Нордон рефлектор равишда юрак қисқаришини тезлатади, қон томирлар деворини торайтиради, тери ҳароратини пасайтиради. Ширинлик томирларни рефлектор равишда кенгайтиради, оёқ қон томирларининг қонга тўлишини яхшилайди, миянинг ички босими ни камайтиради ва тана ҳароратини оширади. Янги туғилган бола ҳаётининг биринчи соати ва биринчи кунидаги нордон, аччиқ, шўр ва ширин таъсиррга жавоб реакцияси таъсирловчининг табиатига мос келмайди. 8—10 кундан бошлаб ширинликка адекват реакция пайдо бўла бошлайди.

Бир ўшдан то 6 ўшгача таъм билиш рецепторларининг сезувчанлиги ортиб боради. Мактаб ёшидаги болаларнинг таъм билишини катта одамларнинг таъм билишидан унча фарқ қилмайди. Кексаларда таъм билиш сезгиси камаяди.

### Ҳид билиш анализатори

Одам турли моддаларнинг ҳидини бурни юқори чига-ноқларининг ўрта қисми ва бурун тўсигининг шиллиқ пардасидаги махсус рецепторлар орқали сезади. Ҳид билиш ҳужайралари жойлашган шиллиқ парданинг юзаси  $5 \text{ см}^2$  келади. Ҳид билиш ҳужайраларининг ўсиқлари ҳидлаш нервини ҳосил қиласи Модданинг заррачалари ҳидлаш соҳасининг шиллиқ пардасига тушиб, ҳид билиш ҳужайраларига таъсир этиши натижасида ҳид сезгиси вужудга келади.

Ҳид билиш туфайли одам ва ҳайвонлар турли газларни ва овқатининг ҳидини сезади. Ҳид сезгиси ниҳоятда ўткир ва нозик. Модда ҳавода жуда оз тарқалган бўлса ҳам одам унинг ҳидини сезади. 1 литр ҳавода 1:1000000 г нисбатда эфир бўлганда ҳам одам унинг ҳидини билади. Ҳидлаш органи айниқса водород сульфид гази ҳидига ниҳоятда сезгир бўлади. Баъзи бир ҳайвонларда ҳид билиш сезгиси жуда ҳам нозик бўлади. Баъзи искович итлар ниҳоятда кучсиз ҳидни ҳам сезади.

Янги туғилган бола бинафша, валериана, лион, апис ва бошқа ноҳуш ҳидларга нисбатан юз мимикасини ўз-

Гартириш, нафас олини ва пульс ўзгарниши билан жавоб беради. Кучли ҳид таъсир эттирилганды у чуқур ва тез-тез нафас олади ҳамда томир уриши ўзгаради. Бола 4 ойлик бўлганидан бошлаб турли ҳидларни тўлиқроқ ажратади. Богча ёшидаги болаларда ҳидлаш рецептори ривожланишида давом этади.

## КУРИШ АНАЛИЗATORИ

Кўриш анализатори ташқи дунёдаги нарсаларнинг ҳажми, ранги, шакли, масофаси ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Мехнат фаолиятида кўриш анализатори жуда муҳим роль ўйнайди.


Кўзнинг бевосита таъсирловчиси ёруғлик, бинобарин, ёруғлик кўз рецепторларига таъсир этиб, кўриш сезгисини ҳосил қиласди. Кўриш органи 10—12 ёшгача морфологик ва функционал жиҳатдан ривожлана боради.

**Кўзнинг тузилиши.** Кўз соққа ва уни ўраб турган ёрдамчи аппаратдан ташкил топган. Кўз соққаси юмалоқ бўлиб, кўз косаси чуқурчасида жойлашган. Унинг девори уч қаватдан: ташқи оқсил парда (склер), ўрта томирли парда ва ички — тўр пардадан иборат. Оқсил қават (склер)ниң ранги оқ бўлиб, бир қисми қовоқлар остидан кўришиб туради. Склеранинг орқа томонидаги қисми тешик бўлиб, кўриш перви шу тешикдан ўтади. Склеранинг олдинги қисми тиниқ, қаварикроқ бўлиб, шох пардани ҳосил қиласди. Ташқи ёки склера қаватининг 1/5 қисми мугуз пардага, 4/5 қисми орқа оқсил пардага тўғри келади. Шох пардада қон томирлар бўлмайди. |

Ўрта — томирли пардада қон томирлар ва пигмент кўп. Турли кишиларда пигмент миқдори ҳар хил бўлади. Баъзи одамларда кўзнинг ўрта пардаси пигментсиз бўлиб, қон томирлар кўришиб туради. Шунинг учун кўзи қизғиши бўлади. Томирли парда олдинги — раигдор парда, ўрта — киприксимон тана ва орқа — хусусий томирли қисмга бўлинади. Раигдор парлада икки хил: радиал ва ҳалқасимон шаклдаги силлиқ мускуллар жойлашган бўлиб, ҳалқасимон мускуллар қисқарганда кўз қорачи и тораяди, радиал мускуллар қисқарганда эса қорачиқ кенгаяди. Раигдор парданинг ўртаси тешик бўлиб, у қорачиқ деб аталади. Киприксимон тана томирли парданинг қалин тортган ўрта қисмини эгаллаб туради. Киприксимон тананинг ички қисмida силлиқ мускул толалардан иборат киприксимон мускуллар бўлади. Кипри-

7-расм. Ўнг кўзининг горизонтал кесими:


1—киприксим тана; 2—кўз гавҳарининг ҳалқасимон бойлами; 3—ёй парда; 4—кўз гавҳари; 5—тугули иуқта; 6—кўриш чизиги; (тугули иуқта ва сарицдор орқали ўтади); 7—кўзининг ўқи (кўз гавҳари ва кўз соққасимон марказидан ўтади); 8—сининг марказидан ўтади; 9—кўзининг олдинги шох парда; 9—кўзининг вена камераси; 12—бирлаштирувчи парсинуси; 12—оксил парда (кононктива); 13—оксил парда (склера); 14—томирзи парда; 15—тўр парда (ретина); 16—сариқ дод; 17—кўриши нерви; 18—шишасимон тана.



симон мускуллар киприксимон бойламлар ёрдамида гавҳарниң пай ва халтачасига бирикади.

Кўз соққасининг ички пардаси, яъни тўр парда мурракаб тузилган бўлиб, ривожланишига кўра кўриш нерви билан бир бутун ҳисобланади. Тўр парда кўзининг бутун бўшлигини қоплаб туради. Турли таъсирини қабул қилувчи 130 млн та таёқча ва 7 миллионта колбача шаклидаги ҳужайралар тўр парданинг рецепторлари ҳисобланади. Кўз соққасининг ядроси суюқ, гавҳар ва шишасимон танадан иборат. Рангдор парданинг орқасида ясмиқ шаклидаги, жуда тиниқ, икки томони қавариқ лизза—гавҳар жойлашган. Гавҳарниң орқа томони олдинги томонга қараганда қавариқроқ бўлади. Гавҳар ярим суюқ бўлиб, юпқа тиниқ капсула ичидан жойлашган. Гавҳарда қон томирлари бўлмайди. Уни кўз камераларини тўлдириб турадиган махсус суюқлик озиқлантиради. Шох парда билан рангдор парданинг ўртасида кичкина бўшлиқ бўлиб, у кўзининг олдинги камераси дейилади. Рангдор парда билан гавҳар ўртасида ҳам бўшлиқ бўлиб, у кўзининг орқадаги камераси дейилади.

Ҳар бир кўриш нервиде 1 млн га яқин нерв толалари бор. Тўр пардада кўриш нервининг кириш жойи—кўр дод ва нарсаларни яхшироқ кўрадиган сариқ дод бор, доднинг ўртасида чуқурча бўлиб, у марказий чуқурча дейилади. Кўзининг айрим қисмлари: шох парда, гавҳар, шишасимон қисм ўзидан ўтадиган ёруғлик нурларини синдиради. Кўзга ёруғлик нурлари таъсир этганда родопсин ва иодопсин парчаланиб, химиявий реакция содир бўлади. Кўзининг нур синдирувчи қисмларига шох парда,



8-рәзм. Күтүрүлгөн парасен микроскопик маси:

I—толдады қаваты; II—түгүнли қаваты; III—молекулалы ички қаваты; IV—ядролы ички қаваты; V—молекулалы тащи қаваты; VI—ядролы тащи қаваты; VII—тәбәкчалар ва колбачалар қаваты; VIII—нигмениң құлағы.

1—четедә жойланған ички парда; 2—шұытталы толда; 3—түгүнли нерв ұхжайралары; 4—нерв ұхжайраларининг аксонлары; 5—спонгиобласттар; 6—ишки құтблы ұхжайралар; 7—горизонтал жойланған ұхжайралар; 8—табәкчалар ресі; 9—колбачалар; 10—нигмендің апитеңдій.

сүксимон суюқлик, күзниң олдниги камераси, гавҳар ва шишиасимон тана киради. Күзниң синдириш кучи күпроқ шох парда ва гавҳарниң нур синдиришига бөглиқ бўлади. Нур синдириш диоптрий билан ўлчаниади. Бир диоптрий деганда, фокус оралиги 1 м бўлган линзаниң нур синдириш кучи тушунилади. Агар нур синдириш кучи описа, фокус орални и қисқаради.

Параллел ёргулук нурлари шох парда ва гавҳарда сингандан сўнг, марказий чуқурликкиниң бир нуқтасида тўпланиади ва марказий чуқурчада нарсанниң фокуси

ҳосил бўлади. Шоҳ парда, гавҳар орқали сариқ доғ марказига ўтган чизиқ кўриш ўқи деб аталади.

Нарсалар тасвири тўр пардага кичкина ва тескари бўлиб тушади. Нарса кўздан қанча нарида турса, тўр пардадаги тасвир шунча кичик бўлади ва аксинча, нарса кўзга яқин турса, тўр пардадаги тасвир шунча катта бўлади.

**Кўз аккомодацияси** (кўзниңг мослашиши) турлича узоқда турган нарсаларни аниқ ажратиш қобилияти-дир. Кўз аккомодацияси кўз соққасини ҳаракатга келтирувчи первнинг парасимпатик толалари билан таъминланмаган киприксимон мускулларнинг рефлектор қисқариши натижасида гавҳар эластиклиги ўзгаришидан вужудга келади. Мускуллар қисқарганда, киприксимон боғламлар тонуси ошиб, гавҳарнинг бўртиклиги ортади ва нур синдириш кучи кўпаяди. Нарса кўзга жуда яқинлаштирилганда киприксимон мускуллар шу хилда қисқаради. Киприксимон мускуллар бўшашганда киприксимон боғламлар тортилади ва гавҳарнинг эгрилиги, нур синдириш кучи камаяди. Узоқдаги парсага қараганда шундай бўлади. Нарса кўздан 65 см узоқда бўлганда киприксимон мускуллар қисқаради. Одам яқиндаги нарсаларга қараганда гавҳар қавариқроқ, узоқдаги парсаларга қараганда эса яссироқ бўлади.

**Яқиндан ва узоқдан кўриш.** Яқиндан ва узоқдан кўриш туғма бўлиши, шунингдек, ҳаётда орттирилган бўлиши мумкин. Яқиндан кўрадиган кишиларда параллель нурлар марказий чуқурчанинг олдинги томонида тўплаиди, аккомодация натижасида киприксимон мускуллар доим таранг туради. Яқиндан кўрадиган одамда тарқалган ёруғлик нурлари кўзниң марказий чуқурчасига тушади. Шунинг учун ҳам нарсаларнинг тасвири апиқ кўринмайди.

Узоқдан кўришда кўзининг узун ўқи калта бўлиб қолади ва ёруғлик нурлари тўр парда орқасида тўплаиди. Асосий фокус парданинг орқасига тўғри келганидан нарса тасвири равшан бўлмайди.

## Рангларни сезиш

Кўришадиган нарсаларнинг ҳаммаси раигли бўлади. Нарсаларнинг турли узуплукдаги ёруғлик тўлқинларини ютишига ёки акс эттиришига қараб, рангини сезамиз. Спектрда 8 хил ранг бўлиб, улар орасида оралиқ ранг-

лар жуда күп. Бизниң күзимиз 200 га яқын оралық рангларни ажратади. Спектрдаги барча түлқинларниң акс этиши оқ ранг сезгисини келтириб чиқаради, нарса ҳамма рангларни ютганда эса қора бўлиб кўришади. Колбачалар тўр парданиң ранг сезувчи ҳужайралари ҳисобланади. Таёқчалар нарсанинг рангини сезмайди. Шунинг учун ҳам кечаси ҳамма нарса бир хилда кул ранг бўлиб кўришади. Баъзи одамлар рангларни ажратади. Бу касалликни биринчи марта Дальтон аниқлагани учун унинг номи билан дальтонизм деб ҳам аталади.

**Иккала кўз билан кўриш.** Иккала кўз билан кўрганда кўз чарчамайди, чунки нарсанинг турли иуқталари бир гуруҳ рецепторлар ёрдамида кўришади, шу вақтда биохимиявий реакция қайтадан асли ҳолига келади. Нарсаларни иккала кўз билан кўргандан битта кўз билан кўргандагига қараганда кўриш майдонига нисбатан кенг бўлади. Иккала кўз билан кўришда кўз ўткирлиги ошади, чунки нарсанинг тасвири ҳар бир кўзниң тўр пардасига тушади. Кўзниң кўриш ўткирлигини ўлчаш учун маҳсус жадвалдан фойдаланилади.

## **2. Кўриш анализаторининг ёнга боғлиқ хусусиятлари**

Болаларниң кўзи тузилишига кўра катта одамниң кўзидан фарқ қиласди. Ўларниң кўз косаси чуқурлиги ва кўз соққаси катта ёшли одамларниң қараганда каттароқ бўлади. Склера ва томирли пардалар юпқароқ, мугуз парда қалипроқ бўлади. Кўз соққаси бола ҳаётининг биринчи йилида бирмунча тез ўсади. Янги туғилган боланиң кўзи қисқа вақт очилиб, кейин юмилиб олади. Қовоқлари биринчи ойдан бошлаб уйғун ҳаракат қила бошлайди. 2 ойликдан кўз соққаси турли нарсаларга ва ёруғликка нисбатан ҳаракатланади. Кўзниң уйғун ҳаракати асосан машқ қилиш туфайли 6 ойликдан ёки бир ёшидан бошланади. Кўриш анализаторининг аввал периферик, сўнгра марказий қисми ривожланади.

Янги туғилган болада кўриш нервининг толалари кам табақалашган бўлади. Бу нервининг миелинлашувин бола 1—1,5 яшар бўлгунча давом этади. Янги туғилган бола кўзининг нур синдириш қобилияти катта кишиларнидан фарқ қиласди. Кўпинча боғча ва мактаб ёшидаги болаларда кўзниң гавҳари ниҳоятда эластик бўлга-

нидан аккомодация хусусияти аста-секин ривожланиб боради. Ёш катталашиши билан гавҳарнинг эластиклиги камайиб боради.

Яқиндан ва узоқдан яхши кўрмаслик ҳар хил сабабларга боғлиқ бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларда узоқдан кўриш учрайди. Одатда, мактаб ёшидаги болаларда яқиндан кўриш учрайди. Яқиндан кўриш ётиб ўқиш ёки жуда эгилиб ўқиш туфайли келиб чиқади, чунки доим ётиб ўқиганда, эгилганда кўзга қон тўлиши ортади, босими кўтарилади, натижада кўз соққаси катталашади ва фокус оралиғи ўзгаради. Ёруғлик старли бўлмагандан ҳам киприксимон мускуллар узоқ вақт давомида қисқариб туради ва гавҳарнинг нур синдириш хоссаси ортади. Парталар, синф доскаси, иш жойи етарли даражада ёритилмагандан эса ўқувчилар яқиндан кўрадиган бўлиб қолади. Ишлаб чиқаришида майдадеталларни узоқ муддат қаёта ишлаш, майдада ҳарфларни териш киприксимон мускулларни қаттиқ чарчатади ва яқиндан кўришга сабаб бўлади.

Яқиндан кўрадиган ўқувчилар албатта врач маслаҳати билан кўзойнак тақиши керак.

Боғча болалари аввал нарсанинг шаклига, ўлчамига, сўнгра рангига аҳамият беради. Улар рангларни аста-секин ажратади. Қиз болаларнинг ранг ажратиш қобилияти ўғил болаларникига қараганда яхши ривожланган бўлади.


Одам кўзининг ўткирлиги ёши катталашган сари ўзгара боради. Болалар ва ўсмирлар кўзининг ўткирлиги катталарникига инсбатан юқори бўлади. Гигиена талабларига кўра, ўқиётган ёки ёзаётган вақтда хонага ёруғлик чиши томондан тушиши, китоб билан кўзининг ораси 30—35—40 см дан кам бўлмаслиги керак. Ана шунда кўз чарчамайди ва ўткирлиги нормал сақланади.



### ЭШИТИШ АНАЛИЗАТОРИ

Эшитиш органи турли товушларни эшитиш ва мувозапат вазифасини бажаради. Эшитни органи уч қисмга: ташқи, ўрта, ички қулоққа бўлинади. Ташқи қулоқ супраси ташқи эшитиш йўлидан иборат.

Қулоқ супраси тоғайдан иборат бўлиб, мускуллари кам. У товушни тутишга ва унинг йўниалишини билишга хизмат қиласиди. Қулоқ супраси ва мускуллари ҳайвоналарда яхши ривожланган. Ташқи эшитиш йўлининг узунлиги 2,5 см. Эшитиш йўли деворчаларининг юзаси туклар



9-расм. Эшитиш органининг узунасига кесими (схема):

1—қулоқ спураси; 2—ташқи эшитиш йўли; 3—ногора парда; 4—ўрта қулоқ (ногора) бўшлиғи; 5—эшитиш найи; 6—чиганек; 7—ярим айланга каналлар; 8—сандон; 9—болғача; 10—узангি; 11—эндолимфа йўли; 12—амплиф шаклидаги халтача; 13—юмалоқ халтача; 14—чакна сунги.

билаи қопланган, махсус безчалар қулоқ кири (сариги) деб аталадиган ёпишқоқ модда ишлаб чиқаради. Ташқи қулоқ билаи ўрта қулоқ ўртасида ногора парда бор. У овал шаклида бўлиб, қалинлиги 0,1 мм ни ташкил этади. Ногора парда фиброз тўқимадан тузилган, эластик. У ҳаво тўлқинлари таъсирида тебраниб, бу тебранишни ўрта қулоққа ўтказади. Ўрта қулоқ ногора бўшлиғидан, эшитиш сукчаларидан ва Евстахий найидан иборат бўлиб, махсус канал ёрдамида бурун-ҳалқумга туташади.

Ўрта қулоқ ичидаги эшитиш сукчалари—болғача, сандон ва узанги бўлади. Болғача дастаси билан ногора пардага ёпишиб туради, бошчаси эса сандоннинг асоси билан бирлашиб, бўғим ҳосил қиласди. Сандоннинг ўсиқларидан бири узанги бошчаси билан бўғим ҳосил қилиб туташган. Узангининг сербар томони овал дарчанинг пардасига ёпишган. Эшитиш сукчалари ногора пардадаги ҳамма тебранишларни такрорлаб, кучайтириб овал пардага ўтказади.

Ўрта қулоқ бўшлиғидаги босим ташқи ҳаво босимига тенг бўлганда гина ногора парда яхши тебранади. Ўрта қулоқ бўшлиғи Евстахий найи орқали бурун-ҳалқумга туташган, шу туфайли ногора парданинг икки томонидаги босим мувозанатлашиб туради. Ўрта қулоқ бўшлиғидаги босим ташқи ҳаво босимидан фарқ қиласдиган бўлса, эшитиш бузилади.

Ногора парданинг икки томонидаги босим ҳаддан ташқари фарқ қиласдиган бўлса, парда йиртилиб кетиши мумкин. Ички қулоқ лабиринтдан иборат бўлиб, юмалоқ дарча билан ўрта қулоққа туташади. Суяқ лабиринтнинг ичидаги парда лабиринт бор. Суяқ лабиринт деворча-

ларн ўртасида кичик бир бўшлиқ бўлиб, бу бўшлиқ перелимфа деган суюқлик билан тўлади. Парда лабиринт ичидағи суюқлик эндолимфа деб аталади. Овал дарчанинг орқасида ички қулоқ лабиринти даҳлизи, чиганоқ ва ярим доира каналлар бор.

Чиганоқ шиллиққурт чиганогига ўхшаган, гажакдор суюқ қаңалдир. Чиганоқнинг ичиди Кортнев органи бўлади. Кортнев органи товуш сезадиган органидир. Эшитиш нерви шохчалари шу жойда тугайди. Кортнев органи таянч ва қопловчи ҳужайралардан иборат бўлиб, товуш тўлқинларини қабул қиласди.

**Товуш тебранишларини қабул қилиши.** Ҳаво тўлқинларининг ногора пардага таъсири натижасида қулоқ эшигади. Ҳавонинг тебраниши ташки эшитиш йўли орқали ногора пардани тебратади. Ногора парданинг тебраниши эшитиш суюкларида такрорлапади ва узангининг сербар томони орқали ички қулоқнинг овал дарчасидаги пардага ўтади. Овал дарча пардасининг тебрапиши перелимфага ўтади. Перелимфа тебраниб, ўз навбатида эндолимфанинг тебранишига сабаб бўлади. Эндолимфа тебраниб, Кортнев органидаги тукларни тебрантиради ва шу билан эшитиш нервиинг учларини қўзғатади. Эшитиш нервиинг рецепторларидан келган қўзғалиш импульси бош мия яримшарлари пўстлогига—эшитиш анализаторларининг миядаги учларига стиб боради, натижада эшитиш сезгиси пайдо бўлади. Одам қулогининг товуш сезадиган муайян чегараси бўлиб, секундига 14 мартадан то 20000 мартағача тебранишдаги товушларни сезади. Ёш улғайини билан қулоқнинг товуш сезини чегараси камайиб боради. Одам қулоғи 1000 дан 4000 гача герцдаги товуш тўлқинларини сезади.

Бола туғилиши билан эшитиш анализатори ишлай бошлайди. Эшитиш анализаторининг функционал ривожланиши 6—7 ёшгача давом этади. 14—15 ёшда эшитиш сезирлиги жуда сусайди, сўнгра орта боради.

Эшитиш органи соғлом бўлиши учун гигиенага риоя қилиш керак. Қулоқни тоза тутиш шарт. Қулоқ кирини қаттиқ шарса билан тозалаш, қулоқни ковлаш мумкин эмас, чунки унинг ногора пардасини тешиб қўйини ёки қулоққа турли инфекция кириши мумкин. Қулоги яхши эшийтмайдиган болаларни олдинги парталарга ўтказини тавсия этилади ва бундай болалар билан баланд товушда гаплашишга тўғри келади. Қулоқ оғригацда врач маслаҳатисиз ўз билгича даволаниш асло мумкин эмас.

## МАКТАБ БИНОСИННИНГ ЁРУҒЛИҚ РЕЖИМИ

Хонашнинг ёргулиги етарли даражада бўлиши, кўзни қамаштирмаслиги, шуъла қайтармаслиги керак. Хона тўғри ёритилганда кўз чарчамайди.

М. А. Шаровнинг тадқиқотлари ўқувчиларнинг ишлаш қобилияти синфнинг ёритилишига боғлиқлигипи кўрсатади. Табиий ёргулик одамнинг ҳаётий функцияларига ижобий таъсир этади. Мактабларда табиий ёритилишиннинг гигиеник нормативлари ишлаб чиқилган. Хонашнинг ёритилишини гигиеник баҳолаш учун ёритилиш коэффициентини аниқлаш керак. Ёритилиш коэффициенти деб, ойналанган деразалар сатҳининг пол сатҳига ишбатига айтилади. Ёритилиш коэффициенти синфда 1:5; 1:6 бўлиши керак. Синфга ўринатилган деразалар оралиги 50—75 см, дераза токкаси пол сатҳидан 80 см баланд, ойналар тоза бўлиши керак, кир, хира ойналар 10—15 % ёргуликни ўтказмайди. Деразаларни гуллар, парда билан тўсмаслик лозим. Синф деразасининг тахталари, эшиги, шипи оқ, деворнинг 1,30 см қисми оч яшил ёки оч кўк, юқориси эса оқ раңгга бўялиши керак. Ёргулик тушиш бурчаги камида 27° бўлиши керак.

Синфда табиий ёритилишиннинг умумий юғинидиси қиши ойларида 75000 люкс, ёз ойларида эса 100000 люкс бўлиши керак. Синфи сунъий ёритишда чўғланган ва люминесцент лампалардан фойдаланилади. Синф люминесцент лампа билан ёритилганда кўзга ва иш қобилиятига таъсир қилмайди.

Мактабларда 50 м<sup>2</sup> майдондаги ўқув хоналари чўғланниш лампалари билан ёритилганда 7—8 та пукта бўлиши, ёритилишиннинг умумий қуввати 2100—2400 ВТ бўлиши керак. Ҳозир мактабларда СК—300, КМО—300 ва нурларни тарқатиб берадиган полиэтилен ҳалқали АРК ёриткичлардан фойдаланилади. Ёриткичлар ички девордан 1,5 м, ташки девордан 1,3 м масофада иккни қатор жойлаштирилади. Қаторлардаги ёриткичлар орасидаги масофа 2,65 м, синф тахтасидан 1,2 м узоқликда бўлиши керак. Ҳозирги вақтда Бутуниттифоқ ёргулик техникаси илмий-текширии институти томонидан синф хоналари учун янги ёриткич—ШОД тавсия этилган. Синфлар люминесцент лампалар билан ёритиладиган бўлса, ёргулик кучи 175—350 люксдан кам бўлмаслиги керак.

## МАҚТАБ БИНОСИННИГ ИССИҚЛИК РЕЖИМИ

Мактабларда синф хоналарининг ҳарорати  $18^{\circ}$ , спорт залиниги  $15-16^{\circ}$ , нисбий намлиги  $40-65\%$ , ҳавонинг ҳаракат тезлиги  $0,16-0,25$  м/сек бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда кўпчилик мактаблар марказий иситиш системаси орқали паст босимли сув буги билан иситилади. Бу усул ҳаво ҳароратининг бир маромда бўлишини, ҳаво жуда қуруқ, чанг бўлмаслигини таъминлайди. Радиаторлар полдан 20 см баландликда, девордан 10 см узоқ қилиб ўрнатилади. Болалар боғчаларида хоналар, гимнастика залларида радиаторлар тоза туриши учун тахта билан беркитилади. Бу болалар ийқилиб бирор жойини шикастланишдан сақлайди.

Ҳозирги вақтда болалар ва ўсмирлар хоналари нурланувчи иссиқлик тарқатувчи системадан кепг фойдаланган ҳолда ҳам иситилади. Синф хоналари голланад нечлари билан иситиладиган бўлса, уни тунда ёқиш, дарс бошланишидан 2 соат олдин ўчириш керак.

Синф хоналарини тез-тез шамоллатиб турилса, ҳавоси тоза бўлади. Қишлоғларидаги фортокаларни очиб туриш керак. Фортокалар пол юзасининг  $1/5$  қисмини ташкил этиши керак. Дарс ўтиладиган хоналар ҳар соатда 5—10 минут шамоллатилса, карбонат ангидрид гази ҳавода  $7\%$  гача, эшик очилганда  $20\%$  гача камаяди, ҳаммаёқ очиб қўйилганда  $76\%$  гача камаяди.

Мактабларда ва техника билим юртларида навбатчи ўқитувчи ва ўқувчилар хонани мунтазам шамоллатиб туришади. Ёрдамчи хоналарни техник ходимлар шамоллатадилар. Кун иссиқ вақтларда форточка кун бўйи очиб қўйилади. Химия лабораториясин ва дурадгорлик устахонасига ҳаво тортувчи шкафлар ўрнатилади. Мактаб шифокори ўз ёрдамчисин билан биргаликда синф хоналарининг ҳавосини текшириб туради.

## СУВ ТАЪМИНОТИ

Мактабда ошхонада овқат тайёрлаш, ичиш, идиштовоқларни ювиш, супуриб-сидириш, пол ювиш учун сув старли бўлиши керак. Болалар боғчалари ва яслиларда ҳар бир бола учун 75 л, умумий таълим мактабларида ҳар бир ўқувчи учун 50 л сув сарфланади.

Мактабларда ҳар 300 ўқувчига мўлжаллаб фонтанчалар қурилади. Улар ердан 85 см баланд қилиб ўрнатилади. Мактабда водопровод бўлмаса, сувни маҳсус идишларда сақлаш ва ўқувчиларга қайнатиб бериш зарур.

## МАКТАБЛАРДА ВА МАҲСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ГИГИЕНАСИ

### Ўқувчиларнинг ишчанлик қобилияти.

Ақлий меҳнат бош мия яримшарлари пўстлоги ҳужайраларининг фаолияти натижасидир. Шунинг учун зўриқиб ақлий меҳнат қилганда бош миянинг нерв ҳужайралари ҳолдан тояди, одам қаттиқ чарчаб қолади.

Чарчаши мия ҳужайраларининг тормозланишидир. Чарчаши диққатининг чалғиши, бўшашиб, уйқуучалик билан намоён бўлади. Чарчашининг олди олинмаса, толиқишига ўтади, бунда боланинг боши оғрийди, айланади, иштаҳа пасаяди ёки одам жуда таъсиран бўлиб қолади, уйқусида гапириб чиқади, уйғониб кетади ва ҳоказо. Дарс мияга яхши кирмайди, материаллар учча эсда қолмайди. Толиқиши кўпинча ўқув нагрузкаси ортиб кетганда, кун тартиби бузилганда, бола соғ ҳавода кам бўлганда, тўғри овқатланмаганда пайдо бўлади.

Ишчанлик қобилияти деганда, бирор ишин узоқ муддат давомида сифатини бузмасдан бажариш тушунилади. Ишчанлик қобилияти ҳар бир одамда турлича бўлади ва ёшга, соғлиққа, қувватга, руҳ-кайфиятга, иш тажрибасига, машқ қилишига, жамоа ва онладаги ўзаро муносабатларга, ишга масъулият билан қарашга, бошқа кўпгинча омилларга bogliq bўлади. Ишчанлик қобилияти кун, ҳафта, йиллар давомида ўзгариб туради. Ўқувчи уйқудан уйғонганда ишчанлик қобилияти учча юқори бўлмайди, организми аста-секини иш ҳолатига ўта бошлайди. Иш бажариш жараёнида аста ортиб, маълум чўққига етади-да, сўнг шу ҳолатда сақланиб туради, кейин сусая боради.

Одам ўз вақтида етарлича дам олмай ишлайверса, қаттиқ чарчаб қолади. Бу организм функцияларига, айниқса марказий нерв системасига салбий таъсири этади, натижада одамнинг кайфияти ёмонлашади, таъсиранчилик ортади, уйқусизлик вужудга келади, ишга қизиқиш камаяди, ишчанлик қобилияти пасаяди.

Қаттиқ чарчаб қолмаслик учун ишга аста-секин киришиш, шошилмай бир меъёрда ишлаш, вақтида дам олиш, меҳнат турини ўзгаририб турish керак ва ҳоказо.

Ақлий чарчашиб жисмоний чарчашиб қараганда зарарлидир. Шунинг учун мактабларда дарсни тўғри ташкил этиш, ўқувчиларнинг меҳнати ва дам олишини тўғри аймаштириб турish ўқув жараёнининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мактаб режими оқилюна ташкил этилмаса, бола ўтилган темага яхши тушумайди, уйда шу материални қайта тайёрлашга мажбур бўлади. Бинобарни, боланинг кун тартиби бузилади.

Маълумки, кичик ёшдаги ўқувчилар дастлаб тез чарчайди, бир оз дам олгандан сўнг чарчашиб ўтиб кетади. Катта ёшдаги ўқувчиларда иш қобилияти сақланаб турса-да, лекин иш унмайди.

### МАКТАБ ЕШИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Бола ўқишининг дастлабки кунларида янги кун тартибига мосланиши, янги жамоага ўрганиши анча қийин бўлади.

Мактаб ёши -- бу морфологик, психологияк ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиш бўлиб, ўқувчиларнинг таълим-тарбия талабларига жавоб беришни талаб қиласди. Биринчи синфларда 4,5%—25% болалар мактабда ўқишига тайёр бўлмаслиги мумкин. Бунда бола организмининг ривожланишидан умуман орқада қолнишгина эмас, балки боланинг мактабдаги ишларга тайёр бўлмаслигини ҳам тушуниш керак. Бунда ишга шартли рефлекслар ҳосил бўлиши, дифференциал тормозланишининг ривожланиш даражаси, нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги, иккинчи сигнал системасининг ривожланиш даражаси, нутқининг равонлиги, талаффузда нуқсонлар бўлмаслиги, майда ҳаракатларни бажара олиш қобилияти, ҳаракатлар уйгулиги ва бошқалар киради.

Болаларнинг мактабга тайёрлигини аниқлаш учун амалда қуйидагиларни қўллаш мумкин:

1. Товушни талаффуз қилишдаги нуқсонлар.
2. Доира кесишни кузатиш.
3. Сўз таъсирига адекват жавоб ҳосил бўлиши.

4. З та топшириқ бериш билан психологик етукликни аниқлаш.

5. Одамнинг расмини чизиш, қўлёзмани кўчириш, беш бурчак шаклда жойлашган нуқталарни кўчириш. Мана шу учта топшириқни бажарган болаларга 3—8 балл баҳо қўйилади ва ўқувчиларнинг соғлиғи ва мактабга тайёрлиги аниқланиб, асосий ёки тайёрлов группасига белгиланади.

## ЎҚУВ ЙИЛИ ГИГИЕНАСИ

СССР мактабларида ўқув йилининг давомийлиги кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда қисқароқ, ўрта, катта мактаб ёшидаги ўқувчиларда эса давомлироқ бўлади. Ўқув йили давомида ўқувчиларнинг иш қобилиятининг сақланиб туришида қиши, баҳорги, ёзги каникул кунларида болаларнинг яхши дам олишилари муҳим аҳамиятга эга. Ўқув машғулотларини каникуллар билан алмашлаб туриш программадаги ўқув материалининг бир меъёрда тақсимланиши билан ўқувчилар толиқишининг олди олиниади, меҳнатдан сўнг соғлиғи ва иш қобилиятининг қайта тикланишига имконият яратилади. Гигиена пуқтаи назаридан болаларни мактабга қабул қилиш ўқув машғулотларини бошлашдагина эмас, балки кейинги таълим-тарбия ишларининг яхшиланиши, шунингдек, ўқувчилар соглиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашида ҳам аҳамиятга эга. Мактабларда болалар 7 ёшдан қабул қилиниади. Ўқиши бошлананиндан бир неча кун аввал мактабдаги ўқув ишлари ва ўқув тартибини танишириш мақсадида ўқувчилар билан ота-оналарнинг учрашуви ўтказилади. Синф раҳбари ҳар бир ўқувчини бўйи, кўриши, эшитишини эътиборга олган ҳолда ўтирадиган партасини белгилайди.

Бир сменали мактабларда ўқиши соат 9 да, икки сменали бошланғич мактабларда эса соат 8.30 да бошлаш тавсия этилади. Ўрта мактабнинг 1, 2, 3-синифларида бир ҳафталик нағрузка 24 соат, 4-синфда 26 соат, 5, 6, 7-синфларда 30 соат, 8, 9 ва 10-синфларда эса 32 соат бўлиши керак. Факультатив машғулотлар юқори синflарда 4 соат бўлиши кўзда тутилган.

Юқорида кўрсатилган бир ҳафталик дарс соатларидан кўпроқ соатлар аниула, жиҳоний тарбия, рәсм, меҳнат дарсларига ажратилиши мәқсадга мувофиқ-

дир, чунки бунда ўқувчилар күп чарчаб қолмайды. 7 яшар болаларни 45 минутлик дарс чарчатиб қўяди, шунинг учун биринчи синфда 35 минут дарс ўтиб, қолган 10 минутда турли кўргазмали қуролларни кўрсатиш тавсия этилади. Ўрта ва юқори синфларда биринчи дарсда ўқувчилар иш қобилияти настроқ бўлиб, 2—3-дарсларда нерв системасининг иш қобилияти юқори даражага стади, 4-дарсда чарчашининг дастлабки белгилари пайдо бўла бошлайди, 5—6-соатларда эса ўқувчиянинг иш қобилияти кескин пасайиб, чарчаши орта боради. Шунинг учун асаб зўриқинин талаб қиласидиган математика, физика, химия, чет тили дарслари 2—3 соатларга қўйилни керак.

Дарсларни қийин ва осонга бўлиш шарт, бунда дарс мазмунин, ўқитувчининг дарс берини методикаси, ўқувчиларниң иш предметга қизиқини ва активлиги, ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи ва бошқалар эътиборга олиниши керак. Қийин файлар осонроқ ўзлантириладиган файллар билан алмаштирилиб турилса яхши бўлади. Қуйин ва ўрта синфларда бир хил фанларни кетма-кет қўйиш ман этилади.

Жисмоний тарбия ва меҳнат дарслари ўқувчилар нерв системаси, иш қобилияти асли ҳолига келишида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ўрта, юқори синфларда меҳнат ва физкультура дарслари 4-соатга қўйилиши лозим, шунда ўқувчилар 5—6-соатдаги дарсларда чарчамайди. Математика, физика, рус тилидан контроль ишлар ўқувчилар нерв системаси тинч, иш қобилияти энг юқори бўлган соатларда—сесанба, чоршашба кунлари 2—3-соатларда олиниши керак. Жума, шанба кунлари контроль иши олиниши мақсадга мувофиқ эмас, чунки ўқувчилар нерв системаси чарчаганидан ишда кўпгина хатолар учрайди.

Ўқувчилар чарчашининг олдини олиш дарс бериш гигиенасининг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчи дарснинг биринчи  $\frac{3}{4}$  қисмида ўқувчилар диққатини ўқув материалининг асосий қисмини тушунтиришга қаратиш лозим.

Ўқитувчи дарснинг қизиқарли бўлишини таъминлаши, кўргазмали қуроллардан тўғри фойдаланиши, ўқувчиларни дарсга актив қатнаштириб борини керак, шунда улар кам чарчайди. Дарс давомида 3—4 минутлик физкультура машгулотлари ўтказни муҳим аҳамиятга эга. Дарсда ҳаракатсиз ўтириш ўқувчилар

учун жуда огир бўлади. Шунинг учун ўқувчилар танаффусларда актив мускул ҳаракатлари қилиб дам олишлари керак. Болаларнинг ҳаракатли ўйинлари мускулларни жуда зўриқтирмаслиги керак, чунки бунда бола танаффусда дам олиш ўрнига чарчайди, бино-барин, дарс унумдорлиги пасаяди. Ҳаракатли ўйинлар тартибли, ўйлаб тузилган бўлиши шарт Танаффусларнинг давомлилиги турлича бўлиб, 1—3 ва 4-танаффуслар 10 минут давом этади. Кўп мактабларда битта катта танаффус ўрнига 20 минутилик узоқ танаффус берилади, шу пайтда ўқувчилар бемалол иссиқ овқат сб оладилар. Танаффуслар тўғри ташкил этилганда ўқувчиларнинг ҷарчоги босилиб, перв системасининг иш қобилияти асли ҳолига келади. Шуни унутмаслик керакки, ўқувчиларнинг соф ҳавода бўлиши уларнинг жисмоний ривожланишини тезлантиради, организми чиниқади. Шунинг учун танаффусларни мактаб олди участкасида ўтказиш фойдалидир.

Танаффус вақтида ўқувчиларнинг кейинги дарсга тайёрланиши, шунингдек, ўтган материални қайтириши қатъий ман этилади. Танаффус вақтларида албатта синфни шамоллатиш зарур.

Мактабда ўқувчиларнинг овқатланишини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар куни битта ўқитувчи билан мактаб шифокори ошхонада ўқувчиларнинг овқатланишдан олдин қўл ювиши, тўғри ўтириши, овқатни шошилмасдан яхшилаб чайнаши ва бошқаларни кузатиб бориши керак. Лозим бўлганда ўқувчиларга тегишли маслаҳат берилади. Дарсдан сўнг ўқувчиларни турли сабаблар билан олиб қолавериш уларнинг асабига ёмон таъсир қиласи. Уларга душанба куни топшириқ бермаслик, шанба кунига бериладиган уй вазифаси бошқа кунларга нисбатан кам бўлиши керак.

Куни узайтирилган мактабларда ўқувчилар дарсдан сўнг овқатланиб, соф ҳавода дам оладилар ва берилган топшириқларни, синфдан ташқари ишларни, уй вазифаларни бажарадилар. Ҳусусан, иккичи смена кун тартибига алоҳида аҳамият бериш керак, чунки бў вақтда ўқувчилар мактабга чарчаган ҳолда келади.

Фанлардан ўтказиладиган машғулотлар, бадиий ҳаваскорлик тўғараклари, спорт секцияларининг ишлари, леворий газета чиқариш, ижтимоий фойдали ишлар ва бошқа машғулотлар синфдан ташқари ишларга киради. Синф раҳбарлари синфдан ташқари ишларни ўқувчилар-

нинг қизиқиши, ёшига хос хусусиятлари ва қобилиятига қараб тақсимлаши керак. Кўпинча жамоат ишлари тўғри тақсимланмайди, бирорта актив ўқувчига бир нечта жамоат иши топширилади, бошқа бирлари умуман жамоат ишига жалб этилмайди. Жамоат ишлари I — IV синф ўқувчилари учун бир ҳафтада 1—2 соат, IV — VII синф ўқувчилари учун 3—4 соат, VII — X синф ўқувчилари учун 4—5 соатни ташкил этиши керак.

Ўқувчилар ҳамиша шахсий гигиена қондالарига амал қилишлари лозим, зеро бу сиҳат-саломат бўлиб юришда жуда муҳим.

**Имтиҳонлар гигиенаси.** Ўқувчилар IV—X синфларда имтиҳон топширадилар. Имтиҳонлар ўқувчилар энг чарчаган вақтда бошланади, шунинг учун бу даврда улар кун тартибига қатъий амал қилиши керак. Ўқувчилар IV чоракда кундалик материални ўрганиш билан бир қаторда ўтилган материални имтиҳон билетлари бўйича такрорлайдилар. Имтиҳонлар олдидан эса вақтни тежаш мақсадида синфдан ташқари машғулотлар, мажлислар сонини камайтириш, кун тартибини тўғри тузишга ёрдам бериш зарур.

Имтиҳонга тайёргарлик кўраётганда ҳар 45 минутда 10 минут танаффус қилиш, машғулотлар орасида физкультура ва спорт билан шугулланиб туриш лозим.

### УРТА МАКТЛБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КУН ТАРТИБИ

Болалар ва ўсмирлар кун тартибини тузишда меҳнат билан дам олишининг алмашиниши, машғулотлар турларининг ўзгариши ва бошқаларни эътиборга олиш керак. Ташқи муҳитининг қулай шароити таъсирида бола ва ўсмирлар организми ўсиб, улғая боради. Кун тартиби тўғри ташкил этилганда бола чарчамайди. Кундалик режимга риоя қилишганда перв системасида шартли рефлекслар вужудга келади, болалар интизомли ва тартибли бўла боради. Кундалик режимга риоя қилинмаганда эса бола тўлиқ дам олмасдан, толиқиб қолади, уйқуси, иштаҳаси ёмонлашади, асаби бузилади ҳамда иш қобилияти пасаяди.

Биринчи ва иккинчи смена ўқувчилари учун кун тартиби уларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Дам олиш, уйқу, овқатланиш, синфдан ташқари ишларни тўғри ташкил этиш, уйда хўжалик ишларига ёрдам бериш, мактабдаги машғулотлар ва бошқаларни тўғри ташкил этиш лозим.

Үй вазифалари бола ёшига мос бўлиши керак. 1-синф ўқувчиларига 45 минутлик, 2-синф ўқувчиларига 1—1,5 соатлик, 3, 4-синфлар учун 2—2,5 соатлик, 5—10-синф ўқувчилари учун 3—3,5 соатлик үй вазифаси берилиши тавсия этилади. Үй вазифасини бажаришда ҳар 45 минутдан сўнг соф ҳавода дам олиш керак. Мактабдан қайтгандан сўнг овқатланиш ва ҳаракатли ўйинлар ўйнаш, соф ҳавода сайд қилиш лозим. Сўнг үй вазифаларини тайёрлаш мумкин. Ўқувчлар үй вазифасини бажариб бўлганидан сўнг үй ишларига ёрдам бериши керак. Лекин үй ишлари билан банд бўлиб, үй вазифасини бажармаслиги мумкин эмас ёки чарчаб қолмаслиги керак.

Ўқувчини ёшлигидан ўрин-кўрпасини йигиштиришга, кийим-бошини тартибга солишга, кечқурун, эрта билан ювинишга ва бошқаларга ўргата бориш зарур.

Кун тартибида уйқунинг аҳамияти катта. Бола ухлашибдан 2—2,5 соат олдин овқатланиши керак. Кечки овқатдан сўнг соф ҳавода бир оз сайд қилиши, кийимларига қарashi лозим. Ухлашдан аввал зўриқиб ақлий меҳнат талаб этадиган ишларни бажариш, ҳаяжонли ўйинлар ўйнаш, телевизор кўриш тавсия этилмайди.

Телевизорни қуий синф ўқувчилари ҳафтада 3—4 марта кунига 1—1,5 соатдан, юқори синф ўқувчилари 4—5 марта 2—2,5 соатдан ундан 2—2,5 м узоқда ўтириб, қадқоматни тўғри тутган ҳолда кўришлари мумкин. Ётиб ёки ёнбошлаб телевизор кўриш мумкин эмас. Бошлангич синф ўқувчилари соат 8 ва 9 ларда, V—VII синф ўқувчилари 9,5—10 да уйқуга ётиши керак. Ўрин тоза бўлиши, жуда юмшоқ бўлмаслиги лозим. Хона температураси 18—20°C бўлиши, қишида форточкани очиб қўйиш керак. Эз ойларидаги болалар ҳовлида ёки айвонда соф ҳавода ухлагани маъқул.

Ҳар куни маълум бир вақтда овқатланиш шарт, шунда овқатланиш вақти яқинлашгандаги иштача пайдо бўлади, овқат тез ва яхши ҳазм бўлади. Вақтида овқатланмагандаги иштача камайиб кетади. Боланинг бир кунда ейдиган овқати организмида сарфлангани энергияни қоплаши керак.

Қўйида биринчи ва иккинчи сменада ўқийдиган ўқувчиларининг кун тартиби берилган.

## **ҮҚИШ ВА ЁЗИШ ҚУРОЛЛАРИГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари үқиши, ёзиши, расем чизиш, ашула айтнешга аста-секин малака ҳосил қилип борадилар. Үқитувчи биринчи кундан бошлаб бу борада гигиена ва педагогика талабларини тұғри бажартириб борса, ўқувчи келгусида тұғри, чиройли ёзиши, тұғри ўқишига ўрганади.

Китоблар, дафтарлар, ёзув қуроллари гигиена жиҳатдан ўқувчилар учун мөслаб чиқарилиши керак. Китоблар әрқин рангли бўлиши, чиройли расмлар билан безатилиши, ҳарфлар аниқ ёзилиши шарт, шунда ўқишига қизиқини уйғопади, болалар кам чарчайди.

## **ҚУНИ УЗАЙТИРИЛГАН МАКТАБ ВА ГУРУҲЛАРНИНГ ТАРТИБИ ВА ГИГИЕНАСИ**

Умумий таълим мактабларида дарсдан ташқари маҳсус куни узайтирилган группалар ташкил қилиниши керак. Бундай группаларда болалар кундузи бир соат ухланиши, очиқ ҳавода 3 соат бўлишини, иккى марта овқатланишини, уй вазифаларини тайёрлашини, ҳаракатли ўйнилар ва бошқаларни гигиена жиҳатдан тұғри ташкил этиш, уларниң жисмони баркамол ўсии ва ривожланиши ҳамда соғлиги мустаҳкам бўлишида жуда муҳим аҳамиятга эга. Куни узайтирилган мактабларда хусусан жисмоний тарбияни тұғри ташкил этиши лозим. 6 яшар ўқувчилар 2 соат ухлаши шарт. Нимжон болаларга алоҳида аҳамият бериш керак. Бундай болаларни ҳар куни уч марта овқатлантириш мақсадга мувофиқдир. 1990 ўқув йилидан бошлаб 1—5-синф ўқувчилари ҳар куни бир марта бепул овқатлантириладиган бўлди.

Куни узайтирилган бир кунлик ўқиши давомида ўқувчилар педагоглар изоратида бўлади. Ҳар бир группада 25—30 та ўқувчи бўлиб, дарс тугагандан сўнг үқитувчи болалар билан сайд қиласиди, дам олади, уларга тушлик овқат берилади, уй вазифаларини тайёрлашади, синфдан ташқари ишларни бажаради, синфдан ташқари ўқиши, болалар фильмлари кўриш, турли ўйнилар ташкил этилади. Бунинг учун албатта гигиена ва санитария нормалариға мос бўлган алоҳида хона ажратилиши керак.

1—3-синф ўқувчилари ва саломатлиги яхши бўлмаган ўқувчилар кундузи ухлатилади. Табиийки, кун тартиби болаларниң анатомик-физиологик хусусиятларига ва

**Үқувчиларнинг тахминий кун тартиби (1 смена)**

№	Кун тартиби	I-II синф (7-8 яшар болалар)	III-IV синф (9-10 яшар болалар)
1.	Үйқудан туриш	7.00	7.00
2.	Эрталабки гимнастика, чи- ниқтириш машқлари (хўл со- чиқ билан бадани ишқаб ар- тиш, душ қабул қилиш), ўрини- ни йигиштириш, ювинаш	7.00—7.30	7.00—7.30
3.	Эрталабки нонушта	7.30—8.00	7.00—7.30
4.	Мактабга бориш	8.00—8.30	8.00—8.30
5.	Мактабдаги ўқув машгу- лотлари (ларслар, катта та- наффусларни нонушта)	8.30—12.30	8.30—13.30
6.	Мактабдан қайтиш	12.30—13.00	13.30—14.00
7.	Түшилик	13.00—13.30	14.00—14.30
8.	Түшилкдан кейин дам олиш (7-8 яшар болалар учун ухлаш)	13.30—14.30	
9.	Сайр қилиш, очиқ ҳавода ўйнаш	14.30—16.30	14.30—16.30
10.	Тушдан кейинги овқат	16.30—16.45	16.30—16.45
11.	Ўй вазифаларни бажарниш	16.45—17.45	16.45—18.15
12.	Бўш вақт, очиқ ҳавода ўйнаш	17.45—18.45	18.45—19.00
13.	Кечки овқат	18.45—19.00	19.00—19.20
14.	Осоиншталик, ўйнилар, ра- дио эшигини, телекўрсатувлар- ни кўриш, ўй ишларига ёрдам- лашиш, қўл меҳнати		
15.	Ухлашга тайёрланиш	19.00—19.15	20.20—20.30
1	Ухлаш	19.15—20.00	20.30—7.00
		20.00—7.00	20.30—7.00

**Эслатма:** Катта танаффусда ўқувчиларга писиқ нонушта ёшига қараб тузилади. Бу ерда шароит ўқувчиларнинг уй шароитига яқин бўлиши керак.

Ўқувчилар мактаб кутубхонаси, пионер хонаси, жисмоний тарбия зали ва бошқалардан фойдаланадилар.

Кун тартибини тузишда ўқувчиларнинг ишчанлик қобилиятини, хусусиятларини эътиборга олиш керак. Ўқув машғулотлари ва актив дам олишни алмашлаб туриш зарур. Бошлигич синкларда 20—25 минутлик жисмоний машғулотлар, соғ ҳавода ҳаракатли ўйинлар ўйнаш, спорт ўйинларида қатнашиш, спорт секцияларида шуғулланиш ва бошқалар керак. Ёмғирдан сақланадиган усти

### Үқувчилар күн тартиби (II смена)

	Күн тартиби	II синф (8 яшар болалар)	III—IV синф (9—10 яшар болалар)
1.	Үйкүдан туриш	7.30	7.30
2.	Эрталабки гимнастика, чи- ниқтириш машқлари (хўл со- чиқ билан бадани ишқаб ар- тиш, душ қабул қилиш), ўрип- ни йигиштириш, ювниш	7.30—8.00	7.30—8.00
3.	Эрталабки ионуашта	8.00—8.30	8.00—8.30
4.	Рўзгор ишларига ёрдамла- шиши ва очиқ ҳавода дам олиш	9.30—10.30	9.30—11.30
5.	Ўй вазифасини тайёрлаш	9.30—10.30	9.30—11.30
6.	Очиқ ҳавода сайд қилиш, серҳаракат ўйинлар	10.30—12.30	11.00—12.30
7.	Тушлик	12.30—13.00	12.30—13.00
8.	Тушликдан кейин дам олиш	13.00—13.30	13.00—13.30
9.	Мактабга бориш	13.30—14.00	13.30—14.00
10.	Мактабдаги ўқув машгу- лотлари (жумладаи тушдан кейинги овқат)	14.00—18.00	14.00—18.45
11.	Мактабдан қайтиш	18.00—18.30	19.00—19.45
12.	Кечки овқатга тайёрланиш	18.30—18.45	19.15—19.30
13.	Кечки овқат	18.45—19.00	19.15—19.30
14.	Осоиншта ўйинлар, баданий адабиёт ўқии, музика билан шугулланниши, телекўреатувлар ва радио эншиттиришларин то- меша қилиш ва эшлишиш	19.00—20.00	19.30—20.45
15.	Ухлашга тайёрланиш	20.15—20.30	20.45—21.00
15.	Ухлаш	20.30—7.30	21.00—7.30

Эслатма. 1. Биринчи ва мактабни бити्रувчи синф ўқувчилари иккинчи сменада ўқимаслиги керак.

2. Иккинчи сменада ўқувчилар катта танаффусда тушдан кейинги исенқ овқат сийдилар.

Ёниқ айвончалар, спорт иншоотлари, майдонча, курсиларни чиройли қилиб, очиқ рангларда бўяш керак. Ўқувчилар албатта иккни-уч марта овқатланиши зарур. Бошлангич синф ўқувчилари соат 13—13.30 да, V—VIII синф ўқувчилари соат 13.30—14.00 да тушлик қилиши керак.

Ўй вазифаларини тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Ҳар 45 минутдан сўнг 10—15 минут дам олиш, дам олиш вақтида бир неча гимнастик машгулотларни бажариш, синфи шамоллатиш лозим.

**Үқувчилар учун мұлжалланған парта, стол ва стулларнинг ўлчами**

Жиҳоз номери	Группа жи- хозлары	Группа үқув- чиларининг бүйі (см)	Стол қиргоги үқувчига қара- ған томонининг полдан баланд- лiği (см)	Хтиргич өздінгі қыз- мининг пол- дан баланд- лiği (см)	Маркировка ранги			
					столдар номери	гр. стол- лары	стулдар номери	гр. стул- лары
1		110—115	46,0	—	26,0		қовоқ сариқ сінәх ранг	
2	А	115—130	52,0	51,0	30,0	32,0	сариқ	
3	Б	130—145	58,0	60,0	31,0	36,0		
4	В	145—160	61,0	66,0	38,0	40,0	қызыл	
5	Г	160—175		70,0	72,0	42,0	яшил	
6	Д	175 дан ортиқ		76,0	78,0	46,0	хавораш	яшил оқ

**6 ёшли бөгча болалари учун мұлжалланған стол ва стулларнинг ўлчами**

Гр:	Группа үқув- чи азининг бүйі (см)	Полдан баланд-лiği (см)	
		стол өздінгі қиргогининг баланд-лiği	хтиргич өз- дінгі қиргоги- ниң баланд-лiği
Г	110—115	48	28
Д	115—130	51	32
Ж	130 ортиқ	69	36

**Үй вазифаларини бажаришга қўйиладиган  
гигiena талаблари**

Үқувчи уйда маҳсус жиҳозланған жойда, қаддини түғри тутиб, бошини паст тутмасдан, қийшайтирасдан, тирсакларини стол устига қўйған ҳолда ўтириб дарс тайёрлаши керак. Ёруғлик етарли бўлмаса, кўз мускуллари тез чарчайди. Шуинг учун ёруғлик нормал бўлиши ва чап томондан тушиши керак. Үқиётганда китобдан кўзга-

ча бўлган масофа 55—40 см бўлиши шарт. Тўхтамай узоқ ёзиш ўқувчнни чарчатади. Шунинг учун 7—10 яшар ўқувчи тинимсиз 10 минут, 10—12 ёшда 15 минут, 12—15 ёшда 20 минут, 15—18 ёшда 25—30 минут ёзиши мумкин. Берилган вазифа бир оз юриб, ҳис-ҳаяжон билан бажарилса, текстдаги асосий ҳолатлар ажратиб, уларни рақам билан белгилаб берилса, тез эсда қолади. Ёд олишни кечқурун ва эрта билан тақорглаш мумкин. Дарс тайёрлаш орасидаги танаффусда уй ишларига ёрдам бериш фойдали, шунда ўқувчи яхши, яъни актив дам олади.

### **Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг дам олишини ташкил этиш**

Ўқувчи бир кунда 3—3,5 соат соф ҳавода бўлиши, актив ҳаракат қилиши, спорт ўйинлари ўйнаши лозим. Дам олиш куни ўқувчи дарс тайёрламай, дам олади. Шу куни кўпроқ соф ҳавода сайд қилиш, ҳаракатли ўйинлар ўйнаш, саёҳатларга, кино-театрларга, кўргазмага, музеяга, боғларга бориш мумкин. Дам олиш куни ўқувчини дарс тайёрлашга мажбур қилиш мумкин эмас. Дам олиш куни болалар оқсил, ёғ, витаминларга бой, қувватли овқат ейиши керак.

Ўқувчилар кузги, баҳорги, қишки, ёзги каникулни яхши ўтказиши учун барча шароитни яратиш керак. Ёзги каникулда ўқувчилар мириқиб дам олиб, соғломлашиб, мактаб қучогига қайтади. 7—15 ёшли болалар пионер лагерларида дам олади. Лагерда ҳар бир ўқувчига 2—2,5 м<sup>2</sup> майдон тўғри келиши керак. Пионер лагери ниҳоятда озода ва кўкаламзор, салқин бўлиши керак. Овқат юқори калорияли, витаминларга бой, тўйимли бўлиши лозим. Лагерда болалар шифокорлар назоратида бўлади.

### **ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ**

Жисмоний тарбия воситалари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга турли жисмоний машқлар, ҳаракатли ва спорт ўйинлари киради. Иккинчи гуруҳга табиий омиллар ёрдамида организмни чиниқтириш киради. КПСС Марказий Комитети ва Министрлар Советининг «Жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш ҳақида»ги 1981 йил қарорида умумий таълим ва маҳсус билим юрти ўқувчилари жисмоний тарбия, спортнинг

оммавий турлари бўйича асосий билим ва малакага эга бўлиши зарур, дейилган.

Ўқувчилар умумиттифоқ физкультура комплекси ГТО нормалари топшириши керак. Бу комплексда ГТОнинг 3 босқичи кўзда тутилган: I босқич 10—13 яшар ўғил ва қиз болалар учун. Қўрқмас ва чаққонлар босқичи. Бу босқичнинг асосий вазифаси болаларда жисмоний тарбия машғулотларига оғли муносабатни шакллантириш, ҳаётий муҳим бўлган жисмоний ўқув ва малакани, спортга қизиқишларни вужудга келтиришдан иборат. II босқич 14—15 яшар болалар учун «спорт сменаси» болалар жисмоний ривожлантаришини такомиллаштириш, асосий ҳаракат кўникмаларини ривожлантариш босқичи. III босқич «кучлилик ва мардлик» босқичи — 16—18 яшар йигит ва қизлар учун. Бу босқичнинг асосий вазифаси ёшлиарни келгусидаги меҳнат фаолиятига ва СССР Қуролли кучларида хизмат қилишга жисмоний тайёргарликни такомиллаштиришдан иборат. Ҳар бир босқич икки қисмдан иборат. Биринчи қисм — болалар ва ўсмирлар билиши зарур бўлган назарий қисм. Иккинчи қисм — ГТО талаби ва нормаларини топшириши қисми. I, II, III қисм — ГТО нормаларининг талаби ва нормаларин топширган ўқувчиларга олтиш ёки кумуш иншионлари топшириш қисми.

Нишон олиш билан чегараланиб қолмасдан саломатликни мустаҳкамлаш, ишчаплик қобитиятини ошириш учун жисмоний машқларни давом эттириш керак. Мунтазам равишда жисмоний машқлар ёки спортнинг қандайдир тури билан шуғулланиш болалар ва ўсмирларнинг яхши ўсиши ва ривожланишига имкон беради. Спорт билан мунтазам равишта шуғулланган ёшларда жисмоний кўрсаткичлар — бўй, вазн, кўкрак қафаси айланаси, мускуллар кучи, ўпканинг тириклик сиғими спорт билан шуғулланмаганларнига қараганда юқори бўлади. Жисмоний машқлар туфаъли организмда моддалар алмашинуви, овқатнинг ўзлаштирилиши яхшиланади. Жисмоний тарбия ўқувчиларда куч, чидамлилик, тезкорлик каби жисмоний сифатларин орттаради. Бундан ташқари, жисмоний машқлар билан шуғулланган ўқувчилар ҳамма ишларни гиб, чидамсан бўтади.

Илмий-техника тараққиёти, ўқув жарзёни тезкорлиги ортган бир пайтда ўқувчилар кам ҳаракат бўлмоқда. Бу эса уларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этади. Гиподинамия-ҳаракат активлигининг ка-

майиши юрак-қоң томирлар системаси ва нафас олиш фаолиятини сусайтиради, моддалар алмашинувини пасайтиради, ишчанлик қобилияти ҳам шунга яраша бўлади.

Ўқувчининг тўғри ҳаракат режими жисмоний меҳнатнинг етарли ҳажмда бўлишини, юриш, югуриш, эрталабки гимнастика, дарслар ўртасида физкультура билан шуғулланиш, жисмоний тарбия дарслари, туристик саёҳатлар, экскурсиялар ва бошқаларни ўз ичига олади. Жисмоний тарбия дарслари бола организмига қанчалик таъсир қилишини шифокор кузатиб боради. Мактаб шифокори ўқувчиларни текшириб учта: асосий, тайёрлов ва махсус жисмоний тарбия группаларига бўлади.

Асосий группага соглом ўқувчилар киритилади. Тайёрлов группасига соглом ёки соглиги бир оз яхши бўлмаган жисмоний тайёргарлиги бўлмаган ўқувчилар киритилади. Асосий ва тайёрлов группадаги ўқувчилар бирга шуғулланади, лекин баъзи машғулотлар: югуриш, снаряд отиш, сакраш машғулотлари бир оз енгилроқ бўлиши талаб қилинади. Бундай болалар узоқ саёҳатларга борини ва оғир машғулотлар бажариши мумкин эмас. Бу болалар қўшимча равништа жисмоний машқлар билан шуғулланиши керак.

Махсус группага касалликдан сўнг нимжон бўлиб қолган, жисмоний ривожланишдан орқада қолаётган ўқувчилар киритилади. Улар билан махсус программа бўйича машғулот олиб борилади. Баъзи ҳолларда шифокор даволаш гимнастикаси буориши мумкин. Эрталабки гимнастика уйқу ҳолатидан тетик ҳолатга тез ўтишга, ҳаёт топуси, ишчанлик қобилиягини ортишига ёрдам беради, нафас ва қон айланишини яхшилэйди, иромда ва қатъийлик таркиб топишида катта аҳамиятга эга. Машғулотлар комплексининг мураккаблиги боланинг ёши, жинси, жисмоний тайёргарлигига ва соглиги ҳолатига bogliq bўлади. Кичик мактаб ёшидаги болалар эрталабки гимнастикада 5—6 та машқ, ўрта ва юқори синф ўқувчилари эса 8—10 та машқ бажариши керак. Эрталабки гимнастика машғулотлари яхши шамоллатилган хонада ёки очиқ ҳавода ўтказилади. Жисмоний тарбия ўқитувчилари, синф раҳбари, мактаб шифокори гимнастика машғулотларини мунтазам ўтказиши тўгрисида болалар билан тарбиявий иш олиб бориши керак.

Жисмоний тарбия дарси ҳафтада икки марта ўтказилади. У уч қисмдан ташкил топади: кириш (5—7 минут),

тайёрлов қисми (12—15 минут), асосий қисм (20—25 минут). Жисмоний тарбия дарсларида болалар, ўсмирларнинг ёши, жинси, соғлигининг ҳолати эътиборга олиниши шарт. Ўқувчилар чарчаб қолмаслиги ва ишчалиги юқори даражада бўлиши учун ўқув куни мобайнида физкультура паузалари ўтказиб туриш керак. Физкультура паузасидан сўнг ўқувчилар нерв системасининг функционал ҳолати яхшиланади, ҳаракатчанлиги ортади. Физкультура паузаси бошлиғич синфларда ҳар дарс охирида, ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун 3- дарс охирида ўтказилгани маъқул. Физкультура паузаси кичик мактаб ёшидаги болалар учун 3 та машгулотдан иборат бўлиб, 2 минут давом этиши керак. V—X синф ўқувчилари учун 7—8 машгулотдан иборат бўлиб, тахминан 4 минут давом этиши мумкин.

Спорт билан шуғулланиш бутун организмга ижобий таъсир этади. Спорт турини ташлашда ўсмирнинг ёши, соғлиги, жисмоний тайёргарлиги эътиборга олиниши керак. Конъки отиш билан 11—12 ёшдан, чанғида юриш билан 10—11 ёшдан, сузиш билан 7—8 ёшдан шутулланиш мумкин. Енгил атлетика билан 10—11 ёшдан, волейбол билан 11 ёшдан, баскетбол билан 10—11 ёшдан, тенис билан 8 ёшдан шуғулланиш мумкин. Спорт секцияларининг асосий вазифаси болалар ва ўсмирлар организмини ҳар томонлама ривожлантариш ва чиниқтиришдан иборат.

Туристик саёҳатлар болалар ва ўсмирлар организмининг ҳар томонлама ривожланиши ва соглигини мустаҳкамлашда энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Туристик саёҳат йўли шифокор иштирокида олдиндан белгилана-ди. Ўқувчилар чарчаб қолмаслиги учун туристик саёҳат нормасини белгилаш зарур. 9—10 яшар болалар учун туристик саёҳат 8 км, 11—12 ёшиллар учун 10 км, 13—15 ёшлар учун 16 км белгиланиши мумкин. Қизлар учун бу норма 2—4 км кам бўлиши керак. 9—10 яшар болалар кўпи билан соатига 3—3,5 км, 11—14 ёшли ўсмирлар 3,5—4 км юршилари кераклигини ёдда сақлаш зарур. Туристик саёҳатда овқатланиш ва сув ичиш тартибига риоя қилиш керак. Бир кунда 3 маҳал овқатланиш, фақат дам олиш вақтидагина қултумлаб сув ичиш керак. Саёҳатга тез бузиладиган гўшт, балиқ, колбаса, творог, сметана олиб бориш мумкин эмас. Консерва қилинган гўштни албатта иситиб ейиш керак. Юк оғир бўлмаслиги лозим. 9—10 яшар болалар 2 кг, 13—15 яшар ўсмирлар 3—4 кг юк кўтариб юриши мумкин,

**Болалар ва ўсмирларнинг ҳаракат активлигиги  
(бир кунда юриши)**

Еши	Қадамлар сони
3—4	9000—10500
5—6	11000—13500
7	14000—15000
8—10	15000—20000
11—14	20000—25000

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИНГ МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ  
ГИГИЕНАСИ**

Еш авлодни жисмонан бақувват ва одоб-ахлоқли қилиб тарбиялашда политехник ва ишлаб чиқариш таълими муҳим аҳамиятга эга. Мактабларда барча синфларда меҳнат дарслари ўтилиши керак. Меҳнат таълими болалар ва ўсмирлар организмининг ёшга хос хусусиятлари, гигиена талаблари асосида тўғри ташкил этилганда, болалар соглиғини мустаҳкамлайди, жисмоний ривожлашишини яхшилайди, уларни оғли, интизомли қилиб тарбиялашга имкон беради.

Илмий бўлим мудири меҳнат ўқитувчилари билан биргаликда меҳнат дарсларини жадвалга тўғри қўйиши керак. Меҳнат дарслари ўқув куни ўртасига қўйилса, иш унумли бўлади.

5—8 синфларда меҳнат дарслари 90 минут давом этиши мумкин. Меҳнат турини ҳар 20 минутда алмаштириб туриш керак. Мактаб устахоналарида ишлатиладиган асбоблар ўқувчилар ёшига мос бўлиши зарур. Ўқувчилар иш вақтида гавда ҳолатини ўзгартириб туриши, оғирлик гавданинг ўнг ва чап соҳасига бир хилда тушиши керак.

Мактабларда ва мактаб-интернатларда ўқувчилар фойдали жамоат ва ўз-ўзига хизмат қилиш ишларига жалб этилади. Меҳнат дарси ўқувчиларнинг ёшига ва соглиғига мос, хавфсиз бўлиши, вақтида ишлаб, вақтида дам олиш, иш вақтини белгилаш керак ва ҳоказо. Ижтимоий фойдали ишларга соғлом болалар жалб этилади. Ревматизм, юрак пороги, қандли диабети бор болалар бундай ишлардан, меҳнат дарсларидан озод қилинади.

Ўқувчиларни ҳаёт учун хавфли бўлган ишларга жалб этиш мумкин эмас. I—IV синф ўқувчилари пол ювмаслиги, оғир нарсаларни кўтармаслиги керак. Ихтимоий фойдали меҳнат ҳафтада 2 соатдан ошмаслиги керак. Иш вақтида ўқувчилар халат, фартук ёки коржома қийиб олишлари зарур.

Меҳнат дарслари колхоз-совхоз бригадаларида, ишлаб чиқариш цехларида ва завод-фабрикаларда олиб борилади. Юқори синф ўқувчилари бориладиган корхона ёки совхоздаги иш жойларининг гигиена ҳолати билан таниширилади. Меҳнат дарсларида назария билан амалиёт узвий boglab борилади. 4 соатлик меҳнат практикаси дарсларида дарс қўйидагича тақсимланади: а) тушунтириш ва тавсия бериш (10 минут); б) асбобларни тайёрлаш (5 минут); в) қисқа танаффус 5 минут ва муддатлилиги 30 минут; г) меҳнат ишлари (180 минут); д) иш жойини йиғиштириш (15 дақиқа).

Меҳнат практикаси вақтида иш жойининг жиҳозланиши қизлар учун енгилроқ бўлиши, ўқувчиларни соглиғига ёмои таъсир этувчи ишларга қатнаштирмаслик керак ва ҳоказо. Ўқувчиларни овқатланишинга алоҳида эътибор бериш зарур. Айниқса Ўзбекистонинг иссиқ иқлим шаронтида ёз ойларида сувга бўлган талаб бир неча марта ортади.

Ўқувчилар практикага олиб борилганда хавфсизлик қоидаларини ўргатиш лозим. Шикастланишдан эҳтиёт бўлиш ҳақида айтиб қўйиш керак. Хусусан дам олиши тўғри ташкил этиш мухим. Улар меҳнат таълими гигиенасига амал қиласанда соғлиги мустаҳкамланади, иш унуми ортади, тўрли шикастланишларни олди олиниади, гигиеник одат ва кўнижмалар шаклланади.

IV — VIII синф ўқувчиларининг меҳнат дарслари ўқув устахонасида ўтказилади. Жиҳозлар албатта болаларни ёшига мос, хона яхши ёритилган ва шамоллатилган бўлиши керак. Хона ёшиги ташқарига очиладиган бўлиши керак. Устахонада иссиқ сув, умивальник, қўл ювиш учун чўтка, совун ва сочиқ бўлиши шарт. Аптечкада йод, новшадил спирт, валериана, борат кислотанинг 2% ли эритмаси, ичимлик сода, борли вазелин, марганцовка эритмаси, дока, бинт, боғловчи пакет бўлиши зарур.

Ўқувчи асбобни тўғри ушлаши, шошилмай бир маҳомда ишлаши керак. Ўқитувчи дарсдан аввал асбобларни қандай ушлашни тушунтириши лозим. Станокда иш

## 3- жадвал

Мактаб устахоналари учун мўлжалланган баъзи  
асбобларнинг ўлчами

Асбоблар	Ҳуқувичларниң ёнига кўра ас- бобларниң ўлчами (мм)	
	11—12 ёш	13—15 ёш
Ейсимон арра:		
юзасининг узунлиги	500	550
тишларининг ораси	3,5—4,0	4,0—5,0
Арранинг дастаси		
баландлиги	280	300
кесими	28×14	30×15
Ранда:		
тапасининг узунлиги	210	244
—«— эни	48	56
—«— баландлиги	50	55
Темирнинг узунлиги	140	180
—«— эни	35	40
—«— йўғонлиги	3—4	3—4
Ранданинг дастаси:		
баландлиги	60	60
тутқичининг диаметри	20	22
Шерхебель:		
тапасининг узунлиги	220	250
—«— эни	38	45
—«— баландлиги	50	60
Темирнинг узунлиги	140	180
—«— эни	25	30
—«— йўғонлиги	3—4	3—4
Шерхебель дастаси:		
—«— баландлиги	60	60
тутқичининг диаметри	20	22
Слесарлик арраси:		
юзасининг узунлиги	—	275
дастасининг узунлиги	—	120
дастасининг энг йўғон қисмининг диаметри		34
Эговлар (дравчи ва шахсий):		
иичи юзасининг узунлиги	200	250
Даста юзасининг узунлиги	112	120
Даста ўртасининг энг йўғон қисми диаметри	31,5	34,0
Искана:		
темирнинг узунлиги	100	одатдаги Ўзномда
дастасининг —«—	100	110
дастасининг эни	28	30
дастасининг йўғонлиги	18	20
Болта		
тўқмоқ томонининг майдони	19×19	25×25
дастасининг узунлиги	210	300
Тутқич дастасининг диаметри	18×13	20×13
Омбурларнинг узунлиги	150	180

бошлашдаи олдин, кийим тугмаларини қадаш, қизяр рўмол ўраб олиши ёки шапкача кийиб олиши, ҳимоя кўзойнаги тақиши, станокни текшириб кўриши, станокда ишлаш қоидаларини яхши билиб олиши зарур.

### **Бошланғич синф ўқувчиларининг меҳнат гигиенаси**

Бошланғич синф ўқувчиларида меҳнат дарслари маҳсус жиҳозланган хонада ўтилади. Бу ерда ҳар бир ўқувчининг ўз иш столи бўлиши керак. Слесарлик асбоблари (катта чизгич, рулетка, қайчи, пичоқ, тешгич, пайвандлагич ва бошқалар) маҳсус шкафда сақланиши керак.

Санитар бурчагида 70 см баландликда қўйл ювадиган умивальник, совуи, сочиқ туриши керак. Аптечкада йод, пахта, бинт, резина, борат кислотанинг 2% ли эритмаси, марганцовка эритмаси ва бошқалар бўлиши зарур.

Ўқувчиларининг ўткир кесувчи асбоблар билан ишлани тавсия этилмайди. Бахтсиз ҳодиса юз бергандаги биринчи ёрдам берниши тушунтириш керак.

### **Юқори синф ўқувчиларининг меҳнат гигиенаси**

Юқори синф ўқувчилари меҳнат таълимининг асосий мақсади улар мактабда олгаи меҳнат кўникумаларидан келгусида фойдаланишидир. Юқори синф ўқувчиларининг меҳнат дарсларини мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида, бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш мумкин. Бундан ташқари, юқори синф ўқувчилари ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасида ишланиши мумкин.

Меҳнат машғулотлари 9-синфда 4 соат, 10-синфда 6 соат давом этади. Икки соат назарий машғулотга бағишлиланади. Иш орасида 0,5 соат, 6 соат ишлашда 1 соат овқатланиш учун ажратилади. Иш вақтида ҳар 50 минутдан сўнг 10 минут танаффуе қилинади. 10-синф ўқувчилари 2 соатдан сўнг 10 минут дам оладилар. Ўқувчиларининг иккинчи сменада ишланиши тавсия этилмайди.

Үқиши ва меҳнат дарслари тўғри ташкил этилганда синфнинг микроклими, ёруғлик, хона жиҳозлари тўғри ташланганда, ўқув хоналари гигиена нормативлари асосида бўйлганда ўқувчилар иштиёқ билан ишлайди ва ишни унумли бўлади.

Синф ҳавосининг ҳарорати, намлиги, тозалигига ало-

#### 4- жадвал

**Иссиқ иқлим шароитида ўқув хоналарининг оптимал ва мумкин бўлган микроиқлими параметрлари  
(Г. И. Куценко, И. А. Жашкова, 1980)**

Кўрсаткичлар	Іқин		
Харорат (°C)	17—19	23—24	24—26
Нисбий намлик %	16—21 30—50 25—60	23—26 30—50 25—60	24—28 30—50 25—60
Хавонинг ҳаракати (м/с)	0,06—0,25 0,3 гача	0,6—0,8 0,1 гача	0,6—0,8 0,1 гача

Ҳавонинг исиб кетиши, карбонат ангидрид газининг кўпайиши (ёпиқ хоналар учун нормаси 0,07—0,1%) боаларининг тез чарчаши ва ишчанлик қобилияти пасайишига олиб келади. Ўқув хоналарининг ҳавоси нормага яқин бўлиши учун тез-тез шамоллатиб туриш зарур. Коридорлар дарс вақтида шамоллатилади. Кун совуқ бўлганда 5—10 минут, иссиқ бўлганда 25—35 минут шамоллатиш мумкин.

#### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИҚ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДАГИ ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИ**

Ўзбекистонда ўқувчилар пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, боғларни, полиз экинларини парвариш қилиши ва йигиштириб олиш ишларида қатишашилар. Бундай меҳнатда уларнинг кучи, жинси ва жисмоний имкониятларини ҳисобга олиш, техника хавфсизлиги ва гигиена қоидаларига пухта амал қилиш керак. Қишлоқ хўжалик ишларига фақат соғлом ўқувчилар жалб этилади, VIII—X синф ўқувчилари тиббий кўрикдан ўтишлари ва уларни зарурий эмлаш керак.

Ўқувчилар қишлоқ хўжалик ишларида баҳор, ёз ва

куз ойларида иштирок этадилар. Ҳозир меҳнат-роҳат лагерлари ташкил этилган бўлиб, бу лагерларда ўқувчилар ҳам ишлайди, ҳам мароқли дам олади. Қишлоқ хўжалик меҳнатида кун тартибини оқилона ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасида 3—4 ҳафта бўладилар.

Қишлоқ хўжалик ишлари учун ажратилган ер ўқувчиларнинг турар жойидан жуда узоқ бўлмаслиги керак. Ишлайдиган жой З км дан узоқ бўлса, уларни маҳсус автобусда олиб борилади. Иссиқ купларда иш эрта билан 6—7 дан бошланиб, 10—11 гача давом этади, сўнг соат 17.00 гача дам олинади, соат 10.00 дан кейин яна озгира ишланади. Офтобдан ҳимояланиш учун ўқувчилар бошига рангли рўмол ўраб олини ёки бош кийим кийиб олини керак. Ўқувчиларнинг дам оладиган жойи салқин, кўкаламзор, иложи бўлса, ҳовуз ёки катта ариққа яқин бўлиши керак. Ишдан сўнг ювениш учун сув етарли бўлиши, водопровод бўлмаса, ариқ суви ёки маҳсус машиналарда олиб келишган водопровод суви катта бакларда сақланиши керак.

Ўқувчилар бригадасидаги кун тартиби гигиена нормативлари ва меҳнат қонуилари асосида қўйидагича белгиланади: 15 яшар ўқувчилар учун бир кунда 3 соат, 15—16 яшар ўқувчилар учун кўпи билан 4 соат, 16—18 яшар ўқувчилар учун 6 соат белгиланади. Ҳар соатда 10—15 минут танаффус қилиш, иш турини ўзгартириб туриш, 6 соат ишлаб, 4 соат дам олиш керак.

Ўқувчиларга тезроқ ишлаш керак, ишни фалон муддатда тугатиш зарур, деган шарт қўйиш мумкин эмас. Барча ўқувчилардан бир хилда норма ва иш талаб қилиш ҳам тўғри эмас, чунки ҳар бир ўқувчишининг жисмоний имконияти ўзига хос бўлади.

Ўқувчилар далада ишлаганда, кўк чой, тоголча, олча, ўрик ва бошиқа мевалар компотини бериш мумкин, чунки булар организмнинг сув йўқотишини камайтиради, бино-барин, ўқувчи ўзини яхши ҳис этади.

Танаффус вақтида душ қабул қилиш, ариқ, ҳовузда, дарёда чўмилиш организмни тетиклаштиради, чарчоқни камайтиради, исиб кетишдан сақлайди.

### **ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЁЗГИ ДАМ ОЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Пионер лагери ўқувчилар дам оладиган ва тарбияланадиган муассаса ҳисобланади. Пионер лагерларининг санитария қоидалари СССР Соғлиқни сақлаш министр-

лиги томонидан тасдиқланган. Пионер лагерида ҳар 40—80 ўқувчига мўлжалланган ухлаш хонаси, ошхона, клуб, маъмурий бино, шифокор хонаси, болалар кийими ва нарсалари сақланадиган хона бўлиши зарур. Лагерь хизматчилари ётадиган уй, ҳаммом, кир ювиш хонаси ҳам бўлиши керак. Пионер лагери 200—275 м<sup>2</sup> ҳисобида қурилади. Бу ерда турли яшил ва мевали дараҳтлар экиш учун алоҳида ер ажратилади.

Лагерь територияси кўкаламзор бўлиши, линейка ўтказиш, жисмоний тарбия машғулотлари олиб бориш учун жой, гулхан учун жой ажратилади. Физкультура хонаси маҳсус жиҳозлар билан жиҳозланиши керак. Катта футбол майдони учун 5400 м<sup>2</sup>, кичик футбол майдони учун 2400 м<sup>2</sup>, волейбол майдони учун 360 ёки 162 м<sup>2</sup>, баскетбол учун 360 м<sup>2</sup> жой ажратилиши керак. Ҳовуз суви ҳар ойда бир марта химиявий-бактериал анализ қилинади. Ухлаш хонасида ҳар бир болага 3—3,5 м<sup>2</sup> жой тўғри келиши керак. Умивальникларда оёқни ювиш учун жой бўлади. Қизлар учун гигиена хонаси бўлиши шарт (70 та қизга битта). Шунингдек, кийим ва пойафзалини қуритиш учун алоҳида хона ажратилади. Тўгараклар учун 20 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаган хона бўлади.

Ошхонада ҳар бир бола учун 0,9 м<sup>2</sup> жой тўғри келиши керак. 200—250 ўқувчига мўлжаллаб овқатланиш заллари қурилади.

### **Пионер лагерининг тахминий кун тартиби**

Ҳар бир пионер лагерида изолятор ва таббий пункт бўлиши шарт. Лагерда ўқувчилар ёшига қараб турли ишларга жалб этилади. Октябрятлар ўз ўрин-кўрпасини йиғишириши, чангни артиши, гулларга сув қўйиши, экинлар ва гулларни сугориш ва бошқа ишларда бир соат ишлаши мумкин. 10—11 яшар болалар кийимлар тутгасини қадаши, хонани, йўлкаларни супуриши, мевани териши ва бошқа ишларни бажаришлари керак. 12—13 яшар болалар хонани тозалашдан ташқари, дараҳт кўчати экиши, осонроқ қурилиш ишларида иштирок этиши, спорт майдончасини жиҳозлаш ва бошқа ишларда иштирок этиши мумкин. Бу болалар бир кунда 1,5 соат ишлаши мумкин.

Каттароқ ёшлаги болаларни бир кунда 2 соат қишлоқ хўжалик ишларига жалб этиш мумкин.

Ўсмирлар ошхонада павбатчилик қиласидилар, овқат

тайёрлайдилар, тайёрланган овқатни столларга тарқатадилар, идишиларни ювадилар ва бошқа ишларда иштирок этадилар.

### **Хунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг кун тартиби**

Хунар-техника билим юртларида ўқиш ишлаб чиқариш машғулотлари билан боғлаб борилади. Дарс билан меҳнат машғулотларининг алмашлаб борилиши гигиена ва физиология нуқтаи назаридан тўғри ҳисобланиб, ўқувчиларда чарчашиб, толиқишининг олдиини олади. Хунар-техника билим юртлари ўқувчилари аввал пазарий қисм, сўнгра амалий қисмни ўтиш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат практикасида ўқувчиларга ҳар соатда ёки иш куни давомида 2—3 марта танаффус берилиши керак. Ўқувчининг иш жойи санитария-гигиена талабларига жавоб бериши шарт. Бунда кучли товуш, тебраниш, ҳаводаги чанг, ифлослапиш, қуёш нурлари таъсири ва ҳарорат ҳисобга олиниди. Ўқувчилар 3—4 марта овқатланиши, 8 соат ухлаши лозим. Улар тупги сменада ишилани ман этилади.

### **ИЧКИ СЕКРЕЦИЯ БЕЗЛАРИНИНГ ЁШГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **ИЧКИ СЕКРЕЦИЯ БЕЗЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Ички секреция безлари ёки эндокрин безлардан ишланиб чиқсан суюқлик қонга қуйилади. Улар гормон ишлаб чиқаради. Ички секреция безларига қалқонсимон, қалқонсимон без атрофидаги безчалар, айрисимон без, меъда ости бези, буйрак усти безлари, гипофиз, эпифиз ва жинсий безлар киради. Меъда ости, жинсий безлар аралаш безлар ҳисобланади, чунки улар ҳам гормон, ҳам секреция ишлаб чиқаради.

Ички секреция безлари гормони қон билан бутун организмга тарқалади. Гормонлар моддалар алмашинувини, яъни органлар фаолиятини кучайтиради ёки сусайтиради. Шунингдек, улар кишининг жисмоний, руҳий ривожланишига, балоғатга етишига ва бошқа кўпгина функцияларга таъсири этади.

Гормонлар фақат физиологик жараёнларга эмас, балки морфологик жараёнларга ҳам таъсири этади. Гормонларининг органлар функциясига таъсири физик-химиявий

шароитда таъсир этиши, юқори ва паст ҳароратга чидамлилиги билан таърифланади. Қўпчилик гормонлар соғҳолда олинган, баъзилари организмдан ташқарида лабораторияда синтез қилинган.

Гормонлар ҳомила ривожланишининг бошлангич даврида организмнинг шаклланиши учун таъсир эта бошлайди. Гормонларнинг физиологик аҳамияти ички секреция безлари билан боғлиқ бўлган турли касалликларда аниқ билинади. Баъзи оғир касалликларнинг келиб чиқиши ички секреция безлари, яъни гипер ёки гипофункцияси фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, аддисон, микседема, базедов касалликлари ва ҳоказо.

Ички секреция безлари фаолиятини ва улардан ишлапиб чиқадиган гормонларнинг аҳамиятини текшириш учун хилма-хил усуслар қўлланилади. Масалан, ички секреция безларидан биронтасини олиб ташлаш, кўчириб ўтқазиш, клиник усул ва бошқалар.

### Қалқонсимон без

Шакли ва жойлашишига кўра қалқонсимон безга шундай ном берилган. У ҳиқилдоқни қалқон каби ёпиб туради. Бу безнинг функцияси узоқ вақтгача аниқланмай келди ва текширишининг экспериментал усуслари туфайли йод алмашинуви билан унинг фаолияти ўртасида мустаҳкам алоқа борлигини аниқлаш мумкин бўлди.

Қалқонсимон без ҳиқилдоқнинг олдинги юзаси соҳасида жойлашган бўлиб, икки ён бўлакдан иборат. Қалқонсимон безнинг тўқимаси алоҳида бўлакчаларга бўлинган, ҳар бир бўлакча фолликуллардан иборат. Қалқонсимон без тўқимасидан жуда кўп қон томирлар ва первлар ўтади. Бу безнинг вазни ва тузилиши боланинг ёшига қараб ўзгаради. Масалан, янги туғилган чақалоқда унинг вазни 1 г дан ошмайди, 5—10 яшар болада 10 г бўлади, 12—15 ёшда вазни анча ортади, бу даврда қон томирларининг яхшигина ривожланиши ҳисобига унда қон айланиши кучаяди. Катта ёшли одамда 30—35 г бўлади.

Қалқонсимон безнинг организмдаги аҳамияти жуда катта. Унинг асосий функцияси қон плазмасидан йодни концентрлаши, тироксин гормони ҳосил қилиш ва унинг қонга тушишини таъминлашдан иборат.

Қалқонсимон без гормони — тироксин таркибида

65,3% гача йод бўлади. Катта одам организмида 25 мг йод бўлади, шундан 15 мг қалқонсимон безда сақланади. Тироксин моддалар алмашинувининг кучли стимулятори ҳисобланади, у биохимиявий реакцияларни тезлаштиради, марказий нерв системасига ва барча органларга таъсир кўрсатади. Тироксиннинг қонга кўп ёки кам тушиши нерв системасининг нормал функцияси издан чиқишига сабаб бўлади. Тироксин моддалар алмашинувининг барча турларига, организмдаги оксидловчи жараёнлар даражасига, юрак ишига айниқса катта таъсир кўрсатади. Тироксиннинг таъсир механизми жуда мураккаб бўлиб, ҳали етарлича ўрганилмаган.

Тоглик районларда ичимлик сувда йод старли бўлмаганидан оддий бўқоқ касаллиги учрайди. Оддий бўқоқниң касалликдан фарқи шундаки, бунда қалқонсимон безда секрет чиқарувчи тўқима ўсиб кетади. Безниң шу тариқа катталашуви организмининг йод етишмаслигига мослашиш реакциясидир.

Қалқонсимон без олдидағи безчаларнинг гормони паратиреоидин деб аталади. Улар етарлича ишламаганда жигардаги гликоген йўқолади. Қалқонсимон без олдидағи безчаларнинг гиперфункциясида қонда кальций миқдори ортиб, фосфор камайиб кетади. Паратиреоидин гормон билан Д витамин таъсирида бир-бирига ўхшашиб бер. Рахит касаллигида Д витамин етишмаслиги туфайли сүякларда ва қонда кальций камайиб кетади. Агар Д витамины истеъмол қилинса, сүякланиш қайта тикланади. Рахитда паратиреоидин, аксинча, кальцийнинг камайинини кучайтиради ва сүякланишини кечикитиради.

**Қалқонсимон без функцияларининг бузилишига боғлиқ касалликлар.** Қалқонсимон безниң фаолияти бошқа ички секреция безлари функциясига, энг аввало, гипофизга чамбарчас боғлиқ. Ҳар хил сабаблар таъсирида кўпинча қалқонсимон безниң фаолияти издан чиқади. Бунда безниң функцияси ё бирмунча кучаяди ёки сусаяди.

1840 йилда врач Базед қалқонсимон безниң ортиқча функционал активлигига боғлиқ бўлган касалликни биринчи бўлиб таърифлаган. Шунинг учун бу касаллик унинг номи билан Базедов касаллиги деб аталган, ҳозирги вақтда у «диффуз токсик бўқоқ» деб аталади. Бу касаллик билан кўпинча аёллар ва 10—15 ёшдаги қизлар оғриши аниқланган.

Касаллик қалқонсимон безниң катталариши, юрак

ўйнаши, кўзниг чақчайиши ва касаллик келтириб чиқарадиган бошқа ўзгаришлар пайдо бўлиши билан таърифланади. Белгиларнинг баъзилари кучлироқ намоён бўлиши, бошқалари намоён бўлмаслиги ёки маҳсус текширилгандагина аниқланиши мумкин. Касаллик ҳар хил бошланиши мумкин: баъзи одамларда кескин намоён бўлади, бошқаларда эса бир неча ойлар давомида фақат айрим белгилари кўринади.

Диффуз токсик бўқоқда қалқонсимон без диффуз катталашади. Бу катталашиши ютингданда сал билинадиган даражадан то анчагина катталашишгача етади. Қалқонсимон без анчагина катталашганда бўқоқ ривожланади. Диффуз катталашган қалқонсимон без қонга организмга керак бўлганидан анчагина кўп тироксин ажратади. Ортиқча тироксин таъсирида юрак-қон томир системаси фаолиятида ўзгариш рўй беради: юрак уриши тезлашади, пульс кўпинча минутига 180—200 мартагача стади. Юрак тони тобора шовқинли бўлиб қолади. Моддалар алмашинуви анча кучаяди, бемор оза бошлайди, жуда ҳам жizzаки бўлиб қолади. Йиғлоқилик, уйқунинг бузилиши, чарвоқ болаларда касалликнинг дастлабки белгилари бўлиши мумкин, bemor одатда, исиб кетаверади, кўрпа ёпмай ухлайди, иштаҳаси яхши бўлиши мумкин.

Кўзниг чақчайиши ҳам ҳар намоён бўлади ёки типик манзара юзага келади — кўз гўё косасидан чиқиб тургандек бўлади ва чақчайди ёки катталашади, кўз ёриги кенг очилиб қолади, қовоқлар жуда кам пириллайди, кўзда ҳайратомуз нигоҳ қотиб қолади. Узатилган қўл бормоқларининг ўзига хос қалтираши, терлаш, умумий мускул қувватсизлиги, ҳансираш пайдо бўлади. Бемор жуда озиб кетиши ёки унча озмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолат тирсотоксикоз деб аталади.

Бу касалликнинг бир қанча тури — снгил ва ҳатто белгилари рўйи рост юзага чиқмайдиган турларидан тортиб, то оғир турларигача фарқ қилинади. Касалликнинг енгил турида қалқонсимон безнинг катталашиши деярли сезилмаслиги мумкин: фақат бола қўзғалувчалигининг ошиши, пульсининг бир қадар тезлашиши, кўп терлаши ва тез чарчаши кузатилади. Баъзан барча шикоятлар озгина озиш ва қалқонсимон безнинг бир оз катталашиши сезилишидан иборат бўлади; ютингданда унинг ҳаракати кўринадиган бўлиб қолади.

Касалликнинг ўртача оғир турида юқорида айтиб

ўтилган ҳодисалар кучлироқ намоён бўлади: бемор кундан-кунга озиб кетади, юраги ўйнаб турари, ёмоц ухлайди, тез чарчаб қолади, жуда ишжиқ, йиглоқи бўлиб қолади. Болаларнинг хулқ-атвори кескин ўзгаради, арзимаганига жанжал чиқаради. Беморни даволашга киришилмаса, аҳволи оғирлашади, юраги ва нерв системасида оғир асорат юзага келиши мумкин. Даво ўз вақтида бошлианса, bemor соғайиб кетади.

Кейинги йилларда касалликнинг баъзи турларида bemорларга қалқонсимон без функциясини сусайтирадиган махсус препаратлар қўлланмоқда. Бу препаратлар болаларни даволашда ҳам самарали натижা берди, бироқ уларни узоқ қўллаш талаб қилинади. Беморни даволаш усулини шифокор ташлайди. Қиз болалар балогатга этиши даврида кўпинча қалқонсимон без бир оз катталашади. Бу физиологик ҳодиса бўлиб, одатда, даво талаб қилмайди.

Қалқонсимон безиниң кам тироксин ажратиши гипотиреоз деб аталадиган касалликнинг ривожланишига сабаб бўлади. Қалқонсимон без функциясиниң стиш мовчилиги тугма нуқсонга ҳам, орттирилган нуқсонга ҳам боғлиқ бўлади. Туғма этишмовчилик қалқонсимон без тўқимасининг суст ривожланиши ва ҳатто унинг бутунлай бўлмаслиги оқибати бўлиши ёки гормон синтези издан чиққандга юзага келиши мумкин. Гормон синтези издан чиққандга қалқонсимон без тўқимаси бўлади-ю, бироқ гормон ишланиб чиқмайди. Орттирилган гипотиреоз қалқонсимон без тўқимасининг яллигланиши оқибатида келиб чиқиши мумкин. Қалқонсимон без бутунлай бўлмагандга касалликнинг барча белгилари кескин юзага чиқади ва миседема ривожланади.

Қалқонсимон без функциясиниң этишмовчилиги билан боғлиқ бўлган касаллик қандай аломатлар билан юзага чиқади?

Касалликнинг ilk белгилари бола ҳаётининг дастлабки ойларида пайдо бўлиши мумкин. Одатда, болани кўкракдан ажратгандан кейин (она сути билан бирга бола организмига қалқонсимон безиниң гормони тушади) касаллик белгилари анча сезиларли бўлиб қолади: тери қопламлари қуруқшайди, бола бўшанг бўлиб қолади, ичи қотади, кам ҳаракат қиласиди, таги ҳўл бўлганда, қорни очганда брезовта бўлмайди ва ҳоказо. Нерв системаси реакцияси жуда сусайиб кетади, пульс секинлашади. Шу вақтда даволашга киришилмаса, бола умумий ривож-

ланишдан, чунончи, жисмоний ва айниқса психик ривожланишдан орқада қолади.

Қалқонсимон без гормони боланинг ўсиши ва айниқса марказий нерв системасининг ривожланиши учун жуда зарур. Даволашда бой берилган ҳар бир ҳафта кейинчалик қийинлик билан даволанадиган ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Ҳозир мамлакатимизда трийодтиронин деган янги препарат ишлаб чиқарилмоқда. Бу препаратни тайинлаш қалқонсимон без ўринини босади ва бола яхши ўсиб ривожланади. Гормонлар билан даволанишдан ташқари, болага витаминларга бой овқат бериш, нерв системаси ривожланишдан орқада қолаётган бўлса, кучли педагогик таъсир кўрсатиш зарур.

«Эпдемик бўқоқ» маълум географик жойда аҳолининг кўпчилик қисмида кенг тарқалган алоҳида касалликdir. У асосан баланд тогли районларда, бўз тупроқли ўрмонзор жойларда кузатилади. Бу касалликка бир қанча омиллар: сувда, озиқ-овқат маҳсулотларида ва атмосферада йод етишмаслиги, маълум географик ва санитария-гигиена шароити, аҳолининг турмуш даражаси ва бошқалар сабаб бўлиши ҳозирги вақтда исботланган. Бу касалликда қалқонсимон безнинг ҳажми катталашади. Йод организмга овқат билан кирғанда, шунингдек, унинг қалқонсимон без тўқималарида парчаланиши ҳисобига унинг запаси кўпайиб боради. Озиқ-овқат ёки сув билан бирга организмга йод тушиб турмаса, у йодга ёлчимай қолади. Қалқонсимон без зўр бериб ишлай бошлиайди, катталашади, баъзан жуда катта бўлиб кетади, яъни ўзига хос бўқоқ пайдо бўлади.

Ҳозирги вақтда эндемик бўқоқнинг олдини олиш учун туз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига йод қўшилади. Ноңга, чойга, ҳатто ҳайвонлар озиғига ҳам қўшилади.

Мамлакатимизда болаларда қалқонсимон без касалликларини ўрганиши ва уларнинг олдини олишга доир жуда кўп ишлар қилинган.

**Қалқонсимон без олдидағи безчалар.** Қалқонсимон без олдидағи безчалар икки жуфт бўлиб, ҳар бирининг вазни тахминан 0,1 г. Бу безчалар олиб ташланса, тетония деган оғир касаллик келиб чиқади. Тетонияда ўзига хос талваса тутади ва бошқа ўзгаришлар пайдо бўлади. Нормал шаронтда 100 мл қопда 9—12 мг кальций бўлади. Қалқонсимон без олдидағи безлар олиб ташланганда эса плазмада кальций миқдори жу-

да камайиб кетади ва 100 мл қонда 5—7 мг га тушиб қолади.

Талваса тутганда қонга кальций юборилса, талваса тұхтайди, лекин бир неча вақтдан кейин қондаги қальций яна камайиб, қайтадан яна талваса тутади.

### Меъда ости бези

Меъда ости бези меъданинг орқасида, ўникки бармоқ ичак ёнида жойлашган бўлиб, ички ва ташқи секрецияга эга. Бу без ташқи секреция органи сифатида ҳазм йўлига меъда ости шираси ажратади, бу ширатаркибида турли ферментлар бўлади. Булардан трипсин, липаза, амилаза ва бошқалар муҳим роль ўйнайди. Бу ферментлар ёғлар, углеводлар ва оқсилларнинг парчаланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, меъда ости бези ички секретор ёки эндокрин функцияга эга, бу функцияни оролчалар кўринишида тўда-тўда бўлиб жойлашган махсус ҳужайралар амалга оширади. Улар Лангерганс оролчалари деб аталади. Оролчаларнинг асосий қисмини махсус бета-ҳужайралар ( $\beta$  — ҳужайралар) ташкил этади. Бу ҳужайраларда организмда қанд алмашинувига таъсир этувчи инсулин гормони ишлаб чиқарилади.

Меъда ости безининг ички секреция функцияси камайиб кетганда, қандли диабет касаллиги келиб чиқади. Бу касалликда энг аввало, организмнинг углеводларни ўзлаштириш жараёни бузилади. Углеводлар қанда, нонда, картошкада айниқса кўп бўлади. Организма овқат билан бирга тушадиган углеводлар ҳазм йўли ферментлари таъсирида оддий модда — глюкозагача парчаланади. Глюкоза қонга сўрилади ва меъда ости бези гормони (инсулин) таъсирида тўқималар ҳужайралари томонидан ўзлаштирилади; бу ерда карбонат ангидрид ва сувгача парчаланганда энергия ажралиб чиқади. Инсулин глюкозанинг жигарда ва мускулларда махсус модда (гликоген) шаклида бўлиб тўпланишига, қанднинг ёғга айланнишига ёрдам беради. Бу организмнинг озиқланишини яхшилайди. Қонда бирор сабабга кўра, қанд миқдори камая бошласа, жигардаги гликоген глюкозагача парчаланади. Бу қанднинг қондаги даражасини бир меъёрга солади. Жигардаги гликоген миқдори жуда камайиб кетган ҳолларда уг-

леводлар овқат оқсили ва ёғлардан ҳосил бўлиши мумкин.

Қандли диабетда меъда ости бези инсулинни етарли миқдорда ишлаб чиқармайди, организм ҳужайралари қандни парчалай олмайди. Углеводлар энди етарли миқдорда ёғга айланмайди; жигарда гликоген етарли миқдорда тўпланмайди, булар энди қонда қанд миқдорининг кўпая бошлишига сабаб бўлади. Соғлом одам қонида қанд миқдори нормада 80—120 мг бўлади, сийдикда бутунлай бўлмайди, қандли диабет билан оғриган bemor қонида эса қанд миқдори 200—850 мг гача стиши мумкин.

Организм ортиқча қандни чиқариб ташлашга ҳаракат қиласи ва қондаги даражаси 150—180 мг ошганда қанд сийдик билан ажрала бошлайди, натижада bemor ташна бўлади. Кўп қанд йўқотиш иштаҳанинг анча очилишига олиб келади. Углеводлар энди овқат, организмнинг оқсими ҳамда ёғлардан ҳосил бўла бошлайди ва ёғ алмашинуви бузилади ҳамда ёғлар чала оксидланади. Оқсил алмашинувининг бузилиши организмда кислотали маҳсулотларнинг тўпланишига олиб келади. Ёғларнинг чала ёниши натижасида кетон танаҷалар ҳосил бўлади.

Кетон танаҷалар ва оқсиллар парчаланиши кислотали маҳсулотларнинг тўпланишига, организмдаги барча реакцияларнинг кислотали томонга сурилишига сабаб бўлади — ацидоз ривожланади. Ацидоз марказий нерв системаси фаолиятига айниқса ёмон таъсир қиласи ва диабет карахтилиги (кома)га олиб келади. Ота-оналар болаларда диабет ривожланиши ҳақида тушишчага эга бўлиши зарур.

Болаларнинг ўсаётган организми аввало оқсиллар, ёғлар, углеводлар ва витаминларнинг доимо ташқаридан кириб туришига муҳтож бўлади. Зўр бериб ўсиш худди шу углеводлар алмашинувини талаб қиласи, шунинг учун ҳам болаларни узоқ вақт фақат парҳез билан даволаб бўлмайди.

Қандли диабет ҳамма ёшда ҳам учраши мумкин, бироқ кўпинча 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларда пайдо бўлади. Айниқса болаларда қандли диабет ҳар хил ўткир юқумли касалликлар (қизамиқ, сувчечак, тепки) дан кейин пайдо бўлади. Қаттиқ изтироб чекиш ёки шикастланиш қандли диабетга сабаб бўлиши мумкин, углеводларга бой овқатлар (хамир овқат, қанд,

ширииликлар) ни ҳаддан ташқари кўп ейиш бу касалликнинг ривожланишига сабаб бўлади.

### Буйрак усти безлари

Бўйрак усти безлари бир жуфт бўлиб, бўйракларнинг устки қисмида жойлашган, вазни 10—14 г. Бу без икки қаватдан — пўстлоқ ва магиз қаватлардан тузилган бўлиб, пўстлоқ қавати мезодермадан, магиз қавати эктодермадан ҳосил бўлган. Янги тугилган болада безнинг вазни 6—8 г, 1—5 ёшда 5, 6 г, 10 ёшда 6,5 г, 11—15 ёшда 8,5 г, 16—20 ёшда 13,2 г бўлади. Янги тугилган болада пўстлоқ қавати магиз қаватига нисбатан яхши ривожланган бўлади.

Бўйрак усти безининг пўстлоқ қавати химиявий тузилиши жиҳатидан жинсий гормонларга ўхшайди, бу безларда кортикостероид гормонлар ишлаб чиқарилади. Бу гормонлар 40 дан ортиқ бўлиб, углеводлар, минерал тузлар, оқсиллар алмашинувини кўчайтиради, мускулларниг или қобилиятини оширади ва бошқа функцияларга таъсир этади. Магиз қисмида адреналин гормони ишлаб чиқарилади. Бу гормон юрак қисқаришини тезлаштиради, тери, ички аъзолар, мускулларни таъминловчи қон томирларни торайтиради, ичак ҳаракатларини секинлаштиради, моддалар алмашинувини кучайтиради. Буйрак усти бези симпатик нерв толалари билан таъминланган.

Бўйрак усти безининг пўстлоқ қисмидан 3 та асосий гормон: моддалар алмашинувига таъсир этувчи глюокортикоид гормонлар, минерал тузлар алмашинувини бошқарувчи минерало-кортикоидлар, эркак ва аёл жинсий гормонларнинг бир тури андрогенлар ва эстрогенлар ишлаб чиқарилади.

Магиз қаватнинг мұхим гормони адреналин. Бу гормон қон айланишини, мускуллар қисқаришини тезлаштиради, нафас олишни кучайтиради, бронхларни кенгайтиради, жигарда гликоген парчаланишини жадаллаштиради, мускуллар чарчашини камайтиради ва ҳоказо. Буйрак усти безлари сурункали стишимовчилигининг кескин турида Аддисон ёки бронза касаллиги ривожланади. Бу касалликда тери қопламлари бронза тусига киради.

Турли хил гормонларнинг бир меъёрда ҳосил бўлиши издан чиқадиган ҳоллар бўлади, яъни бир хил гор-

монлар кам ишланиб чиқиши ҳисобига бошқа гормонлар күп ишланиб чиқади. Болалар бундай касалликка дучор бўлганда, ўсиш ва жинсий ривожланиш жараёниларига кескин таъсир кўрсатиши мумкин. Касаллик моддалар алмашинувининг издан чиқишига ҳам олиб келади, бола семириб кетади (ёф босади). Касаллик манзараси гормонлар биосинтези қай даражада бузилганига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, қиз бола организмида буйрак усти безлари пўстлоғи гормонларининг биологик синтези ўзгариши оқибатида эркак жинсий гормонлари — андрогенлар күп ишлаб чиқарилганда (улар биз оз миқдорда соғлом аёл организмида ҳам ҳосил бўлади), унда эркакларга хос бъязи аломатлар пайдо бўлади (овози дўриллайди, соқол-мўйлови ўсади, эркакларда кўриладиган иккиламчи жинсий белгилар ҳам пайдо бўлиши мумкин).

Адрено-генитал синдром деб аталадиган бу касаллик кўпинча тугма бўлади. Бунда потўғри ишлаетган буйрак усти безлари ҳомиладорлик даврининг 3—4-ойидаёт зўр бериб гормон ишлаб чиқара бошлайди. Маълумки, гормонлар ҳомиланинг ўсиши ҳамда ривожланишига катта таъсир кўрсатади ва ортиқча миқдордаги андрогенлар таъсирида жинсий система потўғри шаклланади. Адрено-генитал синдром қиз болаларда ва ўғил болаларда ҳар хил ўтади.

Андрогенлар қиз боланинг шаклланаётган организмига шу қадар кучли таъсир кўрсатиши мумкин-ки, у бола тугилганда янгилишиб ўғил деб ўйлашади. Бундай ҳолларда кўпинча ҳатто янгилишиб гермафродитизм, яъни икки жинслилик (хупаса) диагнози қўйилади. Андрогенлар таъсирида бундай болалар тез ўсади, қиз болалар танасининг пропорциялари эркаклар танасининг пропорцияларига яқин бўлади.

Ўғил болаларда қонга андрогенлар ортиқча тушганда улар тез ўсади ва балогатга эрта етади. Бироқ 11—12 ёшга бориб, болалар ўсмай қўяди ва оқибат-натижада пакана бўлиб қолиши мумкин. Баъзан буйрак усти безлари пўстлоғида гормонлар ҳосил бўлиши бузилганда турғун гипертония пайдо бўлади, тузлар кескин йўқотилади.

## **Айрисимон без**

Бу безнинг гормони номаълум, лекин лимфоцитларнинг стиалишида иштирок этади, деб фараз қилинади. У организм ўсишини тезлаштиради ва суюкларда кальцийни сақлаб туради. Айрисимон без касалликлари кам учрайди. Болаларда баъзан айрисимон безнинг катталашиши оқибатида тимико-лимфатик диатез учрайди. Бундай касаллар ҳаддан ташқари семириб кетади, жуда лоҳас бўлади, дармони қурийди, лимфа тугунлари катталашади. Айрисимон безнинг катталашиши нафас олишда ўзгаришлар пайдо қилади. Энг муҳими юқумли касалликларга қарши чидамлилик анча пасаяди, бола касал бўлганда эса юқумли касаллик жуда оғир ўтиши мумкин.

Тимико-лимфатик диатезда буйрак усти безлари функцияси сусайиб кетади.

## **Уғил болаларда жинсий безларнинг эндокрин функцияси**

Эркак жинсий гормони мояк жуфт орган. Катта ёшли одамда ҳар бир моякнинг ҳажми таҳминан  $4,5 \times 3$  см, вазни 20—30 г бўлади. Моякда 250 га яқин бўлакча бор, ҳар бирида 3—4 тадан уруғ найдалари бор. Найдалар сперматоген эпителий билан қопланган. Моякнинг юқори қутбида ортиғи жойлашган.

Мояк физиологик жиҳатдан ташқи секретор ва ички секретор функцияни бажаради. Ташқи секретор функцияси сперматозоидлар ишлаб чиқарилишига боғлиқ, ички секретор ёки эндокрин функцияси тестостерон—бевосита қонга тушадиган эркак жинсий гормони ишлаб чиқаришдан иборат. Тестостерон стероид гормон бўлиб, организмга таъсирига кўра буйрак усти безлари пўстлоғи гормонларидан бирига яқин туради. Тестостерон иккиласми жинсий белгилар ривожланишига ёрдам беради. У ташқи жинсий органлар, простата бези ва уруғ пуфакчаларининг ўсиши ва ривожланишини тезлаштиради. Тестостерон таъсирида соқол-мўйлов ўсади. Қовда жун ва бошқа соч чиқади, ҳиқилдоқ ўсади ва товуш бойламлари йўғонлашади. Тестостерон оқсил синтезини тезлаштириб, организмда парчаланиш жараёнларини камайтириш хусусиятига эга. Балогатга етиш даврида ўсмирларда мускулларнинг жадал

суръатда ривожланиши, тез ўсиш шунинг натижасида рўй беради. Қиз болаларда бу анатомик ўзгаришлар буйрак усти безлари пўстлоғининг андрогенларига боғлиқ.

Янги туғилган ўғил болаларда мояклар, одатда, ташқи жинсий органлардан бирмунча катта бўлади. Чилла даври ўтгач, бирмунча зичлашади, ёрғоқ тортилади ва буришади. Бир яшар болада мояклар  $1 \times 0,5$  см дан ошмайди. Бола ўсган ва ривожланган сайин мояклар жуда секин катталашиб боради. 5—7 ёшдагина сезиларли даражада ўсади. Ўрта ва катта мактаб ёшида мояклар жадал катталаша бошлайди, ёрғоқ ривожланади, унда пигментация пайдо бўлади. Моякнинг ўсиши ва ривожланишига гипофиз катта таъсир кўрсатади.

Моякларнинг ички секретор функцияси, кўпинча эса ташқи секретор функцияси бўлмаса, жинсий ривожланиш рўй бермайди. Жинсий одат, мояклар кичик бўлади ёки мояклар бўлмайди. Қовда жун жуда кам ўсади ёки бутунлай ўсмайди. Соқол-мўйлов чиқмайди. Бола семирмайди, ёғ, одатда, аёлларга хос типда тақсимланади. Узун суякларнинг ўсиш зонаси анча вақтгача очиқ қолиб, узунасига ўсиши узоқ вақт давом этиши мумкин. Бунинг оқибатида тананинг ўзига хос «ахтасимон» нисбатлари юзага келади: тананинг юқори ярми калта, қўл ва оёқлар узун бўлади. Овоз умрнинг охиригача ингичкалигича қолади.

Моякларнинг эндокрин функцияси арзимас даражада сусаяди, белгилари унча юзага чиқмайди. Кўпинча бу белгилар вақтинча бўлиши ва узоқ вақт давом этган умумий касалликлар, семириш ёки оиласвий мойиллик оқибатида балоғатга етиш даври кечикишига боғлиқ бўлиши мумкин.

Баъзан хромосома аппаратидаги маълум шуқсонларга боғлиқ бўлган касаллик учрайди. Текшириш вақтида бундай беморларда қўшимча X хромосома топилади. Бунда касал бола танасининг пропорциялари ахтасимон бўлгани ҳолда иккиласмчи жинсий белгилари нормал ривожланиши, кўкрак безлари катталашиши, моякнинг ташқи секретор функцияси бутунлай бўлмаслиги (сперматогенез бўлмаслиги) мумкини. Касаллик Клайнфельтер синдроми деб аталади. Бу касаллик кам учрайди, тахминан 300—400 та янги тугилган чақалоқнинг биттаси шундай бемор бўлиши мумкини.

**Тухумдон.** Бу жуфт орган бўлиб, кичик чаноқда бачадоннинг икки ёнида жойлашган. Катта ёшли аёлларда тухумдоннинг узунлиги 3—4 см, эни 2—2,5 см, қалинлиги 1—1,5 см, вазни 5—8 г бўлади. Тухумдон учта асосий функцияни бажаради: генератив функцияси уругланишга қодир бўлган жинсий тухум ҳужайраларни ишлаб чиқариш, фолликулларни етишириш, сариқтанани ҳосил қилишдан иборат; вегетатив функцияси ўсиш жараёпларини таъминлашдаи иборат ва гормонал ёки эндокрин функция.

Тухумдоннинг гормонал функцияси иккита гормон—эстроген ва прогестерон ишлаб чиқаришдан иборат. Эстроген бачадон, қинда менструал (ҳайз кўриш) циклда кузатиладиган циклик ўзгаришлар юзага келишига ёрдам беради. Прогестерон, яъни сариқ тана гормони бачадон эндометрийсига таъсир кўрсатиб, унда рўй берган ҳомиладорликда зарур бўлган маълум ўзгаришларни келтириб чиқаради. Тухумдоилар фаолияти гипофизнинг гонадотроп гормонлари таъсирида ҳам бўлади.

Қиз болада нормал жинсий ривожланиш, одатда, 11—12 ёшдан кейин бошланади. Худди шу ёшда тухумдоилар апча катталашади. 13—15 ёшларга келиб аёлларнига етади. Бирор заарли омил таъсирида тухумдоиларнинг эндокрин функцияси бузилади. Тухумдоилар функциясининг етишмовчилигидаги қиз болаларнинг жадал ўсиши кузатилади, айниқса оёқ-қўйлар ўсиб кетади. Ҳайз кўриш, аёлларга хос иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиши кечикиши мумкин. Касалликнинг сабабини фақат врач тўғри аниқтайди. Бу бирор юқумли касалликда тухумдон тўқимасининг маълум заарланишига ҳам, гипофизнинг тухумдоиларга етарлича таъсир кўрсатмаслигига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Тўхумдоиларнинг хромосомалар таркиби бузилиши билан боғлиқ бўлган касаллик ҳам учрайди. Бундай касалликда жинсий хромосома бўлмайди. Бу касалликда паканалик билан бирга инфантлизм (жинсий органларнинг чала етилиши)нинг ўзига хос белгилари ривожланади. Бу касалликда тухумдоилар, одатда, бутуилай бўлмайди. Операция қилинганда, уларнинг ўрнидаrudimentlar тортмалар топилади. Бу тортмалар биректирувчи тўқимадан иборат бўлади. Касалликнинг бир неча тури бор. Бундай беморлар тегишлича даволанади.

Тухумдоцлар эндокрин функциясининг кучайиши билан гормонал — актив ўсма ривожланиши мумкин. Бунда жинсий ривожланиш эрта бошланади, қизлар эрта ҳайз кўра бошлайди. Шундай ҳодиса рўй берса, иложи борича барвақт врачга бориш зарур.

### Семириш (ёф босиш)

Семириш кўпгина эндокрин касалликларнинг белгисидир. Бироқ семириш кўпинча нотўғри овқатлашишга боғлиқ бўлади. Баъзи ота-оналар семириш касаллик эмас, деб хато ўйлайдилар ва босла семира бошласа қувонадилар, унча семиз бўлмаса ташвишланаидилар.

Кейинги йилларда врач-педиатрлар қабулига семириб кетган, яъни ёф босган беморлар кўплаб келади. Мактабларнинг туар жойга яқин бўлиши (айниқса катта шаҳарларнинг микрорайонларида) аҳолига катта қулайлик туғдиради, бироқ шуни ёдда тутиш керакки, болалар вақтини нотўғри уюштириб, етарлича ҳаракат қилмаслиги ёф босишига сабаб бўлиши мумкин. Ёф босиш (семириш) марказий нерв системаси фаoliyati бузилишидан келиб чиқсан касалликлар оқибати бўлиши ҳам мумкин.

Балофатга етиш даврида жинсий органларнинг ривожланишдан анча орқада қолиши билан боғлиқ ёф босиши ҳам мумкин. Аденозогенитал дистрофия деб аталган ўзига хос бу касаллик ҳам миянинг баъзи соҳаларида содир бўладиган ўзгаришларга боғлиқ. Балофатга етгандан кейин, одатда, бу ҳодисалар йўқ бўлиб кетади. Бироқ бола албатта шифокор кузатувида бўлиши шарт.

Балофатга етиш даврида ҳам ёф босиши мумкин, бунда қоринда, сонда, кўкракда ёф йигилади. Қиз болаларда баъзан кўкрак ва сон терисида тарам-тарам қизил йўллар пайдо бўлади, юзга тук чиқади. Яхшилаб қараганда юз тузилишининг бир оз қўполлашгани сезилади. Бу ички секреция безларидан бири — гипофиз функциясининг вақтинча кучайишига боғлиқ. 1—2 йилдан кейин бу ҳодиса ўтиб кетади.

Ёф босиши буйрак усти безлари касалликларнинг белгиларидан бири бўлиши ҳам мумкин. Ички секреция безларida пайдо бўлган ўсмаларнинг ўзи гормонал актив тўқима бўлиб қолади, қонга ортиқча миқ-

дорда гормонлар ажратади, бу эса организмда ёғ түп-  
ланишига сабаб бўлади.

Иштаҳанинг жойида бўлиши организмнинг овқатга  
бўлган талабини белгиловчи бебаҳо бошқарувчидир. Би-  
роқ буни ҳам «тарбиялаш» керак. Ташқи шароит таъ-  
сирида у бъязан хато қиласиган бўлиб қолади. Овқат-  
ланиш тартибига риоя қилмаслик, ҳадеб бир хил овқат  
еявериш иштаҳанинг пасайишига олиб келади. Болага зўрлаб керагидан ортиқча овқат едирилганда  
оила аъзолари кўп ейдиган бўлганда бола ҳам шунга  
ўрганиб қолиши мумкин. Болани асло мечкай қилиб  
қўймаслик лозим.

Ёғ босини ҳақиқатан ҳам, меъёрида овқатлапади-  
ган, лекин кам қувват сарғфлайдиган одамларда ри-  
вожланиши мумкин. Бола бирор касаллик туфайли  
узоқ ётиб қолса ёки кам ҳаракат қилса, жисмоний  
тарбия билан шугулланмаса шундай бўлади. Кўпинча  
вазни 25—30% ортиқ бўлади. Бола соппа-соғ кўрнича-  
ди, ҳеч нарсадан шикоят қилмайди, бироқ бу алдамчи  
ҳолатдир. Семириш аста-секин юрак-қон томирлар  
системаси ишини ёмонлаштира боради, касаллик пайдо  
бўлиши учун замин тайёрлайди. Ортиқча ёғ түпла-  
ниши юрак мускулининг ишини сусайтиради. Бола  
ҳансирайдиган бўлиб қолади, тез ҷарчайди ва ҳара-  
кат талаб қиласиган ўйинлардан ўзини тияди, кам  
ҳаракат бўлади. Бу эса яна ҳам семириб кетишга са-  
баб бўлади.

Семириш боланинг таянч-ҳаракатланиш аппарати-  
га—сүяклари, бўғимларига ҳам ёмон таъсир қиласиди.  
Бундай болаларда кўпинча яссиоёқлик пайдо бўлади,  
қад-қомати бузилади, мускуллари яхши ривожланмайди.  
Семириш натижасида жигар, меъда ости бези зар-  
пар кўради.

**Гипофиз** асосий сүякнинг турк эгари қисмида жой-  
лашган бўлиб, у уч бўлак: олдинги, оралиқ ва орқа бў-  
лаклардан тузилган мураккаб ички секреция безидир.  
Гипофизнинг узунлиги катта одамда 19 мм, эни 12—15  
мм, бўйи 5—6 мм, вазни 0,55—0,65 г, янги туғилган  
болада 0,1—0,15 г, 10 ёшда 0,33, 20 ёшда 0,54 г ке-  
лади. Катта одамларда гипофизнинг оралиқ бўлаги  
бўлмайди, болаларда у яхшироқ ривожланган. Гипо-  
физнинг олдинги бўлаги аденоғипофиз, орқа бўлаги  
нейрогипофиз дейилади, иккала бўлаги ҳам симпатик  
нерв билан таъминланган.

Гипофизда 22 та дан ортиқ гормон ишланиб чиқади. Унинг аденогипофиз қисмидан: ўсиш гормони, жинсий органларнинг ривожланишини тезлаштирувчи гормон, лактотрон ёки пролактин, сут ажралишини қўзғатувчи гормон, қалқонсимон без секрециясини қўзғатувчи гормон, меъда ости бези секрециясини қўзғатувчи гормон ва бошқа гормонлар ишланиб чиқади. Агар гипофизнинг олдинги бўлаги олиб ташланса, бола ўсмай қолади. Агар бу бўлакнинг функцияси камайиб кетса, паканалик вужудга келади, ортиб кетса, гигантизм вужудга келади, яъни 13—14 яшар боланинг тана пропорциялари сақланган ҳолда бўйи 2—2,5 м га етади (гигантизм). Гигантизм нисбатан кам учрайди; ўрта ҳисобда ҳар 1000 кишига 2—3 та одам тўғри келади. Ҳатто бўйи 260—270 см дан баланд бўлган одамлар борлиги ҳақида ёзилган.

## ТАЯНЧ-ҲАРАКАТЛАНИШ АППАРАТИНИНГ ЁШГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Таянч-ҳаракатланиш аппаратига скелет ва скелет мускуллари киради. Скелет ва мускуллар таянч-ҳаракатланиш ва ҳимоя функцияларини ўтайди. Скелетдаги сүяклар орқа мия, бош мия, юрак, ўпка ва бошқа органларни турли таъсирдан ҳимоя қиласиди. Организмдаги сүякларни қоплаб турган скелет мускуллари актив ҳаракат аъзоси бўлиб, мускуллар қисқарганда бўгимларда ҳаракат вужудга келади.

### СУЯК СИСТЕМАСИ

Скелетдаги баъзи сүяклар (мия қутиси, юз сүяклири, қисман ўмров суяги ва бошқалар) бевосита биринтирувчи тўқимадан ривожланади. Бундай ривожланиша биринтирувчи тўқима ҳужайраларига оҳак тузлари сўрилиб, сүяк ҳужайралари вужудга келади.

Скелетдаги сүякларнинг кўпчилиги тоғай тўқимасининг сүяк тўқимасига айлана бориши билан ривожланади ва тоғай тўқимасининг ичидаги сүякланиш нуқталари вужудга келади. Биринчи сүякланиш нуқталари эмбрион ривожланишининг 7—8-чафталарида вужудга кела бошлиди. Янги туғилган бола скелетидаги кўпчилик сүякланиш нуқталари вужудга келган бўлади, скелетда тоғай қисмлари кўп бўлади. Ҳаёт мобайнида сүяклар ўсиб ривожлана боради.

Ҳар бир сүякнинг устини сүяк усти пардаси қоплаб туради, бу парда болаларда жуда пишиқ бўлади, ҳатто сүяк синганда ҳам йиртилмайди. Сүяк усти пардаси кўп миқдордаги қон томирлар, первлар билан таъминланган бўлиб, улар сүяк усти пардаси орқали сүякнинг ички қисмига ўтади. Сүяк шикастланганда ёки касалланганда сүяк усти пардаси ҳужайралари ҳисобига сүяк асли ҳолига келади. Сүяк усти пардасига боғламлар ва мускуллар бирикади. Бу парда тагида сүякнинг зич қавати бўлиб, унинг тагида ғовак қават жойлашган. Узун сүякларнинг ички қисмиде сүякнинг бўйи баробар бўшлиқ, ички қисмиде ҳам бўшлиқ бўлади. Янги туғилган ва гўдак болалар узун найсимон сүякларининг бўшлиқ қисмida қизил илик бўлиб, ўсиш жараёнида унинг ўрнига сариқ илик ҳосил бўлади. Найсимон сүякларнинг икки учида, баъзан ясси сүякларда 15 ёшгача қизил илик сақланади.

Сүяклар шакли ва тузилишига кўра, найсимон, ясси, калта ва аралаш сүякларга бўлинади.

Найсимон сүяклар қўл-оёқ скелети таркибиغا киради. Улар орасида узунлари (елка, билак, тирсак, сон, болдири, бармоқ сүяклари) бўлади. Ҳар бир найсимон сүякнинг танаси (диафиз) ва икки учи (эпифиз) фарқ қилинади. Ясси сүякларнинг шакли ҳар хил бўлади. Уларга калланинг қопловчи сүяклари, куррак ва чаноқ сүяклари киради. Аралаш сүяклар турли шаклда. Сүяклар юзасида нотекисликлар, дўмбоқ, тешиклар ва эгатлар бўлади. Уларга мускуллар, найлар, бойламлар бирикади ёки томирлар, первлар ўтади.

Сүяклар таркибида органик ва анорганик моддалар бўлади. Сүякнинг органик моддасига оссенн дейилиб, у сүяк вазнининг 1/3 қисмини ташкил этади, қолган 2/3 қисми анорганик моддалардан иборат. Ёш катталашган сари сүяклар таркибидаги анорганик моддалар миқдори ортиб боради. Шунинг учун кексаларнинг сияги мўрт бўлади. Кальций, фосфор, магний ва бошқа элементлар нисбати ҳам ўзгаради. Қичик мактаб ёшидаги болалар сияги таркибида кўпроқ кальций, катта мактаб ёшидаги болаларнинг сияги таркибида фосфор тузлари кўп бўлади.


Сүякларнинг тузилиши ва химиявий таркиби ўзгарниши билан уларнинг физик хоссалари ҳам ўзгаради. Болаларнинг сияги, тоғайлари майин, қайниткоқ бўлади. 7 ёшида найсимон сүякларнинг тузилиши катта одамларниң кига ўхшаш бўлади, лекин 10-12 ёшларда сүякнинг ғо-

вак мөддаси жадал ўзгаради. Боланинг ёши қанча кичик бўлса, суяк уст пардаси суюкниң зич қаватига шунча ёнишади, 7 ёнда суяк уст пардаси зич қаватдан ажралиб туради. 7 дан 10 ёнгача найсимон суюкларниң илик қисми ўсими секинлашади, 11-12 ёндан 18 ёнгача найсимон суюклар тўла шаклланиб бўлади.

**Бош скелети.** Бош скелети функцияси ва ривожланниш хусусиятларига кўра 2 қисмга: мия қутиси суюклари ва юз суюкларига бўлинади.

Мия қутиси суюкларига: энса суяги, пешона суяги, асосий суяк, понасимон суяк, тепа суюклари, чакка суяги, бурунниң пастки чаноқ суяги, кўз ёши суяги, бурун суяги киради. Юз суюкларига пастки жағ суяги ва тил ости суяги каби тоқ суюклар киради. Жуфт суюкларга юқори жағ суяги, танглай суяги ва ёноқ суяги киради ва ҳоказо. Болаларнинг бош скелети ўлчами, танага ишбатан пропорцияси, бирнишиб билан катталарни кидан фарқ қиласи.

Болаларда бош скелетининг юз қисми мия қутиси қисмiga ишбатан кичикроқ бўлиб, ёш оптиши билан бу фарқ йўқола боради. Бош скелети боланинг 2 ёнгача бир текис ўсади. Энса суяги бўртиб чиқади ва тепа суюклари билан бирга тез ўса бошлайди. Янги тугилган бола калла суюкларининг суюкланиш жараёни 15 ойликкача давом этади. Унинг калла суюклари бир-бири билан биринтирувчи тўқима ёрдамида туташади, булар лиқилдоқ деб аталади. Лиқилдоқлар пешонада, энсада, чеккада бўлади. 1,5 ёнда калла суюкларидағи лиқилдоқлар суюкланиб бўлади, 4 ёнда эса мия қутисининг чоклари ҳосил бўлади.



10-расм. Янги тугилган бола (A) ва юқорисидан (B) кўриши:  
1—пешона лиқилдоғи; 2—энса лиқилдоғи; 3—ён лиқилдоқлари.


13—14 ёшдан пешона суяги жадал ўсади. Бош скелетининг ўсиши ва ривожланиши 20 ёшдан 30 ёшгача давом этади. Мактаб ёшидаги болаларда бош ҳажми жуда секин ўсади. Қиз болаларда 13-14 ёшда, ўғил болаларда 13-15 ёшдан тез ўса бошлайди.

Калла суяклари чоклар ёрдамида бириккан бўлади. Улар уч хил: тишсимон, тангасимон ва текис чок ҳосил қилиб бирикади.

**Умуртқа погонаси.** Умуртқа погонаси алоҳида-алоҳида умуртқа суякларининг умуртқалараро тоғайли диск қават ёрдамида устма-уст жойлашишидан ҳосил бўлади. Умуртқа погонаси скелет ўқи ва таянчи ҳисобланади, орқа мияни турли ташқи таъсирдан сақлаб туради. Умуртқа погонаси юқори ва пастки камар оғирлигини сингиллаштиришда қатнашади. Умуртқа ёйлари ва тапаларидан ҳосил бўлган тешиклар туташиб умуртқа каналини ҳосил қиласиди. Умуртқа канали юқорида мия қутиси бўшлиғига туташибди, пастда эса думғаза суягининг тешиги билан тугайди. Умуртқа погонасининг ёнида умуртқалараро тешиклар бўлиб, бу тешиклардан орқа мия нервлари, қон томирлар ва лимфа томирлари ўтади.

Умуртқа погонаси 33—34 та умуртқадан ташкил топган. 7 та бўйин, 12 та кўкрак, 5 та бел, 5 та думғаза ва 4—5 та дум умуртқаларига бўлинади. Катта одамнинг умуртқа погонасида 4 та эгрилик бўлади. Биринчи эгрилик бўйин қисмida бўлиб, олдинга қараб бўртиб чиққан, иккинчиси кўкрак қисмida бўлади; учинчиси бел қисмida олдинга бўртиб чиққан. Тўртинчи эгрилик думғаза ва дум умуртқаларидан ҳосил бўлиб, бўртиклиги орқага қараган бўлади. Умуртқа погонасининг эгриликлари боғча ёши охирларида ҳосил бўлади, бу эгриликлар бола юрганда билинади, ётганида улар ёзилади. Усмирлик даврида бел эгрилиги вужудга келади. Умуртқа погонаси суякларининг суякланиши ёшлиқдан ўсмирлик давригача, сўнгра катта одамда ҳам давом этади.

Бола 10 яшар бўлганда умуртқалар орасидаги тоғай тўқимаси қалин бўлади. 14—15 ёшларда бу тоғай тўқималарида янгидан суякланиши нуқталари ҳосил бўлади. 23—26 ёшда умуртқанинг барча қисмлари суякланиб тугайди. Умуртқа погонасининг тез ўсиш жараёни ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан кечроқ тугайди. Шунинг учун ҳам болалар парта, столда нотўғри ўтирганда умуртқа погонаси турли хилда қийшайиб қолиши мум-



11-расм. Оштогенездә умуртқа погонасииңг

кин. Бу бола қад-қоматиңг бузилишига, баъзан умуртқа погонасииңг бир томонға әгилиб қолишига—сколиоз ва бошқаларга сабаб бўлади. Умуртқа погонаси бўйин ва бел қисми жуда ҳаракатчап. Умуртқа погонаси букилади ва ёзилади, ўнгга ва чапга әгилади, шунингдек, кўндаланг ўқ атрофида бурилади. Униңг ҳаракатчалиги катталарга қарагандиа болаларда анча ортиқ бўлади. Кагта ёшли эркакларда умуртқа погонасииңг узунлиги 75 см, аёлларда 68 см.

**Кўкрак қафаси скелети.** Кўкрак қафаси 12 жуфт қовурганиңг тўш суюги билан биринчидаи ҳосил бўлади. Ҳақиқий қовурғалар 1—7- жуфт қовурғалар тогайи ёрдамида тўш суюгига, қолган 8, 9, 10-жуфтлари тогай қисми билан 7-жуфт қовурғага бирикади. 11 ва 12- қовурғаларниңг тогай учи бўлмайди, уларниңг учи эркин бўлиб, бир оз ҳаракатчап, қовурғалар умуртқаларга бўгим орқали бирикади. Тўш суюги тоқ суюк бўлиб, униңг дастаси, танаси ва ўсимтаси фарқ қилинади. Кўкрак қафаси шакли боланиңг ёшига ва тана тузилиши конституциясига боғлиқ. Одамда узун эпизиз ва калта эили кўкрак қафаси учрайди.

Кўкрак қафаси шаклига тўш суюги мос бўлади. Кўкрак қафаси конуссимон, цилиндрсимон ва ясси бўлиши мумкин, боланиңг ёши ортиши билан шакли ўзгариб туради. Ҳаётниңг дастлабки йилида кўкрак қафаси конуссимон бўлади. 2,5—3 ёшда тананиңг ўсишига мос равишда параллел ўсиб боради. Кейинроқ гавданиңг ўсиши кўкрак қафасиңг ўсишидан тезлашади. 12 ва 13

ёшларда күкрак қафасиңиг шакли катта одамниңиң үхшаб қолади, лекин ўлчамлари кичикроқ бўлади. Кўкрак қафаси жинсий жиҳатдан 15 ёндан фарқ қила бошлийди, сагитал ҳажми тез ортади. Нафас олганда ўғил болаларда кўкрак қафасидан пастки қовурғалар, қизларда эса юқориги қовурғалар кўтарилади. Кўкрак қафаси айланасида ҳам жинсий фарқ бўлади.

Ўғил болаларда 8 ёндан 10 ёнгача кўкрак қафасиңиг айланаси бир йилда 1—2 см, 11 ёндан бошлаб 2—5 см га ортади. 11 яшар ўғил болаларда кўкрак қафасиңиг ўсиши қиз болаларниңиң қарагандан секинлашади. Кўкрак қафасиңиг ривожланиши скелет мускулларининг ривожланишига ҳам бўглиқ. Сузиш, эшкак эшиш ва бошқа жисмоний машқлар билан мунтазам равишда шуғулланган одамларда мускуллар билан бирга кўкрак қафаси ҳам ривожланади. Бола иқоулай шаронтда тарбияласа, жисмоний машқлар билан шуғулланмаса, кўкрак қафаси ва мускуллари яхши ривожланмайди. Бола партада иотўғри ўтиреся, кўкрак қафасиңиг шакли ўзгаради, бу эса юрак, қоп томирлар ва ўпканинг тўлаттўқис ривожланмаслигига сабаб бўлади. Бундан ташқари, рахит, ўпка сили ва бошқа касалниклар кўкрак қафасиңиг ривожланишидан орқада қолишига сабаб бўлади. Доимо нафасни машқ қилдириб борилганда, кўкрак қафаси айланаси ортиб боради ва юрак-томирлар системаси ривожланади.

**Қўл скелети.** Қўл скелетига елка камарининг суюклари (курак ва ўмров суюклари), эркин қўл суюклари (елка суюги, билак ва тирсак суюклари, панжа суюклари) киради. Юқориги камар ва қўл суюклари эмбрионининг учхафталигидан бошлаб ҳосил бўла бошлийди. Ўмров суюги онтогенезда кам ўзгаради. Янги туғилган болада ўмров суюги фақат тўш учининг озгиши қисми тогайли, қолган қисми суюкли бўлади. Тўш учида суюкланиш ядроси 16—18 ёнда ҳосил бўлади. Кўкрак суюги 21—25 ёнда, тирсак суюги 21—24 ёнда, кафт усти суюклари 19—13 ёнда, кафт суюклари 12 ёнда, бармоқ фалангаси суюклари 9—11 ёнда суюкланиш бўлади. Елка камари ва қўл суюкларининг суюкланиши эркакларга қарагандан аёлларда 2 йил олдин тугайди.


**Оёқ скелети.** Оёқ скелетига чаноқ камари суюклари (номсиз суюклар) ва оёқнинг эркин суюклари (сон, болдир ва панжа суюклари) киради. Чаноқ камарига иккита чаноқ суюги киради. Чаноқ суюги ёнбош суюги,

қүймич саяги ва қов саягидан иборат. Булар саякланиш натижасида 16—18 ёнда битта чаноқ саяигига бирлашади. Ёнбош, қүймич ва қов саяклари қүймич косаси соҳасида ўзаро бирлашади. Қуймич косасига сон саягининг юмалоқ бошчаси бирикиб, тос-сон бўғимини ҳосил қиласи.

Чаноқ саяклари бир-бири билан қов бирикмасини ҳосил қиласи. Думгаза эса думғаза-ёнбош бўғими, шунингдек, бойламларни бирлаштириб, чаноқ ҳосил қиласи. Катта ва кичик чаноқ фарқ қилинади. Аёллар чаноги шакли ва катталиги жиҳатидан эркакларнидан фарқ қиласи. Аёллар чаноги сербарроқ ва калтароқ, саяклари юпқа ва силлиқ бўлади. Кичик чаноқ аёлларда кенгроқ, эркакларда торроқ. Чаноқнинг кириш тешиги аёлларда каттароқ бўлади.

Янги туғилган чақалоқ болапнинг чаноги варонкасимон бўлиб, кичик чаноқ яхши ривожланмаган, чаноқ саяги тогай қатлами билан туташиб, учта алоҳида саяклардан ташкил топган бўлади. Уч ёшгача чаноқ саяклари жадал ўсади. Уч ёшда унинг орқа қисми пастга тушиб, олдинги қисми кўтарилади, натижада чаноқ горизонтал ҳолатда бўлади. 7—8 ёшда қов ва қуймуч саяклари туташади. 14—16 ёшда чаноқнинг 3 та саяги қўймич косасида ўсиб, бир бутун чаноқ саягни ҳосил қиласи. 20—25 ёнда чаноқ саяклари бир-бири билан туташади. Ана шу даврда жисмоний меҳнатда ва жисмоний тарбияда буни эътиборга олиш керак. Узоқ вақт потўғри ўтириш ёки тик туриш, оғир юқ ташиш, яхши овқатланимаслик ва бошқа поқулай шароит натижасида чаноқ саяклари потўғри бирикади, ўсипдан орқада қолади.

Оёқнинг эркин саякларидан сон, катта ва кичик боладир саяклари 20—24 ёнда, оёқ кафт саяклари 17—21 ёнда, аёлларда 11—19 ёнда, оёқ панжаси фаланглари 15—21, аёлларда 13—17 ёнда бутунлай саякланиб бўлади. Оёқ панжасининг таги гумбаз шаклида тузилган бўлиб, у тик юриш туфайли ҳосил бўлган. Одам тик турганда оғирлиги оёқ панжаси гумбазининг четларига тушиди. Оёқ панжасининг гумбази унинг бойлам аппарати ва мускуллари билан мустаҳкамланган. Болалар узоқ вақт тик турганда, оғир юқ кўтарганда, тор поїафзал кийганда оёқ панжаси гумбази яссиланади, натижада яссиоёқлик келиб чиқади. Яссиоёқ одам узоқ масофага юрганда оёғига оғриқ сезади. Оёқ панжаси гумбаз шаклида бўлганидан одам юрганда тана турткilarини спиллаштиради, нерв системасини силкинишдац сақлайди.



12-расм. Оёқ панжасын тағпининг шакллары:  
A—нормал; Б—яеси панжа; В—тур: дараја;

## МУСКУЛ СИСТЕМАСИ

Одам организмидә 600 дан ортиқ мускул бўлиб, катта ёшли одам ташаси вазнишинг 45—50% иш ташкил қиласди. Одамниш ҳаракатлари, меҳнат фоалияти, шутқи, нафас олиш ҳаракатлари ва бошқа физиологик функциялари мускуллариниг гуруҳ-гуруҳ бўлиб, рефлектор ҳаракат қилиши натижасида содир бўлади. Мускуллар атроф-муҳитдаги турли омиллариниг сезги органларига таъсир қилиши ва ана шу таъсириниг марказга интилевучи нервлар орқали бош мияга етиб бориб, анализ-синтез жараёнлари натижасида марказдан қочувчи нервлар орқали мускулларга келиши туфайли ҳаракатланади. Бундан ташқари, ички органлариниг фоалияти скелет мускуллариниг функционал ҳолатига рефлектор равишда таъсир этади.

Мускуллар ҳаракатланиш органи бўлиб, нерв толалари ва бирютирувчи тўқималлардан тузилган. Мускул тўқимаси ҳужайралардан ташкил топган, ҳужайранинг ичидаги қисқарувчи толалар миофибриллар деб аталади. Мускул тўқимасининг тузилиши ва функциясига кўра кўндалангйўлли ва спллиқ мускуллар бўлади. Кўндалангйўлли мускуллар, асосан скелет мускулла-

ри бўлиб, силлиқ толали мускуллар ички органлар, қон томирлар деворида учрайди. Мускул—мускул толалари йигиндисидан иборат бўлиб, бу толалар бириктирувчи тўқима ёрдамида ўзаро бириккан. Мускул ташқи томондан ҳам бириктирувчи тўқима билан ўралган.

Ҳар қандай мускулнинг бошланиш қисми—боши ва бирикиш қисми—думи бўлиб, кенг танаси, яъни қорни мускул толаларидан тузилган. Мускул боши билан танаға яқин суюкка, думи билан ташадан узоқроқдаги суюкка бирикиб, қисқарганда бўғимда ҳаракат содир бўлади. Мускуллар толаларишиңг йўналишига қараб дуксимон, яrim патсимон, икки ёқлама патсимон, тасмасимон ва икки қоринчали бўлиши мумкин. Ҳар қайси мускул ташқи томондан бириктирувчи тўқимадан тузилган юпқа парда билан ўралган, бу парда фасция деб аталади. Фасция алоҳида мускулии, бир қанча мускулии ва мускулларнинг ҳаммасини ўраб туриши мумкин.

Юмaloқ мускуллар оғиз, кўз атрофида учрайди. Калта йўғон мускуллар бақувват бўлиб, юқориги, пастки камарларда ва гавда орасида учрайди (масалан, думбанинг дельтасимон мускуллари). Организмдаги мускуллар бошланиш, бирикиш жойига кўра, елка-билақ мускули, функциясига кўра, чайнаш мускули, букувчи мускуллар ва ҳоказо, икки бошли ва ҳоказо, тузилишига кўра, яrim пайли мускул ва бошқалар; жойлашишига кўра, пешона, елка мускуллари ва ҳоказо; шаклига кўра, трапециясимон, ромбсимон мускуллар деб аталади ва ҳоказо.

**Мускулларнинг иши.** Мускулларнинг кучи толаларишиңг кўндаланг кесимига, кўп-озлигига боғлиқ. Мускулнинг ҳар бир сантиметри ўрта ҳисобда 10 кг юк кўтарида. Уларнинг иши нерв системасининг қўзғалувчанилиги, машқ қилишига, ташқи шароитга боғлиқ, мунтазам равишда машқ қилиб турган одамнинг мускуллари бақувват бўлади, қон томирлар билан яхши таъминланади, организмда энергия ва моддалар алмашинуви кучаяди.

Мускуллар эгилувчали, бир оз ёпишқоқ бўлиб, ташқи муҳит таъсирида чўзилади ёки қисқаради. Қисқарганда бўғимларда ҳаракат вужудга келади. Мускуллар бўғимдан ўтишига қараб, бир бўғимли (масалан, дельтасимон мускул) ва кўп бўғимли (масалан, бармоқларни букувчи чуқур мускул) бўлади. Мускуллар бўғимлардаги ҳаракатда иштирок этишига қараб, синергист ва антагонист мускулларга бўлинади. Синергист мускуллар қис-

72  
110  
•••

36  
2

қарганда умумий ҳаракат вужудга келади. Масалан, елка, билак ва елканинг икки бошли мускуллари қисқарганда, тирсак бўғимида букиш ҳаракати содир бўлади. Антагонист мускуллар қисқарганда қарама-қарши ҳаракатлар вужудга келади. Масалан, елка, елка-билак ва елканинг икки бошли мускулларига елканинг уч бошли мускули антагонистдир. У қисқарса, тирсак бўғимида ёзиш ҳаракати содир бўлади.

Мускуллар суюкларни ҳаракатлантиришда ричаг қонуни асосида таъсир этади. Масалан, биринчи тартиб, яъни мувозанат ричагида таянч нуқта ўртада, мускулнинг тортиш ва оғирлик кучи икки четда, уларнинг елкаси ва йўналини бир хил бўлади. Масалан, энса-атлант бўғимида калла мувозанатининг сақланиши. Бу ричагда таянч нуқта ўртада бўлиб, калла юз қисмининг вазни олдинги елкада, энсага бириккан мускулларнинг тортиш кучи орқада, буларнинг елкаси бир-бирига тенг бўлади. Буни қўйидагича ифодалаш мумкин.

Бунда м. т. к. — мускулнинг тортиш кучи; т. п.—таянч нуқтаси; с. к.—оғирлик кучи. Бундай ричагда нормал мувозанат сақланади.

Иккичи тартиб ричаг қўч ричаги дейилади, бунда таянч нуқта четда, оғирлик кучи ўртада бўлади. Мускулнинг тортиш кучи иккичи четда бўлиб, елкаси узун. Бу ричагда қатнашувчи мускулларнинг елкаси узун бўлгани учун кучли иш бажарилади.

Учинчи тартиб ричагда ҳам таянч нуқта четда бўлади, лекин оғирлик кучи иккичи четда бўлиб, елкаси мускул тортиш кучининг елкасидан бир неча марта узун. Мускулнинг тортиш кучи ўртада бўлиб, елкаси жуда қисқа. Бундай ричагда кенг қулочли тез ҳаракатлар бажарилади. Масалан, тирсак бўғимида қўлни букиб, панжада юк кўтариш.

**Мускулларнинг ривожланиши.** Мускуллар ҳайвонот оламининг тараққиёти жараёнида табақаланиб бориб, сут эмизувчи ҳайвонларда анча ривожланган. Одам эмбрионида мускуллар мезодерманинг орқа-четки қисмидаги сомитлардан ҳосил бўлади. Бунда аввал ҳаёт учун энг зарур мускуллар: тил, лаб, диафрагма, қовурғалар-аро, сўнгра қўл, гавда ва оёқ мускуллари ривожланади.

Бола туғилганда барча мускуллари майдада ва ривожланмаган бўлади. Улар боланинг ҳаёти давомида ривожлана бориб, 25 ёшда тўлиқ шаклланади. Мускулларнинг ривожланиши скелетининг тараққий этишига ва бола

қад-қоматининг шаклланишига сабаб бўлади. Янги туғилган бола мускулларининг вазни танаси вазнининг 23,3% ни, 8 ёшда — 27,2% ни, 12 ёшда — 29,4% ни, 15 ёшда — 32,6% ни, 18 ёшда — 44,2% ни ташкил этади. Бир ёшда елка камари, қўл мускуллари яхши ривожланган бўлади. Бола юра бошлиши билан орқадаги узун мускуллар, думба мускуллари тез ўсади, 6—7 ёшдан бошлаб қўл панжасининг мускуллари тез ривожланади. Болаларда букувчи мускулларниң тараанглиги юқори-роқ бўлиб, ёзувчи мускулларга нисбатан тез ривожланади. 12—16 ёшда юриш-туриш учун зарур мускуллар ривожланади! Ёш ортиб бориши билан мускулларниң химиявий таркиби, тузилиши ҳам ўзгарамади. Болалар мускулида сув кўп бўлади. Мускулларниң ривожланни билан улардаги қон томирлар ва перв толалари сони ортади. Умуман, катта одамларда 50 ёшдан бошлаб мускуллар суст ривожланади. Кексайганда вазни 15—20% камаяди.

Ташки муҳитда турли омилларининг сезги органиларига таъсири иатижасида мускуллар қисқаради. Бу импульслар перв системасининг нормал фаолиятини сақлаб туради, бошқача айтганда, скелет мускулларининг уйғуланишига ҳаракатини вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам одаминиң ҳаракатлари тартибли бўлади. Скелет мускулларининг қисқариши кишининг ихтиёрига боғлиқ. Мускул асосан мускул толаларидан тузилган. Организмдаги барча мускуллар кўндаланг йўлли мускуллар ва силлиқ мускулларга бўлинади.

Тўқиманинг маълум вақт ичидаги таъсирни жуда кўп қўйбул қилиб, янги таъсирга тайёрланиши лабиллик, яъни функционал ҳаракатчалик деб айтилади. Скелет мускуллари таъсирга қанча тез жавоб қайтарса, вақт бирлигига ундац шунича кўп қўзғалаш ўтади ва лабиллиги шунича юқори бўлади. Аксинча мускул таъсирга қанча секунд жавоб берса, лабиллиги шунича паст бўлади. Бола ёшиниң ортиши билан лабиллик ҳам орта боради. 14—15 ёшда лабиллик катталарникidek бўлиб қолади. Бир бутун организмда мускулларга жуда кўп импульслар кетма-кет келиб туради. Мускуллар ана шу импульсларга жавобни узоқ қисқаради. Перв толасидан импульс тез-тез келиб турганидан мускулларининг шу тариқа қисқариши тетаник қисқариши, яъни тетаниус деб аталади.

Мускулларниң иши ва кучи узуплигига боғлиқ. Мускул кучи шу мускул толалари йигиндишиниң кўндаланиг

кесиги диаметрига түғри пропорционал бўлади. Бошқача айтганда, мускул кўйдаланг кесигининг диаметри қанча катта бўлса, мускул шунча кучли бўлади. Мускул иши юқ оғирлиги етарли бўлганда жуда юқори бўлади, юқ меъёридан оғирлашганда эса мускулнинг иш қобилияти насайиб кетади.<sup>7</sup> Жисмоний меҳнат ва спорт билан шуғулланиб турилганда мускул толаларининг йўғонлиги ва кучи орта боради. 8—9 ёшда мускул кучи анча тез ортади. 9 ёшдан 12 ёшгacha бир қадар секинлашади. Усмирларда балогатга етни даврида мускуллар кучи тез ортади ва турлича ривожланади. 5—6 ёшда елка ва билак мускуллари, 6—7 ёшда панжак мускуллари, 9 ёшдан бошлаб бошқа барча мускуллар кучи ортиб боради. Мускуллар кучининг ортиб борини машқ қилишга, жинсга боғлиқ. Қизларда мускуллар кучи бирмунча кам бўлади. Машқлар таъсирида мускуллар массаси ҳам орта боради, моддалар алмашинуви, айрим органлар (юрак, ўпка, меъда ва бошқалар) фаолияти кучаяди, патижада организм яхши ўсади ва ривожланади.

## МУСКУЛ ҲАРАҚАТЛАРИНИНГ ТЕЗЛИГИ ВА ЧИДАМЛИЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳаракат тезлигига мускуллар қисқаришининг яширии даври катта аҳамиятга эга. 7—8 яшар болаларда оддий ҳаракат рефлексининг яширии даври 11—12 яшар болалардагига иисбатан юқори. Бола жинсий балогатга, яъни 14—15 ёшга етганда мускуллар чидамлилиги камаяди, ҳаракат активлиги эса 35% ортади. Қизлар бир кечакундузда ўғил болаларга қараганда кам ҳаракат қиласади.

Баҳор, куз ойларига қараганда қишида активлик 30—45% камаяди. Бола мактабга борганда ҳаракат активлиги икки марта камаяди. Шунинг учун ҳам ташкилий равишда болаларни албатта жисмоний машқлар билан шуғуллантириши зарур. Жисмоний тарбия дарслари бир куплик ҳаракат активлигини 11% қондиради, холос. Физкультура минутлари 1—2 синф ўқувчиларида дарснинг 15—17 минутида, III—IX синфларда 20 минутида ўтказилса яхши бўлади. Уйда дарс тайёрлаганда ҳар 30—40 минутда физкультура қилиш керак. 1—2 синфда учинчи дарсдан кейин ҳаракатли ўйинлар ўйнаган маъқул.

Кўл панжаси мускуллари оёқ мускулларига қараган-

да вақтлироқ ривожланади. 8 ёшда қўл панжаси мускулари жуда тез ҳаракатларни бажара бошлади. Бўғимларда мускул ҳаракатлари тезлиги 12—13 ёшдан ортади. Мускул ҳаракатлари тезлигининг ортиб бориши нерв системасининг лабиллигига, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари алмашинишнинг ўзаро алоқадорлигига ва нерв жараёнларининг ҳаракатчанилигига боғлиқ. Толалари узун параллель бўлган мускуллар патсимон ва елпигчимон мускулларга нисбатан уйғунлашган нозик ҳаракатлар қиласи ва тезроқ қисқаради. 7—8 яшар болаларда мускуллар қисқа мудлат ичида нозик ҳаракатларни чаққон бажара олмайди. Чаққонлик болада аста-сескин ҳосил бўлади ва ёш катталлашиши билан ортиб боради. Аниқ, уйғунлашган нозик ҳаракатлар қилиш кўникма ҳосил бўлишига боғлиқ. Жисмоний машқлар ҳаракат тезлиги ва чаққонликни ортирувчи омиллардан ҳисобланади. Жисмоний машқ билан шуғулланган одамларда деярли барча гуруҳдаги мускулларнинг ҳаракат тезлиги юқори даражада бўлади. 20—30 ёшларда мускуллар қисқаришининг яширин даври жуда қисқаради. 30 ёшдан сўнг узаяди ва ҳаракат тезлиги камаяди.

Чапақай болаларда чап томондаги мускуллар тезкорлиги ўнг томондагиларга қараганда юқори бўлади. 7 ёшдан 16 ёшгача ҳаракат суръати 1,5 марта ортади.

Болаларда чаққонлик ривожланишининг 3 босқичи кузатилади. Биринчи босқичи ҳаракатларнинг фазода аниқ бўлиши, иккинчиси турли вақтларда бажарилган ҳаракатларнинг аниқлиги ва учинчиси ҳаракат давомида тасодифий ҳаракатларга жавоб тезлиги билан ифодаланади.

Қўллар ҳаракатидаги аниқлик ва чаққонлик, қўлларнинг кичик бурчак ҳосил қилиб ҳаракатланиши ёш сайни ортиб боради. Чидамлилик маълум гуруҳ мускуллар иш қобилиятининг узоқроқ сақланиб туриш, яъни чарчашга қаршилик кўрсатиш хусусиятидан иборат. Чидамлилик ички органлар, айниқса юрак-қон томир ва нафас олиш системалари хусусиятига боғлиқ. Организмининг чидамлилиги бажариладиган ишнинг табиатига ваз жадаллигига қараб ўзгариб туради. Иш қашчалик тез бажарилса, чидамлилик шунча кам бўлади. Иш жадаллиги икки марта ортганда чидамлилик 100 марта гача камайинши мумкин.

<sup>1</sup>Ёш улғайган сайни чидамлилик ортиб боради, лекин у бир текисда бўлмайди. 8—10 яшар қиз ва ўғил бола-

ларнинг чидамлилиги бир хил бўлади. 12—15 ёшда айниқса ўғил болаларда ортади. 14 яшар болаларнинг чидамлилиги катта одамнигига нисбатан 70% ни, 16 ёшда 80% ни ташкил этади.

Шундай қилиб, болаларда 8 ёшдан 11—12 ёшгacha юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш ва ҳарақат сифатлари (тезкорлик, чаққонлик, кучлилик, чидамлилик) ривожланишда давом этади. 12 ёшдан 16 ёшгacha тик туриш ва юришини таъминловчи скелет мускуллари анча тез ривожланади. 14—16 ёшда мускуллар билан бирга бўғим, боғлам аппарати ривожланиб боради.

**Мускулларнинг чарчаши.** Чарчаш деб, алоҳида орган ёки бутун организм ёхуд тўқиманинг фаолиятидан сўнг иш қобилиятининг вақтинча пасайишига айтилади. Дам олишдан сўнг чарчоқлик босилади. Бир гурӯҳ мускулларнинг чарчаши эргографда текширилади.

Мускуллар иш вақтида ёки статик вазиятда узоқ қисқариб турганда ёки бирорта жисмоний иш бажарганда чарчайди. Мускул чарчаганда унинг қисқаришидаги латент давр узаяди, кучи сусаяди, таъсирга жавоб реакцияси тезлиги пасаяди, организмнинг чидамлилиги камаяди. Бола қанча ёш бўлса, шунча тез чарчайди, айниқса бир турли мускуллар тез чарчаб қолади. Болалар ҳарақатсиз турганда тезроқ чарчайди. Меҳнат қобилиятининг узоқ сақланишида ва чарчоқликнинг бошланишида марказний нерв системаси ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Адиномия, яъни камҳарақатлик ва мускулларнинг кам ҳарақатланиши ички органларнинг ривожланишига салбий таъсир этади. 6—7 яшар болалар аниқликни талаб қиласидиган ва қаршиликни енгадиган ҳарақатлар қилмаганидан чарчамаганга ўхшайди. 7—8 яшар болаларнинг майда мускуллари старлича уйғун қисқармайди, аниқ, майда, нозик ҳарақатларни жуда қийинлик билан бажаради, бинобарин, ёзиш, расм чизишда, нина билан ишлашда дарров чарчаб қолади. Бундай болалар катта одамга нисбатан кўп ҳарақат қиласиди, лекин кам энергия сарфлайди. 7—12 яшар болалар ҳам ҳарақатлари уйғунашмаганидан тез чарчайди. Шунинг учун бу ёшдаги болалар кўпи билан 40—45 минут жисмоний машқ қилиши керак. 11—12 яшар болалар энди жисмоний куч ва чидамлиликни талаб қилувчи ҳарақатларни бажара бошлайди. 14 яшар болаларнинг нерв системаси ва ҳарақат аппарати органлари ҳали етарли ривожланмаган бўла-


## МАКТАБЛАРНИНГ ЖИҲОЗЛНИШИГА ҚУЙИЛАДИГАН ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИ

**Синф мебелига қўйиладиган гигиена талаблари.** Таълим-тарбиянинг, меҳнат таълимининг самарали бўлишида синф хоналари ва лабораторияларниң жиҳозланиши муҳим аҳамиятга эга. Мактаб мебеллари болаларниң бўйи, ёши ва тана пропорциялари, физиологик хусусиятларига мос бўлиши керак. Синф хонасииниң асосий мебели парта. Парталарни ўқувчиларга мослаб танлаш, уларни партага тўғри ўтиказиш, улар қад-қоматининг шаклланишида муҳим роль ўйшайди. Парта бир ва икки ўрнили қилиб ясалади. Ҳар бир партанинг суяничиги, ўтиргичи, масофаси ва дифференцияси, ёзув столи қисмлари бўлади. Парта ниң суяничиги бола бел-думгаза қисмининг қўшимча таянишини таъминлайди. Суяничик бола умуртқа поғонасининг бел эгрилигига мос келиши керак.

Бола партага тўғри ўтирганда, парта қирғоги билан кўкраги орасида 3—5 см масофа қолиши керак. Суяничик оралиғи—горизонтал бўйича курси суяничигига бўлган масофа ўқувчи гавдасининг диаметридан 3—5 см ортиқ

**13-расм. Парта ниң схемаси.**  
Партанинг асосий элементлари:

*A*—қопқоқ олдинги қиррасининг ердан баландлиги; *B*—орқа қиррасининг ердан баландлиги; *C*—ўтиргич билан қопқоқ орқа қиррасининг фарзи; *D*—қопқоқ горизонтал қисмининг кенглигиги; *E*—қопқоқ очиқ қисмининг эни; *F*—қопқоқ очиладиган қисмининг кенглигиги; *G*—таёвчанинг эни; *H*—таёвчина орқа қисмининг ердан баландлиги; *I*—таёвчча орқа бўлгаги ўтиргич қисмининг ердан баландлиги; *K*—ўтиргичининг ердан баландлиги; *L*—чукурлиги; *M*—ўтиргич барча қисмининг чукурлигиги; *O*—орқа суяничининг ердан баландлиги; *P*—суяничик дистанциеси.



бўлиши керак. Масофа мусбат, манфий, нуль бўлиши мумкин. Суяничиқ оралиғи ошиб кетса, ўқувчи ишлабётганда курси суюнчигига таяна олмайди ва букилиб ўтиради. Суяничиқ оралиғи камайиб кетса, сиқилиб қолади. Парта ниңг олдинги чети ўтиргичдан 3—5 см ўтиши мақсадга мувофиқдир. Парта ниңг ёзув столи (қирғоғи) 15—25° қияроқ қилиб тайёрланади. Бу кўришни енгиллаштиради, китоб бироз қия қилиб қўйилганда пастки қатор билан юқори қаторда кўз билан китоб орасидаги масофа бир хил бўлади. Китоб горизонтал қўйилса, ўқилганда кўз мослашиши бир неча марта ўзгаради.

Ўқувчиларни партага ўтказишда бўйини партага рақамига мослаш зарур. Бўйи энг паст бола 110 см, новчаси 179—180 см бўлади. Барча ўқувчилар 7 та бўй гуруҳига бўлинади. Парта рақамлари ҳам 6 даи 12 гача бўлади. А. Ф. Листов боланинг бўйига қараб партага номерини аниқлаш учун қўйидаги формулани тавсия қиласди, яъни бола бўйининг олдинги рақами ўнлигидан 5 ни айралса, шу бола ўтирадиган партанинг номери келиб чиқади. Масалан, боланинг бўйи 148 см, 14 даи 5 ни айриб ташлаймиз; унда 9 қолади. Демак, 148 см бўйли бола 9-партада ўтириши керак. Қўйидаги жадвалда партанинг асосий ўлчамлари келтирилган (1964, 1971 йилги ГОСТлар бўйича).

#### 5. жадвал

**Партанинг асосий ўлчамлари, мм  
(1964 йилги ГОСТ бўйича)**

Партанинг номери	Ўқувчиларни бўйи	Курси ўлчамлари			Стол ўлчамлари			шаки ўринилишни партага кендерганини ўзунлигиги
		Ўтиргичдинг полслан баландлиги	Ўтиргичдинг чукучиги	Ўтиргичдинг ўзуниги	Суяник насткиниң ўтиргичдинг полслан баландлигини	Паста копкоти орда ўтиргичдинг полслан баландлиги	Паста копкоти орда ўтиргичдинг полслан баландлиги	
6.	100—119	320	270	870	110	520	500	1200—1100
7.	120—129	350	270	870	130	570	500	1200—1100
8.	130—139	380	270	870	130	620	500	1200—1100
9.	140—149	410	310	960	150	670	500	1200
10.	150—159	440	310	960	150	720	500	1200
11.	160—169	470	350	1000	170	770	500	1200
12.	170—179	470	350	1000	170	790	500	1200

Партанинг номерини аниқлаш учун унинг ўқувчи томонига қаратилган қисми ва ўтиргичи баландлигини, ўтиргич кенглигини ўлчаш ҳамда 5-жадвалдан билиш мумкин.

Ҳар бир мактабда турли хил номердаги парталар етарлича бўлиши керак. Ўн йиллик мактабларда тахминан 6-номерли партадан 2%, 7-номерлидан 19%, 8-номерлидан 20%, 9-номерлидан 22%, 10-номерлидан 11%, 12-номерлидан 6% бўлиши керак. Синфа парталар 3 қатор қилиб, пастлари олдинга, баландроқлари орқага қўйилади. Парта қаторлари орасидаги масофа 70—75 см; ички девор билан парта қатори орасидаги масофа 60 см, охирги парталар билан девор орасидаги масофа 50 см, охирги парта билан доска орасидаги масофа 7—8 м қилиб жойлаштирилади. Ўқувчиларни партага ўтқазишда бўйидан ташқари соғлиғи, кўриш, эшитиш органларининг хусусиятлари ҳам эътиборга олиниади. Яқиндан кўрадиган бола, гарчи бўйи баланд бўлса ҳам, олдинги партага ўтқазилиши керак. Ўқув йили давомида дераза ёнида ўтирадиган ўқувчилар жойи 2—3 марта алмаштирилади. Бу доимо бир томонга қараб доскадан кўчириш ски кўргазмали қуролларни кўришининг олдини олади.

Ҳозирги вақтда кўп мактабларда янги парта номерлари (ГОСТлари) қўлланилади. Булар А, Б, В, Г, Д деб белгиланади. Ҳар бир партанинг суюнчиғида парта номери ва шу партада ўтириши мумкин бўлган ўқувчининг бўйи ёзиб қўйилади. Бола партада тўғри, бўшини олдинга бир оз эгиб ўтириши, бел соҳаси парта суюнчиғига тегиб, тизза бўғимидан 100—110° га букилиб туриши керак.

Ҳозир мактабларда ўқитиш кабинет системасига кўчирилганлиги муносабати билан лабораториялар, кабинетлар зарурий стол ва стуллар билан таъминланган. Столлар доимий ўлчамли ва универсал баландлиги ўзгарадиган бўлиши мумкин. Қуйидаги жадвалда ўқувчилар столи ва стулининг зарурий ўлчамлари келтирилган.

Ҳозирги вақтда ўрта мактаб ўқувчиларининг бўйига мослаб мебелларнинг янги намуналари: парта (ГОСТ 5994—64), стол (ГОСТ 11015—64), стуллар (ГОСТ 110—16—64) инплоб чиқарилади.

Синф парталари ва стол, стулларни аксланиш коэффициенти 35% дан 50% гача бўлган раңгларда бўяш тавсия этилади. Парта, столлар оч кулранг, дарахт

Үйнчиликтар столларининг ўчами, мм (1964 йилги ГОСТ бўйича)

Ўчамилари	Столлар номери						
	6	7	8	9	10	11	12
Копқоғи орқа баландлиги	полдан 520	570	620	670	720	770	790
Икки ўтинили столлинг яянчлари (оёклари) орасидаги ма- софа	900	900	900	1000	1000	1000	1000
Икки ўринли узунлиги	қолқоғининг 1100—1200	1100—1200	1100—1200	1200	1200	1200	1200
Колқоғининг кенглиги	500	500	500	500	500	500	500
Оёқ кўйгиччиниг (осма энапоя) кенглиги	80	80	80	80	80	80	80
Оёқ кўйгиччиниг пoldан баланд- лиги (ўрта чизик бўйича)	110	110	110	110	110	110	110
Киялик бурчаги (градусларда)	20—25	22—25	20—25	20—25	20—25	20—25	20—25
Пoldан токчанинг пастки сатҳи- гача бўлган масофа	380	430	480	530	580	630	650
Копқоғининг орқа четидан токча- гача бўлган масофа (горизонтал бўйича)	220	220	220	220	220	220	220

**Үқувчилар стулининг ўлчамлари, мм  
(1964 йилги ГОСТ бўйича)**

Ўлчамлар	Стул раҳами					
	7			10	11	12
Ўтиргичнинг полдан баландлиги	320	350	380	410	440	470
Олдинги чети бўйича ўтиргичнинг кенглиги	320	320	320	350	380	400
Ўтиргичнинг чуқурлиги	320	320	320	340	340	350
Суяничиқ пастки четининг ўтиргичдан баландлиги	110	130	130	150	170	170
Суяничиқнинг баландлиги	180	180	180	180	180	180
Ўтиргичнинг олдинги четидан суяничиқнинг кўпроқ туртиб чиққан қисмигача бўлган масофа (горизонтал бўйича)	250	200	250	300	300	340
						340

ранги ёки бошқа очроқ рангга бўялади. Оқ ёки қора рангга бўяш тавсия этилмайди. Лабораториядаги столларга газ, электр токи, водопровод келтирилиши керак.

Синф доскасининг юзаси силлиқ, ялтирамайдиган бўлиши керак. Унинг ўлчами синф сатҳига боғлиқ бўлиб, узунлиги 175 см дан 300—350 см гача, эни 110—120 см бўлиши лозим. Бошланғич синфларда синф доскаси пол сатҳидан 85 см, юқори синфларда 90 см баланд ўрнатилади. Доска жигар ранг, тўқ яшил рангга бўялади. Доскада бор, латта қўйиш учун тарновча бўлиши керак. Доска яхши ёритилиши учун тепасига люминесцент лампа ўрнатилади. Ўқитувчининг иш столи ва стули биринчи партада ёки ўртадаги партада олдига қўйилади.

### **ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ**

Одам ҳаёт фаолиятини сақлаш, меҳнат қилиш, ўсиш ва ривожланиш учун овқат еб туради. Овқат ҳазм қилиш каналида овқат моддалари механик майдаланади, химиявий парчаланади ва қонга сўрилади. Одамнинг

Овқат ҳазм қилиш канали 8—10 м узунликда бўлиб, девори ички шиллиқ, ўрта мускул ва ташқи сероз қаватлардан иборат. Мускул қавати ички айланга ва ташқи узунасига кетган мускул толаларидан тузилган.

Овқат ҳазм қилиш каналига: оғиз бўшлиғи, ундағи органлар, ҳалқум, қизилўнгач, меъда, ингичка ва йўғон ичаклар, жигар, меъда ости безлари киради. Овқат таркибида оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминалар, минерал тузлар ва сув бўлади. Оқсил, ёғ, углеводлар юқори молекулали бирикмалар бўлиб, пластик ва энергетик аҳамиятга эга. Оқсиллар турли хил аминокислоталардан ташкил топган бўлиб, нобуд бўлган ҳужайралар ўринини тиклаш, янги ҳужайралар ҳосил бўлиши, одам ҳужайраларида маҳсус оқсиллар синтезланиши учун зарур. Витаминалар ҳам пластик аҳамиятга эга. Организмда янги ҳужайралар ҳосил бўлиши учун ёғлар, углеводлар, минерал тузлар ва сув ҳам зарур. Бундан ташқари, оқсиллар, ёғлар, углеводлар энергетик аҳамиятга эга бўлиб, улар ҳужайраларда парчаланганда маълум миқдорда энергия ҳосил бўлади.

### ОВҚАТНИНГ ОҒИЗ БЎШЛИГИДА ҲАЗМ БУЛИШИ

Оғиз бўшлиғи оғиз даҳлизи ва ҳақиқий оғиз бўшлиғидан иборат бўлиб, бу ерда овқат тишлар ёрдамида механик равишда майдаланади, сўлак безларидан ишлаб чиқарилган сўлак ёрдамида қисман парчаланаади, овқат луқмаси сўлак билан аралашади.

Оғиз бўшлиғи кўп қаватли шиллиқ, ясси эпителий билан қопланган. Оғиз бўшлиғидаги шиллиқ қават механик, химиявий моддалар, температура таъсирига жуда чидамли. Тишлар юқори ва пастки жағ суюкларига махкамланган, ҳар бир тишнинг коронкаси, бўйни ва илдизи бўлади. Тиш асосан дентин ҳужайраларидан тузилган, усти қаттиқ эмаль билан қопланган. Тишлар юқориги ва пастки жағ суюкларига бириккан бўлади.

Овқат оғиз бўшлиғида чайналиб тишлар ёрдамида майдаланади. Оғиз бўшлиғи атрофидаги йирик ва майдада сўлак безларидан сўлак ишланиб чиқиб, оғиз бўшлиғига қўйилади. Сўлак безлари тил асосида, юмшоқ ва қаттиқ танглай ҳамда ҳалқумда жойлашган. Бу безлардан таркибида кўп миқдорда муцин бўлган сўлак ишлаб чиқарилади. Тил остида, қулоқ остида жойлашган безлар оқсил ва тузларга бой сўлак ишлаб чиқа-

ради. Бир суткада катта одам сўлак безларидан 1,6 л сўлак ишланиб чиқади. Сўлакнинг 98,5—99,5% сув, қолган қисми шилимшиқ модда — муцин, оқсиллар, ферментлар ва турли тузлардан ташкил топган.

Сўлак безларидан сўлак узлуксиз ажралиб туради. Сўлак шартсиз ва шартли рефлекслар асосида ажралади. Сўлак ажратишнинг нерв маркази узунчоқ мия ва бош мия катта яримшарларида жойлашган.

Ютиш мураккаб физиологик жараён бўлиб, унинг нерв маркази узунчоқ мияда жойлашган. Ютиш жараёни нафас олиш билан боғлиқ. Овқат луқмаси чайналиб, сўлак билан аралашгандан сўнг силлиқланиб тил ёрдамида ютқинга ўтказилади ва ютилади. Луқма ютилгандан сўнг қизилўнгачдан меъдага ўтади.

## ОВҚАТНИНГ МЕЪДАДА ҲАЗМ БУЛИШИ

Меъда овқат ҳазм қилиш капалининг кенгайган қисми бўлиб, катта одамда поксимон шаклда бўлади. Меъданинг кириш ва чиқиши жойи, туви ва катта, кичик айланаси фарқ қилинади. Катта одамда бир суткада 1,5—2 дм<sup>3</sup> меъда шираси ишлаб чиқарилади. Меъда ширасининг 99—99,5% сув, 0,3—0,4% органик молдалар ва тузлардан иборат. Меъда шираси кислоталик хусусиятига эга бўлиб, таркибида 0,3—0,4% хлорид кислота бор. Пепсин, липаза ошқозон ширасининг асосий ферментларидан ҳисобланади, пепсин оқсилларни альбумин, пептонларга парчалайди, амилаза эса эмульсияланган ёғларни парчалайди.

Турли овқат молдаларига турли миқдорда меъда шираси ажралади. Меъда ширасининг ажралиши нерв ва нерв-гуморал йўл билан бошқарилади. Нерв йўли билан бошқарилиш шартсиз ва шартли рефлекслар асосида амалга ошади. Овқат оғизга тушганидан сўнг, оғиздаги рецепторлар таъсиrlашиб, таъсиr марказга интилувчи нервлар орқали узунчоқ мияга боради, у ердан меъда безларига бориб, меъдадан шартсиз рефлекс асосида шира ажрала бошлайди. Меъда шираси нерв-гуморал йўл билан ажралганда, овқат таркибида ги молдалар қонга сўрилади ва қон оркали меъда безларига тушиб, безлар фаолиятини кучайтиради. Овқатлангандан 20—30 минутдан сўнг меъда тўлқинсимон

қисқара бошлайди, овқат мөъда шираси билан аралашади.

Катта одамда овқат 3—4 соатдан сўнг месъдадан ўникки бармоқ ичакка ўтади. Сут ва сутли овқатлар месъдадан ингичка ичакка тез ўтади.

**Ингичка ичакда овқат ҳазм бўлиши.** Ингичка ичакнинг узунлиги катта одамда 6—7 м, диаметри 2,5 см. Ингичка ичак ўникки бармоқ ичак, оч ичак ва ёнбош ичакларга бўлинади. Ингичка ичакнинг шиллиқ қаватида жуда кўп миқдорда ворсинкалар жойлашган, ана шу ворсинкалар ҳисобига ингичка ичакнинг юзаси 8 марта ортиб,  $40\text{ m}^2$  га етади. Ўникки бармоқ ичакда овқат ўт суюқлиги ва мөъда ости бези шираси ҳамда ўникки бармоқ ичак деворларида ишланиб чиқсан ичак шираси таъсирида химиявий парчаланаади. Ичак ширасининг 99—99,5% сув, қолган қисми органик моддалар, турли хил ферментлар ва тузлардан иборат. Ичак шираси таркибида ферментлардан эрипсин, энтерокиназа, липаза ва амилаза ферментлари ва турли тузлар бўлади. Овқат асосан ингичка ичак деворларидаги шиллиқ қаватга тегиб парчаланаади. Бир кечакундузда 1—1,5 л шира ишланиб чиқади. Ичак шираси ишқорий хусусиятга эга.

Мөъда ости бези рефлекс ва нерв-гуморал йўл билан шира ишлаб чиқаради. Мөъда ости бези ширасининг 98,7% сув бўлиб, қолган қисми турли оқсиллар ва тузлардан иборат. Мөъда ости бези шираси ишқорий хусусиятга эга. Шира таркибидаги эрипсин ферменти альбумоза, пептонларни аминокислоталарга парчалайди.

Жигар организмдаги энг катта без бўлиб, вазни катта одамда 1,5 кг келади. Асосий қисми ўнг қовурғалар остида, чап қисми эса чап қовурғалар остида жойлашади. Жигар организмда ҳётий аҳамиятга эга. У овқат ҳазм қилиш каналидан қонга сўрилган моддаларни заарасизлантиради. Жигарда 10% қон ғамланиб туради.

Ёш болалар жигарида эритроцитлар ишланиб чиқади, катталарда нобуд бўлган эритроцитлар жигарда тўпланади. Жигарнинг Куппер ҳужайраларидан доимо ўт суюқлиги ишланиб чиқиб, ўникки бармоқ ичакка қўйилиб туради. Бундан ташқари, жигар тана ҳароратини турғун сақлашда иштирок этади. Овқатлангандан 20—30 минутдан сўнг ўникки бармоқ ичакка ўт суюқ-


лиги ажрала бошлайди. Катта одамда бир кечакундузда 700—1200 см<sup>3</sup> ўт суюқлиги ажралади.

Овқат ҳазм қилиш каналида овқат моддалар механик, химиявий равишда парчаласып, сувда әриган ҳолга келтирилгандан сүнг ичаклар девори орқали қонга ва лимфага сўрила бошлайди. Овқат моддаларниң охирги маҳсулотлари асосан оч ва ёнбош ичакларда сўрилади. Ичаклар шиллиқ қаватида жуда кўп миқдордаги цилиндрический ҳужайралардан тузилган бир қаватли эпителий билан қопланган ворсинкалар (тукчалар) жойлашган. Сўрилиш вақтида бу ворсинкалар қисқариб, сув, турли тузлар, озиқ моддаларниң охирги маҳсулотлари шулар орқали капилляр қон томирларга ва лимфага ўтади.

Оқсилилар ичак деворларидан аминокислоталар, қисман альбумоза, пептонлар ҳолида, углеводлар эса сувда әриган моносахаридлар ҳолида қонга, ёғлар эса ёғ кислоталар, глицерин ҳолида лимфага ўтади. Йўғон ичак деворида озиқ моддалар, асосан дағал ўсимлик маҳсулотлари парчаланади ва сув сўрилади. Овқат ҳазм қилиш каналида ҳазм бўлгандан сүнг чиқинди моддалар пажасга айланиб, йўғон ичакка ийфилади. Ҳожат мураккаб рефлекс йўл билан бажарилади. Ҳожатнинг перв маркази орқали миянинг 3—4-бел сегментида, олий маркази эса бош мия катта яримшарларининг пешона қисмида жойлашган. Тўғри ичакниң ички ва ташқи сфинктерлари бўлиб, ташқи сфинктер ихтиёрийдир.

### Овқат ҳазм қилиш органларининг ёшга хос хусусиятлари

Бола 6-8 ойлик бўлгандан бошлаб сут тишлар чиқа бошлайди. Дастреб курак тишлар, сүнг қозиқ тиш, кичик озиқ тишлар чиқади. Сут тишлар 20 та бўлиб, формуласи: 
$$\frac{2 \quad 1 \quad 2}{2 \quad 1 \quad 2}$$
 яъни 2 та курак, 1 та қозиқ, 2 та кичик озиқ тиш. Сут тишлар 7 ёшдан бошлаб тушиб, ўрнига доимий тишлар чиқа бошлайди. 7 ёшда биринчи катта озиқ тиш, 8 ёшда биринчи курак тиш, 9 ёшда иккинчи курак тиш, 10 ёшда биринчи кичик озиқ тиш, 13-16 ёшда катта оғиз тиш, 11-15 ёшда иккинчи озиқ тиш, 18-30 ёшда учинчи озиқ тишлар чиқа бошлайди.



14-расм. Овқат ҳазм қилиш каналиннг схемаси:

1—халқум; 2—қизиллүңгач; 3—ошқозонга кириш жойы; 4—ошқозондан чиқыш жойы; 5—үнүкки бармоқ ичак; 6—оч ичак; 7—чамбар ичакниң сигмаси-мөн қисми; 8—түгри ичак; 10—чуралчангсизмөн ўсимта; 11—өнбөш ичак; 12—күричак; 13—чамбар ичакниң юқорига күтарилиувчи қисми.

Сут тишлиар тушиб доимий тишлиар чиқа бошлаган даврда болаларга ухлашдан олдин тишиңи чүткаси ва порошоги билан тозалаш, овқатланғандан сүнг оғизни илиқ сув билан чайишга ўргатиши керак. Жуда со-вуқ ёки жуда иссиқ овқат ейиш, қаттық нарсаларни тишида чақыш ниҳоятда заарарли, буни асло унұтмаслик керәк.

Болаларда қулоқ ости безлари жағ ости сұлак безларига қараганда күпроқ сұлак ажратади. Чақалоқ бола сұлагида птиалин ферменти күп бўлади. 2 ёшдан 15 ёшгача сұлак таркибида оқсил миқдори ортиб боради. 11—12 ёшда озиқ моддаларга бир кечакундузда 200 см<sup>3</sup>, овқат емаганда 400—600 см<sup>3</sup> сұлак ажралади.

Боланинг ёши катталashiши билан меъданинг ҳажми ҳам ортади. Янги туғилган болаларда 30—45 см<sup>3</sup>, 1 ёшда 400—500 см<sup>3</sup>, 2 ёш охирида 600—750 см<sup>3</sup>, 6—7 ёшда 950—1100 см<sup>3</sup>, 10—12 ёшда 1500 см<sup>3</sup> бўлади. 2 ёшгача меъданинг шакли ноксимон, 7 ёшда колбасимон бўлади. Ёш болаларда меъданинг шиллиқ қавати нозик бўлиб, жуда күп қил томирлар билан таъминланган.

Меъда безлари ишлаб чиқарадиган ширанинг ҳазм қилиш кучи ва кислоталилиги анча паст бўлади. Бу шира таркибида химозин, пепсин, липаза, амилаза ва бошқа күп ферментлар учрайди, бироқ улар кам миқдорда бўлади.

Бир ёшгача сутдаги оқсилларга таъсир этувчи химозин ферментининг активлиги юқори бўлади ва ёш ортиши билан липаза ферментининг активлиги ҳам орта боради, меъда ҳаракатлари ҳам ўзгаради. Бола бир ёшга тўлгунча ичаги жуда тез ўсади. 10—15 ёшда ўсиши янада тезлашади. Болалар ичагининг узунилиги та-насига ишебатан олганда катта, узунлиги 4,5 марта, кўкрак ёшидаги болаларда эса 6 марта ортиқ бўлади. Гўдакликда ингичка ичак деворидаги ворсинкалар, шира ажратувчи безлар, мускуллар яхши ривожлашмаган бўлади. Боланинг ёши ортиши билан ичак ширасининг миқдори ва ферментлар концентрацияси ҳам орта боради, меъда ости безининг узунилиги катта одамникига тенглашади, шира миқдори ортиб, ҳазм қилиш кучаяди. Жигарининг ҳажми, вазни, тузилиши ўзгаради. Янги туғилган болада жигарнинг вазни 130 г, 2—3 ёшда 460 г, 5—6 ёшда 665 г, 6—7 ёшда 675 г, 8—9 ёшда 720 г, 12 ёшда 1130 г, 16 ёшда 1260 г бўлади.

Янги түғилгап болада озиқ моддалар меъдада яхши сўрилади. Кейинчалик сўрилиш секинлашади, ичакда тўлиқ парчаланмаган оқсиллар сўрилади. Болаларда аминокислоталар ва углеводларниң сўрилиши катталникига нисбатан тезлашади. Ёш катталашини билан секинлашиб боради.

Йилинг иссиқ фаслида болаларниң овқатланишига ва гигиенасига эътибор бериш зарур. Иссиқ шароитда гўдак ва боғча ёшидаги болаларда ёғларниң ҳазм бўлиши қийинлашади, чунки иссиқда меъда, ичак ва меъда ости безидан шира ажралиши жуда секинлашиб кетади.

### **Моддалар ва энергия алмашинуви, овқатланишининг ёшга хос хусусиятлари**

Организмдаги ҳужайра ва тўқималарда узлукенз равишда моддалар ва энергия алмашинуви содир бўлиб туради. Овқат билан киргап оқсил, ёғ, углеводлар ҳужайра ва тўқималарниң ҳаёт жараёнида аминокислоталар, глицин, ёғ кислоталар ва шакарларга парчаланиди. Уларниң бир қисми янги ҳужайралар ҳосил бўлиши учун сарфланади, бир қисми эса ёниб, энергия ҳосил қиласади.

Организмда содир бўладиган ассимиляция ва диссимиляция жараёнлари бевосита бир-бирига боғланган. Оқсиллар, ёғлар, углеводлар ҳужайрада оксидланганда турли миқдорда кислород ютилиб, карбонат ангидрид ажралиб чиқади. Ютилган кислороднинг чиқарилган корбонат ангидридга бўлган нисбати нафас коэффициенти дейилади.

Сут ва сут маҳсулотларида ўзланитириладиган оқсиллар ва ёғлар, витаминалар, тузлар бўлади. Тухум, гўшт, балиқ, жигарда организмнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур оқсиллар, минерал тузлар бўлади. Бошоқли ўсимлик маҳсулоти таркибида кўп миқдорда углеводлар, минерал тузлар бор. Турли мева ва сабзавот маҳсулотлари витаминалар, минерал тузларга бой. Ёғлар асосий энергия маибаи бўлиб, баъзи витаминаларни сақлайди, муҳим пластик аҳамиятга эга. Шакар ва турли ширийликлар углеводларга бой бўлади.

### **Турли ёшдаги болалар организмининг оқсиллар, углеводлар ва ёғларга бўлган талаби**

Оқсиллар ҳужайра таркибиغا кирадиган муҳим модда ҳисобланади. Боланинг ўсиши, ривожланиши орга-

низмга етарли миқдорда оқсил кириб туришига боғлиқ. Оқсиллар аминокислоталардан тузилган бўлиб, мураккаб органик бирикма ҳисобланади. Улар таркибида 16% азот бўлади. Агар катта одам организмига кирган азот чиқарилган азотдан ортиқча бўлса, азот баланси мусбат бўлади, бунда организмга кирган оқсил миқдори парчалашган оқсил миқдоридан кўпаяди. Мусбат азот баланси турли ёш даврларида ҳар хил бўлади. Организмга кирган азотнинг чиқарилган азотдан кам бўлини манфий азот баланси дейилади. Бунда парчалашган оқсиллар миқдори синтез қилингандан ортиқча бўлади, иштижада организм ҳужайраларида оқсиллар парчаланиади.

Овқат билан организмга кирган оқсиллар тўла қимматли ва тўла қимматли бўлмаган оқсилларга бўлинади. Тўла қимматли оқсил деб, синтез учун зарур бўлган барча аминокислоталарни ўзида сақлайдиган оқсилларга айтилади. Бундай оқсиллар таркибига организмнинг ўсини учун зарур бўлган лизин, триптофан, тирозин, пепсин, изолейцин, гистидин, аргинин, валин, метионин, фенилаланин аминокислоталар киради. Булардан бошика аминокислоталар ва гормонлар ҳосил бўлади. Тўла қимматли бўлмаган оқсиллар деб, таркибида синтез учун зарур аминокислоталардан бирортаси бўлмаган оқсилларга айтилади. Тўла қимматли оқсилларга гўшт, тухум ва сут таркибидаги оқсиллар киради. Тўла қимматли бўлмаган оқсиллар ловния, моши, иўхат ва бошқалар таркибида бўлади.

Катта ёшли одам сингил иш қилганда бир кечакундузлик оқсил нормаси ҳар килограмм вазни ҳисобига 1—1,5 г бўлини керак. 1—3 ёшда 4—4,5 г, 3—7 ёшда 3—3,5, 7—11 ёшда 3 г, 11—14 ёшида 2,5 г бўлади. Оқсиллар етишмаганда бола ўсишдан орқада қолади, нерв системасининг қўзгалувчанлиги, ақлий фаолияти сусайди ва ҳоказо. Оқсиллар ортиқча бўлганда нерв системаси, жигар, буйраклар функцияси бузилади.

Углеводлар асосий энергия маинбандир. Қонда 0,1—0,12% глюкоза бўлади. Углеводлар ичаклар деворидан моносахаридлар шаклида сўрилади. Моносахаридлардан жигарда глюкоген синтезланади. Жигар мускулларида гликоген запас ҳолда сақланади. 1 г углевод ёнганда 4,2 ккал энергия ажралади. Бир кечакундузлик энергиянинг 56% углеводлар ҳисобига ҳосил бўлади. Болалар организми қонда қанд миқдори ортиб кетиши-

га нисбатан анча чидамли бўлади. Бошқача айтганда, қанд миқдори 2 ҳисса ортиқ бўлганда ҳам зарар қилмайди. Катта одам учун углеводларга бўлган кечакундузлик эҳтиёж 400—500 г.

СССР Медицина фанлари академияси қошидаги Овқатланиш институти углеводларнинг бир кечакундузлик миқдорини 1—1,5 ёшда 160—175 г, 1,5—3 ёшда 225, 3—5 ёшда 260 г, 5—7 ёшда 280 г, 7—11 ёшда 345 г, 11—15 ёшда 438 г ҳисобида белгилайди.

Ёғлар ҳужайра таркибига киради ва пластик материал ҳисобланади. Углеводлардан организмда ёғлар синтезланади. Ёғлар ичаклар деворидан глицерин, ёф кислоталар ҳолида сўрилиб, жигарга тушади. Ортиқча ёф тери остида, юрак, буйраклар атрофида тўпланади. Организмда запас ёғлар совуқда, оч қолганда энергетик материал бўлиб хизмат қиласди. Үсимлик ва мол ёғи организмда 97—98%, қўй ёғи 90% ўзлаштирилади. Катта ёшли одам учун бир кечакундузда ўрта ҳисобда 100 г ёф керак. Истеъмол қилинган ёғнинг 70—75% ҳайвон, 25—30% үсимлик ёғидан иборат бўлиши шарт. 6 ойликдан 4 ёшгacha бўлган болаларнинг ҳар килограмм вазнига 3,5—4 г, мактабгacha ёшда 2—2,5 г ёф зарур. Ёғлар стишимаганида бола озиб кетади, организмнинг чидамлилиги пасаяди. Ёғларни ортиқча қабул қилганда озиқ моддалар ва оқсилларни ўзлаштириш бузилади.

СССР Медицина Фанлари академияси қошидаги Овқатланиш институти турли ёшдаги болаларнинг оқсиллар, ёғлар, углеводларга бўлган бир кечакундузлик ўртача талаби миқдорини ва калориясини ишлаб чиқкан.

### **Болаларда сув ва минерал тузлар алмашинувининг ёшга хос хусусиятлари**

Одам минерал тузларни асосан озиқ-овқат билан олади. Бир кечакундузда овқат 10—12,5 г ош тузи истеъмол қилинади. Минерал тузлар суюклар, оқсиллар, ферментлар, гормонлар таркибига киради ва одам танаси вазнининг 4,5%ни ташкил этади. Улар организмдаги барча функцияларнинг бир хилда кечишини таъминлайди. Минерал тузлар ионлари қон ва тўқималарда ишқорий, кислоталик реакциясининг тургун бўлишини сақлайди.

## 8. жадвал

**Болалар учун бир кечакүндүзлик озиқ моддаларнинг ўртача миқдори (граммларда ва калорияси, ккал)**

Ёш	Оқсиллар	Еглар	Углеводлар	Умумий калорияси
1—1,5 ёш	44—55	44—45	160—175	1300
1,5—3 ёш	52—55	52—55	225	1600
3—5 ёш	58—60	58—60	260	1840
5—7 ёш	6—68	68—70	280	2060
7—11 ёш	78	74	345	2424
11—15 ёш	100	94	438	3083

Минерал тузлар, шунингдек, нерв системасининг фоалияты, қон ивиши, сүрилиш, газ ажралиши, секреция ва ажратиш жараёнлари учун ҳам зарур. Минерал тузлар энергия ҳосил қылмайды, улардан жигарда темир, сүякда кальций ва фосфор, мускулларда калий сақланади. Бундан ташқари калий, натрий ионлари организмда биоэлектр ҳодисалари вужудга келишида иштирок этади.

Болалар организми ўсадиган бўлганидан минерал тузларга бўлган эҳтиёжи тана вазнига нисбатан апча юқори бўлади. Катта ёшли одамда минерал тузларнинг бир кечакүндүздаги миқдори: натрий 4—6 т, кальций 1 г, калий 3 г, фосфор 1,5 г, темир 15—30 мг. бўлиши керак. Болаларда скелет ва нерв тўқималари ўсиши учун кальций, фосфор тузлари зарур. Бир ёшигача ва жинсий балоғат ёшида организмининг кальцийга эҳтиёжи ортади.

Мактаб ёшидаги болаларда фосфорга бўлган бир кечакүндүзлик эҳтиёж 1,5—4,0 г, бўлиб, унинг 30—35% организмда сақланиб қолади. Темирга бўлган эҳтиёжи 15—30 мг, натрийга 4—5 г, калийга 2—3 г. Асосан сут, тухум, гўшт, мева, сабзавотларда минерал тузлар кўп бўлади ва ҳоказо.

Болалар учун яна марганец, кобальт, мис, рух, бром, йод, олтингугурт ва бошқа микроэлементлар ҳам эзарур. Булар муҳим физиологик ва биохимия жараёнларида иштирок этади. Масалан, марганец сүяклар ўсиши, кобальт қон яратилиши, мис қон яратилиши ва ҳужайраларнинг нафас олиши, рух, олтингугурт меъда ости бези гормони, бром гипофиз бези гормони, йод эса қалқонси-

мон без гормони синтези учун зарур. Бола организмида минерал тузлар этишмаганда ёки ортиқча бўлганда физиологик функциялар бузилади. Масалан, патрий хлорид ортиқча бўлганда ҳарорат кўтарилади.

Боланинг ўсиши ва ривожланиши организмининг сув билан етарли даражада таъминланишига боғлиқ. Ташқи муҳитнинг одатдаги ҳарорати ва намлигида одамнинг суткалик сув баланси тахминан 2,2—2,8 л. Организм бир суткада сийдик билан 1,5 л, тер билан 400—600 мл ва нажас билан 100—150 мл сув йўқотади. Ҳаво ҳарорати юқори бўлиб, сув алмашинуви бузилганда организм кўп сув йўқотади.

### **Болаларнинг витаминларга бўлган эҳтиёжи**

Болалар организми учун оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар ва сувдан ташқари, витаминлар ҳам зарур. Витаминлар энергия бермайдиган органик бирикма. Витаминлар организмининг ўсишига, моддалар алмашинувига ва физиологик ҳолатга таъсир этади. Улар ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларида кўпаяди, поми лотин ҳарфлари билан ифодаланади. Масалан, А, В, С, Д, РР ва ҳоказо. Агар организмда витаминлар етишмаса, турли касалликлар келиб чиқади. Бирорта витамин бўлмаганда авитаминонз, у етишмаганда гиповитаминонз пайдо бўлади.

Витаминлар иккита катта гуруҳга бўлинади.

1. Сувда эрийдиган витаминалар. Буларга В витаминнинг катта гуруҳи, С, РР витаминлар киради.

2. Ёғда эрийдиган витаминалар. Буларга А, А, Д, Е, К витаминлар киради. Одам организмиде айниқса А, Д, В, В, РР, С витаминлар парчаланиб кетади. Организм учун зарур витаминлар миқдори қўйида берилган.

А витамины ўсиш витамини дейилади, у оксидланниш жараёнларини тезлаштиради, қон яратилишида иштирок этади. Бундан ташқари, кўз яхши кўришини ва организмнинг иммунитети ортиқ бўлишини таъминлайди. Бу витамини балиқ мойида, жигар, буйракда, тухум саригида, сутда, сариёғда, қизил лавлаги, помидор, ўрик, ўсимликларнинг яшил қисмидаги кўп бўлади.

Д витамици балиқ мойида, тухум саригида ва пишво ачитқисида бўлади.

**Организм учун бир кечакундузда зарур бўладиган витаминлар миқдори**

	Витаминалар (мг ҳисобида)					Динтернационал бирликларда	
	A	B	B	C	PP		
Катта ёшли одам Ҳомиладор, эмпи- зикли аёллар 7 ёшгача бўлган болалар 7 ёшдан катта болалар	1 2 1 1	1 2,5 3 1,5-2	3 2 2 2	50 75-100 35 50	75 18-20 12 12	12-20 500-1000 500-1000 500-1000	100 гача 500-1000

Е витамин мускулларнинг ривожланиши учун зарур. У қонининг ивишида муҳим аҳамиятга эга.

К витамин янги карам, сабзида, хом помидорда, арча, шинабаргилларда кўп бўлади ва ҳоказо.

B<sub>1</sub> витамин перв системаси ишини яхшилайди, углеводлар алмашинувининг бошқарилишида иштирок этади. Бу витамин пиво ачитқисида, ўрмон ёигогида, жигарда, тухум сарифида бўлади.

B<sub>2</sub> витамин ўсиш фактори дейилиб, нерв системасининг фаолияти учун ва қон яратилиши учун зарур. Бу витамин B<sub>1</sub> витамин бор маҳсулотларда бўлади.

С витамин. Бу витамин етишмаганде болада цинка касаллиги пайдо бўлади. Унинг милки, оғзи яраланиди, тишлари тушиб кетади. Бу витамин карам, пеструшка, помидорда, кўк пиёз, кўк пӯҳат, наъматақ, апельсин, лимон, мандарин, олмада кўп бўлади. Демак, организмда барча турдаги витаминалар талаб этилган даражада бўлиши керак.



**ОВҚАТЛАНИШ ТАРТИБИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Боланинг бир кунда ейдиган овқати шу вақт ичида сарф этилган энергияси ўрнини қоплани ва ўсишини таъминлаши зарур. Болаларни овқатлантиришда овқат таркибида маҳсулотлар нисбатани ҳисобга олиш керак.



Маҳсулотлар номи	Болаларнинг ёши					
	6 ой-чидаш 1 ёши-гача	1—3 ёши	3—7 ёши	7—11 ёши	11—15 ёши	15—18 ёши
Қора нон	—	10	50	50	100	135
Оқ буғдой нон	12,5	40	100	150	250	315
Буғдой уни	1	5	15	20	25	25
Макарон маҳсулоти	—	5	5	10	20	10
Ёрма	15	20	30	40	50	40
Крахмал	4	4	5	5	5	5
Қартошка	70	100	200	250	325	325
Сабзавотлар	100	110	200	275	325	325
Янги мевалар	160	200	200	250	250	250
Қуритилган мевалар	—	10	20	20	20	20
Қанд	45	50	60	60	80	100
Шириныклар	—	10	10	15	20	20
Үсимлик мойн, маргарин	—	—	2	5	5	10
Чой	—	0,1	0,3	0,3	0,3	0,8
Какао	—	0,5	1	1,0	1	0,5
Қаҳва	—	1	3	3	3	3,5
Гүшт маҳсулотлари	10	60	80	180	120	200
Балиқ маҳсулоти	—	—	40	50	50	50
Сут	500	600	500	500	500	500
Сарисө	5	20	23	35	30	25
Қиздирилган мой	—	—	—	—	5	5
Творог	15	30	30	35	25	30
Сметана	—	10	15	15	15	20
Пишлок	—	5	10	10	10	20
Тухум (сарнен)	4	25	50	50	50	50

Юқоридаги жадвалда турли ёшдаги болалар учун бир кечакундузлик овқат маҳсулотлари миқдори берилган.

Боланинг ёшига қараб бир кечакундузлик овқат ҳажми граммларда, суюғи см<sup>3</sup> да ифодаланади. Овқатни ҳар хил маҳсулотлардан иборат бўлиши керак.

Умумий таълим мактабларида ва мактаб-интернатларда биринчи сменадаги ўқувчиларга эрталабки нонушта соат 7. 30 дан соат 8 гача белгиланади. Эрталабки нонушта бир кунлик рационнинг 25% ни, иккинчи иссиқ овқат соат 11—12 да берилади, у рационнинг 15—20% ни ташкил этиши керак. Бола мактабдан қайтгандан сўнг тушлик ейиши шарт, у кунлик рационнинг 35% ни ташкил этиши керак. Кечки овқат соат 19—20 да ейилади ва кунлик рационнинг 20—25% дан иборат бўлиши керак. Иккинчи сменада ўқийдиган ўқув-

чиларга 8 да ионушта, соат 12—13 да тушки овқат, соат 16 да иссиқ овқат, 19.30—20 да кечки овқат берилади. Эрталабки, тушки ва кечки овқатлар рўйхати мактаб шифокори томонидан 7—10 кунга мўлжаллаб тузилади.

### **Болалар ва ўсмирларнинг овқатланиш гигиенаси**

Озиқ моддалар энергия манбаи ва қурилиш материали ҳисобланади. Улар организмнинг бир текисдаги фаолияти учун зарур. Болалар овқати ўзига хос хусусиятга эга. Болаларга озиқ моддалар, бундан ташқари, уларнинг, ўсиши ва ривожланиши учун зарур. Шунинг учун ҳам болалар тўла қимматли овқат еб туриши керак. Шундагина уларнинг соғлиғи мустаҳкам бўлиб, ақлий ва жисмонан яхши ўсиб ривожланади, турли қасалликларга чидамли бўлади.

Тўла қимматли бўлмаган ёки норационал овқатланиш организмнинг ўсишини секинлаштиради, қувватсиз қилиб қўяди, ташқи муҳитнинг зарарли таъсирига ва юқумли қасалликларга чидамсиз бўлиб қолади. Болалар овқатида қуйидагилар бўлишига эътибор бериш зарур.

1. Овқат таркибида организм учун зарурий барча моддалар (оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар, витаминалар ва сув) бўлиши шарт.

2. Овқат турли-тумани, таркибида ҳайвон маҳсулотлари билан бир қаторда маълум нисбатда ўсимлик маҳсулотлари бўлиши керак.

3. Овқат сифатли маҳсулотлардан тайёрланиши, етарли калорияга эга ва етарли ҳажмда бўлиши, тўқ тутиши керак.

Овқатланиши тўғри ташкил қилиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Овқатни бир вақтда оз-оздан еб туриш керак. Овқатни меъёридан ортиқ ейиш зарарли. Турли ёшдаги болалар, ўсмирлар ва катта ёшдаги одамларнинг меҳнат тури, иқлим шароитига қараб бир кунилик зарурий витаминалар нормаси аниқланган (11-жадвалга қаранг).

Нимжон болаларни оз-оздан тез-тез овқатлантириш тавсия этилади. Ўрта мактаб ва мактаб-интернат ўқувчилари бир кунда 4 маҳал овқатланишин мақсаддага мувофиқ бўлади.

Биринчи сменада ўқийдиган ўқувчилар ионуштани

**Болалар ва ўсмирларнинг витаминларга бўлган  
бир кунлик эҳтиёжининг физиологик нормалари**

Ёш группалари	V <sub>1</sub>	V <sub>2</sub>	PP	V <sub>6</sub> C		A	D
	МГ			1	ИБ <sup>1</sup>	ИБ	
1/2 1 ёш	0,5	0,5	0,6	0,5	20	0,5	1650
1—11/2 "	0,8	1,1	0,9	0,9	30	1,0	3306
11/2—2 "	0,9	1,2	10,0	1,0	40	1,0	3300
3—4	1,1	1,4	12,0	1,3	45	1,0	3300
5—6	1,2	1,6	13,0	1,4	50	1,0	3300
7—10	1,4	1,9	15,0	1,7	50	1,5	5000
11—13 "	1,7	2,3	18,0	2,0	60	1,5	5000
14—17 ёш (ўсмирлар)	1,9	2,5	21,0	2,2	80	1,5	5000
14—17 ёш (қизлар)	1,7	2,2	18,0	1,9	70	1,5	5000

ИБ — интернационал бирлик: 1 мг А витамины 3300 ИБ га, 1 мг каротин 1660 ИБ га тенг.

уйда (7.30—8.00), 1—5 синфларда мактабда ейдилар, иккинчи нонуштада уларга мактабда иссиқ овқат берилади. Мактабдан қайтгач, соат 15 да тушлик қилинади. Кечки овқат соат 19—20 да ейилади.

Иккинчи сменада ўқийдиган ўқувчилар учун эрталабки нонушта соат 8 да, тушлик соат 12—13 да, соат 16 да бундан ташқари, улар иссиқ овқат ейдилар, соат 19 да кечки овқат ейилади.

Хунар-техника билим юрти ўқувчилари 3 маҳал овқатланади. Овқатланиш орасидаги вақт 3—4 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Ўқитувчиларнинг ота-оналарига уларнинг тўғри овқатланиши ҳақида мукаммал тушунтириш керак.

Ўқитувчиларнинг овқатланишини «Умумий таълим мактабларида ўқувчиларнинг овқатланишини ташкил этиш» деб номланган кўрсатма-хат асосида ташкил этиш керак.

I—IV ва V синф ўқувчиларини группа-группа қилиб овқатлантириш керак. Навбатчи ўқувчилар эрталабки нонушта ёки тушликни олиб келиб тарқатиши лозим. Мактаб ошхонасига ўқувчилар синф раҳбари билан бирга келадилар.

**Бир кунлик овқат рациони калориясининг алоҳида  
овқатланиш вақтида тақсимланиши (% ҳисобида)**

Овқатланиш вақти	Кичик ёшдаги ўқувчилар	Катта ёшдаги ўқувчилар
Нонушига	20—25	25—30
Тушлик	30—35	34—40
Кеч тушлик	20	10—15
Кечки овқат	20—25	20—25

Ўз-ўзига хизмат қилиш. Мактабда ошхона бўлмаганда буфет ишлаб туриши керак. Ўқувчилар буфетдан хоҳлаган нарсани ўзлари олиб сайдилар.

Синф ўқувчиларига хизмат қилиш. Баъзи ҳолларда ошхона ташкил этилгунга қадар I—V синфларда ўқувчилар синфда овқатлантирилади.

### ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ

Одам касаллик қўзгатувчи микроблар ёки организм учун зарарли моддаларни сақлаган овқатни еганда заҳарланиб қолади. Заҳарланиш бактериал ва бактеријисиз заҳарланишга бўлинади.

Бактериал заҳарланиш овқатда ўзидан токсии (заҳар) ажратувчи микроблар тўпланиши туфайли содир бўлади. Бактеријисиз заҳарланиш ўсимлик, ҳайвонларнинг заҳарли моддалари, шунингдек, баъзи химиявий моддаларнинг овқатга тушиши натижасида содир бўлади.

**Бактериал заҳарланиш.** Салмонеллалар тушган овқатни еганда ривожланади. Ошхонада хом гўшт тўғралгани стол, тахтакач, пичноқ ва бошқаларда сальмонеллалар бўлиши мумкин. Уларни паниша, сичкои, каламуш, ит, мушук ҳам тарқатади. Қўл ифлос бўлганда ҳам касаллик юқиши эҳтимол. Сальмонелласи бор ғоз, ўрдак тухумини истеъмол қилганда ҳам одам заҳарланиши мумкин.

Сальмонеллалар ташқи муҳитнинг турли таъсирига, қуёш нурига чидамли, паст ҳароратда қуритилганда ҳам побуд бўлмайди. Уларнинг кўпайиши учун айниқса сунъий қобиққа тиқилган сосиска, колбаса қулай муҳит ҳисобланади. Сальмонеллалар билан заараланган маҳсулотларнинг ҳиди ҳам, ташқи қўриниши ҳам, таъми ҳам ўзгармайди.

**Заҳарланиш белгилари.** Сальмонеллалар тушған овқатни истеъмол қилғандан бир кун ўтгач заҳарланиш аломатлари пайдо бўлади. Ўт пуфагининг атрофида оғриқ пайдо бўлиб, бемор қусади, ичи кетади, ҳарорати кўтарилади. Оғир ҳолларда бош оғрийди, беморнинг тинка-мадори қурийди, совуқ тер чиқади, териси қуриганга ўхшайди, тиришишади, қон босими пасайиб кетади, ранги сарғаяди. Даво қилинса bemор соғаяди.

Ботулизм. Табиатда кенг тарқалган ботулинус таёқчаси билан заарланган овқатни истеъмол қилиш туфайли одам ўткир ва оғир заҳарланади. Кўпинча одам токсинли консерва маҳсулотлари (сабзавотлар, мевалар, қўзиқорин), тузлаиган балиқ, дудланган маҳсулотлар ва бошқаларни истеъмол қилганда заҳарланади. Ботулинус таёқчаси тушған консерванинг усти бир оз кўтарилган бўлади. Одам заарланган овқатни егандан кейин бир неча соат ўтгач заҳарланиш белгилари пайдо бўла бошлайди. Мускуллари бўшашади, боши оғрийди, кўзи яхши кўрмай қолади, оғзи қурийди, ютиши қийинлашади, нутқи бузилади. Оғир ҳолларда нафас олиши ва юрак фаолияти бузилади, bemор ҳатто ўлиб қолиши мумкин. Қасаллик 2—3 кундан 2—3 ҳафтагача давом этади.

**Стафилококклардан заҳарланиш.** Терисига яра чиққан (ринит, конъюктивит, ангин) ва бошқа қасалликлар билан оғриган кишилар инфекция ташувчи ҳисобланади. Тахминан 50% соглом одамларнинг томогида, буруп шилллик қаватида, териси юзасида, ичагида қасаллик қўзратувчи стафилококклар бўлади.

Стафилококклар кўпинча сут, балиқ маҳсулотларида, сабзавотларда тез кўпаяди. Заҳарланишнинг дастлабки белгилари заарланган овқатни истеъмол қилгандан 2—4 соат ўтгач пайдо бўлади. Бунда одам қусади, кўнгли айнийди, қорнида оғриқ пайдо бўлади, тез-тез ичи кетади, ҳарорати кўтарилади, қалтирайди, оғир ҳолларда юракнинг фаолияти бузилади.

**Ичак таёқчасидан заҳарланиш.** Бу таёқча одам ва ҳайвон ичагида яшайди, ташқи муҳитда узоқ сақланади. Қайнатилган картошка, винегретда, шўрва ва бошқа суюқ овқатларда тез кўпаяди. Ана шундай сифатсиз овқатни еганда одам заҳарланади.

**Бактериясиз заҳарланиш.** Қўзиқоринлардан заҳарланиш аксари баҳорда кўп учрайди. Заҳарли қўзиқоринни егандан кейин 6—10 соат ўтгач қорнида оғриқ

туради, бемор қусади, ичи кетади. Организмнинг сув-сизланиши туфайли қон қуюлади, кўкаради, талваса тутади, ранги заҳил тортади. Кўпинча ёш болалар, айниқса кичик ёшдаги болалар заҳарли ўсимликлардан заҳарланади.

Одам қўрғошиндан заҳарланганда оғизда металл таъми сезилади, қорни тутиб-тутиб огрийди, талваса тутади ва ҳоказо.

Ўрик, шафтоли, олхўри, олча, бодом данагидан ҳам заҳарланиш мумкин.

Заҳарланишнинг дастлабки белгилари пайдо бўлиши билан дарҳол шифокорни чақириш зарур. Шифокор келгунича беморга 3—4 стакан сув ичириш керак. Заҳар камроқ шимилиши учун 1 литр сувга 2—3 та тухум оқини аралаштириб ичилади.

Овқатдан заҳарланишнинг олдини олиш учун маҳсулотларни тўғри сақлаш, санитария-гигиена қоидаларига пухта риоя қилиш шарт. Овқатни сифатли маҳсулотлардан тайёрлаш, бузилган маҳсулотларни овқатга ишлатмаслик керак. Ошхонада масаллиқни алоҳида алоҳида тахталарда тўғраш, сўнгра стол, тахтакач, мясорубка, пичноқни яхшилаб совушлаб ювиш зарур. Тез бузиладиган таомлар (гўшт, балиқ, қайнатилган овқат, колбаса, сосиска, сут, сут маҳсулотлари, торт, пирожний ва бошқалар)ни тез тарқатиш лозим. Гўштни 0°C ҳароратда 5 кун, қайнатма колбаса, сардельки, сосискани 3 кун, балиқ, товуқ, ўрдакни 2 кун, тухумни 20 кун, сариёгни 10 кун, творогни 36 соат, сметанани 72 соат, сутни 20 соатдан ортиқ сақламаслик керак. Қопқоги шиншаги консерваларни овқатга ишлатиш мумкин эмас.

Мева ва сабзавотларни албатта ювиб еган маъқул.

Заҳарланган одамга бир стакан илиқ сув ичириб қустирилади. Аччиқ ширин чой ичириб, ўринга ётқизиб, қалини қилиб ўраб қўйилади.

## ҚОН ВА ҚОН АЙЛАНИШИ

### ҚОН

Қон суюқ тўқима бўлиб, қон томирларда узлуксиз оқиб, организмни ҳаёт фаолияти учун зарур озиқ моддалар билан таъминлайди. Ҳужайралар ва тўқималарда моддалар ва энергия алмашинуви натижасида ҳосил бўлган турли чиқиниди моддаларни ва карбонат ангид-

ридни буйраклар, ўпка, териға етказиб беради. Шунингдек, оқ қон танаачалари—лейкоцитлар организмга тушган турли микробларни заарасизлантириб, организмда ҳимоя вазифасини бажаради.

### Қоннинг таркиби

Қон катта одамда ўрта ҳисобда тана вазнишинг 7—8% ни ташкил этади. Унинг 40—45% қон томирларда ҳаракатланади, қолған қисми талоқ, жигарда, тери ости тўқимасида запас ҳолда сақланади. Булардаги қон йўқотилганда, мускуллар ишида, тана ҳарорати кўтарилганда, одам бўғилганда ва бошқа зарурий ҳолатларда томирларга чиқарилади. Қоннинг 1/4—1/3 қисми йўқолиши ҳаёт учун хавфли бўлади. Қонга ивтимайдиган модда солиб, пробиркада бир неча соат сақланса ёки центрифуга қилинса бир-биридан кескин фарқ қилувчи иккита қават ҳосил бўлади. Юқори қаватда ярим шаффоф сариқ суюқлик — қон плазмаси, пастки қаватда эса қоннинг шаклли элементлари: қизил қон танаачалари, яъни эритроцитлар, оқ қон танаачалари, яъни лейкоцитлар ва қон пластинкалари, яъни тромбоцитлар ҳосил бўлади.

Қоннинг тахминан 50—60% ни қон плазмаси, 40—45% ни шаклли элементлар, 8—10% ни турли оқсиллар, минерал тузлар, қанд моддаси, ферментлар, гормонлар ташкил этади. Плазма оқсиллари уч гуруҳ бўлиб, буларнишг 4,5% альбумин, 2,8—3,1% глобуминлар ва 4—4,5% фибриногенлардир. Қон таркибида 0,85—0,9% ош тузи, кальций хлор, бикарбонатлар ва 0,12% қанд моддаси бўлади. Нормал физиологик шароитда қон плазмасининг таркиби иисбатан турғун ҳисобланади.

**Қон плазмасининг осмотик босими.** Қон плазмасидаги эриган моддалар асосан минерал тузлар ҳисобига ҳосил бўлади. Булардан энг муҳими ош тузидир. Осмотик босим организм тўқималарида сув ва эриган моддаларнинг тақсимланишида муҳим роль ўйнайди. Одам қони плазмасининг осмотик босими 7,7—8,1 атм га тенг бўлади, бу эритроцитлар билан ҳужайралар ҳаёт фаолиятининг сақланишида муҳим физиологик аҳамиятга эга. Агар бу тенглик ўзгарса, эритроцитлар билан ҳужайраларнинг фаолияти бузилади. Қон плазмасининг осмотик босимини маҳсус рецепторлар бошқариб

туради, мұхит доимо бир хил сақланади. Қоннинг мұхити күчсиз ишқорий, яғни рН-7,36 бўлади.

Эритроцитлар икки томони ботиқ эллипс шаклидаги ядросиз ҳужайралардир. Уларнинг диаметри 7—8 мкм га, қалинлиги 2,52 мкм га тенг, эркакларда 1  $\text{мм}^3$  қонда 4,5—5 млн, аёлларда 4—4,5 млн дона эритроцит бўлади. Эритроцитлар қизил иликда етилади. Уларнинг кўпчилигини (85—90%) қонга раңг берувчи гемоглобин ташкил этади. 100 г қонда ўрта ҳисобда 16,6—17 г гемоглобин бўлади.

Эритроцитлар таркибидаги гемоглобин ўпкадан кислород бириктириб олиб, организмнинг ҳужайра ва тўқималарига етказиб беради. Гемоглобин гем ва оқсилик—глобиндан ташкил топган бўлиб, гем қисмида  $\text{Fe}^{++}$  сақланади. Эритроцитлар энг мұхим буфер ролини ўйнайди, қоннинг актив реакциясини сақлайди. Улар сув алмашинувидаги, оқсиллар, ёғлар, углеводлар парчаланишидаги фрементатив жараёнларда иштирок этади.

Лейкоцитлар, яғни оқ қон таначалари ядроли амёбага ўшаган ҳаракатланувчи ҳужайралардир. Лейкоцитлар 4—14 микрон бўлиб, ҳар 500 эритроцитга тахминан битта лейкоцит тўғри келади. 1  $\text{мм}^3$  қонда 6—8 минг дона лейкоцит бўлади. Лейкоцитларнинг сони организмнинг ҳолатига, овқатланишга, мускуллар иши ва бошқаларга қараб ўзгариб туради.

Лейкоцитлар донадор ва донасиз лейкоцитларга бўлиниди. Донадор лейкоцитларга эозинофиллар, базофиллар ва нейтрофиллар, донасиз лейкоцитларга моноцитлар ва лимфоцитлар киради. Лейкоцитлар суяқ илигида, талоқда ва лимфа безларида ҳосил бўлади ва организмни турли микроблардан ҳимоя қилиб туради, унга тушган ёт моддаларни парчалайди ва микробларни ютади. Лейкоцитларнинг ёт моддаларни ютиш хусусиятини И. И. Мечников фагоцитоз деб атаган.

Қон пластинкалари. Қон пластинкалари, яғни тромбоцитларнинг диаметри 3 микрон. 1  $\text{мм}^3$  қонда 200—400 мингтагача тромбоцит бўлади, булар қон ивишида мұхим роль ўйнайди. Тромбоцитлар суяқ кўмигида майда пластинка шаклида ишлаб чиқарилиб қонга ўтади.

Қоннинг ивиш хусусияти камайиб кетганда одам арзимаган жароҳат туфайли қон йўқотиб ўлиб қолиши мумкин. Шикастланган томирдан оқаётгай қон аксари 3—4 минутда ивийди. Қон ивиш жараёнининг асосий моҳияти унинг плазмаси таркибидаги қонда эриган фиб-

риноген оқсилиниңгә эримайдын фибрин ипчалари ҳосил бўлишиндир. Фибриноген актив тромбин ферменти таъсирида фибринга айланади. Конда пассив протромбин бўлиб, у тромбокиназа ферменти ва кальций тузи таъсирида актив тромбинга айланади. Коннинг ивиш схемасини қўйидагича изоҳлаш мумкин.

I фаза: протромбин + Са + тромбокиназа = тромбин;

II фаза: фибриноген + тромбин = фибрин.

### Қон группалари ва қон қўйиш

Коннинг 4 группынди фарқ қилинади.

I группада — қизил қон таначаларида агглютиноген бўлмайди, шунинг учун бу группа O деб номланади. Бу группа плазмасида иккита табиий агглютинин  $\alpha$ ,  $\beta$  бўлади.

II группада — эритроцитларда агглютиноген A, плазмада эса агглютинин  $\beta$  бўлади.

III группада — эритроцитларда агглютиноген B, плазмада агглютинин  $\alpha$  бўлади.

IV группада — эритроцитларда A ва B агглютиногенлар бўлиб, қон плазмасида агглютининлар бўлмайди.

Одам юқоридаги қон группаларининг бирортасига мансуб бўлиб тугилади ва бу қон группынди умрниңг охиригача ўзгармайди.

СССР соғлиқини сақлаш министрлигининг 32-буйруғига мувофиқ ҳар бир совет гражданининг қони қайси группага мансублиги унинг паспортига, ҳарбий ҳужжати (ҳарбий билети)га ёзиб қўйилади. Қуйидаги жадвалда қон группаларининг схемаси келтирилган.

Бу жадвалда агглютинация реакцияси ҳосил бўлиш

### Қон группалари схемаси

Қон плазмаси ва улдаги агглютининлар	Эритроцитлар ва улардаги агглютиногенлар			
	(I) O	II (A)	III (B)	IV (AB)
I ( $\alpha$ , $\beta$ )		+		+
II ( $\beta$ )	—	—	+	+
III ( $\alpha$ )	—	+	—	+
IV (O)	—	—	—	+

(+)-бўлмаслиги (—) белгилар билан ифодаланган. Қон берувчи киши донор, қон олувчи киши реципиент дейилади. I группа қон эритроцитларида агглютиногенлар — A, B бўлмагани учун уни барча группага қўйиш мумкин. Бу группа қон универсал, қон берадиган кишилар эса универсал донор деб юритилади.

II группа қон эритроцитларида агглютиноген A, қоп плазмасида эса агглютинин α бўлади. Бу группа қонни қони II, IV группа бўлган одамларга қўйиш мумкин.

III группа қон эритроцитларида агглютиноген B, қоп плазмасида агглютинин α бўлади. Бу группадаги қонни III группага ва IV группага қўйиш мумкин.

IV группа қон эритроцитларида A ва B агглютино-генлар мавжуд бўлиб, қон плазмасида агглютинилар бўлмайди. Шунинг учун бу группани фақат IV группага қўйиш мумкин. Лекин IV группага қолган учта группадаги қонни қўйиш мумкин. Қони тўртичи группа бўлган одамлар универсал реципиентлар дейилади.

Донор (лотинча «ҳадя этаман» деган маънони билдиради) бемор ҳаётини сақлаб қолишда ёрдам берадиган олижаноб инсонидир. Беморларнинг касаллик турига қараб, янги қоп ёки қоп плазмаси эритроцит масса, лейкоцит масса, тромбоцит масса ёки қоп таркибидаги оқсиллар (альбумин, глобулин, фибриноген, фибринолизин, гаммаглобулинлар)дан бирортаси қўйилади.

Касалликнинг оғир-енгиллигига ва турига қараб 200, 400, 600 мл гача қон қўйиш мумкин. Айрим касалликларда (куйганда, заҳарланганда ва бошқаларда) bemornining қони донор қони билан тўла алмаштирилди. Беморга қўйилган қоп унинг организмига ижобий таъсир этиб, мураккаб ижобий физиологик ўзгаришларга сабаб бўлади. Беморга донор қони қўйилганда у томирлар деворидаги сезувчи нерв толалари учларини қўзғатади, натижада қон босими кўтарилади, юрак фаолияти яхшиланади. Нафас олиш меъбрида бўлади.

Бош мия қон томирларида қон айланиш бирмуича яхшиланади. Ҳатто bemornining иштаҳаси ҳам очилади, моддалар алмашинуви тезлашади, қон яратувчи ва бошика органлар иши кучаяди ва ҳоказо.

### Қоннинг ёшга хос хусусиятлари

Қоп одамининг ёшига қараб ўзгариб туради, айниқса бир ёшгача қон ўз хусусиятига кўра катта одаминидан фарқ қиласи. Моддалар алмашинуви, қон яратувчи

түвчи органларнинг тузилиши ва функцияси, қон айлашиши ёшга хос хусусиятларга боғлиқ бўлади. Еёта қанча ёш бўлса, моддалар алмашинуви шуича кучли бўлади. Янги туғилган боланинг ҳар килограмм вазнига  $150 \text{ см}^3$ , гўдак болада  $110 \text{ см}^3$ , 7 ёшдан 12 ёшгacha  $70 \text{ см}^3$ , 15 ёндан бошлаб эса  $65 \text{ см}^3$  қон тўғри келади. Янги туғилган болада қон тана вазнининг 15% ни, бир яшар болада 11% ни, 6 ёшдан 14 ёшгacha 14%ни, кэтта одамда эса 7% ни ташкил этади. Уғил болада ва катта ёшли киннида қон миқдори қизлар ва аёллардагига нисбатан кўпроқ бўлади.

Янги туғилган болада қоннинг солиширма оғирлиги 1060 дан 1080 гача, 2 яшар болада 1050, ёш оптиши билан бир оз кўтарилиб, 1055—1062 га етади ва донмошу хилда бирдай туради.

Янги туғилган болада эритроцитлар кўп бўлганидан қоннинг ёпишқоқлиги 10—11 бўлиб, икки ёшда 6 гача тушади, катталарда 4 бўлади. Янги туғилган боланинг қон плазмаси кўпи билан қоннинг 50% ни ташкил этади. Қон плазмасида оқсил миқдори катта одамдагидан кам, яъни 5,5—6,5% бўлади. 7 ёшда плазмадаги оқсиллар миқдори 6—7% ни ташкил этади.

Янги туғилган болада плазма альбуминларига нисбатан глобулинлар миқдори катталардагига қараганда кам бўлади. Эритроцитларнинг чўкиш реакцияси (РОЭ—СОЭ) бир соатда 2 мм, чақалоқларда соатига 4—8 мм, 7—11 ёшда бир соатда 4—12 мм бўлади. Янги туғилган боланинг қон плазмасида ош тузи ва қандиниң миқдори нисбатан кам, 6 ёшда катта одамнигига етади. Кальций тузлари катта одамниги нисбатан кўп бўлади. Эритроцитлар миқдори катта одамниги қараганда оптиқ бўлиб, 1  $\text{мм}^3$  қонда 4,5—7,5 ملي бўлиб, 12 ёшда бу миқдор катта одамниги тенглашади. 12—14 ёшда эритроцитлар сони бир оз ортади.

Янги туғилган болаларда гемоглобин миқдори 110—114%, 100 г қонда 17—25 г бўлади. Бола катта бўлган сари гемоглобин миқдори камайиб, 1—2 ёшда 80—90% бўлади. Гемоглобин миқдори, эритроцитларнинг кўп бўлиши боланинг соф ҳавода қанча бўлишига боғлиқ.

Янги туғилган болаларда лейкоцитларнинг сони  $1 \text{ мм}^3$  қонда 10000 дан 20000 бўлади, 12 ёшда 10000 дан 12000 гача камаяди. Мактаб ёшидаги болаларда  $1 \text{ мм}^3$  қонда 7—3 мингни ташкил этади. 3—7 ёшда нейтрофиллар сони кам, лимфоцитлар сони эса анча кўп бўлади.

Боланинг ёши ортиши билан нейтрофиллар сони ортиб, лимфоцитлар сони камаяди. Нейтрофиллар ва қопнинг фагоцитар функцияси ҳам кам бўлади. Беғча ёшидаги болаларни юқумли касалликларга тез чалишиши қисман шу билан изоҳланади. 8—9 ёшдан фагоцитар функция ортиб, организмнинг турли касалликларга чидамлилиги ошади. Одам чарчаганда лейкоцитлар парчалаша бошлияди.

Тромбоцитларнинг сони ҳам ёшга қараб ўзгариб турди. Катта одамда 1  $\text{мм}^3$  қонда 200—400 минг, 1 ёшгача бўлган болаларда 160—330 минг, 1 ёшдан 2 ёшгача 140—170 минг, 2 ёшдан 3 ёшгача 150—300 минг, 3 ёшдан 4 ёшгача 356—370 минг бўлади. Қоннинг ивиши тезлиги барча ёшидаги болада бир хил бўлиб, 3—4 минутда қон лаҳтаси ҳосил бўлади.

Янги туғилган болада қон сүяклардаги қизил иликда яратилади. Бир ёшдан бошлаб қизил илик ёғ тўқимаси билан алмашина бошлияди, бу жараён дастлаб сон, катта болдирип сүякларида, кечроқ умуртқаларда бошлияди. Беш ёшдан қизил иликнинг ёғ тўқимаси билан алмашиниши анча тезлашади. 8 ёшда болдирип сүякларининг ярмида қизил илик ўрнини ёғ тўқимаси қоплайди. 12—15 ёшдан бошлаб, қон яратилиши катталарникидек бўлади. Бола туғилгандан сўнг талоқ тез ўса бошлияди, вазни 5 ойликда 2 ҳисса, 1 ёшда 3 ҳисса, 10—12 ёшда 10 ҳисса ортади.

## ҚОН АЙЛАНИШИ

Организм ҳужайраларининг озиқ моддалар ва кислород билан таъминланиши, моддалар алмашинуви настикасида ҳосил бўлган турли чиқинди моддалар, жумладан, карбонат анигидрид гази ва ортиқча сув, тузларнинг чиқарип юборилиши қон, орқа мия суюқлиги ва лимфа орқали амалга ошади.

Қон овқат ҳазм қилиши, нафас олиш, айриш органдарни ўртасида бобловчи вазифаси ўтайди. Организм тоимий равишда қон билан таъминланаб туриши туфайли ҳужайра ва тўқималар ҳаётини сўнмайди. Бол мия катта яримшарлари пўстлогининг ҳужайралари 4—6 минут давомида қон билан таъминланмаса, нобуд бўлади.

## **Катта ва кичик қон айланиш доираси**

Сут эмизувчи ҳайвонлар ва одамда қон айланиши ёпиқ бўлиб, катта ва кичик қон айланиш доираларига бўлинади.

Катта қон айланиш доираси юракнинг чап қоринчасидан чиқувчи энг йирик артерия, яъни аортадан бошланиб, бир оз юқорига кўтарилади-да, ёй ҳосил қиласди. Аорта йирик, ўрта диаметрли артериал ва капилляр томирларга бўлинади. Капилляр, яъни қил томирлар билан организм ҳужайралари орасида модзлар алмашинуви содир бўлади. Артерия капиллярларни, вена капиллярларини, сўнгра майда веналар, венулалар, кейин йирикроқ вена томирларини ҳосил қиласди. Йирик вена томирлари юқориги ва пастки ковак венани ҳосил қилиб, юракнинг ўнг бўлмачасига куйилади. Қон айланишнинг бу доираси катта қон айланиш доираси дейлади. У организмнинг барча ҳужайраларини қон билан таъминлайди.


Кичик қон айланиш доираси юракнинг ўнг қоринчасидан ўпка артерияси билан бошланиб, ўпкага боради ва у ерда артерия, йирик артерия, капиллярларга тармоқланиб, ўпка ҳужайраларида газлар алмашниади, 4 та ўпка венаси юракнинг чап бўлмачасига қуйилади. Бу кичик қон айланиш доираси деб юритилади.

## **Қон айланишнинг ўшга хос хусусиятлари**

Бола туғилган кундан бошлаб, юраги ўсиб, вазни орта боради ва функцияси ўзгаради. Бу жараён бола ҳаётининг биринчи йилида, қисман боғча ёшида ва жинсий балоғат ёшида жуда тез содир бўлади. Юрак конус шаклидаги мускулли орган. У ташқи сероз—эпикард, ўрта мускул—миокард ва ички ясси эпителий—эндокард қаватдан иборат. Эпикард юрак халтасига туташцуб кетган. Юракнинг ўнг ва чап бўлмалари бор. Ўнг бўлмага танадан келадиган вена томирлари, чап бўлмага ўпкадан келадиган ўпка веналари қуйилади.

Юракнинг ҳар бир бўлмаси бўлмача ва қоринчалардан ташкил топган. Шундай қилиб, юракда иккита юрак бўлмаси ва иккита юрак қоринчасиги бор. Янги туғилган боланинг юраги 30 г, 5 ёшда 100 г, 10 ёшда 185 г, 15 ёшда 250 г, катта одамда 300—350 г бўлади.

Бир ёшда юракнинг вазни яиги туғилган чақалоқ



15-расм. Қоң айланышынның ки-  
чилик ва катта доңралари:

1—аорта ва унның тармоқтары; 2—үпкадарларынның каниллар түри; 3—юракинин чап бұлмағасы; 4—үпка веналары; 5—юрақинин чап қоринчасы; 6—қорини бүштегіда жойлашған ичиши органдар артериясы; 7—қорини бүштегіда жойлашған тоқ ерсактарынның каниллар түри; ундан қонқа вена системасын баш-ланады; 8—тапанынның каниллар түри; 9—истеки көвак вена; 10—қонқа вена; 11—жигаранинның каниллар түри; бу түрде қонқа вена системасы көлиб түгайды да у ердай жигаранинның көни олиб кетувчи томирлары—жигар веналары баш-ланады; 12—юракинин үнг қоринчасы; 13—үпка артериясы; 14—юракинин үнг бұлмағасы; 15—юқориги көвак вена.

нигида иисбатаң 2 марта, 3 ёшда 3 марта, 5 ёшда 4 марта, 10 ёшда 6 марта, 16 ёшда 11 марта ортади. Бу ортиши асосан чап қоринча деворинин қалынташуын ҳисобига бўлади. Боланинг ёши ортиши билан юракинин ҳажми ҳам ортиб боради: 1 ёшнинг охирида юракинин ҳажми  $42 \text{ см}^3$ , 7 ёшда  $90 \text{ см}^3$ , 14 ёшда  $130 \text{ см}^3$ , катта одамда эса  $280 \text{ см}^3$ ни ташкил этади.

Юракинин асосий иши қонни қон томирларга босим остида ҳайдаб беришdir. Қоң артерия томирлари орқали юракдан чиқади, вена томирлари орқали юракка қўйилади. Чап қоринчадан чиқаётган аорта томири вт үнг қоринчадан чиқаётган үпка артерияси билан юрак қоринчалари орасида ярим ойсимон қопқоқлар (клапанлар) бор. Бу қопқоқлар фақат бир томонга очилади.

Бўлмачалар билан қоринчалар ўртасидаги чодирсимиң қопқоқ ҳам бир томонга очилади. Чап қоринча аортага қон чиқариб бераётганда, босим 130—150 мм симоб устунига кўтарилади, ўнг қоринчада эса 15—30 мм симоб устунига тенглашади. Янги туғилган боланинг юраги минутига 120—140, 1—2 ёшда 110—120, 5 ёшда 95—100, 10—14 ёшда 75—90, 15—18 ёшда 65—75 марта қисқаради ва ҳоказо. Юрак бир марта қисқарганда қон томирларга ҳайдаб чиқарган қон миқдори юракнинг систолик ҳажми дейилади. Ўрта ҳисобда у янги туғилган болада  $2,5 \text{ см}^3$  ни, 1 ёшда  $10 \text{ см}^3$  ни, 5 ёшда  $20 \text{ см}^3$  ни, 15 ёшда  $40—60 \text{ см}^3$  ни, катта одамда  $65—75 \text{ см}^3$  ни ташкил этади.

Юрак бир минутда қон томирларга ҳайдаган қон миқдори юракнинг минутлик ҳажми дейилади. Янги туғилган болада бу  $350 \text{ см}^3$  га, 1 ёшда  $1250 \text{ см}^3$  га, 5 ёшда  $1800—2400 \text{ см}^3$  га, 10 ёшда  $2500—2700 \text{ см}^3$  га, 15 ёшда  $3500—3800 \text{ см}^3$  га, катта одамда  $3500—4000 \text{ см}^3$  га тенг бўлади.

Болаларда юрак тонининг ўртacha давомлилиги катта одамнидан анча кам бўлади. Юракнинг биринчи тонининг давомлилиги 1—3 ёшда 0,07 сек; 3—6 ёшда 0,09 сек; 6—10 ёшда 0,10 сек; 10—12 ёшда 0,13 сек; катта одамда эса 0,15 секунд бўлади. Юракнинг иккичи тонининг давомлилиги 1—3 ёшда 0,065 сек; 3—6 ёшда 0,073 сек; 6—10 ёшда 0,1 сек; катта одамда 0,12 секунд бўлади.

### Юрак фаолиятининг ёшга хос хусусиятлари

Боланинг ва катта ёшли одамнинг юрагини организмдан ажратиб олиб, озиқ моддали ва кислородли эритма билан озиқлантириб турилса, у бир неча соат қисқариб туради. Юракнинг бу хусусияти юрак автоматияси дейилади. Организмда юрак автоматияси ички муҳит ўзгаришига қараб нерв ва гумораль йўл билан бошқарилади. Юракка адашган нервлар орқали узунчоқ миядан марказга интилевчи импульслар келади. Орқа миянинг кўкрак сегментидан чиққан симпатик тугунлардан 2 та симпатик нерв адашган нерв билан бирга юрак мускулларига тармоқланади. Шундай қилиб, умумий уйқу arterиясининг ёнидан аралаш нервлар ўтади. Адашган нерв марказлари қўзғалгандага юракнинг қисқариши ва кучи, қўзғалувчанлиги ҳамда ўтказув-

чанлиги камаяди. Симпатик нерв марказлари қўзғалганда, аксинча, юракнинг қисқариш сони, кучи, қўзғалувчанини ортади. Катта ёшли одамда адашган нерв юрак автоматизмига бир қадар тормозловчи таъсир этади. Бунга адашган нерв тонуси дейилади.

Симпатик нервнинг юрак фаолиятига таъсири ортиб кетса, юрак мускулларида моддалар алмашинуви кучаяди. Адашган нервлар қўзғалганда қонга кўп миқдорда ацетилхолин ажралиб чиқади, бу гормон юрак ишини сескинлаштиради. Симпатик нервлар қўзғалганда, қонга норадреналин ва адреналин гормонлари қўйилиб, қон орқали юракка симпатик нерв каби таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, қон таркибидағи кальций, калий ионлари ҳам юрак фаолиятига таъсир қиласиди. Кальций юрак ишини тезлаштиради.

Бола туғилганда юракки таъминловчи нерв аппарати етарли даражада ривожланган бўлади. Юракка симпатик ва парасимпатик нервлар таъсир эта бошлайди. Лекин янги туғилган бола юрагига симпатик нерв таъсири кучлироқ, яъни симпатик нерв тонуси юқорироқ бўлади. Унинг кўз соққаси бироз босилса, юрак қисқариши сийраклашади.

7—8 яшар болада юрак мускуллари нервлар билан тўла таъминланади. Симпатик ва парасимпатик нервлар таъсири анча барқарор бўлиб қолади. Ўсмирлик даврида юрак функциялари катта одамларникига ўхшаб қолади.

**Пульс (томир уриши).** Қоринчалар қонни босим остида томирларга ҳайдаганда қон томирларнинг тебраниши пульс дейилади. Пульсни тери остида юза жойлашган артерия қон томирларидан елка артерияси билакда иккига шохланган жойда, чеккада ва бошқа ерларда сезиш ва синаш мумкин.

Қон томирининг ҳар бир тебраниши юракнинг ҳаргалги қисқаришига тўғри келади. Янги туғилган болада бир минутда пульс 120—140 марта бўлиб, ёши ортиши билан пульс камая боради. Пульс одамнинг ҳолатига, ташқи муҳит ҳароратига, одамнинг ёши ва моддалар алмашинувиning боришига боғлиқ бўлади. Бир ёшдаги болаларда пульснинг ҳар хил бўлиши юракнинг тузилиши, функцияси, нервлар билан таъминланиш дараҷасига, боланинг типологик хусусиятларига боғлиқ бўлади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда пульс турғулуша боради. Мехнат жараёнида, жисмоний машгулот-

лар вақтида, ўта ҳаяжонланишда болаларда пульс анча тезлашади.

**Қон босими.** Юрек қисқариши тезлашиб, систолик ҳажми ортгандың қоңи босими күтарилади, юрак иши секинлашиб, систолик ҳажми камайғанда қоңи босими пасаяди. Артерия қон босими қоңи томирлар диаметрининг умумий йигиндисига боғлиқ. Артериал ва капилляр томирлар девори торайғанда қоңи босими ортади, кейгайғанда аксиинча бўлади, яъни пасаяди.

Соғлом одамда қон томирлар мускулли деворининг ҳаракати нерв гуморал механизмни билан бошқарилиб туриши туфайли қоңи босими бир меъёрда сақланади. Бу механизм бузилса, қоңи босими ўзгаради. Қатта одамда аортада максимал, яъни систолик босим симоб устунида 120—140 мм, елка артериясида 110—125 мм, минимал, яъни диастолик босим 70—80 мм, майдада артерияларда 70—80 мм, артериолаларда 40—60 мм, капиллярларда 20—40 мм, йирик веналарда 2—5 мм бўлади.

Максимал қоңи босими билан минимал қоңи босими ўртасидаги фарққа пульс босими дейилади. Пульс босими ўрта ҳисобда симоб ўстунида 30—40 мм бўлади. Болаларда артериал қон босими катталардагига қараганда анча паст бўлади. Янги туғилган болада максимал қон босими 60—65 м, бир ёш охирида 90—105 мм, минимал қон босими 50 мм бўлади.

Ўғил ва қиз болаларнинг қон босими 5 ёшгача бир хил бўлади. 5 ёшдан 9 ёшгача ўғил болаларда симоб устунида 1—5 мм, яъни қизларникига нисбатан юқори бўлади. 9 ёшдан 13 ёшгача қизларда 1—5 мм бўлади. Жинсий балоғат ёшида ўғил болаларда қон босими бир оз күтарилади. Боланинг ёши ортиши билан қон томирлар деворининг торайиши, тана вазнига нисбатан юрак массаси ва ҳажмининг секин ортиши ҳисобига қон босими ҳам, пульс босими ҳам ортиб боради, бироқ қизларда анча суст ортади. Бу эса ўғил болаларда юрак систолик ҳажмининг юқори бўлиши билан изоҳланади.

Қоң болаларда катталарга нисбатан томирларда анча тез оқади. Янги туғилган болада қон организмдан 12 секундда, 3 ёшда 15 секундда, катта одамда эса 22 секундда айланиб чиқади. Болаларда қоннинг айланниб чиқиши учун кам вақт сарфланишига сабаб шуки,

уларнинг қон томирлари калта бўлади, юраги тез ишлайди.

### **Ақлий ва жисмоний меҳнат вақтида юрак-томир системасининг функциялари**

Болалар улғайган сайин жисмоний иш бажаргандага пульс сони ортиб боради. 8—9 яшар болада жисмоний иш вақтида максимал пульс 184, 14—15 ёшда 206 бўлади. 16—18 яшар ўсмирда жисмоний иш вақтида максимал пульс бир оз сийраклашиб 196, қизларда эса 201 бўлади. Жисмоний ишдан сўнг 8 яшар болаларда пульс тезроқ ва 16—18 яшар ўсмирларда секинроқ асли ҳолига келади. Болалар чарчаганда ўртacha пульс сийраклашади. Ўқувчилар ўқув йили охирига бориб, чарчаб қолади, шунда юрак қисқариши ортади. Бола жисмоний машқ билан мунтазам равишда шуғулланиб турса, юрагининг массаси ва систолик ҳамда минутлик ҳажми анча ортади. Чангида юрганда, велосипед учганда, футбол ўйнаганда, енгил атлетика ва бошқалар билан шуғулланганда болалар юрагининг массаси, систолик ва минутлик ҳажми ортади. Юракнинг систолик ҳажми мускул иши вақтида 12 яшар болаларда  $104 \text{ см}^3$ , 13 ёшда  $112 \text{ см}^3$ , 14 ёшда  $116 \text{ см}^3$  бўлади.

Юрак-томир системасига турли ҳис-ҳаяжон (хурсандчилик, ғам, оғриқ, қўрқув ва бошқалар) кучайтирувчи ёки сусайтирувчи таъсир этади.

### **ЮРАК-ТОМИР СИСТЕМАСИ ГИГИЕНАСИ**

Кун тартиби юрак-томир системасига кучли таъсир этади. Боланинг кун тартиби тўғри ташкил этилса, юрак-томир системаси бекаму кўст ишлайди. Шунинг учун ҳам улар бажарадиган жисмоний иши ва машқларнинг жадаллиги ва оғир-енгиллиги уларнинг ёшига мос бўлиши керак, айниқса салбий ҳис-ҳаяжон, чекиши, спиртли ичимликлар ичиши, узоқ муддат ҳаракатсизлик юрак-томир системаси ишини бузади.

Болаларнинг кийими, пойабзали қон айланишни қийинлаштирмайдиган, вена томирларда қон димланиб қолишига йўл қўймайдиган бўлиши керак. Пойабзал тор бўлса, оёқнинг қон билан таъминланиши қийинлашади. Оёқда турли қадоқ, яра пайдо бўлади. Болаларнинг соғ ҳавода бўлиши, жисмоний машқлар билан

шүғуллапиши, вақтида овқатланиши юрак-томирларининг нормал ишлашида муҳим аҳамиятга эга.

### **Нафас олиш органларининг ёшга хос хусусиятлари ва гигиенаси**

**Нафас олиш органларининг тузилиши ва нафас олишининг аҳамияти.** Барча тирик организмлар ҳаётини сақлаб туриш учун нафас олиши керак. Нафас олганда ташқи муҳитдаги ҳаво ўпка ҳужайраларига, у ердан қонга ўтиб, қон орқали барча ҳужайраларга етказиб берилади. Кислород ёрдамида озиқ моддалар оксидланади, натижада юқори молекулали органик моддалардан маълум миқдорда энергия ажралиб чиқади. Организм ҳужайраларига кислород бориб етмаса, улар нобуд бўлади. Моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган карбонат ангидрид ва сув буғлари эса ўпка орқали ташқарига чиқарилади.

Нафас олиш ташқи ва ички нафас олишга бўлинади. Ташқи нафас олиш деб, ўпка билан қон ўртасидаги газлар алмашинувига айтилади. Ички нафас олиш, яъни тўқималараро нафас олиш деб, ҳужайраларда моддалар алмашинувини таъминловчи тўқималар билан қон ўртасидаги газлар алмашинувига айтилади. Ташқи муҳитдан олинаётган ҳавода 20, 95% кислород, 0,03—0,04% карбонат ангидрид, 79,02% азот, 0,47% сув буғи бўлади. Ҳавода кислород миқдори асосан бир меъёрда сақланади, баландликда бир оз ўзгаради.

Одам ҳавода карбонат ангидрид миқдори 2—3% гача ортишига чидай олади. Агар у 4—5% га етса, юрак қисқариши тезлашади, боши оғрийди, одам қусади, ҳушидан кетиши мумкин. Ҳаводаги сув буғи миқдори ташқи муҳит ҳароратига боғлиқ.

Нафас олиш органларига бурун бўшлиғи, ютқин, ҳиқилдоқ, трахея, бронхлар, ўпкалар киради.

Бурун бўшлиғи бурун суюклари, тоғайлардан иборат. Бурун бўшлиғи ички шиллиқ юзасининг кўпчилик қисми кўп ядроли, тукли цилиндрический эпителий билан қопланган, бу ерда шиллиқ ишлаб чиқарувчи безлар жойлашган. Бурун бўшлиғида шунингдек, ҳид билиш рецепторлари ҳам жойлашган. Бурун бўшлиғидаги туклар олинаётган ҳаводаги чаңг заррачаларини тутиб қолиб, шиллиқ билан бирга ташқарига чиқариб юборади.

Трахеяниң ҳам ички юзасы шиллиқ қават билан қолланган. Трахея ўнг ва чап бронхга бўлинади. Ўнг бронх ўз навбатида уч тармоққа, чап бронх икки тармоққа бўлинади. Бронхлар майдага бронхчаларга — бронхиолаларга бўлинниб, ҳар бир бронх бронх дараҳтини ҳосил қиласди. Бронхиолалар тармоқланиб, охирида ўпка ҳужайралари альвеолалари билан тугайди. Альвеолалар эпителий қаватининг қалинлиги 0,004 мм га тенг.

Болаларнинг нафас олиш органлари тузилиши ва функциясига кўра катталарнидан фарқ қиласди. Янги туғилган болаларда ҳалқум тор ва бурун тешиги ингичка, кичик бўлиб, шиллиқ қават қон ва лимфа томирлари билан кўп таъминланган. Гаймаров бўшлиғи, ғалвирсизмон суюқдаги қўшимча йўллар яхши ривожланмаган бўлади. Гаймаров бўшлиғи иккп ёшдан катталаша боради ва 5—6 ёшда ривожланиб бўлади.

Янги туғилган болаларнинг оғиз бўшлиғидаги ва ютқинидаги безлар нисбатан катта, ҳиқилдоғи қисқа, тор, воронка шаклида бўлиб, тоғайлари юмшоқ бўлади. Ҳиқилдоқ 5 ёшда ва жинсий балогат ёшида жадал ривожланади. З ёшдан қизлар ҳиқилдоғи шу ёшдаги ўғил болаларнига нисбатан кичраяди ва торая боради. Аёллар ҳиқилдоғи эркакларнига нисбатан 1/4 ҳисса кичик бўлади. Ҳиқилдоқининг жинсга боғлиқ фарқи 10 ёшидан вужудга келади. Товуш ёриғи тор, ҳиқилдоқ ва товуш бойламлари қисқа бўлади. 5 ёшгача товуш аппарати ривожланиб, кейин товуш бойламлари ва мустақил мускуллар тез ривожланади. Ўғил болаларда 12 ёшдан бошлаб қизларга нисбатан товуш бойламлари узаяди. Шунинг учун ҳам ўғил болалар овози пастроқ бўлади. Трахея катталарнига нисбатан калта ва торроқ бўлиб, юқорироқда жойлашади. Унинг узунлиги, тоғайлар катталиги боланинг ёши ортиши билан ортиб боради.

Бронхлар иккига шохлангунича трахеяниң узунлиги янги туғилган болаларда 3—4 см, 5 ёшда 5—6 см, 10 ёшда — 6,3 см, 15 ёшда — 7,45 см, катталарда эса 9—12 см бўлади. Трахеяниң шиллиқ қавати нозик, қон ва лимфа томирлар билан мўл таъминланган бўлади. Шунинг учун ҳам баъзида чанг зарралари ва микроблар трахея шиллиқ қаватига тез ўрнашиб қолади. Бир ёшгача бронхлар жуда тез ўсади.

Боланинг ёши ортиши билан ўпкасининг вазни, ўлчамлари ва ҳажми ҳам ортиб боради. Янги туғилган

болалар ўпкасининг вазни 50—57 г, 1—2 ёшда 225 г, 5—6 ёшда 350 г, 9—10 ёшда 395 г, 15—16 ёшда 690 г, катталарда 1000 г бўлади. Ҳажми янги туғилган болаларда 70 см<sup>3</sup>, 1 ёшда 270 см<sup>3</sup>, 8 ёшда 640 см<sup>3</sup>, 12 ёшда 680 см<sup>3</sup>, катта одамда 1400 см<sup>3</sup> бўлади. Ўпканинг ҳажми янги туғилган болага нисбатан 12 ёшда 10 марта ва 17 ёшда 20 марта ортади.

Болаларда, айниқса, балоғат ёшида кўкрак қафаси ўлчамлари, нафас олиш мускуллари жадал ривожланади, диафрагма юқорироқ жойлашиб, патижада пастга туша бошлайди. Янги туғилган қиз ва ўғит болалар қорин тилида, яъни асосан диафрагма мускули қискариши ҳисобига нафас олади. Кўкрак қафасининг юқори қисми жуда кам ҳаракатланади. 3—7 ёндан боштуб кўкрак типидаги нафас вужудга келади, катталариникига қараганди тез ва юзаки бўлади. Боғча ва кичик мактаб ёнидан бошлаб нафас олиш аста-секин бир меъёрга тушади.

#### 13-жадвал

**Турли ёшдаги соғлом болаларнинг нафас олиши**  
(А. Ф. Тур ва Н. А. Шалков)

Кўрсаткичлар	Нафас олиш сигни	Ёши							
		оЙлар				Инплар			
		6-10	11-12	13-14	15-16	2-3	4	10-12	Катта лар
Уртача маъ- лумот	43	4½	3½			31— 22	2½— 25	20	13
Тебраниш чегараси	40	3½	3½	35	23	2	30	20 22	20
	4		40						

#### **НАФАС ОЛИШ, ҲАЖМИ, ҮПКА ВЕНТИЛЯЦИЯСИ ВА ҮПКАДА ГАЗЛАР АЛМАШИНУВИ**

Болаларда 8 ёндан бошлаб нафас олишда жинсга боғлиқ фарқ вужудга кела бошлайди. 8 ёшда тинч ҳолатда ўғил болаларда нафас олиш сони қизларга нисбатан тезлашади, жинсий балоғат ёшида эса нафас олиш қизларда тезроқ бўлади.

Бола катта бўлган сари ўпканинг тириклик сигими ортиб боради. Янги туғилган болаларда ўпканинг тирик-

лик сиғими 20 см<sup>3</sup>, 1 ёшда 80 см<sup>3</sup>, 5 ёшда 215 см<sup>3</sup>, 12 ёшда 375 см<sup>3</sup>, катта одамда эса 300—460 см<sup>3</sup> бўлади.

5 ёшда ўпканинг минутлик ҳажми эса катта одам ўпкасиликдан ортиқ бўлади, 12 ёшда 2 марта ортади.

Қуидаги жадвалда ўпка минутлик ҳажмининг ўзгариши келтирилган.

#### 14- жадвал

**Турли ёшдаги болаларда ўпка вентиляцияси, ўпканинг минутлик ҳажми (мл ҳисобида, Н. А. Шалков бўйича)**

Кўрсаткичлар	1 ой-лини	Ени (бийл ҳисобида)						
		4-9	7-3	10	11-12	13-14	15-16	17
Уртacha кўрсаткич	1300	2700	3500 3800	3600 4300	4100 4700	4600 4900	4800 5400	5300 6200
Тебрапинш чегараси	1200 1500	1900 2600	3000 4400	3300 4500	3500 5200	3700 5300	3500 5000	4400 5800

Болаларнинг нафас олиши тез бўлгандан ўпка вентиляцияси юқори бўлади. Яғи туғилган боланинг ҳар килограмм вазни ҳисобига ўсмирлардагига нисбатан 4 марта ортади. Ёш болалар организмининг кислородга бўлган эҳтиёжи жуда катта, чунки энергия ва молдалар алмашинуви ниҳоятда жадал кечади. Масалан, бола органларининг бир килограмми ҳисобига кислород сарфланиши учун ўпкасидан бир минутда 1400—1500 см<sup>3</sup> ҳаво ўтиши керак. Катта одамда эса бу рақам 300—400 см<sup>3</sup>, 5—6 ёшда 200—210 см<sup>3</sup>, 7 ёшда 170 см<sup>3</sup>, 8—10 ёшда 160 см<sup>3</sup>, 11—13 ёшда 130—145 см<sup>3</sup>, 14 ёшда 125 см<sup>3</sup> га тенг бўлади.

Болалар, айниқса, мускул ишида катталарга нисбатан тез-тез нафас олади. Бола мунтазам равишда жисмоний машқ билан шуғулланса, айниқса эшикак эшса, голейбол ўйласа, енгил атлетика, сузин спорти билан шуғулланса, ўпканинг ҳаётий сиғими ортади. Газлар алмашинуви ишқорий-кислоталилик мувозанатининг бошқарилишига боғлиқ. Масалан, 5 яшар бола нафас чиқаргандаги ҳаво таркибидаги карбонат ангидрид миқдори катта одамниги лисбатан 3 марта кам бўлади. Чунки ёш болалар ўпкасининг кислороддан фойдаланиш проценти катта одамниги қараганда 2 марта кам. Ўпкадан

чиқарылған ҳаво таркибиңа карбонат ағидрил газининг кам бўлишига нафас марказларининг нейрогуморал таъсир натижасида кўпроқ қўзғалиши сабаб бўлади ва ёш ортиши билан бу қўзғалиш сусайиб боради.

## Нафас олишнинг бошқарилиши

Нафас олиш марказий иерв системаси орқали бошқарилади. Нафас олиш маркази узунчоқ мияда жойлашган бўлиб, шулар шикастланганда нафас олиш тўхтайди. Нафас маркази доимо актив ишлаб, ўз-ўзидан қўзғалиш содир бўлиб туради. Қўзғалишини вужудга келтирувчи рецепторларга: йирик қоп томирлар деворида жойлашган рецепторлар, қонда кислород камайиши ёки кўпайиши, карбонат ағидрид гази ортиб кетишни, ўқка ва нафас олиши мускулларидаги механорецепторлар киради. Шунингдек, нафас йўлларидаги рецепторлар ҳам таъсир қиласди.

Одам нафас олганда ўқка ҳужайраларидаги рецепторлар таъсиранади. Импульс нафас олиш марказига адашган иервлар орқали туцади. Натижада нафас олиш маркази тормозланиб, нафас чиқарни маркази қўзғалади, нафас мускуллари бўшашади, кўкрак қафаси кичрайади, днафрагма мускули бўшашади ва нафас чиқарилади.

Нафас олишининг бошқарилишида бош мия катта яримшарлари ҳам иштирок этади.

Нафас олиш марказига қоп химиявий таркибининг ўзгариши кучли таъсир қиласди. Қонда карбонат ағидрид гази тўпланиб қолиши натижасида қоп томирлар деворидаги рецепторлар таъсиранади ва қўзғалиши қоп томирлар орқали нафас марказини рефлектор равишда қўзғатади.

## НАФАС ОЛИШ ГИГИЕНАСИ

Тўғри нафас олиши таъминлаш нафас олиш гигиенасида муҳим аҳамиятга эга. Жисмоний тарбия дарсларида болаларни тўғри нафас олишга ўргатилади. Нафас олиш органларини ривожлантириш учун болаларни юриш, югуришда, сузишда, велосипед учиш ва гимнастика билан шуғулланганда нафас олиш қоидаларини ўргатиш керак. Уларни бурундан нафас олишга ўргатиш керак, чунки бурундан нафас олганда шамоллаш касалликларига ва инфекцияларга чидамлилик ортади.

Жисмонан чиниққан болаларда ўпка вентиляцияси яхши ва нафас олиш чуқур бўлади, бу юрак-томир ва нерв системасига, ҳамда бошқаларга ижобий таъсир кўрсатади.

Болалар йилнинг барча фаслларида имкони борича соғ ҳавода кўпроқ бўлиши, шаҳар ташқарисида, ўрмонда бўлиши керак. Боғча ёшидаги болалар ҳар куни очик ҳавода камида 5 соат, кичик мактаб ёшидаги болалар 3 соат бўлиши шарт.

Мактабда синф хоналари, лаборатория, устахонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Болалар ёзда ҳовли ёки уйда деразани очиб қўйиб, қишида эса форточекаларни очиб қўйиб ухлаши лозим. Ана шунда улар тоза ҳаводан яхши нафас олади.

## АЙРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЕШГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Айриш жараёни организмда моддалар алмашинувининг охирги босқичи бўлиб, у туфайли организмнинг ички муҳити барқарорлашади. Буйраклар, тер безлари, ўпка ва ичаклар айриш органилари ҳисобланади. Ўпкандан карбонат ангидрид, сув ва бугчиқарилади. Ичаклардан ҳазм капалида парчаланимаган моддалар, баъзи оғир металларнинг тузлари, ўт пигментларининг ўзгариши маҳсулотлари чиқади. Айриш органларига ёғ, тер, сут безлари ҳам киради.

### БУЙРАКЛАРИНИНГ ФУНКЦИЯСИ

Сийдик айриш органларига: буйраклар, ички сийдик йўли, сийдик пуфаги, ташқи сийдик чиқариш йўли киради.

Буйрак бир жуфт ловия шаклида бўлиб, 12-кўкрак ва бел умуртқалари олдида жойлашган. Улардан ҳар бирининг вазни 120 г, узунлиги 10—12 см, эни 6 см, қалинлиги 3—4 см келади.


Буйрак мураккаб тузилган орган бўлиб, пўст ва магиз қаватлардан иборат. Унинг асосий структура бирлиги исфрон дейилади. Нефрон капилляр томирлар тўпламидан иборат бўлиб, устидан эпителий тўқимадан тузилган воронка шаклидаги капсула ўраб олади. Капсуладан найча бошланиб, бошлангич қисми биринчи тартиб ай-

лаима най дейилади. Бу най пастга қараб йўналиб, қо-  
вузлоқ шаклидаги найга айланади. У Генли қовузлоги  
дейилади. Генли қовузлогидан иккинчи тартибли айлан-  
ма найлар бошланиб, улар йиғувчи найларга очилади.

Йиғувчи найлар буйрак кичик жомларига очилади.  
Кичик жомлар тўпланиб, буйрак жомини ҳосил қиласди.  
Сийдик шу ерда тўпланади.

Мальпигий коптоқчасидаги капиллярлардан ўтган  
қондаги турли тузлар, ортиқча сув, мочевина, Шумлян-  
ский-Бауман капсуласи орқали фильтрланиб ўтади. Бу  
усулда ҳосил бўлган сийдик бирламчи сийдик дейилиб  
у таркибига кўра қон плазмасига яқин туради. Биринчи  
ва иккинчи тартиб найларда бирламчи сийдикдаги баъзи  
моддалар, ортиқча қанд қайтадан қонга сўрилиб ҳақиқий  
сийдик ҳосил бўлади.

Буйракларда ҳосил бўлган сийдик сийдик йўллари ор-  
қали сийдик пуфагида (қовуқда) тўпланади. Сийдик пу-  
фаги силлиқ мускул толаларидан иборат халтача бўлиб,  
ички томони кўп қаватли эпителий билан қопланган.  
Сийдик пуфаги нок шаклида, З та тешиги бор; уларнинг  
иккитаси сийдикни буйракларга олиб келувчи найлар-



16-расм. Буйракнинг тузилиши:

1—пустлоқ қавати; 2—магиз қа-  
вати; 3—кичик косачалар; 4—  
ката косача; 5—буйрак жоми.

нинг сийдик пулғагига очилиш жойида, биттаси сийдик чиқариш каналининг бошланиш қисмидир. Сийдик чиқариш канали ташқи жинсий органлар билан туташган.

13 ёшгача буйракларнинг вазни, тузилиши, функцияси ўзгариб боради. Янги туғилған болада буйракнинг вазни 11—12 г, 1 ёшда 36—27 г, 5 ёшда 55—56 г, 7 ёшда 82—84 г, 13 ёшда 100—102 г, 15 ёшда 115—120 г бўлади.

Эмадиган болаларда сийдик ҳосил бўлиши бола танасининг ҳар  $m^2$  сатҳига ҳисоблагандай катталарникидан 2—3 марта ортиқ бўлади. 7—9 ёшгача камайиб боради, жинсий балоғат ёшида бир оз ортади. 1—3 ёшда бир кечакундузда 760—820  $cm^3$ , 5—6 ёшда 1  $dm^3$ , 7—8 ёшгача 1, 3  $dm^3$ , 12—13 ёшгача 1, 9  $dm^3$  сийдик ҳосил бўлади.

Болаларда моддалар алмашинуви жадал борганидан сийдикнинг таркиби катталарникидан фарқ қиласди, таркибида органик моддалар ва минерал тузлар иисбатан кам бўлади. Ёш ортиши билан сийдикнинг таркиби ва хоссаси ўзгариб боради. Болаларда сийдик кўпроқ ҳосил бўлади. Бир ойлик бола бир суткада 350—380 мл, бир ёшда 750 мл, 4—5 ёшида 1 л атрофида, 10 ёшида 1,5 л, 15—16 ёшида 2 л сийдик ажратади.

Бир ёшда сийдик ажратишга шартли рефлекс ҳосил бўлмайди, шу сабабли бола сийдик тутиб туролмайди, чунки сийдик чиқариш нерв марказлари яхши ривожланмаган бўлади. 2 ёшдан бошлаб сийдик тутиб туришга шартли рефлекс ҳосил бўла бошлайди ва тобора ривожлапиб боради.

## ТЕРИ АНАЛИЗАТОРЛАРИ

Тери кўп қаватли эпителий тўқимасидан иборат бўлиб, организмни ташқаридан ўраб, ташқи муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қиласди ва ташқи муҳитдаги термик, механик ва физик таъсирини сезади. Булардан ташқари, иссиқликни бошқаришда ва моддалар алмашинувида ҳам қатнашади.

Тери қалин бўлиб, танадаги сатҳи ўртача 1,6  $m^2$ . У уч қаватдан: ташқи эпителий — эпидермисдан, ўрта қават бириктирувчи тўқимадан иборат асл тери — дермадан ва ички қават — тери ости ёғ клетчаткасидан тузилган. Эпидермис кўп қаватли эпителийдан тузилган бўлиб, устки қавати симирилиб, остки қавати янги ҳужайралар ҳосил қилиб туради. Ёш болаларда эпидермис юпқа бўлади. Асл тери — дерма қалин бўлиб, эпидермис тагида жой-

лашган. Унда тер безлари, соч ва туклар илдизи, қон томирлар, рецепторлар ва пигмент ҳужайралари бор.

Тер безлари терининг ҳамма қисмида тарқалган бўлиб, фақат лабиишг пушти қисмида, жинсий олат боғасида, қулоқ супрасида бўлмайди. Қўл-оёқ кафтида, чот букимида, қўлтиқ остида зич жойлашади. Одамнинг 1 см<sup>2</sup> терисида 500—1000 тагача тер безлари бўлади. Уларниңг найчаси ингичка, узулиги 2 мм бўлиб, терининг эпидермис қисмида ташқарига очилади. Тер безлари фаолияти туфайли организмдаги ортиқча сув, мочевина ва турли тузлар ташқарига чиқарилиб, организмда энергия алмашинуви бир меъёрда кечади. Ёш болаларда тер безлари майда, етарлича ривожланмаган. Терининг кўп қисми соч ва тук билан қопланган бўлиб, уларниңг илдизи ҳақиқий терида жойлашган. Соч, туклар ўзгарган эпителий ҳужайралардан иборат, пиёзчиши тирик бўлиб, кўпайиб туради. Соч илдизида пиёзчиши бор, у қон томирлар ва нерв толалари билан таъминланган. Соч пиёзчишининг икки ёнидаги ёф безлари сочиши мойлаб туради. Соч ва гукларниңг раиги таркибида пигментга боғлиқ. Соч ва туклар илдизининг ёнида улар ҳолатини ўзгартирадиган сўдлиқ мускуллар бўлади.

Тирноқлар тери эпидермисининг ўзгарган шаклидир. Асл терида қон томирлар жуда кўп, улар тери ости клетчаткасида анастомоз ҳосил қилиб қон томирлар тўрини вужудга келтиради.

Терида турли миқдорда рецепторлар тарқалган: баъзилари эпидермисда асл терининг сўрғиҳисимон қисмидаги пардаларда тугайди. Терининг турли қисмларидағи иссиқни сезувчи рецепторлар сони 30000 тага етади, 1 см<sup>2</sup> сатҳда тахминан 3 та, совукни сезадиган рецепторлар 250000 тага яқин, 1 см<sup>2</sup> сатҳда 12—13 та бўлади. Терида оғриқни сезувчи рецепторлар ўрта ҳисобда ҳар 1 см<sup>2</sup> сатҳда 130 тага яқин. Терининг сезиш хусусияти нерв системасининг ҳолатига, таъсир кучига қараб ўзгаради. Ташки дунёни билишда тери анализатори муҳим роль ўйнайди.

Терида сезги, оғриқ ва ҳарорат таъсирини қабул қилиувчи рецепторлар жойлашган. Терининг турли сезги билан боғлиқ бўлган афферент толалари орқа миянинг орқа шохи ва бош миянишг алоҳида қисмларига боғланган бўлади. Тери анализаторининг нерв маркази бош мия яримшарлари пўстлогининг орқа марказий эгатчишида жойлашган бўлади.

Тери сезгиси оғриқ, иссиқ, совуқ тегиш ва босимга бўлинади.

Тактиль сезги тегиш ва босим сезгиларидир. Тактиль рецепторлари бармоқ учларида, кафтнинг ички юзасида, оёқ панжаси тагида ва бошқа қисмларда кўпроқ жойлашган. Орқада ва бўйинда бу рецепторлар камроқ жойлашган. Терида ҳаммаси бўлиб 500000 та рецептор бўлиб, улар ўрта ҳисобда  $1\text{ см}^2$  сатҳда 25 тадан жойлашган, қўл бармоғининг учларида зичроқ бўлади.

Тери анализаторлари она қорнида шакллана бошлияди. Янги туғилган бола териси рецептор тузилмалар билан жуда яхши таъминланган бўлади. Бола ўсган сарн теридаги рецептор тузилмалар ривожланиб боради. У юра бошлаганда оёқ панжаси остидаги тери рецепторлари сони кўпаяди ва бир ёшга бориб рецептор тузилмалар катта одамникуга ўхшаб қолади.

Тери босим сезгисига мослашади. Янги туғилган болада тактиль сезги анча яхши ривожланган, оғиз, кўз, лаб, кафтнинг ички юзаси, оёқ таги сезгирроқ бўлади. Бу сезги ҳаёт давомида ўзгариб туради. 35—40 ёнда тери жуда сезгир бўлади, кексаликда бу сезгирлик камаяди.

### Иссиқ ва совуқни сезиш

Терига ҳароратнинг таъсирини икки хил иерв учи қабул қиласи. Совуқни сезувчи рецепторлардан кўра, иссиқни сезувчи рецепторлар кўпроқ. Терининг ҳар  $1\text{ см}^2$  сатҳида ўрта ҳисобда 3 та совуқни сезувчи рецептор, 6—23 та иссиқни сезувчи рецептор бўлади. Ҳарорат ўзгаришларини қабул қилувчи рецепторлар 280000 та, булардан 30000 таси иссиқ, 250000 таси совуқ таъсиридан қўзғалади. Иссиқ ва совуқни сезувчи рецепторлар бир хилда жойлашмаган, тананинг очиқ жойлари (юз, бўйин, қўл бармоқлари) совуқка унча сезгир бўлмайди.

Терининг ҳар  $1\text{ см}^2$  га оғриқни сезувчи 100 та рецептор тўғри келади. Янги туғилган болада организмига дори юбориш учун нина санчганда, уни чимчилаганда дарҳол жавоб реакцияси пайдо бўлади ва ҳоказо.

Бош мия яримшарлари пўстлоги энса қисмишининг юқориги бўлагида (5 ва 7-зона) тери анализаторининг олий иерв маркази жойлашган. 7 ёнда унинг сатҳи катталарникидек бўлиб қолади. 18—24 ёнгача сезгирлик бўсағаси камайиб боради.

## Тери гигиенаси. Организмни чиниқтириш

Юз терисини парвариш қилиш юзнинг чиройли, бенуқсон бўлишида катта аҳамиятга эга. Юз терисидаги безлар меъёридан кўп ёғ ажратса, юз жуда ёғли бўлади, бундай тери ялтираб туради. Ўсмир юз терисини тўғри парвариш қилимаса, кўп ҳуснбузар тошади ва у баъзан йирнинг ярачаларга айланади. Балоғат ёшида тер безларининг функцияси кучайиб, ўзига хос ҳид пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам бу ёшдаги йигит-қизлар терини тўғри парвариш қилишини, доим юваниб-тараниб, озода бўлиб юриши, юзига ҳуснбузар тошганда асло қўл билан ситмаслиги керак, акс ҳолда ҳуснбузар ярага айланниб кетади. Баъзи ўсмир қизлар тирноғини ўстириб юради. Бу заарли одат, пардоз шифокори маслаҳатисиз юзга ҳар хил упа-элик ва мойлар суртилса, терининг табиий ранги ва силлиқлиги ўзгаради, баъзан терига турли яралар, тошмалар тошади, дод пайдо бўлади.

Сирка, қалампир, қуюқ қаҳвани кўп истеъмол қилиш терига зарар қиласди. Тери соглом бўлиши учун В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР, А, В, С, Д витаминалар қабул қилиб туриш керак. Организмда витаминалар етишмаса, тери касалликлари келиб чиқиши мумкин. Вақтида ўқиб, вақтида меҳнат қилиб, дам олинса, одам соф ҳавода кўп бўлса, чиниқса, териси соглом бўлади.

Қўёшнинг ультрабинафша нурлари терининг озиқлашишини яхшилади, қон томирларини кенгайтиради, моддалар алмашинувини кучайтириб, ёғ ва тер безлари фаолиятига ижобий таъсир қиласди. Тери ёғли бўлса, юзни илиқ сув билан совунлаб ювиб туриш керак. Ҳуснбузар тошганда ароқ, атир, спиртга аралаштирилган календула ёки пардоз сиркаси билан артилса, яхши фойда беради. «Серноес» ёки «Борнотимоловос» совуслари билан юзни иссиқ сувда ювани ҳам мумкин.

Оёқларни ҳар 3—5 кунда, ёзда эса ҳар куни ювиб туриш керак. Оёқ яхши парвариш қилинмаса, қавариб, қизариб, бичилиши, шилиниши, қадоқ пайдо бўлиши мумкин. Оёқ терлайдиган бўлса, пайпоқни тез-тез алмаштириб туриш, эрталаб ва кечқурун оёқ бармоқларига, улар орасига тальк билан борат кислотанинг тенг миқдордаги аралашмаси, икки ҳисса аччиқтош билан уч ҳисса тальк аралашмаси, гальманин сепиш тавсия этилади.

Айрим ўсмирлар бармоқ, баъзида жимжилоқ тирноқларини ўстириб юришини маданият аломати деб тушуна-

ди. Аслида эса бу маданиятсизликдир, чунки узун ўсган тириоқлар орасыда жуда күп кир түпланаға. У жой микроблар манбасы ҳисобланади.

Болалар ва ўсмирлар терисишинг юзаси писбатан каттароқ бўлиб, қон томирларга бой, томирлар юза жойлашган. Шунга кўра, улардан иссиқлик тез ажralади ва бола дарров совқотади. Агар у чиниқмаган бўлса, салга шамоллаб қолиши мумкин. Чиниқиш учун ҳўл сочиқ билан бадани ишқаб артиб туриш керак. Баданин оёқдан кўкрак томонга қараб то ёқимли иссиқ ҳосил бўлгунча артилади. Сўнгра устидан сув қуйилади ёки душ қабул қилинади. Сувнинг ҳарорати артининга қараганда  $2-3^{\circ}$  юқори бўлиши, уни ҳар икки уч кунда  $1^{\circ}\text{C}$  даражадан пасайтириб бориш зарур, лекин  $17-15^{\circ}$  даражадан паст бўлмаслиги керак. Чўмилиш чиниқишининг энг яхши усули. Ҳавонинг ҳарорати  $24-25^{\circ}\text{C}$ , сувнинг ҳарорати  $20^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмагандай чўмилиш тавсия этилади.

Шамоллашга мойил бўлган одамлар оёғини чиниқтириши ва томоғини совуқ сув билан чайиб туриши тавсия этилади. Бунинг учун оёқни уй ҳароратидаги сувга  $1-2$  минут тушириб, сўнг яхшилаб артилади. Аста-секини сув ҳарорати  $10^{\circ}\text{C}$  гача пасайтириб борилади.

Қумда, ҳайдалган ерда, ёмғирдан кейинги кўлмак сувда оёқлашг юриш жуда фойдали. Бунда яссисоёқликнинг олди олинади, оёқ терисида қон айлапиши яхшиланади, мускуллар ва тери чиниқади, оёқ терлаши камаяди.

Офтобда чиниқиша  $10-15$  минут қўёшга орқани, кўкракни, ён қисмларни тоблаб ётиш, бу вақтда бошга оқ рўмол ёки қалпоқча кийиб олиш керак. Муолажа  $40-60$  минутгача давом этирилади. Лекин ҳар  $30$  минутда  $10-15$  минут сояда дам олинади. Агар одам бирданига узоқ вақт тобланса, офтоб урини мумкин. Бунда териси қизарип кетади, ачиниади, кейин ичи тишқ суюқликка тўла пуфакчалар ҳосил бўлади, одам лашж бўлиб, боши оғрийди, титраб-қақшайди, боси айланади, кўнгли айнийди. Яхиси кунининг биринчи ярмида, яъни кун жуда исиб кетмаган вақтда тобланиш керак.

## КИЙИМ-БОШ ВА ПОЙАБЗАЛГА БЎЛГАН ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИ

Болалар йилининг фаслинига ва иқлим шароитига қараб кийиниши лозим. Устки кийим старли миқдорда ҳаво ўтказадиган, ички кийим тер ва ёғни яхши шимадиган ва

ҳавони алмаштириб турадиган бўлиши шарт. Жундан тикилган кийим ҳам иссиқ бўлади, ҳам ҳавони яхши ўтказди. Кийим ҳаракатни чекламайдиган, нафас олиш, овқат ҳазм бўлиши, лимфа ва қон айланишини қийинлаштирмайдиган бўлиши керак. Белки резина ёки камар билан сиқиб bogлаш тавсия этилмайди. Ўқувчилар кийими енгил, пишиқ ва чидамли бўлиши лозим. Кийимнинг бежирим, чиройли бўлиши эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эга, дид билан кийингандага одамнинг кайфияти яхшиланади, саломатлиги ҳам яхши бўлади.

Синтетик толалардан тўқилган газлама иссиқни яхши ўтказмагани, гигроскопик хусусияти паст бўлганидан организмнинг исиб кетишига сабаб бўлади. Ҳаво совуқ бўлганда эса одам дарров совуқ қотади, бинобарин, тер ва ёғ безлари фаолияти бузилади, терида микроблар кўпайишига сабабчи бўлади. Лекин лавсандан тикилган кийим гигиена талабига тўла жавоб беради. Ёзда оқ рангли кийим кийган маъқул.

Қишида ўқувчилар бош кийим кийини керак, баҳор, куз ойларида ўғил болалар қалпоқ ва шунга ўхшаган бош кийим, қизлар беретка, тўқилган қалпоқча кийгани маъқул. Ёз ойларида панама, сомон шляпа кийиш керак.

Пойабзал енгил, қулай, оёққа лойиқ бўлиши керак. Ҳар куни кийиладиган пойабзалнинг пошнаси кенгроқ ва пастроқ (1—2 см) бўлгани яхши. Резина этикни жун шайлоқ билан кийиш шарт. Ёзда енгил очиқ оёқ кийим ёки чарм туфли кийиш керак. Бироннинг пайпоги, пойабзалини киймаган яхши, замбуруғ касаллиги юқиб қолиши мумкин.

### **БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СОҒЛИГИ**

Жумҳуриятимиз ҳукумати аҳоли, хусусан, болалар ва ўсмирлар соғлигини мустаҳкамлаш йўлида жуда кўп яхши тадбирларни амалга оширмоқда. 1—5-синф ўқувчиларини бир марталик белул иссиқ овқат билан таъминлаш, ўсмирларни пахта теримидан озод қилиш, уларга амбулатория-поликлиника хизматини яхшилаш ва давлат санитария-назоратини кучайтириш каби тадбирлар бунинг тимсолидир

Болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашда гигиена бўйича шифокор назорати муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Болалар муассасаларида шифокор ёки тиббий ҳамшира режа билан болалар ва ўсмирларнинг соғлигиги кузатиб боради. Бундан

ташқари участка шифокори болалар шифокори билан бергә ўзига тегишли районда олиб борилаётган тадбирларнинг бажарилишини текшириб туради. Шуцингдек, эпидемиолог-шифокор юқумли касалликларнинг тарқалиши ва уларнинг олдиниң олиш юзасидан қандай чоратадбирлар кўрилаётгани ҳақидаги маълумотларни тўплаб, анализ қиласи ва тегишли жойга ахборот беради.

Болалар соғлигининг аҳволини аниқлашда камидагуидаги тўртта кўрсаткичдан фойдаланиш керак:

1) текшириш вақтида болада сурункали касаллик бўлмаслиги;

2) жисмоний ва нерв-психик ривожланиш кўрсаткичлари даражаси;

3) организм асосий системалари функциясининг даражаси;

4) ташқи муҳитининг заарли таъсирига чидамлилик даражаси.

Жисмоний ривожланиш ва нерв-психик жиҳатдан ривожланиш ҳисобланади.

Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси институти илмий ходимлари болалар ва ўсмиirlар соғлигининг аҳволини 5 гурӯҳга бўладилар.

Биринчи гурӯҳга сурункали касалликлар билан оғримаган ёки кам оғриган, жисмоний ва нерв-психик жиҳатдан ривожланиши ёшига мос бўлган ўқувчилар киради.

Иккинчи гурӯҳ сурункали касалликлар билан оғримаган, морфологик, функционал ривожланишдан бир оз орқада қолган, бир йилда 4 марта касалланадиган болалар ва ўсмиirlар киради.

Учинчи гурӯҳга сурункали касалликлар билан оғриган ёки туғма касаллиги бор болалар киради.

Тўртинчи гурӯҳга сурункали касалликлари, туғма юрак пороги бўлган, касаллик ривожланаётган болалар киради.

Бешинчи гурӯҳга оғир сурункали касалликларга дучор бўлган ва функционал ҳолати ёмон болалар ва ўсмиirlар киради.

Шифокорлар, педагоглар, тарбиячилар, ота-оналар бундай болалар ва ўсмиirlарнинг ўзига хос муносабатда бўлиши, даволаш-профилактика ишлари ўз вақтида мунтазам олиб борилиши керак.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, I-синф ўқувчилари юқумли касалликлар билан кўпроқ оғрийди, айниқса 3 ёшгача бўлган болалар касалликка кўп чалинади. 18—19 ёшда юқумли касалликлар билан оғриш жуда кам учрайди.

## **СУРУНКАЛИ ҚАСАЛЛИКЛАРНИНГ БОЛАЛАР ВА ҮСМИРЛАР СОҒЛИФИГА ТАЪСИРИ**

Болалар ва ўсмирлар аксари нерв системаси, сензиги органлари, овқат ҳазм қилиши органдар, энергия ва моддалар алмашинуви бузилиши, нафас олиш, қон айланиши, сийдик-таносил органларининг сурункали қасалликлари билан оғрийди. Бу қасалликлар болалик ёки ўсмирлик даврида бошланса ва бемор даволанмаса, кейинчалик сурункали тус олади. Уларниң олдини олиш учун болани чақалоқлигидан түғри ва сифатли овқатлантириш, кун тартибига риоя қилиш, бола серҳаракат бўлиши, чиниқиши лозим.

Ўқувчиларда кўпинча миопия (яқиндан кўриш), хроник тоизилит, қон босими, невроз, невростенія ва бошқалар учрайди. Хроник тоизилит нафас йўллари қасалликларига киради. Ҳар бешта боладан биттаси бу қасаллик билан оғрийди. Бу қасаллик билан кўпроқ 12—14 ёшдаги қизлар оғрийди. Агар улар ўз вақтида даволанмаса, организмий умумий заҳарланиши туфайли кўпинча ревматизм, нефрит, поликартиит, юрак қасалликлари ризожланади. Нафас йўлларининг ўткир қасалланиши хроник тоизилитга сабаб бўлади. Бўнда бола бир йилда 3—4 марта оғриб туради. Бодомча безларда маҳаллий ва умумий ўзгаришлар пайдо бўлиб, безлар яллиғланади. Шунингдек, ўта чарчаш (толиқиши), витаминлар етишмаслиги, совқотиш, ҳавода зарарли чанглар бўлиши, химиявий моддалар таъсири ва бошқалар бу қасалликка сабаб бўлади. Бу қасалликнинг олдини олиш учун организмни мунтазам равишда чиниқтириш, жисмоний машқлар билан шуғуллапиш, соф ҳавода кўп бўлиш, сервитамин овқатлар сб турини керак ва ҳоказо.

Миопия (яқиндан кўриш) кўзниң нур синдириши қобилияти ортаси (рефракцион яқиндан кўриш) ёки кўзниң кўндаланған (олдинги-орқа) ўқининг узайиши туфайли келиб чиқадиган қасаллик. Ўқувчиларда кўпинча комбинирлашган яқиндан кўриш учрайди. Миопиянинг уч даражаси: заиф, (3 Д га тенг бўлгани), ўртача (3—6 Д га тенг бўлгани) ва юқори (6 Д ва ундан юқори) турлари фарқ қилинади. Яқиндан кўрадиган болаларга кўзойнак буюрилади ёки кўз соққасининг олдинги юзасига ёпишиб турувчи (контакт) оптик линза қўйилади. Миопия қасаллигининг олдини олиш учун боғча, мактабларда, техника билим юртларида болалар учун ўқиш ва ишлашга қулай шароит яратиш керак.

## НЕРВ-ПСИХИКАНИНГ БУЗИЛИШИ

Кейинги йилларда болалар ва ўсмирлар орасида нерв-рухий касалликлар тобора ортиб бормоқда. Бунга ёшлар орасидаги чекиш, гиёхваидлик, токсикомания ва бошқалар сабаб бўлмоқда. АҚШ да ҳар тўртта ўсмирнинг биттаси гиёхванд ҳисобланади. Нерв-рухий касалликларнинг олдини олиш учун таълим-тарбия ишини яхшилаш, болаларни зўриқишдан, асаб бузилишидан сақлаш, улар кун тартибига риоя қилиши, жисмоний тарбия билан шуғулланиб туриши зарур.

Умумий таълим мактабларида ва ҳунар-техника билим юртларида касб ташлаши тўғри йўлга қўйишда болаларниг ўзига хос хусусиятларини, яъни перв жараёнларининг кучини, ҳаракатчанлигини, ҳис-ҳаяжонларининг хилларини ва бошқаларни эътиборга олиш керак. Ўқувчиларнинг тўғри касб ташлаши муҳим аҳамиятга эга.

**Сколиоз** таянч-ҳаракат аппарати касалликларига киради, у умуртқа поғонасининг қийшайишидир. Касаллик ўз вақтида даволанмаса, узоқ йилга чўзилади ва оқибат-натижада кўкрак қафаси бўшлиғидаги ҳаётий муҳим органларга зарар етади. Бу касалликда кўпинча умуртқа поғонасининг шакли бузилади. Сколиознинг оғир-енгил кечиши умуртқа поғонасининг қанчалик қийшайганига боғлиқ.

Қобирғалар учининг бир оз бўртганлиги, 10° қийшайиши сколиознинг I даражаси белгисидир. Қовурғаларда букирлик ҳосил бўлиб қийшайиш бурчаги 30—50° бўлганда сколиознинг III даражаси ва ниҳоят қийшайиш бурчаги 50° дан ортса, сколиознинг IV даражаси ривожланган бўлади. Ўқувчилар ўқиш жараёнида умуртқа поғонасиининг жуда зўриқиши сколиозга сабаб бўлади. Умумий таълим мактабларида, мактаб интернатларда шифокорлар, биология ўқитувчилари ўқувчиларни вақтвақти билан текшириб туриши, ўқув муассасаларида ўқувчиларниг ўқиши, меҳнат қилиши учун зарур гигиена шароити яратиб берилиши шарт. Айниқса боғча, кичик мактаб ёшидаги болаларни текшириб, сколиоз борйўқлигини аниқлаш ва зўрайиб кетмаслиги учун чоратадбирлар кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Ўсиб келаётган ёш авлод сиҳат-саломат, зуваласи пинциқ бўлиши учун энг аввало улар учун қулай шароит яратиш, болалар серҳаракат бўлиши;

улар чинчиқиши, тўғри ва сифатли овқатланиши, кун тартибига риоя қилиши, атроф-муҳит тоза бўлиши, бола-

ларда гигиена кўникмалари ҳосил қилиш ва ҳаёт тарзининг тўғри бўлиши;

ҳаракат активлиги, кун тартиби ва таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш, яъни вақтида ўқиб, вақтида дам олиш;

овқатланиш тартиби бузилмаслиги, заарарли одатларга барҳам бериш, оила ва жамоада яхши муносабат бўлиши керак.

Кам ҳаракат қилиш ёки ортиқча ҳаракат қилиш, кун тартиби ва таълим-тарбия ишипинг бузилиши, ўйинлар, ўқув ва меҳнат фаолиятининг гигиена талабларига жавоб бермаслиги, яхши овқатланмаслик саломатликнинг душмани ҳисобланади.

## ЮҚУМЛИ ҚАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Боғча, кичик мактаб ёшидаги болалар қизамиқ, скарлатина, бўғма, қизилча, сувчечак, тепки билан оғриди. Катта ёшдаги болаларда, баъзан боғча болаларида ўпка сили, ревматизм (бод), юрак-томир қасалликлари, нафас, қулоқ, томоқ, бурун, кўз, тери қасалликлари учрайди.

Юқумли қасалликлар соғлом одамларга турли йўллар билан юқади. Чин чечак, қизамиқ, сувчечак, скарлатина, тепки, гепатит (сариқ) билан оғриган бемор билан яқин мулоқотда бўлганда қасаллик юқиб қолади. Бемор ётган хонага соғлом болаларнинг кириши мумкин эмас.

Грипп, ангина, бўғма, кўкйўтал, қизамиқ, скарлатина, ўпка сили каби юқумли қасалликлар бемор йўталганда, аксирганда, сўзлашганда 1—1,5 м узоқликдан ҳам ҳаво, сўлак томчилари ва сўлаги, бурун шиллиғи орқали ҳаво-томчи йўли билан юқиши мумкин.

Ич терлама, ичбуруғ (дизентерия) беморларнинг чиқиндилари, кўрпа-тўшаги, суви, озиқ-овқат маҳсулотлари, идиш-товоғи, ўйинчоқлари, китоблари, мебеллари орқали ҳам юқади.

Пашша, бит юқумли гепатит, ичтерлама, ичбуруғ, куйдиргининг юқишида жуда хавфлидир.

Сув ва сутни қайнатмасдан ичганда, мева ва сабзавотларни ювмасдан еганда меъда-ичак қасалликлари пайдо бўлиши мумкин.

Қасалликдан турган одам қўзғатувчиларни ташувчи бўлади, шунинг учун улар хавфли бўлади.

Қасаллик қўзғатувчи микроблар, вирусларнинг орга-

низмга тушгандан бошлаб, то касаллик белгилари пайдо бўлгунча ўтадиган давр яширин давр деб юритилади. Бу давр касаллик юқишида хавфли ҳисобланади. Турли юқумли касалликларнинг яширин даври ҳар хил бўлади. Буни 15-жадвалдан кўриш мумкин.

Маълумки, одам организми заарли микроблардан ўзини ҳимоя қилиб туради. Соғлом тери, нафас йўллари

### 15- жадвал

#### Баъзи юқумли касалликларнинг яширин даври

Касалликлар	Муддати (кунда)		
	Ўртacha	Энг қисқаси	Энг узоги
Қутуриш	40	15	80
Сариқ касаллиги	14	3—4 ҳафта	3—4 ой
Бруцеллёз	14	7	21—23
Грипп	3	1	3
Бактериали ичбуруг (дизентерия)	3	2	7
Амёба дизентерияси	3—7	2	15
Бўгма	5	2	10
Қўййўтал	9	2	15
Қизамиқ	10	6	18
Қизилча	17	14	20
Сувчечак	11	10	21
Паратиф А..	8	2	15
Полиомиелит	7—14	3	35
Тепки	7	3	14
Скарлатина	3—6	бир неча саат	11
Тошмали терлама	14	8	20

Шиллиқ қавати, тери ва шиллиқ қаватлардан ишланиб чиқсан химиявий моддалар, лизоцин микробларни нобуд қилиш хусусиятига эга. Лизоцин терида, буруннинг шиллиқ қаватида, сўлакда, кўз ёши безида, меъда, ичак ширасида, она сутида бўлади. Турли микроблар ва микроорганизмлар меъда ва ичак шираси таъсирида нобуд бўлади.

Касаллик қўзғатувчи микроблар теридаи ўтиб, тўқималарга кирса, шу ерда яллигланиш жараёнида мураккаб ҳимоя реакцияси вужудга келади ва микроблар нобуд бўлади ёки даво қилишимаса, яллигланиш жараёни авж олади.

Баъзи одамлар тугилганидан бошлаб унча-мунчага юқумли касаллик билан оғримайди, чунки организмга она қони ёки сутн билан биргә антителолар ўтган бўлади ёки касалликларга қарши эмлаш йўли билан сунъий иммунитет ҳосил қилинади. Бу усулда организмга кучсизланган ёки нобуд бўлган микроблар ёхуд уларнинг заҳари юборилганда, одам касалланмасдан, организмда бу касалликка нисбатан актив антителолар ҳосил бўлади. Бунга актив иммунитет деб айтилади. Организмга тайёр антитело сақловчи қон зардobi юборилганда организмда антитело ишланиб чиқмайди. Бунга пассив иммунитет дейилади. Актив иммунитетни ҳосил қилиш учун бир неча ҳафта кетади, пассив иммунитет бир неча соатдан сўнг намоёни бўлади.

Актив иммунитет организмга зардоб юборилганидан сўнг узоқ муддат сақланади, пассиви эса 2—3 ҳафта сақланади, холос. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда сил, чин чечак, бўғма, қизамиқ, қоқшол ва кўкйўталга қарши эмланади. Оммавий эмлаш даврида педагоглар ва тарбиячилар тиббий ходимларига яқиндан ёрдам беришлари керак. Эмлашнинг аҳамияти ҳақида ота-оналар ва болалар билан суҳбат ўтказиш зарур.

Мактабда юқумли касаллик тарқалишининг олдини олиш учун иложи борича бемории эрта аниқлаш, уларни тезда бошқалардан ажратиб қўйиш керак. Бирорта ўқувчида юқумли касаллик белгиларига шубҳа қилинса, тезда уни шифокорга кўрсатни лозим. Бола то дарддан фориғ бўлгунча уни дарсларга қўйилмайди. Мабодо, мактабда ичбурург (дизентерия) ёки бўғма (дифтерия) билан оғригац бола топилса, уни яқин бўлган барча болалар ва катталарни бактерия ташувчиликка текшириш шарт. Енгил касалланган болалар шифокор қўригидан ўтиб, соғлом деб ҳужжат берилгандан сўнг синфга қўйилади.

Юқумли касалликларнинг олдини олишнинг муҳим омилларида яна бир касаллик топилган болалар муассасаларида карантин эълон қилинадир. Муассаса ва касалланган боланинг уни дезинфекция қилинади. Дезинфекция механик тозалаш ёки физик омиллар (сув буғи, ультрабинафша нурлар) ёки химиявий воситалар (хлор эритмаси, лизол, суллема, формальдегид ва бошқалар) билан олиб борилади. Мактабда юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича мунтазам равишда иш олиб

борилниши керак. Бу ишда ўқитувчилар, маъмурият ва бошиқа ходимлар актив иштирок этиши керак.

Мактабда юқумли касалликларнинг олдини олиш учун хоналарни тўғри режалаштириш, улардан тўғри фойдаланиш, тез-тез шамоллатиб туриш, тез-тез супур-риб-сидириш, сифатли овқатланиш, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиши, чишиқини, тиббий хизматни яхши йўлга қўйиши ва бошқалар муҳим аҳамиятга эга. Болани мактабга қабул қилиншида унда юқумли касаллик бор ёки йўқлигини, оиласда юқумли касалликлар билан оғриган кишилар бор-йўқлигини аниқлаш зарур. Мактаб ўқитувчилари, бошқа хизматчилар ҳам тиббий кўрикдан ўтишлари керак. Ота-оналар билан санитария-маорифи ишларини олиб бориши юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим ҳисобланади.

**Скарлатина** юқумли касаллик бўлиб, бемор билан бевосита мулоқотда бўлганда ёки уни парвариш қилганда ишлатиладиган нарсалардан юқади. Касаллик ҳарорати 39—40° даражагача кўтарилиши, қусини ва бош оғриши билан бошланади. Касаллик бошланишида ёки бир кундан кейин терига майда тошма тошади. Тошма энгак, бурун қаноти, оғиз атрофидан ҳамма ерга тошади. Беморни 10 кун алоҳидалаб кўйилади, 12—14 кундан сўнг у соғая бошлайди. Скарлатина жуда ҳавфли касаллик, буйраклар яллиғланиши — нефрит, ўрта қулоқ яллиғланиши — отит ва шу каби асоратлар қолдириши мумкин. Касалланган болаларда турғун иммунитет қолади.

**Қизилча.** Бу касаллик қизамиққа ўхшайди. Касалликни вирус келтириб чиқаради. Янирин даври 10—23 кун. Скарлатинадаги тадбирлар қўлланганда бемор соғайнib кетади.

**Бўғма** (дифтерия). Бу касаллик билан барча ёшдаги болалар касалланади. Ҳаво-томчи, bemorning нарсалари ва bemorning ўзи орқали юқади. Касаллик 38—39° иситмалаш, бош оғриши, умумий беҳоллик билан бошланади. Бўғмт томоқ, бурун, ҳиқилдоқни заарлайди. Боланинг нафас олиши қийшилашади. Бу касалликнинг олдини олиш учун барча болалар кўкйўтал-бўғма таёқчаси вакцинаси билан эмланади.

**Кўкйўтал** ҳаво-томчи йўли билан юқади. Касаллик бошланганда жуда юқумли бўлади. Кўкйўтал билан аксарни 10 ёшгача бўлган болалар кўп оғрийди. Касаллик бурун оқиши, тумов, йўтал билан бошланади. Бемор қув-қув ўйталади. У броҳхит, бронхопневмония, ўрта қулоқ-

нинг яллигланиши, грипп каби асоратлар қолдиради. Соғлом болаларга 14 кун карантин белгиланади. Бемор 40 кунгача алоҳидалаб қўйилади. Бизда унга қарши актив иммунизация ўтказилади.

**Эпидемик паротит** (тепки) жуда ҳам юқумли касаллик бўлиб, мамлакатимизда кўпинча 5—15 ёшдаги болалар касалланади. Касаллик уйқу қочиши, ҳароратнинг бироз кўтарилиши, бош оғриши, оғизнинг қуриши билан бошланади. Қулоқ атрофидаги безлар шишади. Касаллик 8—10 кун давом этади. Лекин bemor 21—23 кунгача алоҳидалаб қўйилади.

**Сувчечак.** Бу касаллик енгил ўтади. Касаллик ҳарорат кўтарилиши, бош оғриши билан бошланади, сўнг терига пуфакчалар тошади.

**Полиомиелит.** Касалликни вируслар келтириб чиқаради. Яширип даври 2—35 кун. Кўпинча 2—4 ёшли болаларда учрайди. Тана ҳарорати 38—39° га кўтарилади, bemornинг боши оғрийди, қусади, сезгирилиги ортади. 3—5 кундан сўнг ҳарорат пасаяди, баъзан мускуллар фалажланади, 1958 йилда полиомиелитга қарши вакцина ишлаб чиқилган, у ҳозирги кунда ҳам кенг қўлланилади.

### ЎТКИР ОШҚОЗОН-ИЧАҚ КАСАЛЛИКЛАРИ

Бу касалликларга ичбуруғ (дизентерия), қорин тифи, паратиф киради.

Ичбуруғ (дизентерия) ўткир юқумли касаллик бўлиб, шиллиқ, қон аралаш ич тез-тез кетади. Бу касалликни келтириб чиқарувчи дизентерия таёқчаси тупроқда, сувда, сутда, сабзавот-меваларда ва бошқа маҳсулотларда бўлади. Микроб ташувчи асосан касалланган киши ҳисобланади. Дизентерия таёқчалари bemor ахлати, ифлос қўл, овқат маҳсулотлари, идиш-товоқлар ва бошқалар орқали соғлом одамга ўтади. Дизентерияси бор одам бошқалар учун жуда хавфли, чунки ундан атрофга дизентерия таёқчалари тарқалади.

Одам сувни қайнатмасдан ичганда, мева ва сабзавотларни ювмасдан еганда дизентерия юқиши мумкин. Дизентерия қўзғатувчиси оғиз бўшлиғи орқали меъдага, сўнгра ичакларга ўтиб, у ерда тезда кўпая бошлайди. Дизентерия таёқчалари ичак деворларида нобуд бўлади, кейин улардан заҳар ажралиб, қонга сўрилади, у қон орқали бутун организмга тарқалиб, айниқса йўғон ичакда яллигланиши келтириб чиқаради.

Дизентерия билан оғригап беморнинг күнгли айнайды, тана ҳарорати 39—40° даражагача күтарилади, силласи қурийди, бўшашади, иштаҳаси йўқолади, боши айланади, оғрийди. Бир неча соатдан сўнг тез-тез ичи кета бошлайди, қорни тутиб-тутиб бураб оғрийди. Даво қилинса, 3—5 кундан сўнг иситмаси тушади ва аҳволи анча яхшиланади.

Ичи тўхтаб, 2—3 ҳафтадан сўнг бемор соғая бошлайди. Дизентериядан сўнг организмнинг чидамлилиги сусайиб кетади. Бу касалликдан сўнг баъзан отит (ўрта қулоқ яллиғланиши), зотилжам, терининг йирингли касалликлари, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг зарарланиши, тўғри ичакнинг тушиши ва бошқа асоратлар пайдо бўлади.

Дизентерия олти ойдан ортиқ давом этса, хроник турга айланади. Бемор қанча эрта даволанса, шунча тез тузалади. Хроник дизентерия, меъда, жигар касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу касалликнинг олдини олишда мактабларда, мактаб-интернатларда болалар ичадиган сув сифатли бўлиши керак, хусусан овқат тайёрлашда ниҳоятда озодагарчиликка риоя қилиш шарт.

**Эпидемик гепатит (сариқ касаллиги).** Эпидемик гепатит жигарнинг зарарланиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик. Бу касаллик билан барча ёшдаги кишилар, кўпинча болалар касалланади. Касалликни фильтрланувчи вируслари беморнинг қонида, сийдиги, пажасида сақланади. Касаллик шу дарди бор бемордан, ифлосланган сув ёки овқат, беморнинг турли парсалари, ифлос қўй орқали соғлом одамга юқади. Унинг яширин даври 2—4 ҳафта, баъзан бундан ҳам ортиқ бўлади. Бунда беморнинг иштаҳаси жуда пасаяди, тилини караш боғлайди, оғзидан нохуш ҳид келади, баъзан ҳарорати кўтарилади, боши оғрийди, қусади, қорни оғрийди.

Касалликнинг сариқсиз даври 5—7 кунга чўзилади, сўнг кўз склераси, тери ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати сарғаяди, бадан қичишиади. Кун сайин сариқлик кўпая боради. Бадан сарғайиши билан ҳарорат бир оз тушади, беморнинг аҳволи анча яхшиланади. Бу касалликда жигар ва қора талоқ шишади. Бемор ўнг қовурғаси ости оғришидан шикоят қиласади. Сийдиги қизариб, пиво рангига киради, ахлати оқаради. Касалликнинг енгил ва оғир турлари фарқ қилинади. Баъзан бадан саргаймаслиги

ҳам мумкин. Қасалликиниг ҳар қандай турива ҳам беморни касалхонага ётқизиб яхшилаб даволаш зарур. Бола гепатит билан оғриган бўлса, бир йил мобайнида профилактик эмлаш мумкин эмас. Қасалдан тузалган бола бир йил мобайнида диспансер назоратида бўлиши ва шифокор буюрган парҳезни тутиши шарт.

Гепатит билан оғриган бемор бошқалардан алоҳидалаб қўйилади, кўрна-тўшаги, уй дезинфикусия қилинади. Қасаллик чиққан группада 40 кунгача карантин эълон қилинади. Шу давр ичидаги ўқувчилик шифокор назоратида бўлади.

**Ревматизм (бод).** Ревматизм сурукали юқумли қасаллик бўлиб, болаликдан бошланади, ёш катталашиши билан зўрайиб боради. 11—14 ёшда айниқса зўрайиб кетади. Ревматизми стрептококк таёқчалари қўзғатади. Стрептококклар томоқ-ҳалқумда, тиш ковакларида, бодомча безларда сақланади. Скарлатина, агиша билан оғригандан сўнг, кариес тишлар бўлганда, қулоқ сифири, даволанмаганда стрептококклар организм сезгирилигини ошириб юборади. Кейин микробли манбаларда бола қонига микроблар заҳари ўтади ва организм зарарлана бошлиайди.

Баъзан болаларда ревматизм аста-секии ривожланиб боради. Боланинг иштаҳаси пасаяди, боши оғрийди, тез чарчайди, бир оз ҳарорати кўтарилади. Ревматизм юракни тишлайди, бўғимларни ялади, деб бежиз айтилмаган, чунки бу қасаллиқда асосан юрак ва бўғимлар зарарланади. Шунингдек, нерв системаси ҳам дард тортади, бола жizzаки, интизомсиз, йиғлоқи бўлиб қолади, хатти-ҳаракати ўзгаради, нутқи аниқ бўлмайди, лапанглаб юради. Қасаллик зимдан аста ривожланиб боргани учун отоналар, педагоглар бола аҳволини яхши пайқамай қоладилар. Унинг камчиликларини кўрсатиб урушадилар, дакки берадилар, натижада боланинг аҳволи яна ҳам оғирлашади.

Ревматизмнинг ўткир даври ўтгаидан сўнг бола аҳволи бир оз яхшиланади, лекин рангпар бўлиб, боши, оёғи тез-тез оғришидан шикоят қиласади. Ревматизмда юрак зарарланади, шунинг учун бола кўпроқ ором олиши, асаби бузилмаслиги, озода юриши, вақт-вақти билан даволаниб туриши зарур.

Қичик мактаб ёшидаги ўқувчилик ўз ёшига яраша жисмоний машқлар ва меҳнат билан шуғулланиши керак, лекин ўрта, катта мактаб ёшидаги болалар ва ўс-

мирларга ўқиши зўр келмаслиги, дарсларни бир оз камайтириш, уларни оғир жисмоний машқлардан озод қилиш керак.

Ревматизмнинг олдини олиш учун болани ёшлигидан чиниқтириш, турли касалликлардан асраш, кун тартибини тўғри ташкил этиш зарур, у тўғри овқатланиши, дам олиши, тўйиб ухлаши керак ва ҳоказо. Ревматизм билан оғриган болалар тиббий ҳисобга олинади.

Ревматизмнинг олдини олиш учун ота-оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар бу касалликнинг келиб чиқиш сабабларини билишлари мухим роль ўйнайди. Бундан ташқари, тоңзиллит, шамолланган касалликлари билан оғриган, тинида кариеси бор болалар ва ўсмиirlарин согломлаштириши юзасидан доимо иш олиб бориш зарур. Ёшликтан болалар организмнин чиниқтириши ревматизмнинг олдини олишида жуда катта аҳамиятга эга.

### **БОЛАЛАР ВА ЎСМИRLАР МУАССАСАЛАРИДА ҮПКА СИЛИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

Үпка силини маҳсус микроблар келтириб чиқаради. Бу касаллик қашча эрта аниқланса, даволаш шунча самарали бўлади. Силга қарши курашувчи диспансерларда даволаш ва профилактика ишлари олиб борилади. Бемор болалар учун санаторийлар, мактаб интернатлари, ўрмонда мактаб санаторийлари ташкил этилган.

Ўқитувчилар, тарбиячилар болалардаги ўзгаришларни ёки бетоблик белгиларини сезишлари биланоқ уларни фтизиатрга кўрсатишлари керак. Болалар ва ўсмиirlарни БЦЖ билан профилактик эмлаш ва ревакцинация қилиши сил касаллигининг олдини олишда мухимdir. Болалар ва ўсмиirlар муассасаларида силга қарши курашишда кун тартибини тўғри ташкил этиш, болаларнинг соғ ҳавода кўп бўлиши, тўғри овқатланиши, организмни чиниқтириш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши катта аҳамиятга эга.

**Грипп (тумов).** Грипп юқори нафас йўлларининг яллигланиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик. Гриппни фильтрланувчи маҳсус вируслар келтириб чиқаради. Вируслар соғлом организмга тушгач, тез кўпая бошлайди. Ҳозирги вақтда грипп вирусининг А, В, С турлари учрайди. А вируснинг А, А<sub>1</sub>, А<sub>2</sub> турлари бор. Агар одам А тури билан оғриган бўлса, бундай вирусга нисбатан организмда 2—3 йилга иммуностет ҳосил бўлади. Бундай одам В типдаги вирус билан оғриши мумкин.

Грипп вируслари ташқи шароитда жуда чидамсиз. Тоза ҳаво ва қүёш нурлари таъсирида улар тезда нобуд бўлади. Щунинг учун грипп ҳавоси ифлос, нам, тор, кўп одам тўпланган жойларда тез юқади. У соглом одамнинг нафас йўлларига тушгач, касаллик белгилари 12—48 соат ичидаги намоён бўлади. Гриппда организм, биринчи навбатда перв системаси заарланади. Бемор йўталади, бурун шиллиқ қавати яллигланади, томоғи оғрийди, кўзи ёшланади, титраб-қақшайди, ҳарорати кўтарилади, боши оғриб, лоҳас бўлади. Баъзи bemorлар уйқучан, ланж, бошқалари бесаранжом, уйқусиз бўлиб қолади, қалтирайди. Баъзан грипп ҳарорат кўтарилемасдан ҳам бошланиши мумкин.

Грипп асоратсиз кечганда bemor 5—7 кунда соғая бошлайди. Хусусан, болаларда грипп жуда оғир кечади ва турли асоратлар қолдиради. Бу касалликдан кейин кўпинча зотилжам пайдо бўлади. Буидан ташқари, ўрта қулоқ яллигланиши, бронхит, ларингит каби асорат қолдиради.

Грипп касаллигининг белгилари сезилиши билан bemornи тезда алоҳидалаб ётқизиб қўйиш керак. Грипп тарқалган вақтда болалар муассасаларига бошқа одамларнинг кириши таъқиқланади. Вақтинча болалар ва ўсмирларни кинога, театрга, музейларга юбормаслик, турли мажлислар ва эрталабки йиғилишларни вақтинча тўхтатиб туриш лозим. Грипп эпидемияси даврида маҳсус зардоб қўлланилади.

Гриппга қарши курашда ҳаво тоза бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Ўйни тез-тез шамоллатиб туриш, чангни нам латта билан артиш гриппнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ**

- Гальперин С. И. Анатомия и физиология. М. «Просвещение», 1973.
- Касьянов В. М., Громова З. М. Лекции по возрастной физиологии и школьной гигиене. М., 1975.
- Латман изова Л. В. Лекции по физиологии нервной системы. М., 1968.
- Леонтьева Н. Н. Маринова К. Анатомия и физиология детского возраста. М., Просвещение, 1976.
- Маркосян А. А. Морфология и физиология детей и подростков. М., 1973.
- Маркосян А. А. Вопросы возрастной физиологии. М., «Просвещение», 1974.
- Сухомлинский В. Тарбия ҳақида. Тошкент, «Ўқитувчи», 1977.
- Хрипкова А. С. Антропова М. В. Возрастная физиология и школьная гигиена. Просвещение, М., 1990.
- Хрипкова А. С. Половое воспитание.
- Гофуров А. Т., Содиқов К. С. Мактаб билан оиласда гигиеник ва жинсий тарбия. Т., «Ўқитувчи», 1987.
- Шарипова Д. Д. Школьникам о здоровье. 1988.

## МУНДАРИЖА

✓ <u>Еш физиологиясининг предмети ва мазмуни . . . . .</u>	3
Мактаб гигиенасининг предмети ва аҳамияти . . . . .	3
Болалар ва ўсмирлар ўсиши ва ривожланишининг умумий конуниятлари . . . . .	6
Нерв системаси . . . . .	22
✓ <u>Марказий нерв системасининг хусусиятлари . . . . .</u>	27
Бош мия катта ярим шарлари . . . . .	38
✓ <u>Сезги органлари — анализаторлар . . . . .</u>	67
Ички секреция безларининг ёшга хос хусусиятлари . . . . .	102
Таянч-ҳаракатланиш аппаратининг ёшига хос хусусиятлари .	117
Мускул системаси . . . . .	124
Мускул ҳаракатларининг тезлиги ва чидамлилик хусусиятлари.	128
Овқат ҳазм қилиш органлари . . . . .	147
Қон ва қон айланыш . . . . .	171
Айриш органларининг ёшига хос хусусиятлари . . . . .	171

•УКИТУВЧИ.